

**ОРИФ ОДИЛХОНОВ**

**САЙЛАНМА**

**ШЕЪРЛАР, ДОСТОН**



# ОРИФ ОДИЛХОНОВ

САЙЛАНМА



*шеърлар, достон*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБЕАА КОШЦЕРИНИ  
БОНИ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ—1999

© «Шарқ» нафрийёт-матбаа концерни  
Бон тахририяти, 1999

## ТОҒЛАР КҮЙЧИСИ

Ҳаётда тасодифлар кўп. Шундай ҳошлардан бири яқинда рўй берди. Тошкентнинг шифо масканларидан бирида шоир Ориф Одилхонов билан учрашиб қолдик. Вақт бемалол. У билан ҳаёт, адабиёт ҳуқуқда узоқ-узоқ суҳбатлашдик.

Матбуот сандиқларига Ориф Одилхонов номи билан ёзилган шеърларга кўзим тушиб юрарди. Унинг номи билан чоп этилган китобларини ҳам варақлаганим бор. Ўзи билан учрашган пайтларимиз ҳам бўлган. Бирок бу галгидек яқиндан мулоқотда бўлган эмасдик.

Энди шоир ҳақида менинг тасаввурим анча кенгайди. Унинг хушчақчақ, хушфезл, хушмуомаля одам эканлигини англадим.

Билдимки, унинг ёшлик, йигитлик чоғлари енгил кечмаган.

— Уруш пайтларида мен тўрт-беш ёшлардаги бола эдим. Ҳаёт почор эди: тирикчилик оғир, озиқ-овқат ташвиқ, кийим-кечак кам, касалликлар кўнайган. Ота-онамнинг қийинчиликларга бардон бериб, кўп филокатларини бошларидан ўтказганлари ҳамон жимда, — дейди ўзининг болалиги ҳақида.

Ориф Одилхонов йигитлик чоғларини эланимча, касб танилашда қатъий бир фикрда туриб, қишлоқ хўжалиги соҳасида етук мутахассис бўлиш унинг орауеи эди. Шу мақсадда Тошкент Давлат қишлоқ хўжалиги институтига кириб ўқиган.

Шеърят унинг учун йўлдош касб сифатида пайдо бўлган. У ҳали болалик чоғлариданоқ ўзида шеърятга қизиқини борлигини ҳис қилган. Қоғизга тизилган бирор оҳангни эшитиб қолгудек бўлса, унда ажаиб туйғулар уйғонган. Бирок бу туйғулар тез орада юзага чиқабермаган. Ниҳоят, 1955 йилда шеърини машқларидан бирини республика газеталаридан бирига олиб боради. Бу шеър тез орада эътон қилинади. Нлк машқнинг бундай натижа бериши уни ҳайратларга солган, албатта. У қанот бовлаб ҳавода парвоз қилиб юрган қушдек ҳис қилган ўзини ўша пайт.

Шоирнинг биринчи машқи бастакор ва ҳофизларнинг эътиборини жалб қилди, ашула қилиб айтыладиган бўлди. Демак, янги қўшиқчи-шоир туғилди. Мана, қирқ йилдан ошянтгани, Ориф Одилхонов шу йўсинда қалам тебратяди.

Унинг 100 га яқин шеърлари қўшиқ сифатида машҳурдир. Шоир шеърларини йиғиб, бир неча бор китоб шаклида эътон қилган.

Ориф Одилхонов Наркент, Юқори Чирчиқ, Бўстонлик туманлари бирланган кезлари туманининг «Сўръят» газетаси қошида адабиёт тўғрғатини ташкил қилиб, шидан кейин бўш вақтларида унга бевосита раҳбарлик қилади (Наркент билан Янгибозор ораси яқин бўлганлиги сабабли тўғрғакка кўпроқ наркентлик ёшлар қатнашади).

Унинг бу хайрли иши бекорга кетмайди. Тўғрғак аъзоларидан Хайриддин Султонов, Шарифа Салимова, Маҳмуд Тошров каби иқтидорли ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқади. Ҳозирги кунда бу шоир, ёзувчиларнинг ҳам пазошлари кўнаиб бормоқда.

Шоир етминчинчи — етминч бешинчи йилларда чоп этилган «Баҳор атри», «Тоғда бир чашма», «Бодом гуллари», кейинчалик нашр қилинган «Умид юлдузлари», «Сўймаган севгим», «Қўшиқ кўйласам», «Тоғлар таронаси» каби қатор шеърини тўйлашларининг муаллифидир. Ҳатто у тарихчи сифатида ҳам қаламини синиб кўради. 1988 йилда «Наркент тарихи» номли китоб яратади.

Ориф Одилхонов шеърлари кўпроқ енгил услубда, тўғрғроғи, анъанавий йўсинда ёзилган. Унинг шеърлари мумтоз адабиёт ва озаки ижод намуналарига яқин туради. Мумтоз адабиёт намуналари сингари унинг шеър-

лари мусиқага тушаберди. Ўзининг эътирофига қараганда, шеърининг ўзиндан кўра унинг куйи олдидан туғилди. Шу билан у кўпроқ дутор чашиб, мазлум бир оҳангда шеър тўқинини ўзига одат қилган.

Ўсдубан Ориф Одилхонов табиат, шисон ва юксакликлар шоиридир. У шеър бағишлаган ҳар бир объект ёхуд воқеа ва ҳодисадан улдуворлик ва юксаклик пайлайди. Мана унинг шеърларидан бири:

*Орқулари боғлиқар қанот,  
Балиқ учган бургутни кўрсанг.  
Баҳринг очар ўзга бир ҳаёт,  
Ўўлини янги сўқмоққа бўрсанг.*

*Турфа гуллар ноз жилвасидан  
Дилбар қўшиқ туғилар, шисон.  
Ва қўшиқлар наъма-сасидан  
Дилинг куйга тўлар бетумон.*

*Қувонсан қучганидай эфирар,  
Бунга асло бўлмагил хайрон.  
Настаи қолар ташвиш-ғалвалар  
Сен юксакка шитилган ҳамон.*

Шоир ўзи таъсирланган адабий муҳити ҳақида гапирганда кўпроқ Рафур Ғулом, Шайхода, Миртешир ноҳларини тилга олади. У Рафур Ғуломнинг қуйидаги сўзларини ўзига йўлланма қилиб олган: «...Адабиёт шундай катта майдонки, бир қадим орқали қолсанг, бутулни қилиб кетсан». Ёхуд: «Шеърлат кўришиб турган нарсадек табиий, содда ва жозибадор бўлиши керак».

Мавзу жиҳатдан шоирнинг шеърлари хилма-хил: шиқ-муҳаббат, саюқат, одамийлик; табиат кўрки, гуллар чамани, булбуллар навоши ва ҳоказолар. Тоғлар, юксакликлар сазобати унинг барча шеърларида, бутун ижодида қизилган бўлиб ўтади. Буни тушуниш қийин эмас. У тоғ фарзанди.

Ўзбекистонимизда сўлим жойлар кўп. Бирок бир жой борки, уш халқимиз алоҳида эътиром билан тилга олади. Бу — тоғ тизмалари биринчи жойланган Сўқоқ қишлоғи. Ориф Одилхонов шу қишлоқда туғилган, ўсган, улғайган. Ҳозир ҳам шу қишлоқда туриб, фақат ижоди билан эмас, балки ташкилотчилик, меҳнату қобилияти билан эл хизматида. Унинг тоғу тошларга, жўшқин булоқларга, қушлар навошига, юксакликларга муҳаббати шу сўлим қишлоқ муҳити билан боғлиқдир.

Унинг қарийб ҳар бир шеърда тоғ манзараси намоён бўлади. Уларни ўқиб тоғнинг зилол булоқлари, шўх жилвалари, кўм-кўк майсалар, дола ва қизилдоқлардан гилым бўлиб тўшалган аширларни кўргандек бўламиз.

Ориф Одилхоновнинг ўзига хос ҳаёт фалсафаси бор.

— Бу фалсафа отамдан ўтган, — дейди у, — «Одамларга доим яхшилик қил, яхшилик кўрсан» деган отам. Шу билан мен ҳаётимни одамларга бағишладим — ижодимни ҳам, касби-коримни ҳам.

Бугун Ориф Одилхонов етуклик ёшида. Фақат табиат юксакликларига эмас, балки шисоний юксакликларга муҳаббат қўйган шоирнинг ҳаёти бамисоли тоғ чамаси. Унинг мавжид сўнмас ва тугинмасдир.

**Матёқуб ҚЎШИҚОНОВ,**  
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси.**

# БИР ҚҰШИҚ БҰЛИБ





## БУЛБУЛЛАР

Булбулларнинг дилбар нараси\*  
Ва булоқлар куйини олиб,  
Буёдойзорлар майин нарасин  
Куйлагум мен қўшиққа солиб.

Бу қўшиқда бўлар мужассам  
Камалакдай ранглар жилоси,  
Ноп ва бешик шарофати ҳам  
Товларимнинг акси-садоси.

1968

## КУЙЛАЙВЕРАР

Ўрмонни қўй, тоғларга йўл ол,  
Илҳом берар чашма, булоқлар.  
Атроф гўзал, бирнас қулоқ сол,  
Куйлаб оқар сойлар, ирмоқлар.

Ер қуёшни айланса минг бор,  
Ўтса минг йил, тонмайин завод,  
Куйлайверар тоғлар шиддаткор,  
Ўтли қуйчи — бир шоир мисол.

1985

---

\* Санавлар сақланган ҳолда, муаллиф ихтиёрича, шеърлар мазмунга қўра тартибланган. Ўзбекистондан ташқарида ёзилганларига эса жой номлари ҳам ягона этилган. — *Мухаррир.*



## МЕН ҚАЙТА УНИБ ЧИҚГУМ

Кўнларим — чўнг умримнинг  
Запҳори япроқлари —  
Тўкилиб бормоқдадир  
Ой, йиллар ўтган сари.

Тўкилиб қолган азиз  
Япроқлар хавфли эмас,  
Томирим ер қатъидан  
Узлиб кетмаса, бас.

Мен қайта униб чиқгум  
Ҳисларим қирғоғида,  
Куй бўлиб қалбим учар  
Мангулик япроғида.

1987

## АТРОФДА

Атрофда ранглариинг жилваси маъсум,  
Учаман гўё туш, эртак сингари.  
Ҳўламам қайтмоқни орқага бир зум,  
Тубанда қолсин ул валвалар бари.

Манзилим кўринмас олисларда ҳам,  
На саҳро, на чаман учрар йўлимда.  
Хўмрайиб боқмайди бирорта одам,  
Нардекман, ҳеч нарса йўқдир қўлимда.

Ўксинмай, подимай учаман енгил,  
Мен қанот айлабон бу кун эркимши.  
Баҳордай очилиб яйрайди кўнгил,  
Кимларни эркалаб, улуғлай кимни?

Атрофда ранглариинг жилваси маъсум...

1986

## ҚАЙТИШ

Туни билан тўландим бедор,  
Қочди кўздан узоқлаб уйғу.  
Хаёлимни аёдарар такрор  
Олисларда қолган бир туйғу.

Қайтар эдим ёшликка учиб,  
Севги... йўлим яқинроқ этди.  
Фикрларим жангидан чўчиб  
Қалдирғочлар уйғониб кетди.

1984

## ОРОМНИ СИЙЛАМАС ҲАЁТ

Оромбахш эсади ўйноқи елар,  
Бугедай бошоқлари чайқалар нафис.  
Оқар дасалардан ёқимли бир ис,  
Ойдан ҳам кумуш ранг шўъла тўкилар,  
Сўзунат қўнигин куйлагинг келар.

Сомон йўли каби чувалар хаёл,  
Қайдадир денгизлар шовуллар бетин.  
Ором кирар бўрон қўйнига секин,  
Сезаман ўзимни бир гўдак мисол:  
Енгандай кўринар ҳижронни висол.

Учади кимнингдир юлдузи шу чоқ,  
Навқирон юлдузлар милтиллаб қолур.  
Койнот қўйнида замин тўлғонур,  
Йўқ, ҳаёт оромни хушламас мутлоқ.  
Юлдузлар инсоннинг йўлига мунтоқ.

1984

## БОЛА ЭДИМ...

Бола эдим... Бир кун эрталаб  
Бог кезардим, гуллаган бодом.  
Дилбар куйдек дилни эркалаб,  
Кукуларди кумри дам-бадам.

Бирдан чўкиб сукунат, мағрур  
Пайдо бўлди бог аро бир қиз.  
Юзларидан ёвиларди нур,  
Мулоқотда, камолда тенгсиз.

Кўйлагини бонда рўмоли  
Мисли бодом гулидек ошноқ.  
Сочлари ҳам инак мисоли  
Силкинарди, дол эдим муллоқ.

Ёндирди-ю қалбим гўнасин,  
Ёйиб бўлди у яна шу он.  
Ўша қизу кумри поласин  
Ахтараман боғлардан ҳамон.

\* \* \*

Эшикни қоққандай кимдир, шу замон  
Тураман сесканиб, ўтар не хаёл.  
Ҳаммасиёқ осойини, юлдузди осмон,  
Тераклар баргида нивирлар шамол.

Ўзимга тасалли бераман яна,  
Алдамчи ҳисларга қиламан тоқат.  
Тарк этар вужудим қўрқув, ваҳима,  
Тинчимас безовта юрагим фақат.

1985

## АГАР...

Қузак намалида соврилган хазон,  
Қайтадан учгудек шохга, бутоққа.  
Аслига қайтаркан, бўлмагин ҳайрон,  
Дарёлар бўлинар яна ирмоққа.

Юлдузларни сочиб юборар осмон,  
Денгизлар ёмғирдай сингар бўшлиққа.  
Туңроқдан яралган экан бу инсон,  
Лаҳзада айланар қора туңроққа.

Агар вақт тескари айланиб қолса...

*1984*

## БАҲОР ЁМҒИРИ

Қилич солди булутга чақмоқ,  
Ёмғир ёвди бирдан шовуллаб,  
Ва гулдираб момақалдироқ  
Чона кетди самовот бўйлаб.

Нур ва соя қувланган бир дам,  
Чўққига бон қўйди камалак.  
Маржон тақиб майсалар хуррам,  
Яшнаб кетди қирда гул-чечак.

Теракзорлар орғида гулхан,  
Кенг уфқнинг этаги ёвди.  
Юрагимнинг тубида қотган  
Ҳислар бўрон бўлиб уйғонди.

Ёмғир ёвди бирдан шовуллаб.

*1985*

## О.ТИН ДИЁР

Осмоида тўзғиган қушлар галаси  
Чуғурлаб учаркан безовта, бетин,  
Оҳиста сусайиб тупроқ нафаси,  
Диёрим бағрига тун чўкар секин.

Ишданми қайтмоқда ҳорғин одамлар,  
Заиф ой нурида итлар ув торғар.  
Умидсиз ялтирар алданган кўзлар,  
Негадир ҳаётга саволим орғар.

Илонлар судралиб айтади алла,  
Гўдаклар ухлар қўл чўзиб самога.  
Рўбарў этибди бизни замона  
Ошкоралик дея ёлғон имлога.

Ўлганга ўқ отиб тилкалар биров,  
Марсия ўқишар тирикка сўзсиз.  
Дарахтлар йиғласа, эзилар тошлар,  
Баъзи инсонлар-чи, сўзлайди ҳиссиз.

Тескари ошиқиб дарёлар тошмиш,  
Денгизлар тўкилиб адо бўлмоқда.  
Кўрганлар бор экан, ёлғон эмасмиш,  
Дод солмиш балиқлар чиқиб қирғоққа.

Қасрлар ясаниб жимжима сўздан,  
Ошқора ганлардан ҳеч ким толмади.  
Ёрдам қўлин чўзиб олис юлдуздан,  
«Тиконча» қирмаган уй ҳам қолмади.

Йишлар эрк, қон йишлар озодлик руҳи,  
Ҳар кимса оғзида адолат фақат.  
Меҳр энди ўлаётир итлар қўлида,  
Акаси укасин бўғар бешафқат.

Душмандир ҳар инсон ўзи-ўзига,  
Ўз ёғига ўзи қоврилар юрак.  
Оламга сифмайман, фикрим чувалар,  
Бетартиб «озодлик» кимга ҳам керак.

Юртимни ўйласам, дардим зиёда,  
Роҳатин кўчага отган юртимни.

Боласин ишлатиб даншту саҳрода,  
Қўзида аламлар қотган юртимни.

Орият эгаси булок халқим бор,  
Андиша, помус деб тилини тийган.  
Энига гоҳ бутун чонон битмайин,  
Меҳнату заҳматни тож қилиб кийган.

Ўйласам, ўт бўлиб ёнаман баъзан,  
Не гуноҳ учун сен чекасан азоб?  
Тарихингга суртиб қора бўёқни,  
Дедилар, шу рангда яралган офтоб.

Балки пок, беозор бўлганинг учун  
Эрмакка найзасин санчар душманлар.  
Юзга ниқоб тортиб, жон дўстинг бўлиб,  
Жисмингни келида янчар душманлар.

Фарғона фарёди оламни тутди,  
Мотам тўнин кийди ҳатто Қўқоним.  
Ўртага адоват урувин сочиб,  
Оқибат, Паркентда оқизди қоним.

Нолада худога қилиб илтижо,  
Очкўз аждарларга сўрайсан инсоф.  
Ё ҳақ-ҳуқуқингни сен талаб қилсанг,  
Бўлурми қандайдир қонунга хилоф?

Тунрўнинг олтиндан иборат экан,  
Ёлинар кўплари, оғоҳ бўл, халқим.  
Биров алла айтса ухлаб қолмагин,  
Ё чўкиб ётмагил тоғлар каби жим.

1990

## ВАТАНИМ ЎЗБЕКИСТОН

Ватаним истиқлол арафасида,  
Бир ширин орзу-ла ёнмоқда юрак!  
Ёнгиллик сезаман эл нафасида,  
Топиларим олтинга айланар бешак.

Ҳақоратни сунуриб жади еллар,  
Татқиқлар кетмоқда учиб осмонга.  
Қувончдан кўзимга илиқ ёш келар,  
Меҳрин тўқар яна инсон инсонга.

Парвоз қил юксакка, Темур, Алпомиш,  
Навойи, Бобурлар руҳи бўлсин ёр.  
Мард элим, бошиндан ёвилсин оқшин,  
Олдинда бахтиёр, ёрут қушлар бор.

Ўзингда беқиёс бойлигинг қолиб,  
Ғанимлар бағрини ханжардай тилсин.  
Қаддингни кўтаргил доврўқлар солиб,  
Кимлигинг яна бир бу олам билсин!

1991

## МУҲАББАТГА ИЛТИЖО

Ҳаволашиб кетма, муҳаббат,  
Қурмаганлар кўкка тахтингни!  
Ҳамроҳ бўлур сенга садоқат,  
Йўлга тушсанг излаб бахтингни.

Яқин келма сийму зарга ҳам,  
У бир ёниб ўчгувчи чироқ.  
Ўз ҳузурин ўйлаган одам  
Ишқу отан йўлидан йироқ.

Узоқроқ бўл безавқ бахиддан,  
Ёловчининг ёнидан ўтма.  
Қочмоқ бўлсанг қўрқоқ, жоҳиддан,  
Сенга вафо қанот, унутма.

Олисларга, майли, парвоз қил  
Етишай деб эзгу тилакка.  
Фақат қўнгил оҳиста, енгил,  
Умид ўти ёнган юракка.

## УНУТГАНИМ ЙЎҚ

Ҳали сени унутганим йўқ,  
Хаёлимда янайсан ҳамон.  
Кўзал эдинг, ноъли қарашинг  
Ўзгармабди заррача, инон.

Шўхликларинг беҳуда, бекор,  
Нечуи керак эрмаклаб янаш.  
Энди бағрим иситмас ҳеч ҳам  
Кўзларингда музлаган оташ.

Ҳали сени унутганим йўқ...

*1969*

## У...

Унга яхши, ёмонлик тенгдир,  
Опасига бегона бир зот.  
Билмас нима азобу ҳузур,  
Қизиқтирмас бу олам, ҳайт.

Меҳнат қилиб чарчаб-толмас ҳеч,  
Англай олмас — нимадир қайғу.  
Алаmidан йиғлай олмас ҳеч,  
Ва шодликдан кула олмас у.

Эмас унга умри ҳам азиз,  
Эртасини тасаввур қилмас.  
Ўтмишини сўраманг ҳаргиз,  
У ўзининг кимлигин билмас.

*1992*



\* \* \*

Учрашиб турардик...  
Шунда ногаҳон  
Юзларинг ловуллаб ёниб кетарди.  
Вужудинг босарди ўтли ҳаяжон,  
Кўзларинг севинча тўлиб кетарди.

Шарқираб оқарди пойимизда сой,  
Оларди наноҳга келса мажнунтол.  
Йилмайиб боқарди кўнда тўлиб ой,  
Бахтиёр эдик биз, эй соҳибжамол.

Юлдузлар термулиб ҳавас қиларди,  
Тераклар шивирлаб тебратарди бош.  
Бизнинг сиримизни еллар биларди,  
Биларди қадимий, совуқ харсанг тош.

Йиллар ўтди...  
Мана,  
Ўша мажнунтол,  
Сой эса ўшандай шарқираб оқар.  
Қандайдир ўртага тушган совуқ ҳол,  
Ва ўтли ҳижронинг бағримни ёқар!

1976

## ЮЗИ ГУЛДЕК ЁНИБ ТУРГАН ҚИЗ

Кўкка боқсам туллари бедор,  
Юлдуз учса нурдан солиб из,  
Эста келар кўзлари хумор,  
Юзи гулдек ёниб турган қиз.

Ширин ҳислар қайнар дилимда,  
Чамакларни кезганда ёлғиз,  
Жилмайгандек бўлар ёнимда  
Юзи гулдек ёниб турган қиз.

Ўнгу сўлга қарайман аста,  
У мени тарк этмайди ҳаргиз.  
Ғамгин бўлсам, боқар дилхаста  
Юзи гулдек ёниб турган қиз.

Рўёмисан ва ёки хаёл,  
Майли, чўкай қаршинида мен тиз,  
Айт, қайдасан, эй соҳибжамол,  
Юзи гулдек ёниб турган қиз.

1974

## У КУНЛАР

Ғамгин қўшиқларни  
Куйлама, санам,  
Эздиб тингланга йўқ менда тоқат.  
Ёдимга тушибон у кунлар бу дам,  
Ва яна чувалаб кетмасин ҳасрат.

Ҳисларим бўлоқдай  
Тонарди тинмай.  
Висолнинг шавқидан эдим бахтиёр,  
Кимдир кўзларимга тутди муғли най,  
Ўртага армондай беда совуқ қор.

У кунлар билмасдим  
Қайғу-ғам нима,  
Норларди бағримда сирли бир офтоб.  
Энди у кунлардан қолди биргина  
Ҳижрон деб аталган  
Ўтли изтироб.

Ғамгин қўшиқларни куйлама, санам...

## СУРОНЛИ ЙИЛЛАР

Гўдак эдим, суронли йиллар,  
Хис этардим урушни мен ҳам.  
Юрак ўйнаб, вужудим титрар,  
Бевақт йиғи, фарёд эшитсам.

О, одамлар, кўрай умрбод  
Чехрангизда ёруғ табассум.  
Бўлаверсин Она ер обод,  
Соврилмасин туңроғи бир зум.

Яшнайверсин покиза туйғу,  
Қуламасин тоғлардан бир тош.  
Юракларни эзмасин қайғу,  
Гул юзларни ювмасин кўз ёш.

*1960*

## ИШҚ МОТАМИ

Сени ёниб севдим, эй дилрабо қиз,  
Шайнингга қўшиқлар тўқидим ёниб.  
Ёшлигим ўтди-ку сени деб ёлғиз,  
Қатто сўзлашмадим меҳрингга қошиб!

Ғанимлар сўзига инониб, кетиб,  
Энди бегонасан, мунисим, эркам.  
Ёшлик ғурурини намойиш этиб,  
Мен каби армонда қолибсан сен ҳам.

Эшитдим, аламдан бўлиб дилхаста,  
Боғларда париншон юрар эминсан.  
Бахтиёр кунларинг, ёшлигинг аста  
Сарғайган барглардан сўрар эминсан!

Ҳа, ишқ мотамига йўқ ўзга чора...

*1983*

*Ўилларим Содиқжон ва Собиржонга*

Салом бермас ҳеч қачон  
Иқбол келиб қошинга.  
Ғафлат енгса ногаҳон,  
Кулфат қўнғай бошинга.

Фурсат кетса қўлдан, бил,  
Кўн пушаймон этасан.  
Жон койитсанг астойдил,  
Ниятингга этасан.

Ёдингда тут бу сўзини:  
Мард тонда гул ундирар.  
Бахт қушин ҳам бошинга  
Ҳалол меҳнат қўндирар.

1971

**ВАҚТ ШАМОЛИ**

Вақт шамоли тинмай югурар,  
Топмас ундан ҳеч нарса омон.  
Ҳатто харсанг тошлар қум бўлар,  
Ўзгаради замини замон.

Ёшлигингни олиб қочаркан,  
Қарилikka қўяр кўндириб.  
Ҳар баҳорда гуллар очаркан,  
Кузга етмай кетар сўлдириб.

У бировга шодлик бахш этиб,  
Ва бировга солар кулфат, ғам.  
Қувма дерлар, бўлмайди этиб,  
Орқасига қайтмас сира ҳам.

Майли, сурчин ҳозирча даврон,  
Пайти келиб қолади бир кун:  
Ушлаб уни қуфратли инсон,  
Ўз измига солади бир кун.

1980

## ЎЗИНГНИ КЎРАСАН

Нозларинг етар, бас,  
Кўзларимга боқ.  
Ўйинга тушмоқда сувратинг унда.  
Ойнага боққандай қарасанг ҳар чоқ,  
Ўзингни кўрасан кундуз ё тунда.

Баҳслангур дилимда севиш ва алам,  
Хаёлим кўкида бир ўзинг қолдинг.  
Ҳазрати Навоий айтгандай, сапам,  
Кўзларим ичига  
Жойлашиб олдинг.

Мен қайга тикилсам сени кўраман.

1979

## АФРОСИЁБ

Афросиёбни кезаман огоҳ,  
Қалбимда ўтган кунлар титрови.  
Бешафқат ёвлар тивидан, э воҳ,  
Мангута ўчмин шаҳар чирови.

Хаёлан кезаман бозовта, бстип  
Туяроқ остида қолган шаҳарни.  
Не балюларни кўрмади замон —  
Яратиб қўйиб бағрида зарни.

Тошларда қотган тирқираган ёш,  
Ҳамон жаранглар шамширлар, тиллар.  
Сўзласа туяроқ, тилга кирса тош,  
Беролмай бардон бу олам йиллар.

Афросиёбни кезаман огоҳ...

1975

## ЮРТИМСАН

Менинг, Сўқоқ, меҳр-жоним,  
Гўзал дурдона юртимсан.  
Бағри гулшан, муаттар бов,  
Ажаб афсона юртимсан.  
Бошинг узра қуёш доим  
Кезар нарвона, юртимсан.  
Меҳнатсевар йигит-қизлар  
Билан мардона юртимсан.

Болам дебон силаб бошим,  
Она меҳрингга қондирдинг.  
Қамоли бахт тилаб менга,  
Учай десам қанот бердинг.  
Қўриб нурга ошиқлигим  
Машраб мисоли ёндирдинг.  
Ғаму ташвиш, қувончимга  
Шерик дилхона юртимсан.

Кечар умрим латофатли  
Бодомзор бовларинг куйлаб,  
Баҳор қайтмас бўлиб келган  
Чаман, ўтлоқларинг куйлаб,  
Ошар завқим, биллур чанма,  
Даво булоқларинг куйлаб,  
Қўлимга тор бериб қўйган  
Меҳрибон она юртимсан.

Сени кўрган киши, албат,  
Ҳаминна ифтихор айлар.  
Ҳар баҳорда ёзиб алвон  
Лосалар, интизор айлар.  
Айланиб ким сафар қилса,  
Қўнглини беғубор айлар.  
Таърифи ҳар томон кетган,  
Ёруғ нешона юртимсан.

Бу меҳнаткан азият халқим  
Чиройи бор чиройингда,  
Юзин чайгай боқиб ҳар тун  
Ою юлдузлар сойингда.  
Орифо, куйламай мадҳинг,  
Нестай, мен ҳам фидойинг-да,  
Тушрови зар, бов-бўстон,  
Гулу гулхона юртимсан.

1980

## КАЙФИЯТ

Оёвим судралиб юраман аранг,  
Серрайиб туринар ғамгин дарахтлар.  
Хувиллаб қолган бу бөлларда, қаранг,  
Ўлган хотиралар чўзилиб ётар.

Айланиб сўқмоқда ел ўйнар хазон,  
Негадир кўнглим вап, сиқилар нафас.  
Рўпарамга ўтиб кулар ногаҳон  
Ортимдан эрганиб юрган қора сас.

*1990*

## ОСМОН УСТУНИ

Вақт тувилмаган,  
Ўлмас ҳеч қачон,  
Беҳуда шошамиз хаёлга ботиб.  
Вақтинг ўтаяпти деган ган ёлгон,  
У осмон устуни,  
Турибди қотиб.

Унинг атрофида айланар замон,  
Одим отиб шаҳдам қадамлар билан.  
Ёнимдан бирма-бир,  
Бамисли карвон  
Асрлар ўтмоқда одамлар билан  
Булутлар оралаб  
Бўшлиқлар сари...

*1970*

## ҲЕЧ КИМГА

Ҳеч кимга у сени  
Ишонмас эди,  
Чақларди рашиқдан бағрида чақмоқ.  
Жонин ўз ёнида қовуриб еди,  
Энди дийдорига  
Муштоқсан, муштоқ.

У кетди...  
Қайтмайди ҳеч қачон, санам,  
Қалдироқ ўрнида янграб мунгли пай.  
Отанин ишқ ила  
Шубҳаларни ҳам  
Ўзи билан олиб кетди бутунлай.

Ҳеч кимга у сени  
Ишонмас эди.

*1987*

## АРМОН

Йиллар чўнг умримга урмоқда пичоқ,  
Нураб бормоқдаман қоя сингари.  
Сочларим оқарди қор каби, бироқ,  
Жамолнинг кўзимдан кетмайди нари.

Сен гўзал, тоғдаги доғлар мисол,  
Ишқинг отанидан ёнаман ҳамон.  
Муҳаббат кимга бахт,  
Кимларга завол,  
Мен учун ҳаминша ширин бир армон.

*1979*



## ХАРИТА

Гулбўлар ҳам хазон кийдилар қатор,  
Далалар қорайиб ҳасратга чўмди.  
Ақдига тўзини кийган пахтакор  
Дардларин ўзининг бағрига кўмди.

Куйдилар оловда, есида оқдилар,  
Маломат қилинди яхши, ёмон ҳам.  
Не гўзал аёллар ўзин ёқдилар:  
Ноҳақлик гирдоби топмади барҳам.

Туңлари инграиб тил берган елга  
Овозлар аждодим нолон баҳсидур.  
Офтобда қовжираб шилинган елга  
Ўзбеклар юртининг харитасидир.

1989

## ҚАЙТМАДИ...

Бахтим қуши учди қўлимдан,  
Юраккинам хувиллаб қолди.  
Кўз олдимни босди-ю туман,  
Уни ўйлаб тинчим йўқолди.

Дунё кездим бир кўришга зор,  
Ном-нишонин ҳеч ким айтмади.  
У қуш севги экан бетакрор,  
Учиб кетди, аммо қайтмади.

1973

## ҚИШ

*Дўстим Алишер Мирзаевга*

Қор ёғар жадаллаб иви тивиздай,  
Дала, қир... ҳаммаёқ кийган оқ либос.  
Дов-дарахт бои эгминин хаёлчан қиздай,  
Пахта хирмонига қилгудек қиёс,  
Дала, қир... ҳаммаёқ кийган оқ либос.

Атрофга боқаман енгил ва хушхол,  
Чанасин тортинлар болалар қувноқ.  
Йўл очар ҳовлида барваста бир чол —  
Қиш ҳам гулбахордек кўркам, хушчақчақ.  
Чанасин тортинлар болалар қувноқ.

1974

## ИНСОН ҚАЛБИ

Баъзи бир зўр, тоғларни без  
Чўқтирмоқни ўйлаганлар бор.  
Тоғлар каби буюк ва азиз  
Инсон қалби чўкмасин зинҳор.

У йиқилса қулайди замин,  
Қора тўрттар юзига осмон.  
Қўён музлаб, парчаланар ой,  
Юлдузлар ҳам тўкилар шу он.

Тоғлар чўкса, майли-ку, аммо  
Инсон қалби чўкмасин зинҳор.

1975

## ИСЁНҚОР ҒАЗАЛ

Муҳаббат бу —  
Даззатли қайғу,  
Дилларга тив ва ширин армон.  
Маст этади ошнинг мангу  
Меҳмон эмас, шафқатсиз мезбон.

Ўт дейинган,  
Ёинки қуёш,  
Қон тўкишган боболар азал.  
У мен учун ҳаминна — бардон,  
Нафисе бир куй, исёнкор ғазал.

1983

## АТЛАС КҮЙЛАГИНИГ

Атлас кўйлагиниг жилосига кўчган эди  
Тоғларим бағрида юз очган чечаклар чиройи.  
Сабза ранг нимча —  
Кўз илғамас ўтлоқлардан олгандай нуха.  
Бошинида ҳарир рўмои —  
Чўққилар қоридан кўчган бир нарча.  
Юзлариниг  
Доста гулханидан ранг олган гўё.  
Кўзлариниг  
Тунлари  
Ёнган юдузлариниг соҳрига сирдон.  
Қулгиниг  
Тоғдан учган шалола завқига ошно.  
Тоғ кезардик,  
Гулбаҳор эди.  
Кўнглиларда на армон,  
На ғубор эди.  
Иккимизга аталган гулбаҳор эди...  
Яна тунди тоғларга йўлим,  
Бугун нариб боқар унинг чиройи.  
Тоғлар ўксигандай,  
Менинг кўнглимдай.

1974

## У ЙИЛЛАРГА ҚАЙТТУМ

Ёришарди кўнглим, сен келсанг,  
Ёвилгандай қуён зарлари.  
Ёшликдаги ўшал қиёфанг  
Кўз ўнгимдан кетмайди нари.

Меҳмон эди ой — ойдин тунлар,  
Қувнаб-қувнаб кутардик, эркам.  
Сувдек оқиб ўтди у кунлар,  
Дилга қўнмай вақлик ва алам.

Ёшлигимиз қолмиш узоқда  
Токлардаги жўшқин сойсимон.  
Сен ёдимга тунганинг чоқда  
У йилларга қайттум бегумон.

Сенинг ўша севгинг туфайли.

1984

## КОШКИ...

Ярим тун.  
Нам ҳаво, ҳансирар осмон,  
Дарахтлар тўлганиб,  
Итгайди шамол.  
Тинларин кўрсатиб чақнайди чақмоқ,  
Чечаклар титрашиб сақлашар сукут.  
Ёритиб гулбоқлар бағрини бир зум,  
Ва ғойиб бўлар у аллақайларга...

Ҳасратин тўқад  
Пахмоқ булутлар  
Шивирлаб меҳрибон Она еримга.  
Тонг отса,  
Порлагай кўкнинг кўз ёни  
Яна ўрикларнинг ошноқ гулида.

Сен келсанг, юрагим мен ҳам бўшатсам,  
Кошки, бу баҳордай  
Яншаса дилим.

## ЮКСАККА

Орзуларга боғланар қанот,  
Баланд учган бургутни кўрсанг.  
Баҳринг очар ўзга бир ҳаёт,  
Йўлни янги сўқмоққа бурсанг.

Турфа гуллар поз-жилвасидан  
Дилбар қўшиқ тувилар, инон.  
Ва қўшиқнинг нағма-сасидан  
Дилинг куйга тўлар бегумон.

Қувонасан кучгандай зафар,  
Бунга асло бўлмагин ҳайрон.  
Настда қолар танвини-валвалар  
Сен юксакка интилган ҳамон.

1978

## МАНЗАРА

Булут куйди ловуллаб  
Тубсиз осмон тагида,  
Ёрқин куёш чўғ бўлди  
Уфқнинг эттигида.

Теракларнинг учига  
Осилиб ўйнайди нур.  
Ҳатто селлар қаноти  
Қизғин рангда кўринур.

Дилим равшан эттали  
Кирсам аста чаманга,  
Олди оҳим ўтидан  
Гул-чечаклар аланга.

Гулузорим келмади,  
Шомда ул боғ кезарди.  
Хаёлимни сезгандай  
Кўк майсалар қизарди.

1974

## ЭРТАКНАМО

Шовуллайди терак барглари  
Тишим билмай тун бўйи бирдам.  
Ой тўлибди — кўкнинг дилбари,  
Эртакнамо кўринар олам.

Шовуллайди терак барглари,  
Гул-чечаклар бўйида шабнам.  
Ойсиз кулар тонг юлдузлари,  
Эртакнамо кўринар олам.

Шовуллайди терак барглари...

*1984*

## ЗУЛМАТНИ ЁРИБ

Бир ващлик бостириб келади батзан,  
Юракдан,  
                                  хаёлим ўраб туманга.  
Бетоқат бўламан,  
                                  ўйлаб қоламан,  
Гўё ўт тутаниб ёнади танга.

Унда ғам-аламлар рутубати бор,  
Титрайман, вужудим қотиб қолади.  
Кўзимга кўринар на гул, на баҳор,  
Кўёшим зулматга ботиб қолади.

Ҳорғинлик сезаман  
                                  руҳимда шу он,  
Кўз олдимни босар аста қоронғу.  
Биламан, зулматни<sup>а</sup>  
Ёриб ногаҳон,  
Янги тонг тувилди,  
Ёвилар беду.

Бир ващлик бостириб келади батзан...

*1985*

## СИЗ ЎЗГА ОДАМСИЗ

Кўринмай, олисдан дўст бўлганлар бор,  
Биз яқин турмак ҳам орамиз йироқ.  
Мас тушмас хулқимиз, фикримиз зинҳор,  
Сиз ўзга одамсиз, мен ўзга мутлоқ.

Мен учун ҳаминша азиз, муқаддас  
Боболар тер тўккан шу қадим тулроқ.  
Фарқи йўқ, барибир сизга баланд, наст,  
Сиз ўзга одамсиз, мен ўзга мутлоқ.

Қўшиқлар ёзаман юракдан жўшиб,  
Мақсадим — у билан узоққа учмоқ.  
Сўзлайсиз роғатга ҳам ёлвонни қўшиб,  
Сиз ўзга одамсиз, мен ўзга мутлоқ.

Гулбаҳор кўкидай кўксим беғубор,  
Дил уйим доимо дўстларга муштоқ.  
Ҳасадда ёнасиз туллари бедор,  
Айбингиз йўқ сира — аслингиз шундоқ.

Сиз ўзга одамсиз, мен ўзга мутлоқ.

1975

## МЕН ЮРСАМ

Мен юрсам оҳиста тоғларни кезиб,  
Тоғлар ҳам жонланиб, булоқлар тошар.  
Нур ўйнар ирмоқлар ойни оқизиб,  
Бургутли чўққилар эртак сўйлашар.

Мен юрсам оҳиста боғларни кезиб,  
Сенинг гул оразинг бўлур намоён.  
Кўзимга ёш келур юракдан сизиб,  
Чайқалар таниш тол маънос, париншон.

Ёшлигим ўтган йўл ҳувиллаб ётар...

1975

\* \* \*

Сукунат кўйнига  
Ўзимни отдим,  
Бирдан гумбурлади  
Момақалдироқ.

Тош қотган тоғларни  
Куйлаб уйротдим,  
Кўз ёнiday отилиб  
Чақди минг булоқ.

Муҳаббат ўтида  
Хушим йўқотдим,  
Сел келиб оқизиб  
Кетди кўн йироқ.

Нур бўлиб оқибат  
Кўнiday ботдим,  
Рухимнинг тубида  
Чақнади чақмоқ.

1977

## МЕН СЕНИ ЭСЛАДИМ

*(Укам Адаш хотирасига)*

Кўнириб гулади бодомлар тоғда,  
Оқ-қизил гуллар ҳам очилди боғда.  
Куй оқди сув бўлиб чанма-булоқда,  
Дилгинам эзилиб аммо шу чоқда,  
Мен сени эсладим, азиз укажон.

Сен экан тераклар кучоққа етди,  
Ул қатор тоғзорлар кесилиб кетди.  
Орадан карвондай неча йил ўтди,  
Фироқнинг онангни касалманд этди,  
Мен сени эсладим, азиз укажон.

Ҳар нарса етарли, кўркам, тинч замон,  
Сен бўлсанг ёнимда қилмасдим армон.  
Кимга тор азалдан, кимга кенг жаҳон,  
Бағримни ўртади ёлғизлик ёмон,  
Мен сени эсладим, азиз укажон.



## ТҮҒРИ ЙҮЛГА

*(Үсмон Носир айтгани)*

Өмүр савалар баъзан,  
Юлқиб ұтади шамол,  
Күксим очик, не қилай,  
Даштда ұсган гул мисол.

Өмүр эгилиб яшаш,  
Яшаб бўлмайди тик ҳам,  
Тўғри йўлга тош қўйиб,  
Наҳот, аданиб қолсам?!

Йўқ... мен эмасдим кўрқоқ,  
Ботир эдим ҳар сафар.  
Агар сўзлашмоқ бўлсанг,  
Мени астойдил ахтар

Бургут қўнмаган баланд,  
Юксак чўққидан, дўстим.

1980

\* \* \*

Оқшом нурсиз тумандай чўқди,  
Қишлоқ узра саратон кезар.  
Сўнги шафақ чироқдай ўчди,  
Милтиллади кўкда юлдузлар.

Кимдир ўтди кўтариб кетмон,  
Токзорга сув қуяр, ҳойнаҳой.  
Ва ярақлаб кокили шу он  
Чўққиларни миниб чиқди ой.

Қишлоқ гўзал бир эртақ мисол,  
Қайлардадир сайрайди ҳаққуш.  
Гўё ухлаб, мен ширин хаёл  
Оғушида кўрмоқдаман тун.

1975

## ДАЛАДА ОҚШОМ

(манзара)

Оқшом чўкди...  
Сохлаб пардасин  
Чигирткалар бетиним куйлар.  
Ел уфурар ҳандалак исин,  
Дилни чертар энг ширин ўйлар.

Ариқларда шилдирайди сув,  
Томчилайди ёмғир ҳам бир оз.  
Бекинмачоқ ўйнар ой-сулув  
Булулларни қувиб айни ёз.

Тутроқ ҳидин кўтарганда нам,  
Ййрар киши завқ-шавққа тўлиб.  
Оқиб келар гўё ушбу дам  
Ернинг меҳри қўшиқ, куй бўлиб.

1978

\* \* \*

Хамир қориб тонг шўласида  
Нон ёнади тоғлик бир аёл;  
Чирсиллаган ўтин есида  
Минг йилларни қиламан хаёл.

Босиб ўтиб печа замони,  
Боболардан келади нидо:  
Эъзоз айла, кўнлар шу нони  
Ҳасратида бўлдилар адо!

Хамир қориб тонг шўласида  
Нон ёнади тоғлик бир аёл...

1975

## ТОШ ОДАМ

(қадим афсона)

Баланд тоғнинг этагида бир  
Тош одам бор — қадим афсона.  
Учи тошдек қотирмиш тақдир,  
Бўлганидан элга бегона.

Эртақларда айтилар ҳамон,  
Тош вужудин ялар извирин.  
Ҳасад ичра куйиб бир замон  
Яхшиларга санчибди тигин.

Сўнгра қолиб қарғиш тагида,  
Қочган экан вазабга тўлиб,  
Тош қотибди тоғ этагида.  
Эл қарғиши ижобат бўлиб.

Қарғаб ўтар одамлар ҳамон,  
Боқмас унга қуёш ҳам, ой ҳам.  
Лаънатланар яна кўн замон  
Ул бағритош ҳасадгўй одам.

1975

## ЖИМЖИТ

Тун қўйнига чўкиб ётган мевазор боғлар,  
Эртақларга бой, тилсимот ўрқачли тоғлар,  
Заррин инак тортиб ёнган олис чироқлар,  
Ўтлоқлари гурқираган яқин-йироқлар  
Жимжит.

Қолдимикан сарин еллар гулзорда ётиб,  
Қон ялаган қилич каби кетди ой ботиб.  
Не демоқчи осмон олтин найзасин отиб,  
Юлдузлар ҳам титраб турар тонгни уйвотиб,  
Жимжит.

Бу жимликда аввал-охир бўлур намоён,  
Беун фарёд чекиб ўртар бағримни тугён.  
У суронли йиллар тушар ёдимга шу он,  
Тоғлар каби тек туролмас ҳеч қачон инсон  
Жимжит.  
Жимжит...

## ЁЗ ОЙЛАРИ

Ёз ойлари...  
Оқшом чоғлари  
Сой бўйига келардинг эркам,  
Яшнар эди соҳил боғлари,  
Бахтли эдим нақадар мен ҳам.

Йиллар ўтди...  
Севги тангриси  
Бошлаб келди ўша қирвоққа:  
Анқиб турар ялпизлар иси,  
Мен муштоқман сени кўрмоққа.

Соғингандай ҳатто кўкда ой  
Матюс боқиб дилим гап этар.  
Шайнимизга қўшиқ айтган сой  
Хасёлларим оқизиб кетар...

1975

## АЖДОДЛАР УРФИ

Матонатли эди аждодларимиз,  
Оғир қушларга ҳам бардош этдилар.  
Бевафо дунёдан нолимай ҳаргиз,  
Буюк сабот билан янаб кетдилар.

Кезиб чўнг тоғларни эринмай асло,  
Тошларга ёздилар юрак сўзларин.  
Тафаккур қунида учдилар ҳатто,  
Олиё юлдузларга тикиб кўзларин.

«Дехқончилик элга барака ва қут,<sup>2</sup>  
Ингитнинг давлати ерда», дедилар.  
«Бахтни кўкдан эмас, Она ердан қут»,  
Сўзни ҳам пишитиб айтар эдилар.

Улар янадилар боғлаб ҳаётин  
Муқаддас шу ерга қадимдан-қадим.  
Энди ундирмоқда туяроқда олтин  
Аждодлар урфини сақлаган халқим.

1965

## БИР ДАРАХТ

Бир дарахт ўсарди адирда ёлғиз,  
Қушлар тўқинарди унга қуй, қазал.  
Оромбахш шаббода эсарди виз-виз  
Йўловчилар ҳордиқ олгани маҳал.

Неча юз йилларни ўтказиб келди,  
Илдилари ҳали эди мустаҳкам.  
Экинзор ер учун дарахт қирқилди,  
Чўл каби ҳувиллаб қолди адир ҳам.

Атроф ўксигандай бенаво, бесае,  
Сукунат қўйнига чўкиб ётар жим.  
Анжуман тузиб шўх қушлар сайрамас,  
Энди дам олмайди бу ерда ҳеч ким.

Бир дарахт ўсарди адирда ёлғиз...

1987

## КУТАМИЗ

Баланд чўққисини тарк этар бургут,  
Танбал булутлардан юксак учмоқда.  
Кеча кўринмасди сур туман, булут,  
Бутун қор ёлмоқда қадрдон тоққа.

Қайдадир оналар алла айтади,  
Кимгадир пайдар-пай отилади ўқ.  
Дехқон қиз шошилинч индан қайтади,  
Кимнингдир кўз ёни тийилганча йўқ.

Йўлдадир замин ҳам мисли одамзод,  
Банд этмин вужудин, билмам, не хаёл.  
Қанчалар мураккаб мўъжиза ҳаёт,  
Биз ундан кутамиз шафқат ва иқбол.

1967

## ҚАЙДА ҚОЛДИ

Юрак бўм-бўш, хаёлим ҳам,  
Ширин дардлар тарк этиб...

Қайда қолди изгироблар,  
Позик ҳислар туйғуси.  
Нечун мени танлаб кетди,  
Ҳижрон, висол қайғуси?

Фикрларим чувалади,  
Енар ёруғ ўйларим.  
Орол каби сокин, мунгли  
Ҳатто кўшиқ-куйларим.

Бахт кўёшин кулча юзи  
Кулмин оруз-тилакда.  
Армонларим, аламларим  
Санчиқ эрур юракда.

Не қилайин, яшашман,  
Ўзим душман ўзимга.  
Бири оқу бири қора,  
Сўзим душман сўзимга.

Юрак бўм-бўш, хаёлим ҳам,  
Ширин дардлар тарк этиб...

1989

## СУРНАЙ

— Шўх, жарангдор эдинг бир замон,  
Не сабабдан овозинг чиқмас.  
Ўйнар эди жўшиб беармон  
Йигитлару қизлар басма-бас.  
Қани ўша куйлар, сурнайжон,  
Бир эшитиб ниятга етай.  
— Мен бошқамас — ўнаман ҳамон,  
Сен чалишни билмасанг, нетай?!

1978

## ЮРАГИМГА...

Юрагимга тиф урдим,  
Жигаримни қовурдим,  
Топлоқларда югурдим,  
Боболарим билмаган  
Мозорларга сивиндим.

Сўлиб борар гулларим,  
Қалта бўлмиш қўлларим,  
Чалқаш экан йўлларим,  
Сочиб қоним фалакка  
Фарёд чекиб ўқиндим.

Хатоларим жуда кўп,  
Нидоларим жуда кўп,  
Датволарим жуда кўп,  
Аммо уни айтолмай,  
Тор узилди.  
Мен тиңдим.

Юрагимга тиф урдим...

1990

## ЁНГАНИМ ЕТАР

Муҳаббатдан сўзлама ортиқ,  
Едга солма бебон ёшлигим.  
У йилларнинг қисмати аччиқ,  
Ўқийнар ҳануз жоним бетиним.

У кунларни эсламоқ овир,  
Игна каби санчилар улар.  
Тун пардасин савалаб ёмғир,  
Гулбокларга булутлар қулар.

Чўқтирмагил кўнглимни бузиб,  
Хаёларим чинқираб кетар.  
Умрим бўйи ҳижронда тўзиб,  
Аламларда ёнганим стар.

Муҳаббатдан сўзлама ортиқ...

## МАЪЮС БОҶАР

Жилва қилур куйлатиб найин  
Повдаларда ранглар нағмаси.  
Қулловингта урилар майин  
Майсаларнинг илиқ нафаси.

Булоқларда ўйнар кумуш нур,  
Тўкилмоқда бодом гуллари.  
Хаёлларим сўрамай изи,  
Қочиб борар ўтмишим сари.

Эзар бағрим ҳасрат ва алам,  
Ўтли ҳижрон қийнайди бетин.  
Ғариб боқар бутун тоқлар ҳам  
Беролмайнин қалбимга таскин.

*1988*

## БИЛОЛМАДИМ

Билолмадим, қайдан сенга  
Ошиқ бўлдим мен,  
Мовий ўйчан кўзларингга  
Чўкиб ўлдим мен.

Салобатинг босди ҳардам,  
Йиқа олмадим.  
Кўзларингни тубидан ҳам  
Чиқа олмадим.

Қоронғулик сари судрап  
Бу ёрув дунё.

*1972*



## КУЙЛАМАСГА ҚҰЙМАЙДИ

Эркаланар боғларда шамол,  
Қулар чаман бу нурли бахтдан.  
Бўй таралар хушбўй бетимсол  
Жийда номли кумуш дарахтдан.

Бир эртакка айланган дунё,  
Қўрганларни ҳайратга солар.  
Сўқмоқ йўллар югуриб гўё,  
Ўтлоқларга кириб йўқолар.

Куйлаб мадҳин наъмада хуррам,  
Булбуллари тўймайди сира.  
Олов ёқиб қизил гуллар ҳам,  
Куйламасга қўймайди сира.

1985

## РЎПАРАМДА

Ҳийла билан  
кўзим боғланди,  
Ҳар томонга  
урдим ўзимни.  
Ёлғон сўздан  
бағрим доғланди,  
Қани, бирдам  
очсам кўзимни.  
Рўпарамда жарлик  
бор экан,  
Кўр-кўрона  
олага интилдим.  
Олам нима,  
ҳақиқат нима,  
Унга қулаб  
тушганда билдим.

1988

## ОЙ ОСМОНДА

Ой осмонда гўё омонат,  
Заифгина ёритиб турар.  
Учмоққа шай чиқариб қанот  
Боклар узра тўкилган нурлар.

Бағрим эзиб янграр ушбу дам  
Япроқларнинг сокин овози.  
Қуйлатади уларни не вам,  
Нега дардли тебранапар сози?

Ваҳм босар вужудим, ажаб,  
Олам ҳорвин, маънос кўринур.  
Этагимга тушар томчилаб  
Нешонамдан учган тафаккур.

Ой осмонда гўё омонат...

## ҲАЙРОН БЎЛМА

Ҳайрон бўлма  
Қўлларимдан тунса най,  
Ҳолим кўриб  
Чаманзорлар чекса вам.  
Манзилимга етолмай мен булутдай  
Она юртим тунровига қўшилсам.

Дўсту ёрлар йўлларимга интизор  
Боқар экан,  
Бир сирим бор айтаман:  
Қизил гуллар очилганда ҳар баҳор,  
Булбул бўлиб ҳузурингга қайтамай.

Ҳайрон бўлма  
Қўлларимдан тунса най.

1980

## БАХТИМ БОРКИ...

Бир ёруелик турар нур сочиб,  
Ерми, кўкда бўлмасин банар.  
Ҳар қадамда тилсимлар очиб,  
Нур ичида нур бўлиб яшар.

Этмоқ учун оламни кўркем  
Қуёшдан нур ёвар шивирлаб.  
Бахтим борки: милтиллаб мен ҳам,  
Яшайман шуълага ўхшаб

Ўзим ёниб ўз дардим билан.

1979

## АЖАБО

Ажабо...

На рашкдан асар бор,  
На ишқдан мактуб.  
Ҳаётга дахлиз  
Одамдай мутлоқ,  
Безрайиб турибман  
Хонамда ёлғиз.  
Ҳолимга ачинган бирорга зот йўқ,  
Ё қалбим тубида парнираган нур.  
Сукунат бағрига  
Игналар санчиб,  
Чиқиллар бетишим деворда соат...

1976

## УХЛА, БОЛАМ

Бор ухлар,  
Тов ухлар,  
Ухлайди олам.  
Нега сен ухламай  
Турибсан, болам.  
Не кулфат  
Туниди бу  
Азиз бошингга,  
Қайғу, вам  
Ярашмас  
Гулдек ёнингга.  
Сен ухла,  
Мен эса  
Бўлайин бедор.  
Ёрмасин  
Совутиб  
Қор устига қор.  
Ҳали ҳам  
Изғийди  
Мудҳиш қабоҳат,  
Қилмаман ванимнинг  
Макрига тоқат.  
Ҳақиқат уйқуда,  
Адолат ухлар,  
Бўлмайди  
Мен ухласам гар.  
Ухласам,  
Шу замон  
Кўтариб турён,  
Ўйланиб ўлтирма,  
Бўрондек уйғон.

1986

## КАМБАҒАЛ

Шиддатли югуриб ҳаёт тўфони,  
Пишқириб мажбуран олға етаклар.  
Тош-метин бўларкан одамнинг жони,  
Йўлида тўкилиб қолмиш эртақлар.

Неча бор тирилиб, неча бор ўлдим,  
Тўнгарди неча бор еллар кемамни.  
Ёшлиқни, шўхлиқни йўқотиб бўлдим.  
Йўқотгум яшасам яна нимами?

Сўпнайган, вариб  
Бу вужуддан бўлак...

1980

## БАҲОРНИ СЕВАРДИНГ...

*(Укам Адашши эслаб)*

Баҳорни севардинг  
Нақадар, укам.  
Оқ эди ўриклар гулидай қалбинг.  
Чирқираб учмоқда  
Қалдирғочлар ҳам,  
Яна хаёлимга сен қилич солдинг.

Ўртади фироқинг  
Бавримни жуда,  
Келдим дийдорингга бўлиб мен муштоқ.  
Майсалар гурқираб  
Қабринг устида,  
Очилмиш чучмома, долақизғалдоқ.

Баҳорни севардинг!

1969

## ОНА БЎЛСАНГ...

Кўринади тоғлар ғариб, жим,  
Кўриқхона бошлиғи ҳайрон.  
Лиқиллатар думин ит мисол  
Бўрилар ҳам титрашиб бу он.

Ёмғир ёғар,  
Тинмай қор ёғар,  
Жилғаларда пишқиради сел.  
Эшитдингми,  
Чўкмоқда Орол,  
Тўлдиргани дарё бўлиб кел.

Гулдурасин момақалди роқ,  
Чақмоқ чақиб ёнисин булутлар.  
Фарзандларга измингни берма,  
Она бўлсанг, табиат, агар.

Кўринади тоғлар ғариб, жим.

1985

## ЎЗГАЧА

Ўзимнинг ўзгача умидларим бор,  
Қутмасман ҳеч қачон сиздан мен ҳиммат.  
Дилда не борини қилади изҳор  
Фикрингиз юзидан йиртилган чиммат.

Эзмалаб, эрганиб юрмайман мутлоқ,  
Эзилиб сиз каби майда гапларга.  
Нимани қизғониб юрасиз ҳар чоқ,  
Сизчалик ҳушим йўқ молу пул, зарга.

Бир овчи мисоли сўзларни овлаб,  
Тоғларим кезамап қўнигим учун.  
Пинҳона ўқ отиб, дўстларни қовлаб,  
Дунёдан соядек ўтасиз бир кун.

Ўзимнинг ўзгача умидларим бор...

1988

## БИЛАСИЗМИ...

Биласизми, севги, муҳаббат,  
Дея кўплар доим лоф урмиш.  
Баъзи бирлар ҳижронга тоқат  
Қилолмасдан бош олиб кетмиш.

Мен-чи... сизни кўргим келади,  
Кўчангиздан ахтаргум ҳамон.  
Совинч ҳисси бағрим тилади,  
Мени кўриб бўлмагиз ҳайрон.

Ҳеч нарсага ишонмайман, бас,  
Ҳеч кимга ҳам қилмам ниқоят.  
Севмай десам бардошим етмас,  
Севмоқ эса олий иноят.

*1967*

## МАЙЛИ

Ёмонлик қил, майли, жонгинам,  
Шу қисматга ўрганиб қолдим.  
Сенинг қарғиш, надоматинг ҳам  
Мукофотдай мен қарши олдим.  
Ўлим тилаб турсанг-да ҳар он,  
Ишамоқда давом этаман.  
Гар яхшилик қилсанг ногаҳон,  
Сингдиrolмай ўлиб кетаман.  
Ёмонлик қил,  
Майли, жонгинам.

*1970*

## СЕН УНГА

Кенликлар сари кенг очиб қўлочин,  
Учмоқчи бўлса ким, баландроқ уч деб,  
Майли, кoinотда парвоз қил, лочин,  
Бахт юлдузларин бирма-бир қуч деб,  
Сен унга қанот бер,  
Метиндек қанот.

Бир киши қуласа булут мисоли,  
Воз кечса борлиқдан мутлоқ эзилиб,  
Унимаса умид-ла эккан ниҳоли,  
Қўз ёни бағрига оқса тизилиб,  
Сен унга сабот бер,  
Ҳаётга сабот.

1990

## ҲАСРАТЛАРИМ

Ўшал ноҳуш фикримдан қайтдим,  
Ҳасратларим нақадар оғир.  
Мен уларни тоғларга айтдим,  
Қўтаролмай қум бўлди охир.

Ингранди куй, солгандим сўзга,  
Қўзларимни тарк этди уйқу.  
Тўккан эдим ошпоқ қоғозга,  
Олисларга олиб кетди у.

Ва бир куни нозли оҳангда  
Қўшиқ бўлиб ўртади бағрим.

1968



## КҮНЛАРИНГ ҰТМОҚДА

Күнларинг ұтмоқда гүёки бир туш,  
Кўл етмас фалакда сен истаган бахт.  
Амаллар берарган айлабон сархуш,  
Эркалаб ўлдирмоқ қасдида бу вақт.

Учмоқда Ер шари, сен фикр эттил,  
Заррасан шу замин чўнг қанотида.  
Кеч бўлса ҳам таниб ўзинга еттил  
Фуратнинг нузли ёл дулдўл отида.

Ҳеч қачон войибдан  
Кутмагин шафқат.

*1989*

## ҚАЙТИБ КЕЛАМАН

Тапслаб кетмоқ офир, биламан,  
Лек кетаман рашқиндан ўлиб.  
Ҳузуринга қайтиб келаман  
Кўм-кўк майса, гул-чечак бўлиб.

Ўшанда ҳам раник қилсанг, менга  
Каналаклар қўнса беозор,  
Юлдузларга айланиб, сенга  
Термуламан то абад бедор

Ишқинг ёққан аланга билан.

*1980*

\* \* \*

Йиллар ўтар,  
Йиллар...  
Бир жаҳон —  
Мазмуни ҳам коинотдай кенг.  
Бир қадамдир ер билан осмон,  
Бир кунимиз бир асрга тенг.  
Йиллар ўтсин  
Мард, сахий бўлиб,  
Қон исини билмасин тамом.  
Йиллар маъно —  
Ҳикматга тўлиб,  
Тарихларда янграсин мудом.

1965

### УМИДВОРЛИК

Ўтиб кетди, дединг сен, баҳор,  
Сездирмайин,  
Ёшлик сингари.  
Кўрган бўлсақ, унда неки бор,  
Қалб тубида чўкдилар бари.

Ўксима ҳеч  
Куз келди дебол,  
Ишлар яна қиш ўтиб кўчлам.  
Бўлиб аста боғларга меҳмон,  
Ўтиб кетар тез кунда куз ҳам.

1980

## ИНТИҲО

Қариянсан, қўй, оғритма бон,  
Давр ўтар, ўзгарар даврон.  
Кўрганмисан куйганда куйи,  
Қораяди тиш-тишиқ осмон.

Не истасанг изминг ўзингда,  
Насихатнинг фойдаси йўқ, бас.  
Ўзни дейсан фақат сўзингда,  
Мулки борлиқ ўйинчоқ эмас.

Неки кўрсанг уйга торғдинг хўб,  
Ёқтирсанг ҳам, ёқтирмасанг ҳам.  
Булар бари ортиқча ва кўп  
Кўзларингда қотганда олам.

1980

## БЕМАВРИД ЎЛИМ

Биров ўлди...  
Дарду вам эмас,  
Мақтов босиб ўлдирди уни.  
Ширин сўзлар, хушомаддан маст,  
Ўтар эди вафлатда кунни.

Содда, дилканш одам эди, воҳ,  
Фирибгарлар бонига етди.  
Ишлаб тонган обрўйи ногоҳ  
Мақтовлардан соврилиб кетди.

Тўври йўлни йўқотиб қўйди  
Мақтовларнинг қор бўронида.  
Ҳақ гапни ҳам эрига йўйди,  
Заҳар пайдо бўлди қонида.

Йиллар ўтиб, бир кунни мақтов  
Қуловига чалинмаган дам  
Узилди-ю қўлдаги жиллов,  
Умри битди бечоранинг ҳам.  
Дарду ваму фалокат эмас,  
Йўқ, мақтовлар ўлдирди уни.

1985

## КУНГАБОҚАР

Бошлиқларга хушомадни  
Асло қаида қилмайсиз.  
Ғам чекасиз ўзни ўйлаб,  
Ўзгаларни билмайсиз.  
Қай томондан келса фойда,  
Шу томонга қарайсиз.  
На ошнасиз биров билан,  
На дўстликка ярайсиз.  
Икки киши иноқ бўлса,  
Ажратмоққа тайёрсиз.  
Оч бўридек ўлжа талаб,  
Тулки каби айёрсиз.  
Полигайсиз ҳаётдан ҳам  
Гоҳо кўнгил тўлмасдан.  
Наҳот, янаш мумкин эмас  
Кунгабоқар бўлмасдан.  
Тўғри ўсган ҳар бир ниҳол  
Яннар узоқ безавол.  
Кунгабоқар қисматини  
Кўрмагансиз, аҳтимол.  
Нур тивидан кунгабоқар  
Айрилиб кўз-қонидан,  
Кунга боқмай қолган кунни  
Йўдо бўлар бошидан.

1977

## ҲАЛИ

Орқада қолди барчаси алҳол,  
Фикрим чувалар ўйлаган сарим,  
Қолди ҳижрон, ғам, кўнимсиз хаёл,  
Висол онлари, қувноқ дамларим.

Не қолган бўлса орқада, яна —  
Ҳали олинда шунча қисмат бор.  
Унда орзулар қилиб тагтана,  
Ва ҳижрон кутар мени умидвор.

Эртакка бой тун,  
Ошноқ тонг бўлиб...

1988

## СИЗ ҲАҚДА

Сиз ҳақда мен қўшиқ куйласам,  
Чертиб аста қалбим торини,  
Жўр бўлишиб булбуллар ҳардам,  
Эригади тоғлар қорини.

Сиз ҳақда мен қўшиқ куйласам,  
Қайнар жўшиб чанма-булоқлар.  
Қир-адирлар кийиб беқасам,  
Бўй таратар яшил ўтлоқлар.

Сиз ҳақда мен қўшиқ куйласам,  
Наст бўлади юлдузли осмон.  
Олам аро яна бир олам,  
Қўшиғимсиз, азиз онажон.

1980

## ЁШЛИГИМ СЎРОҚЛАБ

*Дўстим Фотиҳ Мирсолиҳовга*

Кезганда тоғларни юрак увушиб,  
Боқаман безовта яқин-йироққа.  
Беозор йилларим ёдимга тушиб,  
Хаёлим учади узоқ-узоққа.

Ўйлайман, кунлар ҳам ўтмаган гўё,  
Мен кеча кўргандай қоялар қат-қат.  
Бешафқат дейдилар инсонга дунё,  
Наҳотки, бу сўзда бўлса ҳақиқат.

Қояга яқинроқ келсам ҳар сафар,  
Ёшлигим сўроқлаб қиламан хитоб.  
Осмонда шопилмай сузар бургутлар,  
Жўшқин сой шовуллаб оқар бежавоб.

1982

## ЭЪТИҚОД

Йшолмайман сенсиз ҳеч қачон,  
Сенсиз менга қоронғу олам.  
Юрак тўхтаб қолар шу замон,  
Агар сендан айрилиб қолсам.

Оғир кунлар тувида бошимга,  
Ортада қолди оҳиста бари.  
Келмаганда ҳеч ким қошимга,  
Кетолмадинг сен мендан нари.

Мен қасрга бормаини ҳар чоқ,  
Йўлга тулғум сенинг билан шод.  
Тоғдай булук, қуёшдай порлюқ,  
Суяганим сенсан, Эътиқод.

Йшолмайман сенсиз ҳеч қачон!

1977

## СЕН МЕНГА

Олам ҳам чехрангдай очилиб кетди,  
Бошимга гул сочди гўёки баҳор.  
Қувончим куй бўлиб, кўкларга етди,  
Сен менга севгингни қилганда изҳор.

Кўзларинг тубида бахтим кўринди,  
Қолдим кўз узолмай улардан зинҳор.  
Қалбимнинг бўтана дарёси тинди,  
Сен менга севгингни қилганда изҳор.

Шуъдалар ёвилди ўнгу сўлимга,  
Балки қуёшдан ҳам кетди ихтиёр.  
Бор меҳринг ловуллаб оқди дилимга,  
Сен менга севгингни қилганда изҳор.

1979

## ТОШНИ ҚУЛАТМА

Товларга чиқсанг гар,  
тошни қулатма,  
Булоқлар кўзини  
беркитмасин у.  
Майса, чечаклару бинафшаларга  
Ҳаёт кўшигини  
куйласин мангу.  
Долалар дилига  
қўнмасин кубор,  
Арчалар эгилиб чекмасин қайғу.  
Товларга чиқсанг гар,  
тошни қулатма,  
Ниҳоллар эзилиб,  
сишиб кетмасин.  
Сайрасин какликлар  
анжуман қуриб,  
Товни тарк этмасин  
сергак охулар.  
Товларга чиқсанг гар,  
тошни қулатма.  
Қуласа зўр сурон  
кўтариб настга  
Юзлаб чўнг тошларни  
кетади суриб.  
Товлар гўзаллигин  
қийси йўқдир,  
Яхшиси, сен юксак  
чўққида туриб —  
Ям-яшил оламнинг  
бағрини қузат...

\* \* \*

Пайдо бўлди бағримда ғазал,  
Булоқларга, товларга айтдим.  
Қўшиқ айтиб ой тўлган маҳал,  
Ошноқ гулли боғларга қайтдим.

Она меҳри сингари ёниқ,  
Олтин ўлкам куйлаб ўтолсам —  
Қўнар эди қалбимга аниқ  
Нур қанотли Ҳумо қуши ҳам.

## БОҒКЎЧАНГДАН

Боғкўчангдан ўтар эдим,  
Бир кўрай деб сени, дилдор.  
Шўхлик қилиб ошиб девор,  
Қўлларингдан тутар эдим.

Яна унга тушди йўлим,  
Хасёлларим тарқоқ, вариб.  
Дарахтлар ҳам қолминг қариб,  
Хувиллайди ўнгу сўлим.

Боғкўчангни кезиб аста,  
Бодомзорга қараб юрдим.  
Шўх булбуллар сайрамас, жим,  
Сой эшилиб оқар настда.

1983

## ТОҒ ВА ОДАМЛАР

Тоғлар аро яшаган одам  
Тоғлар нима яхши билади.  
Яхшилигу ёмонлигини ҳам  
Тоғу тошга қибс қилади.

Тоғ бағрида туғилса гўдак,  
Бошинг тошдан бўлсин дейдилар.  
Тўқинарлар алла ва эртақ,  
Қалбинг нурга тўлсин дейдилар.

Қўнган каби тонг юлдузлари,  
Ўркач-ўркач тоғлар бағри зар.  
Боқиб, бунда кенгликлар сари,  
Сахий, дилкан тоғликлар яшар.

Оқар тоғдан дилларга хузур,  
Сарин еллар қаноти тоғда.  
Ёвлади шалюладай нур,  
Қўшиқлар ҳам янграб ирмоқда.



## ХОТИРОТ

Хотирот йўл бошлаб  
бофинга келдим,  
Ахтариб ёнлигим изларин, дилбар.  
Қўшиқчи қушлар йўқ,  
кўринмас ҳеч ким,  
Бор ҳуснин олибди шафқатсиз йиллар.

Ўт босган илонииз йўлларни ҳатто,  
Сувга зор ариқлар тўлғонар беун.  
Ҳаётнинг қизиги йўқдай, бепарво,  
Серрайиб турибди дарахтлар юнун...

## БИР НУР

Олинда, узоқда бир нур бор эмиш,  
Йиллар она унга етармиш инсон.  
У нурга қўн одам интизор эмиш,  
Аммо кўролмасмиш ўтиб вақт, замон.

У нур деб ёнармиш юлдузлар бутун,  
Ахтариб юрармиш туллари ой ҳам.  
Ўша нур қалбимга қўнади бир кун,  
Ватаним бахтини куйлаб яшасам.

## ҲАШАР

*(ҳазил)*

Қишлоқ иморатин қураб ҳар сафар  
Шон мўйлов, ўрта бўй дурадгор Назар.

Ёнида Ҳамидвой, Тошқўлат, Омон,  
Иморат тикланар муҳташам равон.

Ишга тушар сўнгра наққош сувоқчи,  
Қўли гул, ҳазилкан Иўлдош сувоқчи.

Ҳа, уни дўстлари мақтаганча бор,  
Суваган уйлари қатор ва қатор.

Текисликда шундай таърифи бўлган:  
Қўнган пашша бирдан сирғалиб ўлган.

## У СЎНМАЙДИ...

Учрашганда қай куни, жоно,  
Сочинг оқи ҳайратга солди.  
Кўзларингда ўзгача матно,  
Паҳот, ёшлик орқада қолди.

Йиллар ўтди сезилмай аста,  
Тизилишиб карвон мисоли.  
Чинор бўлган мағрур, барваста,  
Борбон отанг эккан ниҳоли.

Аммо сенга бўлган муҳаббат,  
Ўша ўту, ўша аланга.  
У сўнмайди ловуллаб фақат,  
Куч бағинлаб ёнади танга.

## САРИН ЕЛЛАР

Сарин еллар хушбўй елади,  
Баҳор чоғи баҳра олмас ким.  
Бедазордан боққинг келади  
Ошпоқ ойдин кечаларга жим.

Қўшиқ куйлар тинмай жўшқин сой  
Тош поёндоз устидан оқиб.  
Олмаларнинг гулида чирой,  
Тўймак киши уларга боқиб.

Тоғлар бағри бўлмиш муаттар  
Ялпизлару райҳон бўйидан.  
Нурга тўлиб борлиқ уйғонар  
Булбулларнинг шодон куйидан. \*

Қани, сен ҳам бўлсанг ёнимда,  
Баҳор янглиғ кулсанг ёнимда.

## КЎНГЛИМГА ЯҚИНДИР

Кўнглимга яқиндир тоғлар жуда ҳам,  
Куйлайман мен уни жўшқин павода.  
Дўстликда тоғликлар тоғдай мустаҳкам,  
Доимо самимий меҳру вафода.

Тоғларда янадим, тондим саодат,  
Баъзилар тоғлик деб кулиб қарашар.  
Ҳеч кимса билмагай, менда муҳаббат  
Тоғларда туғилган ва шунда яшар.

## УЗМА ҚАДАМНИ

Тилинг дилингга мос келмаса мутлюқ,  
Фарқига бормасанг севинч-аламни,  
Иккимиз бўлмасмиз ҳеч қачон иноқ,  
Яхшиси, мен сари қўйма қадамни.

Ўртага ҳасад-ла совуқлик ташлаб,  
Ёмонлаб наст десанг юксак одамни,  
Қўймасдан олдинроқ кўнглини ташлаб,  
Яхшиси, мен сари қўйма қадамни.

Дард бўлса юракда севги ва армон,  
Меҳринг-ла ёритсанг кўҳна оламни,  
Бағрим очиқ доим, бўл азиз меҳмон,  
Мен сари юр фақат, узма қадамни.

1982

## СИРЛИ СУКУНАТ

Мовий осмон,  
Шовуллайди сой,  
Жўнқин чашма қайнар бегубор.  
Тов бағрида нурли бир чиррой,  
Сенин ёймиш келинчак баҳор.

Ўоя узра айланар бургут,  
Ял-ял ёнар долалар пастда.  
Ташвишларим бўлгандай унут,  
Термуламан атрофга аста.

Ёдга тушар ёнлик йилларим  
Ва дилимни ёққан муҳаббат.  
Термуламан атрофимга жим,  
Ел шивирлаб, куйлар табиат.

## ТОШЛАРГА СИНГАН

Тоғларда агар қўшиқ куйласанг,  
Пола қилади акси-садолар.  
Кезганлар қадим тоғда ҳоли танг,  
Ҳижрон дардидан бағри адолар.

Тоғлардан узоққа кетолмай пари,  
Интиламан мен бир ошнқ мисол.  
Оч бўридай гоҳ узун тушлари  
Ўнгирлар аро ингайди шамол.

Айлаган, нетай, тоғларим асир,  
Доимо дилим унга пайваста...

## АРЧАЛАР АФСОНАСИ

Тоғларда ўсаркан гўзал арчалар,  
Суқланиб томоша қиларкан ҳар ким,  
Қинғир дарахтларни ичин ит талаб,  
Ҳасадда ўртаниб кузатаркан жим,

Мевасиз деб бир кун сўлу соғлардан  
Бсайб арчаларни таъна этганмиш.  
Чидолмай таънага, кечиб боқлардан  
Арчалар тоғларга кўчиб кетганмиш.

## ЧЎҚҚИЛАРГА БОҚ

Аблаҳлар макрига бўлаверма хун,  
Чўқдириб дилингни айлама сиёҳ.  
Кафтида қуёшни кўтармоқ учун  
Тупроққа қоришиб кўкарар гиёҳ.

Яшагин чўққилар сари ингилиб,  
Завқингни ўзгдан асло кам этма.  
Етай деб қолганда мағрурлик қилиб,  
Қоядан тубанга йиқилиб кетма.

Йиқилсанг,  
Қайтадан йўлга чиқ яна.

*1994*

## АБАДИЯТ ОСТОНАСИДА

Қабри узра  
Сақлайман сукут,  
Айрилиқдан юрак увушиб.  
Ёмғир қуяр, тўмсайган булут,  
Юзда қотган кўз ёшим ювиб...

Эзар бағрим ўтли бир алам,  
То тирикман у ўт сўнмайди.  
Дуоғўйим, энг азиз одам,  
Бунда менинг отам ухлайди.

Абадият мамлакатида  
Шок тупроққа бош қўйиб бу кун.

*1994*

\* \* \*

— Шошмайсан, тошбақа, айтганда очиқ,  
Қақраган чўллар ҳам сенга гул, чаман.

— Турилган манзилим бўлмаса аниқ,  
Гар биров қувмаса, қайга шошман.

— Не учун қўрқувда яшайсан ҳардам,  
Оҳужон, яйрабон юрсанг не бўлур.

— Қандайин яшайин беғам, хотиржам,  
Атрофда тиш қайраб турса бўрилар.

Топбақа сингари бироялар беғам,  
Бировлар оҳудек яшайди бу дам...

1989

## ТОНГ ОТАР

Боқаман ўрқачли  
қояларга тик,  
Тонг отар тоғларда  
ошноқ, мусаффо.  
Бағрида соғлиқ бор,  
шодлик, гўзаллик,  
Муаттар ҳавоси  
дардларга даво.

Тонг отса, тоғлар ҳам  
тортади сизил,  
Нуридан ёрмишар  
қоронғу дилим.  
Ҳаётга чорлаб сен,  
таскин бериб кел,  
Баҳорги беғубор  
тонгдай, севгилим.

Тонг отар  
тоғларда ошноқ, мусаффо.

1994

## КАМ ЭТМА

Сўзларим найзаси бахтимга тўсиқ,  
Нигоҳим тортмагай гуллар чаманда.  
Совуқ кубш нури, аламли қўшиқ,  
Ширин изтироб ҳам музлаган таңда.

Ҳиссиёт ланкари қайга йўл олди,  
Куз келмай баҳорим бўлмишдир хазон.  
Дўстларим узоқлаб кўринмай қолди,  
Қуловим остида инграйди фивон.

Бу не ҳол, тушунмай ҳайронман ўзим,  
Ғанимлар макрига қиламан тоқат.  
Эй ҳаёт, чидам бер, бардон ва тўзим,  
Кам этма келажак олдида фақат.

Умидим ундадир,  
Унда ҳаққим бор.

1994

## БАҒРИМ НУРГА

Ўтмишга тош отмагил зинҳор  
Ва шунингдек келажакка ҳам.  
Унда аждод, авлодларим бор,  
Эмас улар бир-биридан кам.

Кўз ўнгимда тарқалди тутун,  
Безиз ўтиб кетмам дунёдан.  
Бағрим нурга айланди бутун  
Боболарим сочган зиёдан.

1994

## УНДАДИР

Қор ёғар бўралаб,  
кўнглим шикаста,  
Ўтмишга судрайди хаёл ногаҳон.  
Дераза нардасин кўтариб аста,  
Болалик човимга қайтаман шу он.

У менинг хазинам — эртақларга бой,  
Эсласам ғамларим топади барҳам.  
Ундадир бетакрор ҳайрат ва чирой,  
Сой каби жўшқинлик, беғуборлик ҳам.

Қор ёғар бўралаб,  
кўнглим шикаста...

1994

## ҚИЗИЛ ГУЛ МИСОЛИ

Қизил гул мисоли очилдинг, гўзал,  
Гуллар ҳам ҳуснингни таллашиб қолди.  
Булбуллар тўқиди шаънингга ғазал,  
Кўрганлар ақлидан адашиб қолди.

Қизил гул мисоли очилдинг, гўзал,  
Ва севги боғини чароғон этдинг.  
Биламан, васлингга етмам ҳеч маҳал,  
Лекин дилим булбулдек куйлатиб кетдинг.

Қизил гул мисоли  
очилдинг, гўзал.

1994



## ТОҒЛИКЛАР ОДАТИ

Мен ўсдим тоғ бағри, тошларда юриб,  
Ўз йўлим ахтариб сўқмоқлар аю.  
Хайқирдим бургутли чўққида туриб,  
Табиат қўйнида тингладим наво.

Мен юрган йўлларни тоғлардан сўра,  
Печа бор бўронда, селларда қолдим.  
Тоғликлар одати, урфига кўра,  
Ўзимга бир сўқмоқ — йўл оча олдим.

Мен ўсдим тоғ бағри, тошларда юриб,  
Ўз йўлим ахтариб сўқмоқлар аю.  
Хайқирдим бургутли чўққида туриб,  
Табиат қўйнида тингладим наво.

1994

## ОНА ҚИШЛОҚ

Кўк узра нафа-нафа булутлар сузар,  
Дилларга берар ором тонг шабадаси.  
Учиб шохдан-шохларга қушчалар сайрар,  
Эшитилар узоқдан жўнқин сой саси.

Боқаман...

Қалбда меҳрим кетади тошиб.  
Гулдек яшнаб кўринар қишлоғим Сўқоқ.  
Уни бир фарзандидек бағрига босиб,  
Мағрур савлат тўкиб турар Чотқол тоғ.

## ЧИРОЙ ОЧИБ...

Чирой очиб бовларда кўктам,  
Бўлар кўрку латофатга бой.  
Нурга тўлар тоғлар бағри ҳам,  
Куйлаб, жўшиб оққанида сой.

Чақчақлашиб дилни ром айлар  
Булбулларнинг майин овози.  
Чўққи узра нигоҳинг тортар  
Бургутларнинг баланд парвози.

Адирларда минг олов ёқиб  
Норлаб турар лолақизвалдоқ.  
Ўрикларнинг гулига боқиб  
Қизлар учар яна арғимчоқ...

1982

## ҚУЁШ УФҚЛАРГА...

Қуёш уфқларга қўйди бошини,  
Эди гуллар атрин уфуриб намол.  
Шафаққа бўлган тоғлар тошини  
Кўкда парча булут — қирмизи рўмол,  
Эди гуллар атрин уфуриб намол.

Боқмоққа ошиқиб ўлкам ҳуснига,  
Тун нарда ёймасдан кўринди юлдуз.  
Сўнг борлиқни безаб олтин тусига.  
Бошин кўтарди ой — зар кокилли қиз.  
Тун нарда ёймасдан кўринди юлдуз.

## ВАСЛИНГ

Олис-олисларда бесадо, бесас,  
Бирин-кетин чақнаб турмоқда чақмоқ.  
Ушбу дам кўнглимга ҳеч нарса сизмас,  
Серрайиб турибман, ўйларим тарқоқ.

Атрофда сирли бир сукунат ҳоким,  
Тоғларга бош қўйиб бўронлар ухлар.  
Юргандай кўринар оҳиста ва жим  
Бу бўм-бўш хонамда айланиб руҳлар.

Бағримни апордек эзди ҳижрон,  
Ўзимни тутмоққа эмасман қодир.  
Тўкилар ёш бўлиб кўксимга армон,  
Елғизлик қисмати нақадар овир!

Шеър ёзғум яна мен васлингни қўмсаб.

## ТОҒЛАРГА КЕЛИНГ

Тоғлар аро сайр этганмисиз,  
Тоғлар бағри нақадар гўзал.  
Зерикмайсиз тоғларда ҳаргиз,  
Келинг бодом гуллаган маҳал.

Тарғил лола очилганда ҳам  
Вақтингизни аяманг асло.  
Яшнаш шунда Наврўзи олам,  
Атроф чаман, осмон мусаффо.

Юзни ювиб ойна булоқда,  
Боқинг олис кенгликлар сари.  
Бу муаттар яшил ўтлоққа  
Олиб келар меҳр йўллари.

Тингланг булбул навосин бирпас  
Ва шалола қаҳқаҳасини.  
Ёллар ўйнар нурларга найваст,  
Ҳарён сочиб райҳон исини.

Қуён бир оз қиздирса агар,  
Арчазорнинг қучоғи салқин.  
Чарчоқлардан қолмайди асар,  
Гар олсангиз бир оз унда тин.

Тошлар аро мўралаб қочган  
Оҳуларни томоша қилинг.  
Чўққилардан баландга учган  
Орзумиди, бургутмиди денг.

Нур оқизар зилол сувлари,  
Тўйиб-тўйиб симиринг ундан.  
Хаёл учар юксаклик сари,  
Юз яшарар кўнгил шу кундан.

Аста юриб кўринг бу бийрон  
Какликларнинг хиром айлашин,  
Кўм-кўк қирни олқинлаб чўпон,  
Саъваларнинг ёниб сайрашин.

Ёз ойлари бамисол кўклам,  
Жилгаларда қорлар бўлади.  
Гул-чечағи яна ҳам кўркем,  
Олам яшнаб нурга тўлади.

## СЕН ЎЗИНГГА

Кўнгил қўйма ҳеч кимга дедим,  
Қулиб қўйдинг маврур, бешарво.  
Билсанг агар мен бахтинг эдим,  
Сен ўзингга кўрмадинг раво.

Қўи айланди замин у замон,  
Шира олди кўра сўзларинг.  
Мек, қуёшдай ўзгармас ҳамон  
Норлаб турган шахло кўзларинг.

Ёшлгимни ёдимга солиб,  
Учрашганда бегоналардек...

## КЕЛ, ШОИР ДЎСТИМ

Кел, шоир дўстим, бир  
бизнинг қишлоққа,  
Чаманзор боқларин,  
ўтлоқларин кўр.  
Булбуллар жўр бўлиб  
қуйлар ирмоққа,  
Илҳомдай қайнаган  
булоқларин кўр.

Гулларин ранглари  
мисли камалак,  
Зар бўлиб бағрингга  
ёвилади нур.  
Юлдузли туллари  
сўйлайди эртак,  
Муаттар ҳавоси  
бахш этар ҳузур.

Ҳайратга тушсан,  
албатта, кўриб  
Бургутли чўққилар  
салобатини.  
Куйлагинг келади  
сойдай жўш уриб  
Кўли гул деҳқонлар  
саховатини.

Кел, шоир дўстим, бир  
бизнинг қишлоққа.

## ИСТАГИМ

Истагим: бўлмаса  
Тўсиқ йўлимда,  
Нурдан қапот боклаб  
Учиб юрсам мен.  
Осмон харитаси  
Бўлса қўлимда,  
Юлдуздан юлдузга  
Кўчиб юрсам мен.

Юлдузлар куйласа  
Сирли тарона,  
Олис-олисларга  
Йўл солганимда.  
Қўл чўзса Она ер  
Бўлиб парвона,  
Самовот бағрида  
Мен толганимда.

Истагим: бўлмаса  
Тўсиқ йўлимда...

\* \* \*

Юзларим сийналаб ўйнайди шамол,  
Атрофда майсалар тебранап майин.  
Гул очиб, гулбаҳор тонмоқда камол,  
Роҳат тонар киши боққани сайин.

Олидан деҳқонлар овози келар,  
Авж олган беноён далаларда ин.  
Ўйнаб бутоқларда қушлар сайрашар,  
Баҳорга тўқиниб қўшиқ, куй, оқини.

Гуллаб бодроқ-бодроқ ўригу бодом,  
Бахш этар ўлкамга ўзгача чирой.  
Маҳлиё боқди сахий қуёш ҳам,  
Шодлигимдай жўшиб оқди шўх сой.

## ЧАҶМОҶ МИСОЛИ

Ёшлигим тез ўтди  
чақмоқ мисоли,  
Йўлида қувончлар  
тўкилиб қолди.  
Қийнади бир умр  
ёрнинг висоли,  
Мен уни ахтариб  
хаёлим толди.

Тоғдаман, атрофга  
боқаман карахт,  
Изларим борми деб  
бирор тошида.  
Шохига рўмолча  
илган ул дарахт  
Ётибди қовжираб  
булоқ бошида.

Мудраган дарани  
уйғотмоқ бўлиб,  
Ҳайқиргум қоядан  
тоқларга қараб.  
Гиламдай гул-чечак  
боқмади кулиб,  
Товушим ҳам акс-садо  
бермади, ажаб...

1997

## УВОЛ

Каккулар сайрасин ўрмон бағрида,  
Қўқда булутларни тўзритсин шамол,  
Бўғилиб қон-қора булут қаърида,  
Янги тўғилган ой бўлмасин увол.

Товласин бодомлар гули кўшириб,  
Боларилар куйлаб тўпласинлар бол.  
Тўсатдан, бевақт изғирин туриб,  
Позик чечаклар ҳам бўлмасин увол.

Бирдан парчаланиб кетмасин юрак,  
Бехосдан тош теккан бир пища мисол.  
Уни тўхматлардан асрамоқ керак,  
Армони ушалмай бўлмасин увол.

Каккулар сайрасин  
Ўрмон бағрида...

1997

## БИР ҲИС БОР

Бир ҳис бор,  
Вужудим ўрабон бутун,  
Эзилган бағримга солмоқдадир ўт.  
Унинг зўр таъқиби остида бу қун  
Ғапиланиб кўнглим ҳеч ёзолмас қанот.

Ўшадир қўлимга тутган мунгли най,  
У борки, кўз олдим ёришмас бирдам.  
Ҳижронинг умрбод куйлабон тинмай,  
Висолинг кўчасин ахтаргум, эркам.

Хаёлим чувалаб, аданиб, толиб...



## ЁМФИР ЁҒИБ

Ёмфир ёғиб сел қуйса бирдан  
Сой лойланиб тоғиб оқарди.  
Баҳор бу хил одати билан  
Менга жуда-жуда ёқарди.

Шунда қиплоқ аҳли сув дебон  
Келишарди ойна булоққа.  
Сув баҳона мен ҳам шу замон  
Чопар эдим сени кўрмоққа.

Кўзларимга термулиб шу чоқ,  
Сўрашардинг кулиб мулойим.  
Йиллар ўтди...  
Сен билан булоқ  
Хаёлимда жонланар доим.

## ТАМОМ БЎЛДИ

Айтилган сўз қайтмас мисли ўқ,  
Тамом бўлди ёнган эҳтирос.  
Энди ортиқ висол, ҳижрон йўқ,  
Кетди учиб қуш каби ихлос.

Қалбим музлаб қолди ногаҳон  
Сенинг совуқ сўзингдан, дилдор.  
Билиб қўйил, ёнмас ҳеч қачон  
Қаловини тонган билан қор.

## ХОТИРА

Боқлар ғариб кўринар бутун,  
Қизил гулнинг шоҳлари синган.  
Баҳор ўтиб қолганми, нечун  
Булбулларнинг нағмаси тинган.

Ариқлар ҳам қолибди қуриб,  
Мудрар ўтлар босган сўқмоқлар.  
Дов-дарахтлар турар ўй суриб,  
Сақлар сукут яқин-йироқлар.

Хотиралар етаклаб зимдан  
Келтирганди мени бу томон.  
Бегонадай шундоқ ёнимдан  
Ўтиб кетдинг сен ҳам шу замон

Мени мутлоқ билмаган каби.

## У ЕР

Қоялар ортида кичик бир ўтлоқ,  
Устида ярқирар зангори осмон.  
Тинмайин куйларкан наstda бир ирмоқ,  
Тинглабон оҳулар  
Юрар беармон.

У ерни ой, кўёш кўриқлайди жим,  
Гийёҳлар оралаб  
Шивирлар еллар.  
Ўша ер илоҳий ҳаётнинг қадим,  
Нурафшон тимсоли  
Бўлиб кўринар.

## ГАРЧИ

Гарчи йўлим олис тунса ҳам,  
Бокўчангдан ўтаман кетиб.  
Нега кўрғинг келмаса, санам,  
Ҳовли-томда турасан кутиб.

Майли, яшир мендан сўзларинг,  
Алдоқларинг ҳаммаси бекор.  
Бир боқинда қийиқ кўзларинг  
Дилда борин айлайди изҳор.

1972

## ОТАЛАР УДУМИН...

Товларинг кўксимга тўлдирар нафас,  
Қонимда боғларинг шарбати оқар.  
Ҳар тонгда қирларинг ёнилар атлас,  
Кўрқингга қуёш ҳам суқланиб боқар.

Кексалар ўтмишдан беради сўйлаб,  
Меҳринг тошиб турар қалбимда мудом.  
Сенинг гул бағрингда янасам куйлаб  
Оталар удумин эгтириб давом,

Тонилмас дунёда бундан ортиқ бахт.

## БИРГА БЎЛУР

Ўтиб борар кунларим — умрим,  
Гоҳи шодлик, гоҳи қайғуда.  
Унутгандир деб мени, балким,  
Совуққина ўйлаш беҳуда.

Қўшиқ бўлиб учган армоним  
Сенга етиб боргуси албат.  
Бор экан бу тапамда жоним,  
Бирга бўлур ёнлик, муҳаббат.

## БАҲОР

Қиш қиличин вилофга солди,  
Тунд қаҳридан қайтди қаҳратон.  
Қумрилар ҳам куккулаб қолди,  
Елкалардан тушди зил чонон.

Бу кунларга етмади кимлар,  
Чор атрофда ўзгача нашта.  
Ҳаво илиқ, ҳаёт гуркираб,  
Чаккаларга қўнгай бинафша.

## АДАШИБ ҚОЛДИМ

Муҳаббатинг бағримда бу кун —  
Қўкраги тоғман.  
Қўзларингга чўккан қора тун,  
Аксидан доғман.

Тушиб меҳринг йўлига ногоҳ  
Чарчадим, толдим.  
Йўл охирлаб қолганда, э воҳ,  
Адашиб қолдим.

## НЕ ҚИЛАЙ?

Ул гўзал ўзгага ёр бўлди, инон,  
Севгида ёнмади иқбол юдузим.  
Дерлар, вам-аламни кўтарар инсон,  
Менда ҳам ўлмади сабот ва тўзим.

Не қилай, адашиб юраман аранг,  
Манзилим аниғу, чалкашдир йўлим.<sup>а</sup>  
Орзуйим, мунчалар баланд турмасанг,  
Ҳар қанча узатмай етолмас қўлим.

# КИПРИГИНГИ СОЯСИДА





## ҚАЙГА БОРАСАН

Мақон эди сенга бу тоғлар,  
Йиғлаб, оху, қайга борасан.  
Соғинмасму чашма-булоқлар,  
Йиғлаб, оху, қайга борасан.

Шум сайёҳлар пойингда юрар,  
Қочмасанг гар кўксингдан урар.  
Яхшиларни кўрөлмас улар,  
Йиғлаб, оху, қайга борасан.

Кимлар сенинг юрагинг олди,  
Ва менингдек кулфатга солди.  
Болаларинг қайларда қолди,  
Йиғлаб, оху, қайга борасан.

Қошки, бўлсам дардинга малҳам,  
Ҳаммадан ҳам қолар бу олам.  
Қисматларим эмас сендан кам,  
Йиғлаб, оху, қайга борасан.

1991

## ЙЎҚОТМАЙМАН

*(Чўлпонга жавоб)*

Мен ўзимни арабг тоғдим, алдовларда йўқотмайман,  
Вулқон бўлиб отилгайман, совуб яна тош қотмайман.

Йўлни бурдим баландликка, чўққилардан ошиб ўтгум,  
Хоинларга эрганиб мен энди ботқоққа ботмайман.

Сажда қилгум шу халқим деб, шу Ватанга фидо жоним,  
Танимни минг бўлак қилсанг, қўлим ёвга узатмайман.

Насибам бор, куним ўтмас гадои мисол қўлга қараб,  
Сохта ширин сўзлар учун томдан ўзимни отмайман.

Неча йиллар алам чекиб, юрак-бағрим эзилгандир,  
Орта қайтиб, у замонлар алам-андухин тотмайман.

Орифо, гулбоғларимнинг бағрида гул ҳаёт қайнар,  
Куйласин шўх булбуллари, қузғунларни йўлатмайман.

1991

## СЕНГА ИШҚИМНИ, САНАМ...

Сенга ишқимни, санам, мен дилда пишқон сақладим,  
Абрдек дардим аро шамъи шабистон сақладим.

Кўзларинг куйдиргудек боққанда жоним қасдига,  
Кипригингни соясида бир нафас жон сақладим.

Ақлу ҳушимни олиб ҳуснинг нури, э қоши ё,  
Арзи ҳол айтолмайин кўнгида армон сақладим.

Тунларим тонга уландиким, ёр хаёли васли-ла,  
Куйласам, эл тинглагудек шеъру дoston сақладим.

Орифо, сеҳр айлабон ганжинан ишқинг сени,  
Тоғ этиб бағримни, унда бир ажиб қон сақладим.

1975

## ЎТМАС ҲЕЧ ҚАЧОН

Ойлар ўтар, йиллар ҳам ўтар,  
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.  
Ўртаб-ўртаб вам-алам ўтар,  
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.

Баҳор келиб-кетар неча бор,  
Неча бора ёнар долазор.  
Ўтар ҳар йил турналар қатор,  
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.

Бу дунёни дерлар бевафо,  
Кимга вафо қилган бу дунё?  
Ишқ экан бир дарди бедаво,  
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.

Ҳасратингда сарғайди юзим,  
Хазон бўлди чидам ва тўзим.  
Айтсам сенга охириги сўзим,  
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.

*1992*



## ЭСГА ОЛУРСАН

Дейдиларки, севги қаримас,  
Юрагингдан дарди аримас.  
Биламанки, унутин оғир,  
Хаёлингдан ўтаман бир-бир.

Қир бағридан кетганида қор,  
Нурга тўлиб кулганда баҳор,  
Қийвос тулга кирганда бодом,  
Эзгу ҳислар қўйнида бир дам  
Ниманидир ўйлаб қолурсан,  
Балки мени эсга олурсан.

Бовларингда кезсанг мабодо,  
Ўйнаб ўтса илиқ шаббодо.  
Ялғиз ҳиди анқиса аста,  
Қўмсаб шунда мени дилхаста,  
Ёл-верингга қараб қолурсан,  
Балки мени эсга олурсан.

Гўзал бўлиб, сержилва, серноз,  
Кириб келса тўкин-сочин ёз,  
Ишқомларда чиллаки пишса,  
Нақнин олманг дўпирлаб тушса,  
Саватларга териб солурсан,  
Балки мени эсга олурсан.

Челак ушлаб тушганда сойга,  
Боққанингда тушлари ойга,  
Рўмол четин тўқиганингда,  
Шеърү вазал ўқиганингда,  
Ўтганингда кўчам ёқалаб,  
Ёққанида ёмғир шивалаб,

Тинглаганда ширин куй-ғазал,  
Байрамларда, тўйда ҳар маҳал,  
Кузми ёки қин бўлсин, майли,  
Мени ўша севгинг туфайли  
Эслагайсан такрор ва такрор,  
Қўнса ҳамки сочларингга қор.

1973

## ҲИЖРОН ДЕГАН АЗОБЛАРИНГ

Юлдуз бўлдинг, қўл узатиб етолмадим,  
Жондан ўтиб ҳижрон деган азобларинг.  
Неча йиллар арзи ҳолим айтолмадим,  
Жондан ўтиб ҳижрон деган азобларинг.

Иш юринди... бахту омад юринмади,  
Ёниб ўтдим, дўсту ёрлар билинмади.  
Билганлар ҳам қочиб, парво қилинмади,  
Жондан ўтиб ҳижрон деган азобларинг.

Ҳамма сиеди бу дунёга, сиймадим мен,  
Фарёд чекиб юрак-бағрим тингладим мен,  
Тунларимда ўз ҳолимга йивладим мен,  
Жондан ўтиб ҳижрон деган азобларинг.

Тинглаганлар чидай олмас қўшиқ битсам,  
Мажнун дема изларингни тавоф этсам,  
Ажаб эрмас йўллариңда ўлиб кетсам,  
Жондан ўтиб ҳижрон деган азобларинг.

1990

## БИР ОШИҚ БЎЛИБ

Менга ишқий эртақларнинг ҳожати йўқ,  
Дардим баёнига дилим тоқати йўқ.

Ҳасадурман, сўрмаган ул ҳолинг на деб,  
Раҳму шафқат, меҳрибонлик одати йўқ.

Ҳасрат билан ёнлигим ҳам ўтди, бироқ,  
Бахтим кулар, билмам, қачон, фурсати йўқ.

Не-не аламларга чидаб юрдим, санам,  
Наҳот, дунё азоби бор, роҳати йўқ.

Орифо, бир ошиқ бўлиб ёндим, нетай,  
Дегайлар, ишқ аҳлининг ҳеч офати йўқ.

1992

## МУҲАББАТ

Гоҳ ёндириб, гоҳо совутдинг,  
Гоҳ йиқлатиб, гоҳо овутдинг,  
Гоҳ эркалаб дилим шод этдинг,  
    Жон ичра жон — азал муҳаббат,  
    Қўшиғу куй, вазал — муҳаббат.

Гул узатдинг гулбахор бўлиб,  
Юз кўрсатдинг нозли ёр бўлиб,  
Нола қилдинг қўлда тор бўлиб,  
    Жон ичра жон — азал муҳаббат,  
    Қўшиғу куй, вазал — муҳаббат.

Толдирдинг-у, ўзинг толмадинг,  
Бирга юрдинг, асло қолмадинг,  
Не кунларни бонга солмадинг,  
    Жон ичра жон — азал муҳаббат,  
    Қўшиғу куй, вазал — муҳаббат.

Ёшлигимнинг ҳижрони сенсиан,  
Дилим ёрув, сирожки сенсиан,  
Қўшиғимнинг гултожи сенсиан,  
    Жон ичра жон — азал муҳаббат,  
    Қўшиғу куй, вазал — муҳаббат.

1975

## УШБУ КУНЛАР

Яна ўтли юрагимга ёзиб армон,  
Қийнамоқда ушбу кунлар доғинг сени.  
Кимга айтай бўлмаса гар ёр меҳрибон,  
Қийнамоқда ушбу кунлар доғинг сени.

Чаман-чаман очилибди гулбоқларинг,  
Халипчакда учар яна ўртоқларинг,  
Йиллаб турар севган чашма, булоқларинг,  
Қийнамоқда ушбу кунлар доғинг сени.

То абад бу ҳижрон ўртаб ёқар энди,  
Ой ҳам кўздан маъюслиниб боқар энди,  
Сен тўлғониб, мунгли куйлар оқар энди,  
Қийнамоқда ушбу кунлар доғинг сени.

Сенсиз келган баҳор гўзал баҳор эмас,  
Фарёд чекиб йилласам мен, бекор эмас,  
Бу оламдан ҳамма мендек безор эмас,  
Қийнамоқда ушбу кунлар доғинг сени.

1992

## ЁШЛИК ТОМОН ЕТАКЛАР

Хаёл мени ёшлик томон етаклар,  
Сизни жондан севар эдим, гул санам.  
Ноймол бўлди ўшал орзу-тилақлар,  
Сизни жондан севар эдим, гул санам.

Дейман, қайдир сизга кўнгил қўйдим-эй,  
Печа йиллар ўтсиз ўртаб куйдим-эй,  
Ҳажрингизда жонимдан ҳам тўйдим-эй,  
Сизни жондан севар эдим, гул санам. 2

Қўмсаб сизни ойдин тунни кутарман,  
Келмас бўлиб ўтган кунни кутарман,  
Мен киймаган кувётгўнни кутарман,  
Сизни жондан севар эдим, гул санам.

Ёнибса ишқ Майжун айлар ҳам кимни,  
Бир одамга айтолмадим дардимни,  
Саҳрёлардан изланг, ўлсам, гардимни,  
Сизни жондан севар эдим, гул санам.

1991

## АГАРДА СЕН...

Юлдузлар ҳам чарақламасди,  
Агарда сен бўлмасанг, эркам.  
Офтоб бунча ярақламасди,  
Агарда сен бўлмасанг, эркам.

Бўлмас эди ёқимли, гўзал,  
Гул-чечаклар назокати ҳам.  
Нечун керак эди куй, ғазал,  
Агарда сен бўлмасанг, эркам.

Қалбим шодлик, нурга тўлмасди,  
Гулламасди қаршимда олам.  
Висол, ҳижрон ва рашк бўлмасди,  
Агарда сен бўлмасанг, эркам.

1978

## ҚАЙГА ЙЎЛ

*(Навоийга назира)*

Қайга йўл олсам агар, йўлдан адашиб бораман,  
Дил очиқ, чеҳрам очиқ, аммоки бахти қораман.

Қонлабон бағрим булут, бир лаҳза шодон бўлмадим,  
Ул қуёш нурига зор, дийдор учун бечораман.

Қайга бу бошим урай, ёр меҳрибоним бўлмаса,  
Шул сабаб Манраб каби бағри-дили садирораман.

Не қилай, жафо чекиб ўтди ҳаёт, жондин тўйиб,  
Мен рози бўлгум, қани келса қазо, мардонаман.

Орифо, йиллар ёрув, яхши замонларни кутиб,  
Қийматим йўқдир бу кун, гарчи асл дурдонаман.

1992

## ЮРАГИМГА ОЛОВ СОЛИБ

Юрагимга олов солиб ёниб-ёндирган,  
Муҳаббатим, қайга учдинг, қайларда қолдинг?  
Ихтиёрим қўлга олиб ёниб-ёндирган,  
Муҳаббатим, қайга учдинг, қайларда қолдинг?

Сени ўйлаб келолмайман ҳамон ўзимга,  
Сени ўйлаб қолсам, тор бу жаҳон кўзимга.  
Ҳамишалик бахтим эдинг, инон сўзимга,  
Муҳаббатим, қайга учдинг, қайларда қолдинг?

Келсанг агар, баҳор каби олам куларди,  
Чўққилари осмонўнар ҳижрон куларди.  
Қоронғулик бостан қалбим нурга тўларди,  
Муҳаббатим, қайга учдинг, қайларда қолдинг?

Қўшиғимсан, шеърларимсан, мунгли достоним,  
Ҳаётимсан, доим менинг танамда жоним.  
Бу дунёда қўл етмаган орзу-армоним,  
Муҳаббатим, қайга учдинг, қайларда қолдинг?

1991

## ЎРТАМИЗДА МЕҲР ҚОЛДИ

Сени севдим, сен ҳам мени севдим дедим,  
Ўртамизда меҳр қолди йиғлаб-йиғлаб.  
Не қилайин, сен ҳам мендек қайсар эдим,  
Ўртамизда меҳр қолди йиғлаб-йиғлаб.

Мен ҳам куйдим, сен ҳам ёниб юрдинг, гўзал,  
Мен йиғласам, кўз ёш тўкиб турдинг, гўзал.  
Ким алдади, йўлни қаён бурдинг, гўзал,  
Ўртамизда меҳр қолди йиғлаб-йиғлаб.

Ёмонланди душманларинг сенга кам-кам,  
Вайрон қилди улар менинг кулбамни ҳам,  
Орзу-умид кўтқа учиб топди барҳам,  
Ўртамизда меҳр қолди йиғлаб-йиғлаб.

Пинҳон куйиб-ўртаганинг билдим, нетай,  
Сен билмасанг, дардимни мен кимга айтмай,  
У дунёга йўл олмасдан айтиб кетай,  
Ўртамизда меҳр қолди йиғлаб-йиғлаб.

1990

## ҚАНДОҚ ҚИЛАЙ

Қачон кўрсам, оҳлар уриб тўлғонасан,  
Мен ҳам сендек кўнгли яра, қандоқ қилай.  
Ишқ ўтида ўртонасан ҳам ёнасан,  
Мен ҳам сендек кўнгли яра, қандоқ қилай.

Ғанимларинг эди мени сендан жудо,  
Орамизда қолди фақат ўтли нидо.  
Ишқимиздан айирмасин энди худо,  
Мен ҳам сендек кўнгли яра, қандоқ қилай.

Маржон-маржон кўз ёшларинг бағрим эзар,  
Биз қувнаган бовда бутун ағёр кезар,  
Биздан ўтган аламларни ким ҳам сезар,  
Мен ҳам сендек кўнгли яра, қандоқ қилай.

Сени севиб, оқибатда доғда қолдим,  
Бир умрга қоврилибон ёвда қолдим,  
Йиллар ўтди, ўшал ёнлик човда қолдим,  
Мен ҳам сендек кўнгли яра, қандоқ қилай.

## СОҒИНГАНМАН

Соғинганман, йўлингга кўз тутарман,  
Ҳеч бўлмаса тушларимга кириб тур.  
Келмаслигин билсам ҳамки, кутарман,  
Ҳеч бўлмаса тушларимга кириб тур.

Тақдир дебон гулбоғинг тарк этибсан,  
Юлдуз бўлиб кўкка учиб кетибсан,  
На орзуга, на ниятга етибсан,  
Ҳеч бўлмаса тушларимга кириб тур.

Яна ёнди тоғ бағрида гулбаҳор,  
Сен йироқда, мен фироқда интизор,  
Дуёё экан бевафою беқарор,  
Ҳеч бўлмаса тушларимга кириб тур.

Сени ўйлаб хаёларим паринон,  
Васлинг менга бир умрлик дард, армон,  
Ишқим эъзоз этмасанг ҳам, ногаҳон,  
Ҳеч бўлмаса тушларимга кириб тур.

1992

## ҚАНОТИНГНИ КИМЛАР ҚАЙИРДИ?

Учолмайин қолибсан, бургут,  
Қанотингни кимлар қайирди?  
Бу қисматдан толибсан, бургут,  
Қанотингни кимлар қайирди?

Баланд парвоз эдинг бир замон,  
Ўз бағрига оларкан осмон,  
Учар эдинг чиройли, равон,  
Қанотингни кимлар қайирди?

Ватан эди ўрқачли тоғлар,  
Бўриларга ташланган човлар,  
Қоялар ҳам сени сўроқлар,  
Қанотингни кимлар қайирди?

Бир кам экан аслида ҳаёт,  
Сенга энди тилайман сабот,  
Йўлинг пойлар банимлар, ҳайҳот,  
Қанотингни кимлар қайирди?

1987



## ҚАРАМАДИНГ ҚАЙРИЛИБ

Қарамадинг қайрилиб, гўзал,  
Ғам-аламда қолдим бир умр.  
Армондаман айрилиб, гўзал,  
Ғам-аламда қолдим бир умр.

Йўлинг пойлаб юрдим бехуда,  
Йиллар кутиб турдим бехуда,  
Бошим тошга урдим бехуда,  
Ғам-аламда қолдим бир умр.

Мағрурмидинг ёки ёшмидинг,  
Ё бўлмаса бағри тошмидинг,  
Авёрларга ўзинг бошмидинг,  
Ғам-аламда қолдим бир умр.

Кўзларимга дунё бўлиб тор,  
Ишқим билан қилдим ифтихор,  
Сени дебон атайин такрор,  
Ғам-аламда қолдим бир умр.

*1991*

## ҚАЙЛАРДАСАН?

Жилва қилди яна баҳор,  
Куйлар эриб тоғларда қор.  
Сенга дала-боғ иштизор,  
Айт, жонгинам, қайлардасан?

Оқ булоқда мажнунтол ҳам  
Сочин ёйиб турар нурғам.  
Гул-чечаклар кўзида нам,  
Айт, жонгинам, қайлардасан?

Шовуллайдди сойлар ҳамон,  
Осмон ерга тортар камон.  
Ютар кутиб лолалар қон,  
Айт, жонгинам, қайлардасан?

Сенсиз бугун тоғлар қариб,  
Ёсар дайди ел ахтариб  
Севган гулинг, қолмин қариб,  
Айт, жонгинам, қайлардасан?

*1987*

## БАЪЗИЛАР

Тингласанг баъзиларнинг сўзларин роҳат қилиб,  
Бўлмагай баъзи бирлар сўзига тоқат қилиб.

Баъзилар ширинсухан, элсевар дилбар одам,  
Яратмиш баъзиларни Оллоҳим офат қилиб.

Баъзилар шайтонга ҳам дарс бериб йўлдан урар,  
Ўйнатаиб кўз-қошини неча минг ҳолат қилиб.

Баъзилар ифвосидан қутулурсан оқибат,  
Қулоққа нахта тиқиб юриниши одат қилиб.

Баъзи бир саводхонлар мулламан деб ўзларин,  
Ҳаромхўрлик қилурлар ёлғондан тоат қилиб.

Орифо, анъор битиб умринг ўтиб боради,  
Яхшидан шодмон бўлиб, ёмондан нафрат қилиб.

1990

## МЕН ОШИҚ

Мен ошиқ бир кимсаман, яхши эмасдир нолишим,  
Ҳарчи ётсам туңлари, оҳлар урар тош болишим.

Йўқ эрур ақлу ҳушим, Мажнун гумон этманг мени,  
На совуқ, иссиқ демам кечиб неча ёзу қишим.

Васлига боғлаб умид, юргум тоқай ҳасрат билан,  
Ишқ юқини кўтариб мумкин эмас-ку толишим!

Куйлабон ёр васфини йиллар ўтибди, билмадим,  
Мен тамом бўлдим, ва лек бўлмас тамом дунё ишим.

Орифо, минг дард ила қайларга бошимни урай,  
Бевафо олам аро гар бўлмасе дардқаш қишим.

1991

## АЙЛАДИНГИЗ

Қачонки нозли хиром бир бора айладингиз,  
Кўйингизда умрбод овора айладингиз.

Ғамза-ла куйган юрак-бағримга таскин бермай,  
Кўзингиз чақмоғидан минг пора айладингиз.

Не қиларим билмайин айланур ғариб бошим,  
Кўз ёшимни бамисол фаввора айладингиз.

Ишқингизда йўлларим бўлди, Ориф, мунаввар,  
Кўтариб кўкка руҳим сайёра айладингиз.

*1981*

## СЕНИ ТОНМАДИМ

Ахтариб гулга тўлган бовларни кездим,  
Кўз ёни тинмас булоқ, тоғларни кездим,  
Хаёл отида ёшлик човларни кездим,  
Қўмсаб висолинг, жонон, сени тонмадим.

Куйлабон, гул, васфингни булбул мисол мен,  
Ҳар гиёҳ, ҳар дарахтни қилдим савол мен,  
Гоҳи ёндим ўт бўлиб, гоҳи шамол мен,  
Елиб чўлу биёбон, сени тонмадим.

Йиллар кетидан йиллар келиб, боз кетди,  
Умрим фаслидан бу кун баҳор, ёз кетди,  
Куйлаб, Ориф, ишқ куйини, қўлдан саз кетди,  
Қолди дилимда армон, сени тонмадим.

*1992*

## САЙРИ ГУЛЗОР

Очилур гуллар сулув, кўркем бўлиб,  
Сайри гулзор айлангиз хуррам бўлиб.

Ййратиб дилларни ҳам хунбўйлари,  
Товланар инқ дардига малҳам бўлиб.

Бевафолар билмагай гул қадрини,  
Берма уни ҳар кимга Ҳотам бўлиб.

Совға этсанг, кўринур ул даста гул  
Ёр кўзига нузли бир олам бўлиб.

Орифо, гулшан аро тузсам наво,  
Куйлагай булбуллари ҳамдам бўлиб.

1973

## НЕЪМАТ ЭРУР

Сенинг ҳаярингда ёнмоқ  
Шонли бир қисмат эрур.  
Инқ юкин кўтармоқ ҳам  
Мўътабар хизмат эрур.

Лол эрсам ҳузурингда,  
Сен мени кўрқоқ дема.  
Наҳори дил этолмай  
Қолганим иззат эрур.

Висолингни шавқиди  
Йўлга тундим, э санам,  
Бир умид бирла яшаш  
Ҳам буюк хислат эрур.

Дерлар, ошиқ аҳлини  
Куйлатур савдои инқ,  
Дарди инқинг куйламоқ  
Мен учун неъмат эрур.

Орифо, мен ўртаниб,  
Айладим васфинг газал,  
Бир қиб боқсанг агар,  
Беқийе ҳиммат эрур.

1977

## КҰНГИЛ

Шодидан шод, нурга тўлиб,  
Аламдан доғ экан кўнгил.  
Вақти ҳижрон гулдай сўлиб,  
Висолдан чоғ экан кўнгил.

Гулдай нозик, тошдай оғир,  
Сақланар минг хазина, сир.  
Олий мақсад йўлида бир  
Равшан чароғ экан кўнгил.

Берманг озор унга зинҳор,  
Кўтаролмас кўнса ғубор.  
Илиқ сўздан мисли баҳор,  
Яшнаган бов экан кўнгил.

Орауси мўл, асло битмас,  
Ўлимни ҳам писанд этмас.  
Қор ёвса гар, эриб кетмас,  
Ҳам баланд тоғ экан кўнгил.

Дўстга ошиқ у ҳар маҳал,  
Душманга ҳам душман азал.  
Ориф ёзар бўлса қазал,  
Қайнар булоқ экан кўнгил.

1975

## МУҲАББАТИМ, СЕНИ ИЗЛАРМАН

*(вариант)*

Ҳар дам ёруғ дунёни кезиб,  
Муҳаббатим, сени изларман.  
Анор каби бағримни эзиб,  
Муҳаббатим, сени изларман.

Кулар эди қаршимда баҳор,  
Менга сендан юксак нима бор.  
Қайга кетдинг, бўлиб интизор,  
Муҳаббатим, сени изларман.

Дил қўшигим, ўтли дostonим,  
Аллаб қочган аҳди ёлғоним,  
Гар танамда бор экан жоним,  
Муҳаббатим, сени изларман.

Ёнар ёзсам қовоз ва қалам,  
Бу ҳолимга йиллар Мажнун ҳам.  
Ўртаб мени армонли алам,  
Муҳаббатим, сени изларман.

1992

## БҰЛМАС

(хазил)

Бир гўзалким мисли офтоб,  
Жамолига қараб бўлмас.  
Сарвиқомат, яна ҳеч ким  
Анингдек боадаб бўлмас.

Меҳри ишқинг тушиб дилга,  
Ўртанурман десам ёлғиз,  
Деди: — Ёнар мени дебон  
Юлдузлар ҳам, санаб бўлмас.

Ишқ ўтида куйиб ўлсам,  
Қабр тошим ёниб кетгай  
Десам, деди: — Лоф уриб, бу  
Дилимга ўт қалаб бўлмас.

Тоғ еллари каби райҳон  
Сочларингни тарай десам,  
Деди: — Унга дилинг боғлиқ,  
Шул сабабдан тараб бўлмас.

Орифо, гул васфинг ўйлаб,  
Минг хаёлда паришонман.  
Дариф тутма висолингни,  
Сендан ўзга талаб бўлмас.

1982

## ҚАЙТАДАН ГУЛЁР КЕЛИБ...

Бу кун кўнглим ёрув воят, қайтадан гулёр келиб,  
Ва ана онди садоқат, қайтадан гулёр келиб.

Айланиб бош, не қиларим билмайин қолган эдим,  
Бошлади йўлга ниҳоят, қайтадан гулёр келиб.

Гуноҳдор одам мисоли юргандим жондан кечиб,  
Тарқалиб кетди хижолат, қайтадан гулёр келиб.

Қадимдан бордир ривоят, ёлғизнинг бахти қулмас,  
Эл аро тондим саодат, қайтадан гулёр келиб.

Орифо, ҳижрон азоби ортда қолди бир умр,  
Кўшигим бўлди муҳаббат, қайтадан гулёр келиб.

1989

\* \* \*

Не бўлур, ёр келса-ю, қалбимни обод айласа,  
Ишқида куйган юракни бир нафас шод айласа.

Доимо дарди висоли қийнагай муштоқ дилим,  
Истагим, нолам етиб дардидан озод айласа.

Бўлмагай бирдам хаёлимдан пари ул дилрабо,  
Юз гўзал қошимда то юз ғамза ижод айласа.

Кўзга суртар эдим изларини минг ўргилиб,  
Бир келиб ул позанин ҳижрони барбод айласа.

Орифо, тунлар ёниб ёр ҳажрини назм айладим,  
Куйдурур ул ойни ҳам, назмимни гар ёд айласа.

1969



## ИШҚ ЮКИ

Эзилиб ишқим юкидан тоғлар ҳам бўлгай кукун,  
Оҳ уришдан қўрқаман, қўй, ёнимсин олам бутун.

Ортаю кеч йўлларига кўз тутарман зору зор,  
Келмасанг гар, кундузим, воҳ, бамисол қон-қора тун.

Не ажабким, тўзимас ёр ҳасратида кул бўлиб,  
Дарди гамда ёнди бағрим ўт-олов, чиқмай тутун.

Менки бардош кўрсатурман доғи ишқда, эй дўстлар,  
Дон беролмас эрди ҳатто Фарҳодиля Маънун.

Орифю, мен дил торини чертиб анъор айладим,  
Конки, етса сенга, жоним, ушбу анъорим бу кун.

1989

## ЁДГА ТУШИБ...

Ёдга тушиб қалбим қиймалар  
Олисларда қолган муҳаббат.  
Вужудимга тишмай ўт қалар  
Олисларда қолган муҳаббат.

Қайдан сенга кўнгил қўйдим мен,  
Ҳажринг аро жондан тўйдим мен.  
Куйдирганинг, яна куйдим мен,  
Олисларда қолган муҳаббат.

Дунё ўзи экан зўр сайёд,  
Билмам, келиб кимлар бўлди шод.  
Қўмсаб тулар айладим фарёд,  
Олисларда қолган муҳаббат.

Нур бор экан, зулумот ҳам бор,  
Йиллар ўтар қаторма-қатор.  
Биламанки, қайтмайди зинҳор  
Олисларда қолган муҳаббат.

1992

## ЎЙНАГАЙ

Гул-гул ёниб, гули раъно ўйнагай,  
Кўзларида меҳру вафо ўйнагай.  
Дилга бериб завқу сафо ўйнагай,  
Ақлинг олиб, ақли расо ўйнагай.

Гар айланиб шўхлик қилур ўзгача,  
Жилвасидан саҳнада нур ўзгача,  
Орғиб яна шавқу сурур ўзгача,  
Парвоз этиб моҳлиқо ўйнагай\*.

Янграб қўшиқ, қўлларда тор ушбу кун,  
Дил розини айлаб изҳор ушбу кун.  
Очилибон мисли баҳор ушбу кун,  
Юзлари гул, қонлари ё ўйнагай.

1973

\* \* \*

Келмадинг, айлаб мени, эй дилрабо ёр, интизор,  
Куйлабон бўлдим, нетай, бузбулваво, ёр, интизор.

Кўзларим нури тўкилди сен келар йўлга қараб,  
Бўлди ол ранги-рўйим ҳам қаҳрабо, ёр, интизор.

Сен билан бирга экан, билмадим, жоним маним,  
Йўлларингда бу танзим суратнамо, ёр, интизор.

Эслагар анвойи гуллар сочларингнинг бўйини,  
Кезганимда совиниб гулзор аро, ёр, интизор.

Орифо, субҳи сабоҳ ёндим сенинг ишқингда, кел,  
Бўлмайин хоки туроб ҳажрингда то, ёр, интизор.

1975

---

\* Вази талабига кўра «моҳлиқо» тарзда битилган. Асли «моҳлиқо» ёки «миҳлиқо». *Мухҳаррир.*

## ОНА МЕҲРИ

Кўрдим, она, меҳрингиз кўз очиб тонг маҳалда,  
Меҳрингиз дилга чиздим офтоб мисоли ҳалда.

Меҳр қуёшингиздан бўлди дилим мунаввар,  
Ширин сўзларингиздек ширинлик йўқ асалда.

Бу оламни танитган бағри олам ўзингиз,  
Онасиз асли олам яралмасди азалда.

Бахти кулган гул диёр бағрида завққа тўлиб,  
Меҳрингиз куйлар Ориф жўшиб бу кун газалда.

*1973*

## КЎРСАТУР

Ўртаниб ул позанин ҳижронга дошини кўрсатур,  
Тушлари мактуб ёзиб, меҳри қуёшин кўрсатур.

Бошида минг хил хаёл ёр йўлларига кўз тутиб,  
Оҳ чекиб гоҳида, ул кўзларда ёшин кўрсатур.

Севганига қалбида асраб садоқат гулини,  
Айтмайин авёрга роз, бағрида тошини кўрсатур.

Дил очиб айта қўшиқ тонгда туриб гулшан аро,  
Кокилни ўйнаб сабо, ҳусни талонини кўрсатур.

Орифо, кўрсатса гар аҳли вафолар тоқатин,  
Бевафолар ўйнатиб қайрилма қонини кўрсатур.

*1982*

## ВИСОЛИНГ ЭХТИЁЖИМДИР

Ганжинани ишқинг сенинг  
Тожимдир, ўзга тожим йўқ.  
Ёлғиз висолингдан бўлак  
Менинг ҳеч эҳтиёжим йўқ.

Меҳрим ноёндоз айлайин,  
Ёр, сен келар йўлга қараб.  
Жоним берай суюнчига,  
Бошқа божу хирожим йўқ.

Юзинг қуёшидан, санам,  
Бўлсам олис, мисоли мен  
Заъфарон бир гиёҳдурман,  
Ишқ боғида ривожим йўқ.

Ёр, сўзларингни соғиниб,  
Тунлар ёниб битсам вазал,  
Қўшиқ бўлиб етса сенга,  
Нетай, бошқа иложим йўқ.

Ориф, тасалли изламам,  
Боғ сайридин, тоғ сайридин,  
Бўлмаса васлинг менга,  
Уйимда нур — сирожим йўқ.

1980

## СЕНИ ШИРИН ТАБАССУМИНГДАН

*Қизим Наргизага*

Хонам бўлгай нишам, нурафшон  
Сени ширин табассумингдан.  
Юрагимда ёруғлик, ишон,  
Сени ширин табассумингдан.

Гуллар бўйим бўйлаб туради,  
Дил булбулдек куйлаб туради,  
Осмон эртақ сўйлаб туради  
Сени ширин табассумингдан.

О, қанчалар гўзал бу ўлкам,  
Баври доим баҳордек кўркем,  
Ишлар гўё борлиқ яна ҳам  
Сени ширин табассумингдан.

Шодликнинг ҳеч баҳоси бўлмас,  
Завқи йўқнинг сафоси бўлмас.  
Қўшиғимнинг адоси бўлмас  
Сени ширин табассумингдан.

*1976*

## БУ ОҚШОМ

Гулзор сайрига чиқди  
Ул дилрабо бу оқшом.  
Ой ҳам боқиб юзига  
Олди зиё бу оқшом.

Ўйнаб майин шаббода,  
Тортқилар кокиллари,  
Кокили райҳонидан  
Хушбўй ҳаво бу оқшом.

Гулларга розин айтиб,  
Куйлади аста қўшиқ,  
Жаранглаб дилга қўнди  
Сирли наво бу оқшом.

Нозу қаранма бирлан  
Ёлғиз ҳаёлим олмай,  
Ёндирди ишқин айлаб  
Қалбимга жо бу оқшом.

Кўрдим-у, Ориф, ҳайрон  
Қолдим назокатига,  
Тушди бошимга яна  
Ажаб савдо бу оқшом.

1980

\* \* \*

Ота-онадан, эй фарзанд, азиз одам тополмайсан,  
Дили, жони сенга пайванд, меҳри ҳотам тополмайсан.

Аларнинг иззатин қилгил то ёнингда экан доим,  
Кўзин юмса оламдин, кезиб олам тополмайсан.

Не азобу уқубатлар чекмадилар сени дебон,  
Қариган чоғида хўрлаб, этма мулзам, тополмайсан.

Беодоб, беҳаё бўлсанг, эл олида юзи шамгун,  
Куйиб пинҳона йилларки, анга малҳам тополмайсан.

Орифо, эл ҳикмати бу — ота-она давлатингдир,  
Алар бирла ўтар дамдин яхшироқ дам тополмайсан.

1973

## ЭСЛАТУР

Токларим бағри сенинг ўтли висодинг эслатур,  
Гуллари зеболашиб, қадди ниҳолинг эслатур.

Қўнғироқ кулгинг мисол шўх сойлари хандон уриб,  
Чанман билдурлари меҳри зилолнинг эслатур.

Бўй сочар райҳонлари кокили паринонинг каби,  
Лолалар гул-гул ёниб, руҳсори олинг эслатур.

Оқ шоҳи бонда рўмоли, қоялар осмонўпар,  
Ул қўнғига етудек бахту камолнинг эслатур.

Изларингни қўмсаб Ориф кезса тоқлар бағрини,  
Кўйлашиб булбуллари ширин мақолнинг эслатур.

1971

## СЕН БИЛМАДИНГ

Иени-жисминг дил созига солиб кўйладим,  
Қайга бормай, хаёлимда сени ўйладим.  
Сенга бўлган муҳаббатим элга сўйладим,  
Сен билмадинг, билиб ва ё кўзга илмадинг.

Ишқинг дилга мезбон бўлди, меҳмон бўлмади,  
Қирай дедим меҳр уйингга, осон бўлмади.  
Висолингдан ўзга менда армон бўлмади,  
Сен билмадинг, билиб ва ё кўзга илмадинг.

Неча йиллар ғамларингда тўздим, чидадим,  
Ишқ дардига Мажнундан ҳам ўздим, чидадим.  
Кўз ёшимга кема солиб сўздим, чидадим,  
Сен билмадинг, билиб ва ё кўзга илмадинг.

Энди эса кўз ёнлари алам беҳуда,  
Қирингидан юмалаган шабнам беҳуда.  
Кетди чеккан оҳлариму полам беҳуда,  
Сен билмадинг, билиб ва ё кўзга илмадинг.

1978

## ОДАМ ГҶЗАЛ ОЛАМ УЧУН

Дейдилар, фарзанд эрур одам гўзал олам учун,  
Шул сабаб олам онадек мўтабар одам учун.

Онадек айлаб эъзоз, сен ҳеч қачон ранжитмагил,  
Доимо бағри нурафшон меҳрибон, ҳотам учун.

Барча эл дўсту иноқ тинчлик аро ўтсин яшнаб,  
Келмагай одам ахир ҳам можа ро, мотам учун.

Икки дарё бўйлиб, боқ, сувга зор бўлмин Орол,  
Фарқи йўқ тоғлар йиқилса, баҳрасиз беғам учун.

Орифо, мунгли бўлиб одам одамнинг қўлида,  
Тўйибон жондин яна юз тутмасин барҳам учун.

1975

## БОДОМ ГУЛЛАРИ

Очилди қийғос ўлкам баҳорин  
Эрка дилбари — бодом гуллари.  
Чергади майин бу юрак торин,  
Боққанинг сари бодом гуллари.

Гулга бурканди дала, боғларим,  
Тўшар ёдимга ёшлик човларим.  
Чорлагай, эркам, сени тоғларим,  
Сўқмоқ йўллари, бодом гуллари.

Йўллارга боқдим интизор бўлиб,  
Совиниб, қўмсаб ҳам бедор бўлиб. ✕  
Тўкилди бир-бир мисли қор бўлиб  
Ҳижрон туллари бодом гуллари.

Кездим тоғларни сени сўроқлаб,  
Сен севган бодом гулин ардоқлаб.  
Орифо, ажаб, учар йироқлаб  
Хаёл сингари бодом гуллари.

1974



## КЎРИНМАЙСАН

Нурга тўлиб яна олам,  
Гуллади боғ, кўринмайсан,  
Яшил кўйлак кийди ҳарёқ,  
Яшнади тоғ, кўринмайсан.

Бир мен эмас, гулбаҳор ҳам  
Йўлларингга зор, интизор.  
Гулин тўкиб бодомзорлар,  
Ёзди янроқ, кўринмайсан.

Сочларингнинг бўйларига  
Қўнғали бўй тонг еллари  
Райҳонларнинг ҳидин олиб,  
Елар бу чоқ, кўринмайсан.

Оқар шўх сой ва ирмоқлар  
Жилваларда қўшиқ куйлаб,  
Ўйнатай дер сенинг аксинг,  
Чашма, булоқ, кўринмайсан.

Орифо, мен васлинг истаб,  
Сайри бўстон айласам, воҳ,  
Юрагимга доғи ҳижрон  
Солар қийноқ, кўринмайсан.

*1983*

## ОТА-ОНАНГ

Меҳрини айлаб қуён  
Меҳрибон ота-онанг,  
Бошинг узра нур сочар  
Ҳар қачон ота-онанг.

Сен йироқ кетсанг агар,  
Йўллариңга интизор,  
Доимо бўлсин дегай  
Соғ-омон ота-онанг.

Яхшилар сафида бўл,  
Этма ҳеч номинг ёмон,  
Бўлмасин зинҳор куйиб  
Бағри қон ота-онанг.

Қанча ҳурмат айласанг,  
Оз эрур, ёдингда тут,  
Жону дил этган ато  
Жонажон ота-онанг.

Орифо, меҳнат билан  
Эл аро тоңсанг нараф,  
Фаҳр этар беҳад кўриб,  
Бегумон, ота-онанг.

1984

## СЕН БАХТИМ-БАҲОРИМСАН

Э нигорим, менга сенез бу оламда ҳаловат йўқ,  
Менинг бахтим эрурсан, бил, ўзга бахту саодат йўқ.  
Бу ишқимнинг баёнига тилим ожиз, маҳорат йўқ,  
Жудо бўлсам висолингдан, бундан орғиқ қиёмат йўқ.

Жўшар бағримда бир исён, бўлурман доимо ҳайрон,  
Сабаб эрур сенинг ишқинг, балки руҳимда бор бўрон.  
Умид отида елгайман, бир қадам ер ила осмон,  
Ва лек сенга етолмасдан тану жонимда тоқат йўқ.

Баъзи бирлар сохта севги билан кўнларга лоф урмиш,  
Чин ошиқлар ҳижронда ёр икларин кўзига сурмиш.  
Дил кўзида муҳаббатдан Ориф нурки қаср қурмиш,  
Бузулмас то абид, дўстлар, бу каби бир иморат йўқ.

1984

## ГУЛШАН АРО

Гулшан аро ушбу тоғ мен бирла баҳор эрди,  
Товланиб лола, наргиз кўзлари хумор эрди.

Гулу булбул суҳбати эркаларди дилимни,  
Табиат ўз-ўзига ошиқи беқарор эрди.

Билтур чашма дур ўйнаб қайнарди тиним билмай,  
Бу гўзаллик олдида жаннат ҳам бекор эрди.

Гул дасталаб оҳиста куйларди бир дилбар қиз,  
Роз айтибон гулларга юзлари гулиор эрди.

Кўз узолмай боқарди, гунчаларнинг бағри қон,  
Қанча гуллар мен каби бир кўришга зор эрди.

Орифо, мен ушбу тоғ завқидан масту хайрон,  
Не қиларим билолмай битганим анғор эрди.

1976

## СЕНИ КУТГАЙМАН

Тоғларим бағридан аста эриб қор,  
Лолалар очилиб, кулганда баҳор,  
Булбуллар гулларга муҳаббат изҳор —  
Этганда интизор —  
сени кутгайман.

Бодомлар кўпириб гуллаган маҳал,  
Табиат ўзи ҳам куйлайди вазал.  
Кезганда боқларни шунда, эй гўзал,  
Васлингга бўлиб зор —  
сени кутгайман.

Қанчалар ёқимли баҳор шамоли,  
У ҳам ўтиб кетар хаёл мисоли.  
Ҳеч қайси тоғда йўқ Чотқол жамоли,  
Тоғларим кезиб, ёр,  
сени кутгайман.

1976

## СОЗИНГНИ СОЗ ҚИЛА ҚОЛГНИ

Бел, эй мутриб, созингни тез соз қила қолгни,  
Баҳрим очиб, дилни баҳор, ёз қила қолгни.

Ҳижрон эмас, шодлик висол човини кўзлаб,  
Хуш навода булбулдек овоз қила қолгни.

Яшнар меҳнат аҳли билан ўлкаминг кўржи,  
Кўшиқ ила сен уни пардоз қила қолгни.

Куй тинглабон боғларга кир, тоғларга йўл ол,  
Гул табиятни ўзингга устоз қила қолгни.

Ориф, элинг байрамин қутлаб қувончдан,  
Йўлларига шеъринг ноёндоз қила қолгни.

1990

## ИШҚИНГ ЭДИ...

Ишқинг эди қалбимда, жоним, аланга,  
Ўт кўйди яна унга ҳижрон, аланга.

Авёр сўзига кириб бирга эмасмиз,  
Ёнар иккимизда ҳам ниҳон аланга.

Рашиқ ўтида ёнардим ўзгалар боқса,  
Устухоним ўртабон гумон, аланга.

Шафақ эрмас уфқда ҳар кеч қизарган,  
Олган оҳим ўтидан осмон аланга.

Излаб дилимга таскин тоғларни кезсам,  
Гул-юлгалар ёқади гулхан — аланга.

Ориф, бир-бир ёзиб айласам баён,  
Булбул ниқимдан ўқир дастон — аланга.

1978

## ҲИЖРОН

Пайдо бўлди-ю дунёда ҳижрон,  
Оқди куй бўлиб навода ҳижрон.

Азал-азалдан муҳаббат мисол  
Баробар шоҳу гадога ҳижрон.

Печа минг йиллар қолдириб танҳо,  
Ўртаг қуёшни самода ҳижрон.

Мажнунни жунун даштига судраб,  
Кўтарди фивон Лайлода ҳижрон.

Тоҳирни жудо айлади жондан,  
Ва зор йиқлади Зухрода ҳижрон.

Орифо, висол чокларин куйлай,  
Қолсин ўзи вам, жафода ҳижрон.

1975

## ЗЕБО БЎЛИБСИЗ

Очилиб гул-гул зебо бўлибсиз,  
Қора кўзлари шаҳло бўлибсиз.

Гулшан диёрим гулга ўрай деб,  
Меҳрингиз тошиб дарё бўлибсиз.

Хулқу меҳнатда ибрат кўрсатиб,  
Элда обрўйи аъло бўлибсиз.

Илҳом олурман сўзларингиздан,  
Жоно, мунчалар доно бўлибсиз.

Куйлагай Ориф булбулдай ёниб,  
Чаманда бир гули ратно бўлибсиз.

1978

## ГУЛ ҲАЁТ

Уйғониб боқди оламга  
бир гўзал уйқусидан,  
Таралиб меҳри зиёси,  
оқди ҳис-туйғусидан.  
Айлабон позик табассум  
қутлади оқ тонгни ҳам,  
Ер юзи бўлди мунаввар  
юзларин ёдусидан.  
Тоғларимдан оқди сойлар  
шарқираб оҳанг бўлиб,  
Сочилиб кетди чаманга  
гул-чечак кулгусидан.  
Кўрди-ю ҳусни жамолин,  
эртақ айтди оймомо,  
Термулиб қолди қуёш  
кўкнинг пок кўзгусидан.  
Доимо жилва қилиб,  
Орифо, бу гул ҳаёт  
Яшнагай тинчлик деган  
барча эл орузидан.

1972

## ХАЁЛИМДА

Ғаҳратон қиш оҳиста сўниб,  
Кулса баҳор ёдуга тўлиб,  
Ғазал айтса булбул маст бўлиб,  
Хаёлимда

жонланар шу дам,  
Сенинг гўзал ёшлигинг, эркам.

Бинафшалар очилса бода,  
Гул-лолалар кўрсам қучовда,  
Юзни ювсам чанма-булоқда,  
Хаёлимда

жонланар шу дам,  
Сенинг гўзал ёшлигинг, эркам.

Ой юзидан ёғса майин зар,  
Нигоҳимни тортса юлдузлар,  
Йўлим тунса тоғларга агар,  
Хаёлимда

жонланар шу дам,  
Сенинг гузал ёшлигинг, эркам.

1970

## ЯНГИДАН

Барпо бўлмиш ушбу кун савти наволар янгидан,  
Айламини ашғор ижод ақли расолар янгидан.  
Ноз қилур ҳар дамда бир ўйнаб зеболар янгидан,  
Ишқ, саодат янгидан, меҳру вафолар янгидан.

Ўзгариб бормоқдадир кулбаи олам бу кун,  
Бўлди обод қанча ер ҳам қанчаси барҳам бу кун.  
Мадори жони қуриб денгиз — Орёл нурғам бу кун,  
Не учун дарё оқиб, эмас саболар янгидан?

Асеримиз қайноқ эрур, собит қадамлар бошқача,  
Ақду ҳикмат ошибон, эда одамлар бошқача.  
Хилма-хил жабру жафр, қайғу-аламлар бошқача,  
Ларзага солмини, Ориф, ўгли индолар янгидан.

1987

## ЁР ЎТАР

Ёр ўтар гул оралаб тошда бов, гулзоридан,  
Раиғ олар гуллар кўриб гулшани руҳсоридан.

Сочларини тортқилаб, ҳар томонга тўзғитиб,  
Ўйнашар шўхлик билан ел ўниб гулшоридан.

Бов аро раъно гули термулиб қолгай, ажаб,  
Ўзмайин ҳеч кўзларин наргиси ҳуморидан.

Сайрагай шўх булбуллар жўр бўлиб гул шоҳида,  
Очилиб айтса кўшиқ дилдаги асроридан.

Орифо, олсам қалам ул гўзалнинг мадҳига,  
Куй учар, оҳанг учар доимо дил торидан.

1984

## БЕҒУБОР ЯШНАР ЧАМАН

Гавҳар ул гавҳар эрур тошга тенг этган билан,  
Тош эрур тоқларда тош кўк сари етган билан.

Умри қисқадир ҳасаднинг, сен асабини бузмағил,  
Беғубор яшнар чаман телба ел титган билан.

Гар ноҳақ ранжитса ким, бўл дадил, ўткинчи деб,  
Бўлмагай нодон оқил бошга тож битган билан.

Орифо, майса каби топ камол камлик аро,  
Сингуси охир қамиш гердайиб кетган билан.

1985



## ҲИЖРОН БУГУНЧА

Босиб турар киригингни марварид шабнам,  
Ўрта қалбинг печудир ўкинч ва алам.  
Йўл кутиб сарғайибди гўзал чехранг ҳам,  
Қош орасин маскан этмин нозин тутунча,  
Қайғурма кўн, ёринг келар, ҳижрон бутунча.

Эркаланиб майин сабо тоғини уйғотар,  
Гул ҳидлари димоғингда шодлик қўзғатар.  
Буабул сайраб, кўнгила хунлаб кўнниқ куйлатар,  
Қош орасин маскан этмин нозин тутунча,  
Кўн қайғурма, ёринг келар, ҳижрон бутунча.

Печа йилки ул йингитта бўлибсан аспир,  
Меҳру инқи бахтинг эрур, бағринга яшир.  
Ваъда бериб узоқ элга қузатдинг, ахир,  
Қош орасин маскан этмин нозин тутунча,  
Қайғурма кўн, ёринг келар, ҳижрон бутунча.

1980

## ТУРИБ ЭРТА САҲАРЛАРДА

Туриб эрта саҳарларда сабони куйласам, дўстлар,  
Юрагим торин чертган навони куйласам, дўстлар.

Менга олам берар сўйлаб узоқ ўтмин бисотидан,  
Бошимга қўнган бу иқбол — Ҳумони куйласам, дўстлар.

Замин узра оқар нурлар поёни йўқ самовотдан,  
Тунлар ўйинга юлдузлар, самони куйласам, дўстлар.

Булоқдек қайнагай илҳом, гўзал давримни оқинлаб,  
Садоқат бирла оҳиста вафони куйласам, дўстлар.

Дилим, Ориф, яна равнап бўлиб, тобора нур сочгай,  
Элимга бахт ато этган зиёни куйласам, дўстлар.

## ВАСЛИНГ ҚҰМСАБ

Кезарман боғ тоғи-саҳар налласида,  
Товлар ухлар булоқлар алласида.  
Ўт ёнар дил бу вужуд қалъасида,  
Васлинг қўмсаб интизор, ёр, интизор.

Дейдиларки, ўлимдан хўрлик ёмон,  
Жон эдинг сен мен учун, кўркам жаҳон.  
Тўлқин уриб тўлғанар меҳрим ҳамон,  
Васлинг қўмсаб интизор, ёр, интизор.

Кута-кута сарғайди ранги-рўйим,  
Бир кўриндир мақсаду дарду ўйим.  
Бўлди ҳажринг доимо қўшиқ-куйим,  
Васлинг қўмсаб интизор, ёр, интизор.

1975

## ОРЗУ-АРМОН ЁНМАСИН

Аё дўстлар, аччиқ алам бирла инсон ёнмасин,  
Ҳамда инсон кўнглидаги орзу-армон ёнмасин.

Рози бўлмаёй ҳаётдан ўтга отмин баъзилар,  
Жондан ўтиб меҳрsizлик тавида жон ёнмасин.

Ёнгуен ҳар бир одамнинг жонқуяри бўлмаса,  
Огоҳ бўлинг, ушбу ўтдан еру осмон ёнмасин.

Ортиқ эрмас мол-дунё инсоният қадридан,  
Бошга тушганда овир кун, он ила нон ёнмасин.

Орифо, бу мард элимнинг дўсти кўн, душмани кўн,  
Ўзгаларнинг ҳийласига учиб бир он ёнмасин.

1990

## ИШҚ КҰЙИДА

Ўртанур дил ул гўзални ҳар қачон ёд айласам,  
Дарз кетиб сингай фалак ҳам оху фарёд айласам.

Кимга айтай, дўстларим, воҳ, дарди ҳижроним бутук,  
Айлашишдан тўхтагай Ер ўртаниб дод айласам.

Ишқ кўйида не ҳолатга тушмас киши, кулмангиз,  
Гоҳ тешамни тошга уриб ўзини Фарҳод айласам.

Кўзга суртиб изларимни Мажнунлар олгай сабоқ,  
Аедариб тоғдай оғир ёр ҳажрини барбод айласам.

Орифо, бахтли сезардим ўзини яна умрбод,  
Куй-қўшиқдан мен муҳаббат қасрини бунёд айласам.

1979

## БЎЛМАС ЭКАН

Не қилай, кўнглим хаёлинидан озод бўлмас экан,  
Йишабон қалбим уйи, сененз обод бўлмас экан.

Сайри гулзор айласам гулшан юзингни дардида,  
Термулиб гуллар менинг чеҳрамга шод бўлмас экан.

Ҳажр ўтида ўртанибон тунлари ёндим ва лек,  
Чин ошиқларининг умиди барбод бўлмас экан.

Асрабон ишқ гулини, сўлдирмайин ардоқлагин,  
Дил қаърида унмаса то у бунёд бўлмас экан.

Э Ориф, билсанг агар, доим муҳаббат аҳлига  
Севгили ёр васлидан ўзга мурод бўлмас экан.

1975

## АЙЛАГАЙ ГУЛЛАР ҲАВАС

Бўй эгар шамшод, кўриб қадди ниҳолингни сени,  
Айлагай гуллар ҳавас руҳсори олингни сени.

Ғунча узра томган ул феруза шабнам синари,  
Бўлмагай таъриф қилиб ул дона холингни сени.

Бир кўришда солди ўт кўзларинг бағрим аро,  
Тинглабон ёндим яна ширин мақолингни сени.

Куйладим тун кечалар ҳажрингда мен зор ўртаниб,  
Айладим орзу фақат, жоно, висолингни сени.

Йўлларингта Орифинг меҳрин поёндоз айлади,  
Ташна дил қонсин кўриб меҳри зилолингни сени.

1978

## ҚОШИ Ё КЕЛДИ

Не балолар ёвилмади менинг азиз бу бошимга,  
Калтабин баъзи худбинлар заҳар солганда ошимга.

Ўз этимни едим охир сенинг дарди фироқингда,  
Икўшиб сойлар, кўшилдилар бўлиб ирмоқ кўз ёшимга.

Изтироб ўтида ёндим висолингдан умид узмай,  
Қочдилар мағлуб ванимлар, бечорамай дон бардошимга.

Кездим юрган йўлинг, жоно, изларингни тавоф айлаб,  
Айланиб қолди ўтлоқлар, тоғу тошлар сирдошимга.

Ёмон қунлар ўтиб, Ориф, шодликдан дил ўсар, дўстлар,  
Меҳмон эмас, бўлиб мезбон қонин ё келди қошимга.

\* \* \*

Куйлагай гулинан аро бир гули раъно ёниб,  
Ишқида айлар фиғон мен каби шайдо ёниб.

Ой, қуёш лолини кўриб кетмасин тун кечалар,  
Рашк ўти бирла яна кўздаги Зухро ёниб.

Кўзларин шуъласидан ўт олиб мисли шафақ,  
Қирроқ узра юрса ул тўлганар дарё ёниб.

Ноз ила саҳрога ҳам боқса бир ташлаб нигоҳ,  
Кўзларин отанидан гуркирар саҳро ёниб.

Орифо, сайри гулзор этса гар тонг чоғида,  
Оразин офтобидан нурланар дунё ёниб.

*1973*

## КЕЛДИ НАВРЎЗ

Келди Наврўз — навбаҳор байрам бу кун,  
Гул диёрим беғубор байрам бу кун.

Неча йиллар айлашиб таъқиб сени,  
Бўламинлар охир шармсор, байрам бу кун.

Ўйнагай қизлар, йигитлар басма-бас,  
Янграбон қўлларда тор, байрам бу кун.

Этгуси оламда деб тинчлик давом,  
Мард элим айлар қарор, байрам бу кун.

Орифо, янги замон, завқли ҳаёт,  
Қилмагай ким ифтихор, байрам бу кун.

*1990*

## ЖОНИМ ЭЛИМ-ЭЙ

Туяроғиң олтину, гавхардир тошинг,  
Не куши кўрмади бу темир бошинг.  
Қаддингни кўтаргил оқизмай ёшинг,  
Азалда Алпомиш бўлган элим-эй.

Тарихиңг кўмдилар кўр қилиб мутлоқ,  
Ўтди умриңг меҳнат-заҳматда кўпроқ.  
Не-не фарзандлариңг бўдилар туяроқ,  
Армони ушалмай ўлган элим-эй.

Кўрганлар ҳайрондир турмуш-тарзингни,  
Тингламай келдилар фарёд, арзингни.  
Эрта-кеч ишлабон узмай қарзингни,  
Очилмай гулдайиң сўлган элим-эй.

Дарёларни сахро-чўлларга буриб,  
Қолмоқда Оролдай денгизинг қуриб.  
Дунё ҳам ташвишда бу ҳолни кўриб,  
Ўз устидан ўзи кулган элим-эй.

Яқин мустақиллик — қайноқ бир замон,  
Чироғиңг ўчмасиң сениңг ҳеч қачон.  
Юзиңг бур адолат, ҳақиқат томон,  
Қалблари аламга тўлган элим-эй.

## ОРОЛ МОНОЛОГИ

Дардим тўла денгиз — Оролман,  
Кимга айтиб, кимга йиғлайин.  
Тўлақинлари сўник — беҳолман,  
Кимга айтиб, кимга йиғлайин.

Тош бўлсанг-да, ташлагин назар,  
Гулбоқларга қуён ўт қалар.  
Қирғоғимда қуюн ўрмонлар,  
Кимга айтиб, кимга йиғлайин.

Ҳалокат юз очганин бўзлаб,  
Булдулар туз сочганин бўзлаб,  
Ҳаёт мендан қочганин бўзлаб,  
Кимга айтиб, кимга йиғлайин.

Қуриб борар мадори жоним,  
Наҳот, тамом бўлса достошим.  
Юракдаги ҳасрат, армоним  
Кимга айтиб, кимга йиғлайин.

Завол кўрмай минглаб ёшимда,  
Қанча ташвиш бу кун бошимда.  
Касний қалқиб турар қошимда,  
Кимга айтиб, кимга йиғлайин.

Дарё бўғиб қоракўз халқим,  
«Оқ олтин» деб ширинсўз халқим.  
Азоб чекса яна ўз халқим,  
Кимга айтиб, кимга йиғлайин.

Дейман иқбол бир кузиб боқса,  
Томиримга Амуё Сир оқса,  
Бу орзулар бағримни ёқса,  
Кимга айтиб, кимга йиғлайин.

1986

## ҚАЧОН БОҒИНҒДА

Қачон боғингда бир бора бўлдим,  
Ишқингда бағри юз нора бўлдим.

Васлингни қўмсаб чекиб жафолар,  
Бир бор кўрай деб овора бўлдим.

Чора тополмай ҳажринг ўтига,  
Ажраб боримдан бечора бўлдим.

Васфингни куйлаб субҳи саболар,  
Кўзларда ёни фаввора бўлдим.

Орифни меҳринг торғди домнга,  
Оқибат, ёниб сайёра бўлдим.

1962

## ОЛАМНИНГ ЗИЙНАТИ

Оламнинг зийнати ёруғлик дебон,  
Тутмайин дилдаги ишқини пинҳон,  
Эътиқод йўлида аямай ҳеч жон,  
Нарвона зиёга урди ўзини.

Гулларга роз айтиб айланиб боёда,  
Хушовоз булбулни қолдириб доёда,  
Тўнлари дард чекиб қоврилиб ёёда,  
Ошиқлар навога урди ўзини.

Тикилиб заминга ёнар юлдузлар,  
Не сирин сақлагай нурли у кўзлар.  
Ботирлар учинда кўрсатиб хунар,  
Юлдузли самога урди ўзини...

Ғалвали замона, давримиз қайноқ,  
Эгри йўл ахтарар тўғри ҳам бироқ.  
Не бор деб, одамлар, зардан афзалроқ,  
Хасенлар тиллога урди ўзини.

Бахт излаш меҳнатдан давримизга хос,  
Топталди оқибат сингари мерос.  
Илм ҳам савдога тушиб беқиёс,  
Олимлар риёга урди ўзини.

1981



## БАҲОР ЧОҒИ

Баҳор чоғи юлдузли осмон,  
Муҳаббатим, сени изларман.  
Айт, қайларни айладинг макон,  
Муҳаббатим, сени изларман.

Ишқимизга гувоҳдир тоғлар,  
Кезган сарим бағримни доғлар,  
Ғариб, боқ-а, гул, чаман, боғлар,  
Муҳаббатим, сени изларман.

Йўлларишда чекдим кўп жафо,  
Тополмасдан дардимга даво.  
Дунё экан асли бевафо,  
Муҳаббатим, сени изларман.

Ўтиб борар йиллар карвони,  
Висол эрур ошди армони.  
Ҳаётимнинг битмас достони,  
Муҳаббатим, сени изларман.

1992



## КЕЛДИМ

Яна бошим эгиб сен ёра келдим,  
Ҳажринга топмайин мен чора, келдим.

Меҳринг қуёш каби тортар ўзига,  
Чарх уриб бамисоли сайёра келдим.

Васфингни куйлабон шому сабозлар,  
Гул юзинг ишқида гулзора келдим.

Висол орзулари хаёлим чулғаб,  
Бағримни ўртади тобора, келдим.

Ориф Мажнун дебон қилма маломат,  
Ишқим яширмайин ошкора келдим.

1970

## ЭЙ САНАМ

Эй санам, ҳеч бир гўзал  
Сен каби дилдор эмас.  
Юзлари раъно мисол,  
Кўзлари хумор эмас.

Айладинг бир-бир боқиб,  
Ихтиёримдан жудо,  
Сен дебон суҳди сабоҳ  
Ёнганим асрор эмас.

Куйладим булбул бўлиб  
Гул юзингинг шавқида.  
Бўлмаса булбуллари,  
Гул эмас, гулзор эмас.

Доимо боқдим сенинг  
Иўларингга иштизор.  
Бахт эрур васлинг менга,  
Ўзга бахт даркор эмас.

Орифо, жоним фидо  
Айлағум сен ёр учун.  
Ёр учун жонин фидо  
Этмаган ёр — ёр эмас.

*1984*

## ВИСОЛИНГГА ЕТОЛМАДИМ

Ёниб севдим, севдим дея айта олмадим,  
Эди ҳажринг, висолингга ета олмадим.  
Хаёлингдан мен олислаб кета олмадим,  
Дарди алам бўлиб қолдинг қалбимда, дилдор.

Кўз ёшларим оқса-да, бир кўнглим бўшамас,  
Гўзаллар кўн, сенга, санам, ҳеч ким ўхшамас,  
Иеминг кўшиқ каби янграб дилда ҳар нафас,  
Дарди алам бўлиб қолдинг қалбимда, дилдор.

Ўтиб борар аста-секин йиллар карвони,  
Ушалмиш кўн одамларнинг орзу-армони.  
Ёришмади, умрим ўтиб, бахтим осмони,  
Дарди алам бўлиб қолдинг қалбимда, дилдор.

Меҳбон экан дилларга инқ, бўлмайин меҳмон,  
Қадр этмай адансанг гар, ёмондир, ёмон.  
Эшитдимки, сен ҳам эмиш мендай нушаймон,  
Дарди алам бўлиб қолдинг қалбимда, дилдор.

1982

## ҚАЙДА ҚОЛДИНГ, АДОЛАТ

Не кулфатлар тушмади Ўзбекистон бошига,  
Тинмай таъна ёвилди ўхшаб тоғлар тошига.  
Ҳеч ким назар солмади селдек оққан ёшига,  
Кароматинг кўрсатмай қайда қолдинг, адолат.

Сендан айру тунидиг-у, баландпарвоз сўзладик,  
Асло етиб бўлмас бир манзилларни кўзладик.  
Йўлларингда биз етим бўта каби бўзладик,  
Кароматинг кўрсатмай қайда қолдинг, адолат.

Сени излаб тонмади не-не азиз инсонлар,  
Сени дебон тўкилиб сув каби оқди қонлар.  
Мискин Фурқат айтгандай, айшини сурди подонлар,  
Кароматинг кўрсатмай қайда қолдинг, адолат.

Минг жафо тортса ҳамки, тилини тийди халқимиз,  
Биров яхши гапирса, дарров ийди халқимиз.  
Батзан ошноқ нахта деб қора кийди халқимиз,  
Кароматинг кўрсатмай қайда қолдинг, адолат.

1986

## ҚУВСАНГ-ДА, ЕТОЛМАССАН

Кўзларингдан аёндир, илқинг беркитолмассан,  
Миниб мақтов отига қувсанг-да, етолмассан.

Шоирмисан, мусаввир, ортиқча уринмагил,  
Қалбингдан бўлак ерга сувратим битолмассан.

Бағрим ёнар ловуллаб, сен унда куймагунча,  
Айланиб парвонадек қошимдан кетолмассан.

Орифо, меҳрингни эт йўлларига ноёндоз,  
Сийму зар, бойлик билан бахтиёр етолмассан.

1981

## УЛ ЁР КЎРИНМАС

Очилди гуллар, ул ёр кўринмас,  
Ёрғиз менга гулбаҳор кўринмас.

Булбулнинг ҳам ўз куйлагани бор,  
У бўлмаса боғ, гулзор кўринмас.

Дерлар, ошнинг ўйларкан маънуқ,  
Дунё кўзига зинҳор кўринмас.

Ёшлигим ўтган йўлда мен доим,  
Наҳот, у йўлда бир бор кўринмас.

Доимо Ориф куйлабон васфин,  
Кўригди жон, лек дилдор кўринмас.

1979

2

## ОЙ ЮЗИНГНИ СОҒИНИБ

Эй санам, йўқлигинг энди билинди,  
Ой юзинг соғиниб бағрим тилинди.

Тополмай қолдим мен ўзимни-ўзим,  
Сен юрган йўлларга тикилган кўзим.

Ғариб бўлиб қолган бодомзор боғлар,  
Шивирлаб еллардан сени сўроқлар.

Эй санам, йўқлигинг энди билинди,  
Ой юзинг соғиниб бағрим тилинди.

Булбуллар бўтздан учаркан фиғон,  
Чайқалар доғлар маънос, бағри қон.

Бир совуқ гўзаллик юрагим эзар,  
Тоғларим бағрида гулбаҳор кезар.

Эй санам, йўқлигинг энди билинди,  
Ой юзинг соғиниб бағрим тилинди.

*1992*

## ТИНГЛАСАМ МЕН «ЧЎЛИ ИРОҚ»НИ

Ўтмиш сари етаклар хаёл,  
Ингранади саҳрода шамол.  
Карвон борар оҳиста, беҳол,  
Жаранглатиб мие кўнвироқни,  
Тингласам мен «Чўли Ироқ»ни.

Дарду ҳасрат орғиб тобора,  
Чўлга қочар Мажнун бечора.  
Куйлар Тоҳир — бағри минг пора  
Ошиқларга тушган фироқни,  
Тингласам мен «Чўли Ироқ»ни.

Шафқат билмай кечган замонлар,  
Қум устига тўкилган қонлар.  
Қилиб нола, оҳу фиғонлар,  
Юрагимга солар титроқни,  
Тингласам мен «Чўли Ироқ»ни.

Олов ёниб ўнгу сўлимда,  
Жанг боради карвон йўлида.  
Қулар йигит Туркман чўлида  
Ўниб шафақ мисол байроқни,  
Тингласам мен «Чўли Ироқ»ни.

Туйғуларнинг рангини кўргум,  
Фикрларнинг жангини кўргум.  
Асрий амал зангини кўргум,  
Кўргум сувга ташна қирғоқни,  
Тингласам мен «Чўли Ироқ»ни.

»

## БАҲОР КЕЗЛАРИ

Ой тўлибди баҳор кезлари,  
Сенсиз вариб экан бу дунё.  
Нур ёдидарар само дилбари,  
Сенсиз вариб экан бу дунё.

Фиргон айлар гуллаган боғлар,  
Бошини эгиб тинглаган тоғлар.  
Қандай гўзал эди у чоғлар,  
Сенсиз вариб экан бу дунё.

Ўтмиш сари судраб хаёлим,  
Қайлардасан, сўзлари болим.  
Билмам, энди не кечар ҳолим,  
Сенсиз вариб экан бу дунё.

Йиллар ўтар, кутаман ҳамон,  
Бағрим эзар сирли бир армон.  
Ҳаммадан ҳам ёлғизлик ёмон,  
Сенсиз вариб экан бу дунё.

*1989*

## ДОСТОН ҚИЛИНГ

Қайда кўргансиз ноҳақлик,  
Дўстларим, исён қилинг.  
Она халқимдан яширмай,  
Бирма-бир достон қилинг.

Хур диёрим бахти учун  
Ўт бўлиб ёнмоқ керак.  
Ким мунофиқ бўлса қўймай,  
Бирлашиб бирён қилинг.

Меҳру муҳаббат мулкани  
Обод айлаб доимо,  
Авдариб саз, тор қабоҳат  
Уйини вайрон қилинг.

Вақт бўрони ичра қиммат  
Умрингиз ўтмай туриб.  
Хайрли ишларни кўпроқ,  
Борича имкон қилинг.

Орифо қалб қони бирлаш  
Ушбу кун анъор ёзур.  
Куйлашиб анъорини  
Кўнглини осмон қилинг.

1980

2



## ЁШЛИК ЧОҒИМ ЁДИМГА ТУШСА

Осмондаги ой ҳам ўртанар,  
Ёшлик чоғим ёдимга тушса.  
Қўшиқ куйлаб сой ҳам ўртанар,  
Ёшлик чоғим ёдимга тушса.

Қояларда булутлар портлар,  
Кимдир тунда болам деб додлар.  
Адирларда чопади отлар,  
Ёшлик чоғим ёдимга тушса.

Сочга улар қизлар толбаргак,  
Кўкка учар саноқсиз варрак.  
Атрофимда айланар фалак,  
Ёшлик чоғим ёдимга тушса.

Баҳор келиб боқларни безар,  
Бир ширин ҳис бағримни эзар.  
Сой бўйида армоним кезар,  
Ёшлик чоғим ёдимга тушса.

1992

## ОЙ ЮЗЛИГИМ

Сен ҳаминша мен учун армон,  
Ой юзлигим, қайларда қолдинг?  
Оҳларимдан қораяр осмон,  
Ой юзлигим, қайларда қолдинг?

Юлдуз бўлиб порлаган ўзинг,  
Хузурига чорлаган ўзинг,  
Ардоқлаган, хорлаган ўзинг,  
Ой юзлигим, қайларда қолдинг?

Дунё кезгум юзларинг ўйлаб,  
Чўлпон каби кўзларинг ўйлаб,  
Ширин-шакар сўзларинг ўйлаб,  
Ой юзлигим, қайларда қолдинг?

Дединг севмак оғир, не бўлди,  
Зухро дебон Тоҳир не бўлди?  
Ошиқ Мажнун охир не бўлди?  
Ой юзлигим, қайларда қолдинг?

1988

## НУРАФШОН КУН

Хуноб бўлма, дўстим, ҳеч қачон,  
Нурафшон кун келар оқибат.  
Йўқлаб бизни, ушалиб армон,  
Нурафшон кун келар оқибат.

Гулга ўраб мисоли баҳор,  
Гул-гул ёниб кўрсатиб дийдор,  
Шонли элим айлаб бахтиёр,  
Нурафшон кун келар оқибат.

Одам олар одамнинг дардин,  
Меҳр ортиқ минг бора зардин.  
Артиб аста чаманим гардин,  
Нурафшон кун келар оқибат.

Омон бўлсин бошингиз, омон,  
Ўтинч яшаш ҳаммадан ёмон.  
Ўзингизга боғлиқ бу замон,  
Нурафшон кун келар оқибат.

1992

## НАЗЗОРА АЙЛАБ

Бир гўзал менга наззора айлаб,  
Қўйди йўлида овора айлаб.

Ўзгага боқиб, рашиқим кўзготиб,  
Юрак-бағримни юз пора айлаб.

Тунса нигоҳи ўйнар юрагим,  
Дарди ишқимни онқора айлаб.

Келса қўлимдан жоним отардим,  
Мен ул қуёнига сайёра айлаб.

Куйладим Ориф тунлари ёниб,  
Ширин сўзлари хумора айлаб.

1975

## БИР ГҶЗАЛ

Ўртади жону дилим  
Бир гўзал гул-гул ёниб,  
Аста боқиб поз ила,  
Сочлари суибул ёниб.

Юзлари гулшанидан  
Кирди жон гулзорга ҳам,  
Кўрқаман, раиқ айлабон  
Кетмаса бор гул ёниб.

Куйласам, не тонг, охир  
Ишқиди шому саҳар,  
Сайрамас ишқ бўлмаса,  
Туилари булбул ёниб.

Куйдириб ҳажрида, воҳ,  
Кўп олис кетди яна.  
Мендай ишқ савдосига  
Тушдим у ул ёниб.

Орифо, гар кўрмасам  
Чекмас эрдим дардини,  
Васлига қилгум умид,  
Бўлмагунча кул ёниб.

1971

## ЭТГАЙМИКАН

Ул гўзал дардга даво этгаймикан,  
Ё жафо бирла адо этгаймикан.

Поз ила қиё боқиб минг рамзада,  
Жон олиб жондин жудо этгаймикан.

Ўртаниб ишқиди бу умрим ўтар,  
Қаритиб қаддим дуто этгаймикан.

Йўлларига кўз тутиб умрим ўтар,  
Бир нафас васлин раво этгаймикан.

Орифо, сабрим тугаб ўлсам, гўрим  
Йўқлабон руҳим ризо этгаймикан.

1971

## СОҒИНИБ

Келмайин ҳардам мени  
васингга хўп озор айладинг,  
Билмадим, мендан кечиб  
ё ўзгани ёр айладинг.  
Соғиниб гул юзларинг,  
йўлларингга боқдим, э санам,  
Интизор айлаб яна  
кўксимни абгор айладинг.  
Тунлари, кундузлари  
учгай хаёлим сен томон,  
Ошириб дарди ғамим,  
ҳажрингда бемор айладинг.  
Мен сени севдим дебон  
бир неча йил ваъда бериб,  
Оқибат қилмай вафо,  
аҳдингни ҳам хор айладинг.  
Кўзларинг баври-дилим  
ёндирди-ю, инқинг билан  
Орифингни куйлатиб,  
соҳиби анъор айладинг.

1973

## ШАРМИСОП АЙЛАР СЕНИ

Сўзлама ёлғон, охир шармисор айлар сени,  
Эл аро бурдинг кетар, ҳам ночор айлар сени.

Келтириб ташвишу ғам оқибат ёлғончилик,  
Бир куни душманга зор, дўстга хор айлар сени.

Ўйла бу коринг бориб яхшиликка элтмагай,  
Ўзгарар хуқ-атворинг, тангу тор айлар сени.

Гоҳи тинч уйинг бузиб, турмушинг вайрон этиб,  
Ажратиб хешу ёрдан хору зор айлар сени.

Орифо, ҳар ким топар тўғри сўз бирла камол,  
Қулатиб жарга ёлғон, тору мор айлар сени.

1982

## ОНА ХАЛҚИМ

Она халқим, сен ўзингсан куйлаган достоним ҳам,  
Ўқисам ўт олиб ёнгай булутли осмоним ҳам.

Не маломат, алдов билан не жафолар кўрмадинг,  
Кўядур ул ўтмишингни ўйласам устихоним ҳам.

Пахта бойлик, пахта шону, пахта давлатим дебон,  
Бўлди ҳатто пахта майдон гулбоғу бўстоним ҳам.

Етим денгиз Оролинга оқизмай бўғиб дарё,  
Бу кун ҳолинг сўзламакка ожиз бу забоним ҳам.

Истиқлол давримизни бўғмоқ бўлар бир неча йиллар,  
Унга асло қўймагай йўл қайнаган бу қоним ҳам.

Янги боғлар аро бахтинг куйлагай булбулларинг,  
Орифо, боқ, яхшиликка ўзгарур замоним ҳам.

1990

## ЭТМИШ

*(Навойга назира)*

Шайдо айлаб ул санам овора этмиш,  
Қолдирибон чорасиз бечора этмиш.

Жон қуши атрофида айланар тинмай,  
Меҳри тортиб қуёшдай сайёра этмиш.

Ажрадим ақлу ҳундан васли йўлида,  
Қошларидай бахтимни ҳам қора этмиш.

Ҳасратида битилган анъорим куйлаб,  
Юрак-бағримни эзиб юз пора этмиш.

Орифо, ёнсин дебон ҳижронда ҳардам,  
Бағримга ишқ ўтини шарора этмиш.

1981

## БҰЛА ҚОЛДИНГ

Аста очилиб гули гулистон бұла қолдинг,  
Хам жонлар аро тенги йўқ жонон бұла қолдинг.

Ўртангум, нетай, сендан хаёлим уза олмай,  
Умрим бўйи бу қалбима армон бұла қолдинг.

Жоним дея мен йўлларингда жон фидо этсам,  
Сен унга назар қилмайин осмон бұла қолдинг.

Бир-бир боқибон ақлу хушимни олиб кам-кам,  
Меҳмон эмас, дил уйига мезбон бұла қолдинг.

Ишқингда ёниб, тунлари афгон чекиб Ориф,  
Ёзди қазал, шеър, тилларда достон бұла қолдинг.

1975

## ЗАМОНГА БОҚ

Хар куни минг ўзгарар, қалвали замонга боқ,  
Қалвадан боши қотган ишчию деҳқонга боқ.

Қилса меҳнат баъзилар беминнат нони учун,  
Бирни ўнга баъзилар сотарлар, имконга боқ.

Қайда меҳру оқибат, кирдиму ерга бу қун,  
Тонишиб, оға инидан воз кечар, иймонга боқ.

Мулла эрсанг сен агар, тўври сўзла эл аро,  
Бермайин саллага зеб, табаррук Қуръонга боқ.

Қанча одам келиб-кетмиш, кўҳна бу замин гувоҳ,  
Илдан кўзгу ясаб, туби йўқ осмонга боқ.

Ифво излаб изғиминлар ифвогар қаразгўйлар,  
Сийрати одамсифат, ботини шайтонга боқ.

Чиқибдур печа даллол, элни эргаштирмоқ иши,  
Ўзини табиб деган минг-миглаб луқмонга боқ.

Бу қандайин кўргулик деб ўйланиб қолмай, Ориф,  
Ўтлар оч ноҳақликка, ҳақ, ёруғ томонга боқ.

1989

## СЕНДАН БЎЛАК

Ким қилур менга вафо сендан бўлак,  
Ҳам ситам, жабру жафо сендан бўлак.

Еткуруб кўкка бошим поз-ла яна,  
Айламас ҳеч ким адо сендан бўлак.

Ихшилик бирла дилим шодон этиб,  
Ёмонлик кўрмас раво сендан бўлак.

Бари ул ошиқларинг Мажнун эмиш,  
Борми бир ақли расо сендан бўлак.

Орифинг меҳрингга зору хастадур,  
Дардига йўқдир даво сендан бўлак.

*1975*

## БУЛБУЛ ФИҒОНИ

Очилиб гуллар, табиат пок, нурафшондур бу кун,  
Ҳамма шоду бир менинг бу дилгинам қондир бу кун.

Айрилиб ҳижронда қолдим, ул гули хандон кетиб,  
Меҳри ишқининг баёни элда достондир бу кун.

Янграгай булбул фиғони боғ аро, бўстон аро,  
Унга ҳам балки қизил гул васли армондир бу кун.

Доладек бағримни доғлаб, айлади жабру ситам,  
Кўрибон ранги-рўйимни барча ҳайрондир бу кун.

Орифо, кўнгилга сирмай гулбаҳор, ўртанурман,  
Гарчи эган хуш шаббода роҳати жондир бу кун.

*1985*

## КУЙЛАДИМ

*Ортиқ Отажоновга*

Э она халқим, сенинг қудратингни куйладим,  
Номи дoston деб оламга, ҳурматингни куйладим.

Яшнаган бўстонларинг, гулибларингнинг тенги йўқ,  
Меҳнату вайратда тонган шуҳратингни куйладим.

Кўп шаҳар, кўп қишловинга кўп саёҳат айлабон,  
Таърифи сўзларга сифмас меҳнатингни куйладим.

Йўлларинг равшан, чаровон ҳам фаровон бу ҳаёт,  
Мақсади тинчлик, улўввор давлатингни куйладим.

Орифо, мен шод эрурман иқболингдан ҳар қачон,  
Мардлик, сахий ҳам яхшилиқдек одатингни куйладим.

1983

## ДАВО КЕРАКМАС

Хасталик жондан ўтди, даво керакмас,  
Олди жонимни ишқинг, дунё керакмас.

Тўймайин бир меҳрингга, мен ташна ўтдим,  
Менга энди бир меҳри дарё керакмас.

Ор айлаб оқибат бу ҳолимни кўриб,  
Қочди саҳродин Мажнун, баҳо керакмас.

Оламни сайр айладим, ёришмади дил, \*  
Йафоларингга кўндим, вафо керакмас.

Куйлар Ориф вафсингни тунлари ёниб,  
Куй, эй булбул, куйлама, наво керакмас.

1980



## ИШҚИ ЙЎҚ

Ишқи йўқ фаҳм этмагай ғам надур, одам надур,  
Қийнагай одамни бу жон надур, олам надур.

Ўт ёниб бағримда бир, куйдирар жиемимни ул,  
Ўзгалар билмас сира ўт надир, алам надур.

Бу дунё асли бевафо, ёлгон дунё экан,  
Олимлар ўйлар ҳануз бор надур, барҳам надур.

Айлағум ишқим баён, кўксимга тиф урса ҳам,  
Билмагай, наҳот, гўзал тиф надур, қалам надур.

Орифо, қайга борай ғам, аламлардан қочиб,  
Ўргатур ҳар дам ҳаёт ҳақ надур, қарам надур.

*1990*

## БАҒРИМНИ ЛОЛА ҚИЛМА

Ҳижронинг дори бирла бағримни лола қилма,  
Қийнабон сўнг ўзингни, туялари нола қилма.

Кириб ағёр сўзига ишқингни поймол айлаб,  
Ҳар кўрганда эзилиб кўз ёнини жола қилма,

Таним бостан ғам тоғин мен фалакдан кўрмадим,  
Айбни сенга қўярсар, кимга ҳавола қилма.

Ҳаддин ошириб поэзи имо-ишора бирла,  
Ўзгаларни алдагил, мени ёш бола қилма.

Мажнун эмасман, ахир, ишқда ёнганим билан,  
Лайлиман деб сочларинг ёйиб шалола қилма.

Орифо, сарғайибди соғинчдан ол юзларим,  
Ҳижронинг дори бирла бағримни лола қилма.

*1978*

## АФСОНА БЎЛМИШ

Гул-гул ёниб гул санам жонона бўлмиш,  
Чиройи эл-юрт аро афсона бўлмиш.

Сочларининг бўйидан муаттар сабо,  
Юзлари гул, кўзлари мастона бўлмиш.

Унинг бир боқинидан бахтиёр эрдим,  
Юз ўгириб бахт мендан бегона бўлмиш.

Қай уй ҳижрон, аламда қоронғудир, бил,  
Ул қадам қўйган замон нурхона бўлмиш.

Пок муҳаббат қўнигин куйлаб доимо,  
Ишқда Зухро, Шириндек мардона бўлмиш.

Орифю ошиқ бўлиб, васлини қўмсаб,  
Дунё кезиб оқибат девона бўлмиш.

*1983*

## САЙР ЭТГАНДА...

Сайр этганда дилбар боғида,  
Ёлмиш ҳатто қуёш доғида.

Хусни кўриб чаманда раъно,  
Қоврилибон қолмиш ёғида.

Ошиқларнинг кўз ёши эрмиш  
Тонги шабнам гул янроғида.

Муҳаббатнинг мавжиди қолдим  
Дарё тошиб оққан човида.

Унга ошиқ бўлганлар, Ориф,  
Қолиб кетмиш ҳижрон тоғида.

*1987*

## ЎЛКАМ ТАРОНАСИ

Йишпаган ҳур ўлкамнинг  
Тенгсиз баҳор, ёзи бор,  
Чамапларда гул, чечак,  
Гунчаларнинг пози бор.

Товлалар афсонавор  
Жаннат мисол боғлари,  
Гулбоғларин куйчиси —  
Қумриларнинг сози бор.

Тоғларидан шарқираб  
Оқса шалоса сойлар,  
Долazor қирларида  
Алвон поёндози бор.

Қўйнида ҳар бир одам  
Бахтиёру баркамол,  
Меҳнатидан шараф-шон,  
Ҳурмати, эъзози бор.

Ўлкам чиройин, Ориф,  
Куйласам таъриф эгиб,  
Инграгай қўшиқ бўлиб,  
Қалбим жаранг сози бор.

1987

## СЕН УЧУН

Товланар нурга тўлиб  
Ушбу дунё сен учун.  
Термулиб ёнгай қуёш  
Кўкда, жано, сен учун.

Погаҳон хуснинг кўриб,  
Боғу гулзор тебранур.  
Юз очиб таҳсин ўқир  
Сарву раъно сен учун.

Эл аро тондинг шараф  
Меҳнат, одобинг билан.  
Заб бериб тургай яна  
Шарму ҳаё сен учун.

Боқ, само юлдузлари  
Йўллариингга интизор,  
Парвоз эт, гар истасанг,  
Арзу само сен учун.

Орифо, тун кечалар  
Тинмайин булбул мисол  
Куйлагай ёзиб вазал  
Савту наво сен учун.

1971

## БИР ҚИЗ

Бир қиз етиб камолга, меҳри қуёни бўлибди,  
Баҳслашиб ой, қуёни-да, ҳусни талони бўлибди.

Бағри-дилнинг ёндириб кўзларидан чиққан ўт,  
Гўзаллар аро гўзал, қайрилма қон бўлибди.

Чаманда гули раъно кўриб ҳавас айлабди,  
Гулунчаю гулларга кўз ила қон бўлибди.

Сир сақлабди ҳаммадан ёлғиз меҳри гулини,  
Аммо дугонасига асрори фон бўлибди.

Васлига етолмайин юрганлар армон билан  
Ранк ўтида ўрганиб бағри-да тош бўлибди.

Кўриб унинг чиройин, тополмай қиёсини,  
Нақшин чизиб юракка, Ориф наққон бўлибди.

*1991*

## КЎНГИЛНИ БЕҒУБОР АЙЛА

Кўнгилни беғубор айла етай десанг саодатга,  
Одамийлик бирла ҳардам қадам қўйгил камолатга.

Койноҳда юлдузларнинг, қуёшнинг ҳам ўз йўли бор,  
Агар ўз йўлидан чиқса юз тутар Ер қиёматга.

Бир-бирига ёр-қадрдон бўлиб инсон меҳмондур,  
Тафаккур қил бу оламини, белинг боғла саёҳатга.

Мен ибратин олай қайдан дебон, дўстим, қайғурмагил,  
Зеҳн солсанг ўргатурлар қуёшу ер саховатга.

Яхшилик-да минг фазилат экан, Ориф, яхши одам  
Эл бахтини ўйлаб ҳаргиз етар экан ҳаюватга.

*1990*

## КЎЗЛАРИМ ҚАРОСИГА

Кўзларим қаросига, кел, санам, жойлаб кетай,  
Боқмасинлар ҳеч кимга, кўзларинг бойлаб кетай.

Ўтди йиллар сел каби, кимлигимни билмадинг,  
Изларим кўрсатмайин сув кечиб, сойлаб кетай.

Ўт олиб тану жоним, ёнди сўнмай бир умр,  
Бу сирдан огоҳ этиб ҳам баён айлаб кетай.

Йиқлама мендан кейин меҳрибонинг бўлмаса,  
Шум рақиблар боқса отил, қонларинг ёйлаб кетай.

Э Ориф, ошиқ учун икки йўл бордур азал,  
Икки йўлдан ушбу кун мен бирин сайлаб кетай.

1992

## САДОҚАТ

Ишиқ элининг шамъи шабистони садоқат,  
Шамъи шабистони надур, жони садоқат.

Севги гули меҳригиё ошиқ учунким —  
Меҳригиё гулларин борбони садоқат.

Қалбини гар ўртаса ҳам оташи ҳижрон,  
Боғлар умид васлида, шул они садоқат.

Равшан эрур дилнинг абад моҳи саодат,  
Эрса вужуд мулкининг султони садоқат.

Кимки садоқатли, Ориф, бахтли дегай эли,  
Бахт йўлининг мангу чароғбони садоқат.

1970

## БОРУРМАН

Қочма олисга, иқбол, бир кун етиб борурман,  
Шайнингга қўшиқ айтиб, ғазал битиб борурман.

Дунё ташвиши, дарди булутдай ортда қолур,  
Нур ичра нур ўлкасин маскан этиб борурман.

Тушди қуёндай меҳрим яшнаган бу ҳаётга,  
Кўркини шоир бўлиб, куйлаб ўтиб борурман.

Орауғимнинг чеки йўқ, чексиз олам мисоли,  
Унинг ойдин йўлида тинмай кетиб борурман.

Манзур қилурманми деб хизматим элга, Ориф,  
Айлаб хижолат аста, терга ботиб борурман.

## МУНЧА ГЎЗАЛ

Мунча гўзал бўлмиш унинг ҳусн бёғлари,  
Меңда ишқи билан қат-қат юрак доғлари.

Йилва қилур гулбахорда қирлар, адирлар,  
Нурга тўлмиш жамолидан Чотқол тоғлари.

Булбулларга жўр бўлиб ул куйласа борму,  
Тошлар эриб, куйлаб кетар сўлу соғлари.

Кўрганлар кўз тегмасин деб айланар дуо,  
Дунёда кўн бўлсин дебон бахтли човлари.

Меңки, Ориф, ёнадурман унинг ишқида,  
Ким деб ёнар самовотнинг гулчиноқлари.

*1996*

## СЕВГИ ИЗҲОР ҚИЛАМАН

Майда-чуйда  
гапларни қўй,  
Фирибларни ўтга от.  
Севги, нафрат  
ўткинчидир,  
Елвончидир бу ҳаёт.  
Енг учида  
ничоқ унлаб,  
Елвон кулиб боққанлар,  
Адоват-ла  
туҳмат билан  
Юракларни ёққанлар,  
Тиқиларкан  
баъзан қилтиқ  
Солмоқ бўлиб кўзларга,  
Ишонмайман,  
роҳтин айтсам,  
Хушомадли сўзларга.  
Бахтсизлигим —  
сенинг бахтинг,  
Буни яхши биламан.  
Нафратимни  
яшириб мен,  
Севги изҳор қиламан.





## СЎНДИРИБ ҚЎЙДИНГ

Меҳру ишқим осмонга қўндириб қўйдинг,  
Бир умр ёнган шамши сўндириб қўйдинг.

Тун кечалар тўлғонар эдим васлинг деб,  
Жоним ҳижрон азобиға кўндириб қўйдинг.

Мухаббатсиз ҳаётнинг завқи бўлмагай,  
Ҳаётимдан бездириб ўлдириб қўйдинг.

Ишқинг нуридан, санам, бахтиёр эдим,  
Ғам-аламга бағримни тўлдириб қўйдинг.

Дўсту ёрим ҳайратга солиб ушбу кун,  
Нечун ванимларимни кулдириб қўйдинг.

1997

## РАЪНОНИНГ ГУЛИ

Очди юзини чўл аро Раънонинг гули,  
Дерлар уни гулларга шайдонинг гули.

Шонли элим айлади чўлларни гулистон,  
Бўй таратар тонгда бу маъвоининг гули.

Кундузи гул, тунда эса тортар нигоҳим,  
Сирли чаман очилиб самонинг гули.

Гул мадҳини гул ўлкада куйланг, эй дўстлар,  
Шеърү вазал — оқилу дононинг гули. ♪

Оҳким, асир этди буткул Ориф дилини,  
Чўл гўжали — кўзлари шаҳдонинг гули.

## МЕН ҲАМ

Мен ҳам сизни деб ёнган девоналардан,  
Печун фарқ этмагайсиз бегоналардан.

Кеча-кундуз ўрганиб ўтди куярман,  
Қоламайин нур ошиғи — парвоналардан.

Сўранг ҳолим, дўстлар, учраб қолсангиз,  
Йўнун дантида кезган мастоналардан.

Айланиб олам, дилим топмади таскин,  
Леқ ҳаётим кам эмас афсоналардан.

Йўлингизга мунтазир Ориф ҳамина  
Ҳижрон вамида кўзи гирёналардан.

## БАХТИМ ДЕСАМ

Бахтим десам, сўзлари бол, ҳеч ор этмагил,  
Ташна этиб висолингга, кўн зор этмагил.  
Қалбим тутдим қўлларингга мен, хор этмагил,  
Кўзларимга кенг жаҳонни ҳам тор этмагил.

Кеча-кундуз ўйлаб сени ҳаловатим йўқ,  
Сен гулпанам, гулим, ўзга малоҳатим йўқ.  
Айтай десам дилда борин, маҳоратим йўқ,  
Меҳри ишқим билиб, жоним, инкор этмагил.

Не кунлар ўтди бонимдан, жонон, сени деб,  
Дилим абгор бўлди, рангим сомон сени деб.  
Тун кечалар чекурман оҳ-фигон сени деб,  
Кунда-кунга мушкулимни дунвор этмагил.

Меҳнатингдан шону шуҳрат тоңдинг эл аро,  
Хиром айлаб юрсанг ҳайрон товус, дилрабо.  
Васфинг куйлаб Ориф, тузар доимо наво,  
Авёрларга кўнгил бериб, ёр, ёр этмагил.

## ТОҒЛАРНИ САЙР АЙЛАГИЛ

Сирли, сокин, ўрмонли тоғларни сайр айлагил,  
Оҳуларнинг макони — тоғларни сайр айлагил.  
Сўлим боғу бўстони, тоғларни сайр айлагил,  
Эвса ёрнинг ҳижрони, тоғларни сайр айлагил.

Чоғ эгар димоғингни тишиқ, хушбўй ҳавоси,  
Шарқираб оққан сойи минг бир дардинг давоси.  
Дилбар куйдек жаранглар булбулларнинг навоси,  
Завқ ила шавқнинг кони тоғларни сайр айлагил.

Маржон-маржон сочилур қоялардан шалола,  
Атлас каби товланур бағрида ёнган лола.  
Жилланган ҳар гиёҳ таърифи бир рисола,  
Сочгай атир райҳони, тоғларни сайр айлагил.

Қараб-қараб тўймайсан кўз илғамас ўтлоққа,  
Олам бағрини кузат, юзни юшиб булоққа,  
Йўлинг тушиб қолса гар хушманзара Сўқоққа,  
Бўлиб Ориф меҳмони, тоғларни сайр айлагил.

## ТАЪЗИМ ҚИЛУР

Таъзим қилур товус хиромингга сени,  
Дил ўрганур ноҳли мақомингга сени.

Гуллар ҳавас айлаб сени жамолинигни,  
Булул ўқир вазал, куй помингга сени.

Кўз узмагай юлдузлар ҳам йўлларингдан,  
Тунди улар қандайин домингга сени.

Кўён мисол тонгда туриб боқсанг кулиб,  
Олам алиқ олғай салюмингга сени.

Тун-кечалар Ориф ёниб битди вазал,  
Зор-ингизор васли айёмингга сени.

1978

## БАХТИ КУЛГАН ТОШКЕНТИМ

Тошкентим гўё, дўстлар, нурхонадур, нурхона,  
Бағрида ҳар иморат кошонадур, кошона.

Бахти-иқболи баланд Шарқнинг гўзал маскани,  
Қуён ҳам боши узра парвонадур, парвона.

Қойил камолотига аҳли замон айланиб,  
Гулдай яшнатган озод замонадур, замона.

Кўркам, ободлиги, сахий, нурафшонлиги,  
Она Ватан меҳридан нишонадур, нишона.

Орифо, дилни чертиб, янграгай дилрабо куй,  
Бу куй Тошкентим мадҳи, таронадур, тарона.

## НЕЧА ЙИЛЛАР

Неча йилларки ёнурман  
Бевафо ёр дардида.  
Бўлиб ол гулдай юзим ҳам  
Қаҳрабо ёр дардида.

Тоғу саҳролар кезурман  
Ўз ҳолимга йиғлабон.  
Бўлмадим вандан озод ул  
Дилрабо ёр дардида.

Ўтмайин умрим баҳори,  
Оқибат келди хазон.  
Айладим оҳу фивонлар  
Бейбо ёр дардида.

Доимо васлини истаб,  
Ахтариб юрдим яна,  
Ёса-да бошим узра мен  
Минг бало ёр дардида.

Орифо, дови аламлар  
Тие каби жондан ўтиб,  
Қуйладим ҳижрон домиди  
Мен наво ёр дардида.

## КЎРИНУР

(*Лутфийга назира*)

Ул санам қоши таранг  
ёй кўринур,  
Юзига боқсам, тўлин  
ой кўринур.  
Сочини сунбул десам,  
тўлқини ўзга,  
Тоғдан учган шалола  
сой кўринур.  
Жонга тажовуз айлар  
нозли боқини,  
Ақлу фаросатда ҳам  
бой кўринур.  
Ўзига монанд эрса  
ўсган чамани,  
Жаннат мисоли гўзал  
жой кўринур.  
Орифо, шўхликларин  
айласам баён,  
Кўзга сергак оҳую,  
той кўринур.

1996

## РАНГ ОЛМИШ

Ранг олмиш гули раъно чехрасин жилосидан,  
Зулфини бўйи келар тоғларим сабосидан.

Айб этмангиз изларин кўзга суртсам, дўстларим,  
Қутулмоғим гумондир бу ишқнинг балосидан.

Қандайин дош берар ул кўриб оҳу фарёдим,  
Ҳеч бир ошиқ ўтолмас кўзларим дарёсидан.

Ўзинга келсанг яна висол чоғи ажабмас,  
Дерлар, дилинг яраси унинг икки ёсидан.

Мен Ориф жоним тикиб йўлига кўз тутарман,  
Ким ўч олур мен каби ўзининг шайдосидан.

1996

## ИШҚИМ ТУШИБ

Ишқим тушиб сендай малакка,  
Етди охир оҳим фалакка.

Ўртаб яна берурсан азоб,  
Йилва қилиб мендан бўлакка.

Шайдо айлаб мени кўйингда,  
Оғриласан бир сўз демакка.

Йоно, мунча жафо қилурсан,  
Ишқинг ўти тушган юракка.

Нола қилсам ҳажрингда зор-зор,  
Келурсанми бир бор кўмакка.

## СЎҚОҚ СОЙЛАРИ

Кўшиқ куйлаб жўшиб оқасиз,  
Дилга илҳом кўшиб оқасиз,  
Шўхлик билан менга ёқасиз,  
Жўшқин сойлар —  
Сўқоқ сойлари.

Бу кўшиқда гул фасли — баҳор,  
Тоғликларнинг ҳасратлари бор,  
Тинглагайман тунлари бедор,  
Жўшқин сойлар —  
Сўқоқ сойлари.

Сизга боқсам ҳар сафар, ҳар он,  
Ёшлик даврим бўлур намоён,  
Бўжлатади севги ва армон,  
Жўшқин сойлар —  
Сўқоқ сойлари.

## ОШИҚ ДИЛИН

Ошиқ дилин равнан чироқ айлар муҳаббат,  
Ишқ аҳлидин минг бор сўроқ айлар муҳаббат.

Бир кун шодлик қанотида кўкка учирса,  
Бир кун эзиб ҳасратда доғ айлар муҳаббат.

Гоҳи олис йўлларни ҳам яқинроқ этиб,  
Гоҳи яқин йўлни йироқ айлар муҳаббат.

Тоғу тошни туңроқ қилиб, истаса яна,  
Чўлларни гул, жаннатдай боғ айлар муҳаббат.

Тонгда қўшиқ битса Ориф куйлаб, не ажаб,  
Илҳомини қайнар булоқ айлар муҳаббат.

## ҚУВНОҚ ЁШЛИГИНИ

Сени кўрган чоғимда, ёр, гулбаҳор эди,  
Бир кўрай деб жамолинига гуллар зор эди.  
Юрган йўлини нурга тўлиб берубор эди,  
Кўзларингда ёниб турган сехр бор эди.  
Ҳамон чиқмас хаёлимдан ўшал ёшлигини,  
Сенинг қайноқ ёшлигини, шўх, гўзал ёшлигини.

Кокилларини силаб аста ўйнарди сабо,  
Тонг нурида учар эди дилбар куй, наво.  
Умрим бўйи, жоним, васфини куйлаш муддао,  
Ишқ отани бериб тургай шеъримга жилю.  
Ҳамон чиқмас хаёлимдан ўшал ёшлигини,  
Сенинг қайноқ ёшлигини, шўх, гўзал ёшлигини.

Кунлар ўтди, йиллар ўтди мисоли карвон,  
Қолди дарди васлини бўлиб қалбимда армон.  
Тунларимда кўриб қолсам сени ногаҳон,  
Ўртапурман гоҳи ошкор, гоҳида нинҳон.  
Ҳамон чиқмас хаёлимдан ўшал ёшлигини,  
Сенинг қайноқ ёшлигини, шўх, гўзал ёшлигини.

1982



## АЗИМ ТОҒЛАРИМ

Саритонда ярқирайдиги чўққиларда қор,  
Маскан этмин минг булоқнинг бағрига навбахор.  
Сенда қушлар наъмасиню, шап қўшиқлар бор,  
Ирмоғу сой, эртакка бой азим тоғларим.

Арчазорлар орасида долалар аявон,  
Бинафшаю ялпизларинг дардларга дармон.  
Атир сочиб шўхлик қилур елларинг ҳар он,  
Ирмоғу сой, эртакка бой азим тоғларим.

Адиқлари яшил ўрмон, боғ, гулзор бари,  
Кўза олиб сувга келар сулув қизлари.  
Ўтминнидан куйлаб берар кезганинг сари,  
Ирмоғу сой, эртакка бой азим тоғларим.

1981

## КУТГАНИМ ЎЗИНГ

Ўқоним, боқиб йўлларга  
Кутганим ўзинг.  
Меҳрим қўшиб гулларга  
Тутганим ўзинг.

Қўзларин айлаб юлдуз,  
Қошларин қундуз.  
Юзларин ойга қиёс  
Этганим ўзинг.

Висол оқшомлари, ёр,  
Бўлиб бахтиёр,  
Ҳажрида ўртаниб қон  
Ютганим ўзинг.

Ишқимни, Ориф, шинҳон  
Дилда сақлабон,  
Бу алам узра куйлаб  
Ўтганим ўзинг.

1981

## ЛОЛАЛАР

Севар ёр жамолидай хўб дилором лолалар,  
Кини боқса, дилига берур ором лолалар.

Гул ҳаётнинг жилваси бўлмиш унда намоеи,  
Кўринур гўё қуёи бўлганда шом лолалар.

Гўзал тонг шабнамиму баргида тилло хошлар,  
Офтобни ё қўндириб айлар шўлом лолалар.

Ҳар баҳор бир-бирига совға айлаб ошиқлар,  
Рамзи ниқ дея сизга берибди ном лолалар.

Гушан ўлкам қўйида беҳисоб турфа гуллар,  
Айлағай аммо мени ўзига ром лолалар.

## МЕН КУЙЛАДИМ

Мен куйладим меҳнаткан халқим  
Манглай тери дур бўлганини.  
Қадим асов дарёлар ҳам жим  
Парчаланиб нур бўлганини.

Мен куйладим сахий тоғларнинг,  
Булоқларнинг дилбар садосин.  
Мен куйладим зумрад боғларнинг,  
Гулзорларнинг майин сабосин.

Буюк даврим таронасини  
Инграганда бонг уриб сенда,  
Найдо бўлар тўлқин сингари  
Чексиз уммон қудрати менда.

Гурур билан куйласам қўшиқ,  
Ўлкам мадҳин қилиб ифтихор,  
Нурга ўраб хаёлим буткул,  
Йўлларимга гул сочар баҳор.

## УЛ ГЎЗАЛ

Ўйнар тўлиб қонлари ё ул гўзал,  
Мунча латиф, мунча зебо ул гўзал.  
Дилга бериб завқу сафо ул гўзал,  
Ақлинг олар боқса қиё ул гўзал.

Гир айланиб шўхлик қилур ўзгача,  
Гул юзидан саҳнада нур ўзгача.  
Бўлмиш яна шавқу сурур ўзгача,  
Кўкка учиб кўнар гўё ул гўзал.

Янграр қўшиқ, қўлларда тор ушбу кун,  
Эл меҳнатин айлаб изҳор ушбу кун,  
Очилибон мисли баҳор ушбу кун,  
Ўйнар тўлиб қонлари ё ул гўзал.

## ОЙ ЎРОҒИ

Элда ҳусни талонсан,  
Баҳор ҳам сен томонда.  
Дили равнаи қуёсан  
Шундай нурли замонда.

Кўзларинг шўх айвоқчи,  
Икки қонинг пойлоқчи.  
Сенга эртак айтмоқчи  
Ой ўроғи осмонда.

Кулгиндан гул очилар,  
Сўзингдан дур сочилар.  
Дов беролмай совчилар,  
Ошиқларинг армонда.

Кимда бор бу назокат,  
Тенгсиз ҳусну малоҳат.  
Жонимда йўқ ҳаловат,  
Ваефинг куйлаб ҳижронда.

## АЙЛАМА

Мезонинг бўлсин ибо, ҳар кимга ҳам ноз айлама,  
Дўсту ёринга, санам, меҳрингни ҳеч оз айлама.

Хулқу одобинг билан дилларни сен сайр айлагил,  
Кибру ҳаво кўкида учма, парвоз айлама.

Айла қалбингни хазина чин вафо гавҳарига,  
Меҳри ишқингдан яна авёрга бир роз айлама.

Ҳар нафас қадрига ет, инсон умри бебаҳо,  
Билмаса гар қийматин кимки, эъвоз айлама.

Орифо, тошгай шараф чин одам меҳнат билан,  
Гул ҳаётни куйла-ю, сзони носоз айлама.

## ШАЛОЛА СОЙ

*(халқ йўлида)*

Сершаршара шалола сой,  
Соҳиллари гул-лола сой.  
Чехрасини ювар ҳар дам  
Кўкдан тушиб ҳилола, сой.

Жўшқин сой — гул ёшлигимдай,  
Шўҳсан — қора қонлигимдай.  
Сирдон эдинг севгимизга,  
Меҳрим сенга ҳавола, сой.

Суроқлайман баҳоримни,  
Ўшал кўзи хуморимни.  
Тўлқинланиб куйла, жоним,  
Маҳнинг айлай рисола, сой.

## СЕВДИМ, НЕТАЙ

Севдим, нетай, севгилимдан бетонадурман,  
Ўрганибон ўтда куйган парвонадурман.  
Ўз инимдан ўзим, дўстлар, ҳайронадурман,  
Эл-юрт аро номи дoston, арсонадурман.

Васфинг куйлаб кўзларимдан гоҳо ёш оқди,  
Кўз ёшларим инқим айлаб элга фoш, оқди.  
Сўзларимга тоғларда ҳам эриб тош, оқди,  
У бешарво юрар, аммо мен ёнадурман.

Қолмайин тоқ бўлди охир сабру тоқатим,  
Васлинг кўмсаб субҳи сабоҳ йўқдир роҳатим.  
Куйлар Мажнун кўра, Ориф, ушбу ҳолатим,  
Фарҳод, Тоҳир билан улфат, ҳамхонадурман.

## ҚИЗ ХАЁЛИ

Қўшбулоқдан кўзасини сувга тўлдириб,  
Сочин ўйнаб снгилиниа ўйга толди қиз.  
Олисларга боқар экан тошга ўлтириб,  
Маъсум қалбин ёр хаёли банд этди ёлғиз.

У хизматга кетишидан икки кун олдин,  
Сал қизариб хат берганди анов сўқмоқда.  
Бир йил ўтиб кетди, яна бир йили қолди,  
Қиз хаёли олис элда, ёри йироқда.

Совинч ҳисси ўртаб, аста ёнар фироқда.



## СЕН ИФТИХОРИМ

Гушан диёрим, бахтим, баҳорим,  
Гулим, гулзорим ва ифтихорим.

Бағрингда камол топиб улғайдим,  
Танамда жонсан, қудрат, мадорим.

Қўксингни обод айлаб ҳаминча,  
Гулдай яшнатиш аҳду қарорим.

Зар сочар ҳар кун бошингдан қуёш,  
Товланар нурда кенг нахтажорим.

Ҳалол меҳнатда кўнлар қатори  
Элда менинг ҳам бор эътиборим.

Қуйласам, Ориф, булбулдай мадҳинг,  
Ўзинг дostonим, гушан диёрим.

## ДИЁРИМ МАДҲИ

Хушманзара тоғларинг олтинга қондир,  
Шарбат тўла боғларинг ороми жондир,  
Чўлларинг ҳам гулистон, гўзал бўстондир,  
Олам ичра шуҳратинг-шонинг дostonдир.  
Мадҳингга янгратай қўлдаги торим,  
Ифтихорим, шавкатим, она диёрим!

Куйлай яшил муаттар ўтлоқларингни,  
Нурли шаҳар ва гўзал қишлоқларингни,  
Шовудлаган сойларинг, булоқларингни,  
Чорлаб турган яқину йироқларингни.  
Мадҳингга янгратай қўлдаги торим,  
Ифтихорим, шавкатим, она диёрим!


Саховатли туяровинг меҳри жонимда,  
Амударё, Сирдарё мавжи қонимда.  
Ойу йиллар мазмуни бахтли онимда.  
Сенга ҳурмат, садоқат шараф-шонимда.  
Мадҳингга янгратай қўлдаги, торим,  
Ифтихорим, шавкатим, она диёрим!

Баҳор атрин таратгай чаманзорларинг,  
Чиройингга зеб бергай бунёдкорларинг,  
Толе кучсин аҳдига вафодорларинг,  
Мадакдордир доимо дўсту ёрларинг.  
Мадҳингга янгратай қўлдаги торим,  
Ифтихорим, шавкатим, она диёрим!

»



# ДУНЁ КЕЗИБ





## ЙЎЛЛАРДА

Қуюқ ўрмон устида момақалдироқ,  
Чақмоқ чақиб булутлар кўкени ёради.  
Ёлғизоёқ йўللар аро бир киши шу чоқ  
Парво қилмай хаёлга чўзиб боради.

Қўён тинмай кўйдирар, ҳансирайди чўл,  
Барханларни соғулар оловли шамол.  
Машиқ томон чўзилган кичик карвон йўли,  
Унда борар бир киши сурганча хаёли.

Денгиз нотинч шиққирар, қутулар бўрон,  
Теплоходни ўйнатар тўққинлар, ҳайҳот,  
Тўшмига келмайин босса ҳам тўфон,  
Хаёлга ўраниб ўлтирар бир зот.

Нима ҳақда ўйлар у дунё кезиб жим, \*  
Фақат маълум ўзинга, билюмас ҳеч ким...

## МАХАТМА ГАНДИ

*(Махатма Гандининг Бомбейдаги  
уй-музейини кўриб)*

Бахшига қўл чўзган  
гадой боладай  
Эрку ҳақиқат деб  
худоларга кўн  
Ёлворди, тоинди  
Ҳиндистон эли.  
Лекин на самодан  
келди бир жавоб,  
На тош худолардан  
чиқди бир садо,  
Аксинча... капитал  
пеканжаида  
Аюлат ўрнига  
авж олди азоб,  
Тоғталди, оёқлар  
остида қолди.  
Ингранди муқаддас,  
бу кўҳна туңроқ.  
«Қайдасан, Кринна!  
Қани химоянг?  
О, Шива, мадад бер,  
кўрсат қудратинг  
Худолар худоси  
буюк Барохум».  
Бу бўм-бўш хитоблар  
бўшлиққа учди!  
Қирғоққа бонг урди  
шовуллаб уммон.  
Оқди дарёлар ҳам  
соқов — бежавоб,  
Эл дарди кучайди  
ўзгармай замон.  
Фивони куй бўлиб  
қанотлар ёзди.

## II

Булутлар пардасин  
йиртиб охиета,  
Хиндистон кўкенда  
жилмайди кўбин,  
Зулматдан нур бўлиб  
элга кўмакдон,  
Махатма Ганди  
бу дунёга келди.

Улайди...

ўйлади

Фақат эл бахтин:  
«Наҳот, сўнгинг эрур  
ҳасрат,  
падомат.

Очлик ва муҳтожлик  
зулмат,  
хурофот.

Наҳот, ҳақиқатнинг  
кўзи бўлса кўр,

Токай фарёд чекар  
инсон, тафаккур...»

У ўйлар... қўзғалар,  
қалбида бўрон,

Ва нафрат қўзғалар  
ноҳақ тузумга.

«Асримиз инқилоб  
асри-ку, ахир,

Ҳақ ила ноҳақлик  
ўргасида жанг.

Озодлик истаги  
эл юрагида,

Етилиб вулқондай  
портлар муқаррар.

Уни тўхтатолмас  
Европа — судхўр,

Ва унинг мажолени,  
қоқшоқ қўллари».

Гандининг отанини,  
ўтти сўзлари

Бонг уриб янгради  
Хиндистон бўйлаб.

Қора қушунларга  
ханжардай ботди,

Очлик ўлим билан  
  турди юзма-юз.  
Бир қалб кўғарилди  
  ёвга беомон,  
Хўрланган қалбларнинг  
  си.ле.ласида.

### III

Кўчадан ўтмоқда Махатма Ганди,  
Барига ёнишар

  ушнинг нимадир.  
Бу нима? Бу кимдир?  
  Кетади гангиб.

Қўлми бу, қуриган  
  ёвочми, наҳур?

Одамми? Арвоҳми?  
  Бу турган кимса,

Яланғоч қалтираб  
  турган дарахт ё...

Бу Одам!  
  Букчайган  
  этилган одам.

Қаншоқлик ташга  
  чекилган имзо.

Бу Одам! —  
  деб Ганди  
  ҳайқираб бирдан. —

«Бахти қаро» одам,  
  дарахт эмас бу.

Садақа сўрамас  
  дарахтлар биздан,  
Дарахтнинг боласи  
  нон сўрамас-ку!

Бу Одам — ҳиндининг  
  аёлидир бу,  
Боласи кўн ушнинг,  
  декин нон йўқ.

Нега керак эди  
  сенга бу қайғу...

Нега керак эди  
  шунча чуғурчуқ...

«О, кечир, мушфиқим,  
  кечир Гандини,

Мен умр тилайман  
чуғурчуқларга...  
Алмо нима учун  
шўрли ҳиндининг,  
Манглайи нинондир  
донм ўқларга?»

#### IV

Ғанди уйга кирар,  
катакдай хона,  
Эр-хотин, ўн бола  
яшайди буида.  
Оллоҳга сиғинар  
мусулмон она,  
Отанинг яғона  
худоси — Будда.  
Ота бир мамлакат,  
она — иккинчи,  
Битта онлада —  
иккита давлат.  
Ҳар куни ғавғодир...  
Она ўкинчи  
Ота ўкинчига  
қориниқ фақат.  
— Бас! — дейди Махатма, —  
бас қилинг, ахир.  
Ахир, қачонгача  
яшаймиз бундоқ?  
Ҳасгингиз, ўзи,  
бусиз ҳам тахир,  
Худо айбдор эмас...  
бас, бўлсангиз пок.  
Худо айбдор эмас...  
мана болалар,  
Уларга азиздир  
қайси бир худо?  
Отаси шонган  
Буддами айттинг?  
Опаси тошинган  
Оллоҳмикан ё?  
Бас қилинг, дўстларим,  
ўртаманг ортинг.  
Қийнаманг бунчалар  
бир-бирингизин.

Айланг бир-бировга  
яхинси тортиқ  
Худого ишонган  
ўз сиригизни!  
Сизлар бир-бировни  
тушунсангиз гар,  
Сизлар бир-бировга ишонсангиз бас —  
Худолар бир-бирни  
албат тушунар,  
Худолар ҳам, ахир,  
ишонмай қолмас.  
Келажакка боқинг  
аҳиллик ила,  
Озодлик келади,  
у хаёл эмас.  
Аmmo икки эжан  
битта оила,  
Ҳиндистон ҳеч қачон  
бутун бўлолмас.

## V

Эшикдан эгилиб  
чиқади Ганди,  
Қулоқда ўзининг  
сўзлари инграр.  
Кўзида талпинар  
бир армон — банди,  
Кўкеида бир мақсад  
тинимсиз инграр.  
Эгилиб чиқади пастак  
эшикдан,  
Ўйларинг юкидан  
этилган каби.  
Лекин жимлик аро  
кутилмаганда  
Шивирлай бошлайди  
қуришган лаби.  
— Сенинг тақдирингга,  
Ватаним, бу гал  
На О.клоҳ гуноҳкор  
на ёки Будда —  
Ноҳақлик айбдор,  
бунга ноҳақлик,

Аждарҳо напжаали  
   мудҳиш разолат...  
 Қўчадан боради Махатма Ганди,  
 Бу юпуи кийинган,  
 Нуруний виждон.  
 Сесканар ёнидан  
 Рикша ўтганда,  
 Қоқсуяк рикшага  
   қараган замон!  
 Халқ тинглар Гандини,  
   сўзлар учади,  
 Озод қуш каби  
   парвоз этар пүтқ:  
 — Ҳар ким ҳам бир кунги  
   ўз эркин қучар,  
 Бу кунги азоблар  
   бўлажак унут!  
 Фақат бирлашсангиз, бас,  
   овайнилар!  
 Фақат худоларни  
   тинч қўйиб, алҳол,  
 Курашсак бўлгани  
   жаҳолат билан.  
 Йўқса, ноҳақликни  
   енмоқ кўн маҳол,  
 Аммо бу душманни  
   енмоқлик учун  
 Ўзини енгмоғи  
   керакдир одам,  
 Майда мақсадларни  
   қўймангиз устун.  
 Майда низолардан фойда йўқ ҳеч ҳам...  
 Махатма Ганди бош  
   бутун оломон                   \*  
 Оёқда қалқиди, чайқалди уммон.  
 Бўронлар, тўфонлар,  
   курашлар аро  
 Қўтарди байроғини  
   волиб Ҳиндистон.



## VI

Ҳали ўтди кураш  
сўнмаган эди,  
Ҳали битмаганди  
юртда жароҳат.  
Чанг солиб қузғунлар  
ҳақиқат — нурга!  
Гандини отинди...  
Мудҳини разолат,  
Нутурам Боренга  
қурол берди ёв.  
Катта бир митингда  
кўзлари ёшиб...  
Унга ўқ узилди  
панадан шу дам  
Унинг сўнги сўзи:  
«Тутмангиз мотам».  
Нароканда турган  
оломон узра,  
Янгради тўрт тараф,  
фалак — самодан  
Унинг сўнги сўзи  
«Тутмангиз мотам».  
Қор қилмади мутлоқ  
бу оломонга.  
Йиқлаб юборди-ку  
оломон шу дам,  
Кўзларини чўзиб  
соқов осмонга!..

## VII

Ҳаёт шу зайлида  
этаркан давом,  
Сўзларкан асримиз тарихга кириб,  
Эркесвар инсонлар  
сафида камтар  
Махатма Ганди ҳам  
турар ҳайқириб.

1980

## МАҲАБАЛИНУРАМ

Маҳабалинурам тенгсиз бир чаман,  
Океан бои уриб аста шовуллар.  
Фасли қини, ёзи нур, ҳарорат билан  
Беҳадлик кўкида қўён шовуллар.

Раиғ-баранг гулларда акс этар зиё,  
Туллар ҳам гўзалдир бир эртақ мисол.  
Яқиндай кўринар юлдузлар гўё,  
Нальмазор ораляб шивирлар шамол.

Таралар оҳиста мушги-ҳазин куй,  
Ҳинд қизи қўшиқда айтайди фиғон.  
Эзоди вуҷудим изтиробли ўй,  
Учади оҳангда орзу ва армон.

Маҳабалинурам тенгсиз бир чаман...

*1980. Мадрағе*

## СОҲИЛДА

Мадрағе,  
шаҳарнинг бир  
    гўзал соҳили,  
Дам олдим  
    кечки пайт боқиб ўрмонга.  
Қирғоқни ялайди  
    тўлқинлар тили,  
Шовуллар  
Бепарво вақту замонга.  
Кашинзор ораляб  
    уфурган шамол,  
Тўлқинлар бағрига  
    тегиб қайтади.  
Бамисол ҳаёти  
    бўлгандай увол,  
Ҳинд қизи фиғонли  
    қўшиқ айтади.  
Кеч кирди,  
Шафаққа бўйлади уммон,  
Уфққа тутанган  
    гўзал соҳил ҳам.  
Тўлқинлар безовта кўтарди турён,  
Кўзимга қон бўлиб кўринди олам.

*1980. Мадрағе*

## ТОЖМАҲАЛ

Безағи бўлиб Агранинг кўркам,  
Кўкка бўй чўзиб турар Тожмаҳал  
Сутга чайгандай миноралар ҳам  
Ўқир ўтминдан ўтди бир ғазал.

Кўп узоқларга етаклар хаёл,  
Тошлар қатъидан келади нидо.  
Бахт излаганлар кўрдилар завоат,  
Учди бўшлиққа нола, илтижо.

Кўз ўнгимдан ўтади бир-бир,  
Эзилган қадим ҳинду мусулмон.  
Иисонга кулиб боқмаган тақдир,  
Туфроқлари қон — бенафқат замон.

Янграб қулоқлар остиди тоҳи  
Мунгли қўшиқлар, тиллар садоси,  
Тошларга синган меъморлар оҳи,  
Ва ҳинд қалбининг ғамгин навоси.

*1980. Агри*

## ИККИ БУЮК ҚАЛБ

Лиссабон,  
Уммоннинг яқин ерида  
Манхур ўрта аср монастырида,  
Икки қалб кўмилган  
Икки томонга,  
Ётурлар бепарво вақту замонга.  
Бири кезган денгиз, уммонларда мўл,  
Бири қўшиқ ёзган элига мақбул.  
Бири манхур сайёҳ — Васко де Гама,  
Ва бири Комоэне — билади ҳамма.  
Ботирлар тимсоли у буюк сайёҳ,  
Ўкуда кўп ерларни очиб баногоҳ.  
Ҳа, оёқ тегмаган жойларга етди,  
Лек нажот соҳилин тополмай кетди.  
Португал куйчиси Комоэне — шоир  
Қўшиқлар тўқиди юртига доир.  
Ҳақсиялик устидан кулди у ёниб,  
Куйлади халқининг дардин тўлғониб.  
Элимни шодликда кўрсам деб зора,  
Оламдан кўз юмиб кетди бечора.  
Икки зот кўмилган  
Икки томонга,  
Ётурлар бепарво вақту замонга.

*1982. Лиссабон*

## СУВ ПАРИСИ ҲАҚИДА АФСОНА

*Қадим замонда бир қиз шаҳодани севиб қолди.  
Шаҳодани уни ўзинга эи кўрмай, бошиқатга уйланибди.  
Қиз йиллаб-йиллаб қирғоқда тошга айлибди.*

Қирғоқда, шаҳарнинг сўлим бир боғи,  
Хўрениб оҳиета чайқалар денгиз,  
Хаёли паршон, сўнниқ чироғи,  
Қоятош устида ўлтирар бир қиз.

Фасклар шамолни унга писандмас,  
Боқмайди қайрилиб атрофга ҳаргиз.  
Қадди-қоматига қилгудек ҳавас,  
Қоятош устида ўлтирар бир қиз.

Эртакка айланиб ўтиб кўни замон,  
Бўлиб пок севганининг тимоли тенгсиз,  
Бевафо йилгидан юз буриб ҳамон  
Қоятош устида ўлтирар бир қиз.

Дардини кундузи кўндан сир тутиб,  
Йилларнинг пишқона тунлари ёғиз.  
Шу кўйи пойида, асрлар ўтиб,  
У қизнинг кўз ёши бўлганнинг денгиз.

Қирғоқда, шаҳарнинг сўлим бир боғи,  
Хўрениб оҳиета чайқалар денгиз...

*1982. Копенгаген*

## САҲРОЙИ АРАБ ЭЪТИҚОДИ

Ғармесслар барханларнинг  
бағри узра ловушлар,  
Кўкени тутиб энтиқади  
майиниб саксовушлар.  
Саҳройи чўлда сув қидирар  
пор туясин етаклаб,  
Қуён нурмас, олов тўкар  
қум устига этаклаб.  
Нафас олин овир бунда,  
тирикчилик яна ҳам,  
Ер юзига қалқиб чиқмин  
гўё муҳҳин жаҳаннам.  
Чол манглайн тарам-тарам  
ёрилган ер сингари,  
Ўйчан боқар саҳросига  
хира тортган кўзлари.  
Юзлари ҳам кўнчиб турар  
қумнинг ўтли тафтидан,  
Аён бўлар чўнг меҳнати  
қадок тўла кафтидан.  
Бу дунёнинг азобларини  
тортиб ўтди бечора,  
Умиди бор у дунёнинг  
роҳатин кўрса зора.  
Тақдир экан, не қилай дер,  
шаккоклик азми гуноҳ,  
Мадад берур эътиқоди —  
суянган тоғи Оллоҳ!

1980

2

## ЎРМОН

*Абдушукур Хоназаровга*

Дарёнинг бўйидаман,  
Қирғоғи қўлоқ ўрмон.  
Ўйнаб оқар тўлқинда  
Ўрмон акси ногаҳон.

Сочлари нахмоқ туман  
Ўрмон аро югурар.  
Бечора оқ қайинлар  
Шивирлаб титраб турар.

Ёриб булут нардасин,  
Қуён қулиб боқади.  
Ёмғир ёғиб, майсалар  
Нурли маржон тақади.

Қандай гўзал манзара,  
Қузма ёки гулбаҳор  
Кезсанг ўрмон бағрида,  
Дилнинг бўлар бевубор.

Тўлиб, тошиб қайтасан,  
Сўнгра эртасан...

*1981*

## ҚАЛБИМДА ТЎЛҚИН

Қуён кўкдан мулойим боқар,  
Қора денгиз нур қўйида жим.  
Зўр кемалар тебранимай оқар,  
Бир улутвор сокилик ҳоким.

Тин олгандай кўринар денгиз,  
Уфқ сари боқаман сокин.  
Таним қуршаб аллақандай ҳис,  
Ура бошлар қалбимда тўлқин.

*1977. Қрим*

## ИРОДАМ

Истиқболнинг узундан-узоқ,  
Иўларида адансам, толсам,  
Қўларимдан етаклаб шу чоқ,  
Олга бошла, қайтма сира ҳам,  
Қудратингни кўрсат, иродам.

Тўр ташласа бахтимга вафлат,  
Ҳайғим ҳам қолса хатарда,  
Рўй бермасдан бирор фалокат  
Манаққатли қалтис сафарда,  
Бонг уриб тез уйғот, иродам.

Лоқайдлик кўрсанг руҳимда,  
Бўшашса гар қалбим торлари,  
Чақмоқ бўлиб чақна шу зумда,  
Ва ҳайқириб бўрон сингари,  
Ҳисларимни кўзгот, иродам.

Бўлмак киши дўсту душмансиз,  
Бу азалдан қолган муаммо.  
Дўстга меҳринг аяма ҳаргиз,  
Сергак бўлгин душманга аммо,  
Берма асло фурсат, иродам.

*1974. Сочи*



## КОЛИЗЕЙ

Қадимий Колизей хароба бу кун,  
Бўй чўзган айлана винтин деворлар.  
Сўзлагай тарихдан ҳар мармар устун,  
Шу ерда жанг қилган гладиаторлар.

Ёдимга тушади... Қалтир ўйинлар,  
Ўртада шер билан олинган дамлар.  
Қай бири ўлар деб томоша қилар,  
Одамлар устидан кулган одамлар.

Хаёлан учиб мен ўшал дунёга,  
Эшитгум шамширлар жарагини, э воҳ.  
Арзи дод ўрлабон тубеиз самога,  
Осмон ҳам қазабга келур баногоҳ.

Вақту замонларни қилиб оқизоқ,  
Чайқалар ул Тибр дарёси ҳамон.  
Колизейга фикран тикилсанг йироқ,  
Қулларнинг меҳнати бўлур намоён.

Кўрганлар ҳайратга тушибон ҳардам,  
Ўчмас таассуротлар билан қайтади.  
Нойида бечарво оққан Тибр ҳам  
Тўлғониб ўтмишдан қўшниқ айтади.

*1982. Рим*

## ЁНИМДА ТУРАСАН

Бор экан деб тузу насибам,  
Бўлсам олис ерга равона,  
Омон қайтгин дея дам-бадам,  
Сен ёнимда турасан, Она!

Кимдир дилим айласа вайрон,  
Дўстлар боқса бўлиб бегона,  
Ўзингни тут, бўшанима дебон,  
Сен ёнимда турасан, Она!

Бахт кўкида қўёшим норлаб,  
Ғанимларни енгсам мардона,  
Сертак бўл деб, курашга чорлаб,  
Сен ёнимда турасан, Она!

*1982. Рим*

## ДЕНГИЗ НОТИНЧ

Денгиз нотинч бутун, қирроқ кўринмас,  
Кема чайқовига чидолмас ҳар ким.  
Очиқ ҳаводан сал олгани нафас,  
Налубадан бир оз атрофга боқдим.

Шер каби ўкириб шиқирир денгиз,  
Тўлиқилар бир-бирин қувлаб югурар.  
Чайқалиб боради кема тинимсиз,  
Қандайдир ваҳима хаёлим ўрар.

Во ажаб... кўзимга шунда ногаҳон  
Ташвишли чехрада кўринди онам,  
Сўзлари қуловим остида шу он,  
Янград: — Шамоллаб қолмагин, болам.

Вужудим титрабон сесканиб кетдим,  
Ва онам меҳрини жондан ҳис этдим.

*1982. Мадрид*

## ҚҰШИҚ

Күйлейди, биламаң, қар қандай одам  
Күйиңге тасалы излаган мақал.  
Қисқармас күйиңсіз ұзын йўллар ҳам,  
Күйиң одамлариниң ҳамроҳи азал.

Денгизлар она мен саёҳат қилдим,  
Хаёлот отида юртимдан өлсе.  
Ўзга ер не ўзи оқибат билдим,  
Күй бўлиб юракдан тўзилганда ҳис.

Кезмайин қайларда, қайси эл аро,  
Ўйлайман тоғларим бағрини қар он.  
Ва күйлаб она юрт меҳрин доймо,  
Ўзимни юнатиб юраман, ишон.

*1980. Лондон*

## ЯЛТА

Кўз ўнгимда гўзал манзаранг,  
Қуюқ ўрмон қонлаган тоғлар.  
Қийбос гулга кириб ранг-баранг,  
Қулиб турган мөвазор бөклар.

Майин эсан шаббода кўркем  
Сарвизорлар бағрида ўйнар.  
Ғазал айтиб ҳатто қушлар ҳам,  
Эрта тонгдан мадҳинини куйлар.

Қирғоққа бош уриб туну кун,  
Тўлғанади денгиз бетиним.  
Ором истаб борлиққа бутун,  
Тун қуйилар соҳил узра жим.

*1978. Ялта*

## Ё УНИ ҲАМ

Қора денгиз чайқалиб турар,  
Жимирлатиб шаффоф сувини.  
Завқинг ошар кузатсанг агар,  
Тўқинларнинг қуваланувини.

Бирин-кетин асов тўқинлар,  
Қирғоқ томон қолар югуриб  
Ва урилиб унга ҳар сафар,  
Орқасига қайтар оҳ уриб.

Баъзан тошиб кўтарар тугён,  
Қийнар уни не жафо, не вам.  
Ё уни ҳам ўйлагар бу он  
Қалқиб турган танивинли олам.

Қора денгиз чайқалиб турар,  
Жимирлатиб шаффоф сувини...

*1980. Я.ги*

## БУЛУТЛАР

Донмо сиз билан овора елар,  
Баъзан феълингизин тушунмоқ мушкул.  
Сувга зор чўқлар бор, қақраган ерлар,  
Сиз эса денгизга ёғасиз нуқул...

Йўлдан аданган телба булутлар.

*1980*

## КАВКАЗ

Яна келдим бағринга хаста  
Юрагимга ахтариб даво.  
Чечаклардан яеай гулдаста,  
Куйлай қўшиқ тоғликлар аро.

Ортада қолсин аччиқ аламлар,  
Қалбда севинч кўпириб тошсин.  
Хавас қилсин кўрган одамлар,  
Рухим баланд чўққидан ошсин.

Йўқдир ҳасад ўтида ёниб,  
Таъна тошин отганлар бу он.  
Олисларда қолмин тўлғониб,  
Улар бари — бир шарносимон.

Ўз йўлига соломас нафлат,  
Ва ёлғончи ҳислар лашкари.  
Бунда зангор туйғулар фақат  
Чорлаб турар юксаклик сари.

*1978. Кисловодск*

## СОПУН ГОРА

Хўрсиниб, инграниб эсади шамол,  
Чечаклар титраниб сақлашар сукут.  
Фарзанддан айрилган бир она мисол,  
Кўз ёшсиз ўтолмас ҳаттоки булут.

Қутурган ит каби тапчанганда ёв  
Қирқ биринчи йили қоп-қора рангда,  
Осмонни қоплаган тутун ва олов,  
Қонлар ҳам сел бўлиб оққан бу жангда.

Эзилган бу тунроқ ҳали ҳам бўзлар,  
Гарчаид тинч меҳнатда осойиш замон.  
Топларга битилган энг сўнгги сўзлар,  
Дилларни ларзага солади ҳамон.

Хўрсиниб, инграниб эсади шамол,  
Чечаклар титраниб сақлашар сукут.

*1978. Севастополь*

\* \* \*

Бир бекатга  
ўхшайди олам,  
Эртақлардай сирли ва кўркем.  
Унга келган,  
кетувчиларни  
Йиқлаб-йиқлаб кузатар ҳардам.  
Бир бекатга  
ўхшайди олам,  
Посад келар, бўлгил хотиржам.  
Ғалва қилиб  
баъзан ўзимиз,  
Тезлатамиз муддатини ҳам.  
  
Бир бекатга ўхшайди олам...

1985

## ДОФИСТОН

Чўнг тоғлар ораси гўзал Доғистон,  
Йиғитлар бургутдай энчил ва жасур.  
Кўзада сув тутиб қизлари пинҳон,  
Боқаркан, чақнайди кўзларида нур.

Жўш уриб ўйноқи чанма, булоқлар,  
Чоғқолим ёдимга соларкан такрор,  
Кўринар акаю увадек тоғлар,  
Меҳнаткаш элнинг ҳам ўхшанлиги бор.

1973

## НИМАДИР...

Оҳиста нйманиб боқар юлдузлар,  
Орзулар ёддириб хаёлимизга,  
Тонггача тикилиб у нурли кўзлар,  
Нимадир демоқчи бўлади бизга.

Адирин безаган майсалар ногоҳ  
Чайқалиб тураркан ўхнаб денгизга,  
Недандир авайлаб этгали огоҳ,  
Нимадир демоқчи бўлади бизга.

Қирроққа бош уриб денгизлар ҳардам,  
Шер каби ўкириб қайтаркан изга,  
Дов-дарахт сингари бутун улар ҳам,  
Нимадир демоқчи бўлади бизга...

*1973. Ёссентуки*

## САМО ЧАМАНИ

*А.Нўъмонхўжаевга*

Тортар нигоҳим само чамани,  
Ноёнсиз фазо ва чексиз олам.  
Улар яширар биздан нимани,  
Боролмас етиб ҳатто хаёл ҳам.

Тортар нигоҳим само чамани,  
Учиб қолади метеор беҳос.  
Четдан кузатсанг Галактикани,  
Кичик бир ҳовуч туманлик, холос.

Тортар нигоҳим само чамани,  
Чексизлик аро Она еримиз.  
Кўз илғамас бу яшил нуқтани,  
Кўзатар титраб саноқсиз юлдуз.

Тортар нигоҳим само чамани.

*1979*

## ҲАР МАҲАЛ

Қўи йиллар ўртандим васлингга мен зор,  
Насибам ҳаминша бўлди кам-алам.  
Туиларни тоиларга уладим бедор,  
Сен эва бенарво, билмасдинг, сапам.

Ҳеч нарса қўнғимга юпанч беролмас,  
Тоғлар ҳам, боғлар ҳам, денгиз ҳам, ўтлоқ.  
Бағримда хазондай оғзую ҳавас,  
Ловуллаб ёнган у ҳам сўнган мутлоқ.

Лекин қалбим илҳомин ишқинг уйротган,  
Ҳижронинг тўкилган бўлиб шеър, назм.  
Хаёлим ўтирлаб, эҳдимни тортган,  
Бир олис юлдузсан, жоним, ҳар маҳал.

*1964*



## ҚАЙЛАРДАСАН...

Қиров таңлар сөзларимга куз,  
Илтиробда тўлганар тоқат.  
Қайлардасан, мен севган юлдуз,  
Дилим ёққан ўгли муҳаббат.

Қилич урдинг яна ёдимга,  
Жисмим аро тиширчилар жон.  
Энди ҳеч ким етмас додимга,  
Ўксик бағрим қиймалар ҳижрон.

Бўга бошлар тентак хаёлар,  
Айланади музга юрагим.  
Игна санчар ҳар хил саволлар,  
Балки энди йўқдир керагим.

Ишонмайман мен сенга ҳамон,  
Бўлмас ишқни гулҳанда ёқиб.  
Кўз ёшимни дарё айлабон,  
Кетдингми ё ўзинг ҳам оқиб.

Йўлларингга термулиб нуқул,  
Туғаб борар бардоним, ахир.  
Бирга бўлмоқ нақадар мушкул,  
Сенсиз яшаш ўлимдан овир...

Қайлардасан, мен севган юлдуз,  
Дилим ёққан ўгли муҳаббат.

1975

## ҲАЙРАТГА ТУШИБ

Тафаккур отида самоға учсам  
Фазогир ботирлар сингари жўшиб,  
Ярқираб қўл чўзар Ой ҳам, Зухро ҳам,  
Айланар Она ер ҳайратга тушиб.

Нисон камолининг навқирон оми,  
Учирар ақлини илмига қўшиб.  
Туллари кузатсам сирли фазони,  
Нирнирар юлдузлар ҳайратга тушиб.

Олдинда бўрону қалдироқлар бор,  
Ўйласам юрагим кетар увушиб.  
Ўл олмас, борамаи мен ҳам умидвор,  
Дўстларим боқади ҳайратга тушиб.

*1973*

## УЧИБ КЕТСАМ

Ёқмай қолса бирор жой бирдам,  
Учиб кетар олисларга қуш.  
Очилмайини тамгини дилим ҳам,  
Ўзга юрtdа юрибман хомуш.

Кўп ўтмади, келганим ҳамон,  
Жонга тегди ҳаммаси алҳол.  
Барин ташлаб тоғларим томон,  
Учиб кетсам қани қуш мисол.

*1982. Мадрид*

## ЙЎЛЛАРИМГА ИНТИЗОР

Ойдин тунда тўлғаниб,  
Ойни қучар зўр уммон.  
Хайл нурли из солиб,  
Тоққа учар шу замон.

Чорлар мени ул диёр,  
Она юртим ҳам онам.  
Йўлларимга интизор  
Ой юзли ёр, ойсапам.

Ойнинг акси жилағар,  
Тиним билмас ҳеч уммон.  
Тугён урар тўлқинлар  
Дилга кўчиб ногаҳон.

Ойдин тунда тўлғанар,  
Ойни қучар зўр уммон...

*1982*

## САЁХАТДА

(Олимжон Ходдор кезлиги мухаммас)

Узоқ эллар сари юрдим етиб бўлмас хаёлотда,  
Йўл азоби эзиб гоҳи, гоҳи қувнаб ҳаловатда.  
Унутгайми мард йигитлар диёру ёрни одатда,  
Сени айтгум келур жонон тенги йўқ деб садоқатда,  
Кўрай доим виселингни муҳаббат ва саодатда.

Қадимий эл тарихини кўришга кўп шошиб тинмай,  
Ҳар қадамда варойиблар, дилда тўлқин тошиб тинмай,  
Яхшиларни барин ушлаб борурман ёндошиб тинмай,  
Гоҳи боғлар, гоҳи тоғлар, гоҳи денгиз ошиб тинмай,  
Кезиб саҳро ва чўлларда кўзим тинди саёҳатда.

Зерикдим, ёр, кезиб охир ёт элларин неча кунлар,  
Гўё жоним диёримда қолиб бағрим тўкиб хунлар,  
Кўниб вашлик, не учундир дилгинам бир сени қўмсар,  
Совиштирдим мени, дилдор, хаёлимда узун тунлар,  
Яширмасман бу дамларда келур, билмам, фароғатда.

Асир этгай гўзаллар деб келмасин ёр хаёлишга,  
Ҳавас айлар жаҳон кўра сени бахту камолишга,  
Алинимам ҳинду хошларин ўшал седона холишга,  
Араб барноларин ҳаргиз қиёс этмам жамолишга,  
Қаро кўзлар дегай менга юрак-бағрим жароҳатда.

Истамбулдан ўтиб Римга, айланиб кўп сирин кўрдим,  
Ватиканда ақл етмас неча минг тасвирин кўрдим,  
Мона Лиза каби бахтдан нолиган дилгинин кўрдим,  
Қийилган қош, қийилган бахт, қийилган тақдирин  
кўрдим,  
Бу эл Лайлоларин бирдан бўлиб бирдам мулоқотда.

Хосиятхон она бошлиқ мен ҳам кўнлар қаторида,  
Саёҳатга чиқиб билдим не бор дунё бозорида.  
Ёзурмен анъор, Орифо, Ватанимнинг хуморида,  
Олимжон шодлиқни билмас музофирлик диёрида,  
Ўзи ёниб, ўзи куйган, ўзи ёниб бу соатда.

## РЕГИСТОНДАН

Регистондан осмонга боқдим,  
Шуъла сочар минглаб юлдузлар.  
Кўринади кимнидир доим  
Ахтаргандай у ёниқ кўзлар.

Ҳа, ўтса-да йиллар қарвони,  
Ул юлдузлар ёниб ёзу қини,  
Ёрни эмас, кўзининг сўлғони,  
Ул дубежани излашар эмини.

Регистондан боқдим осмонга...

1976

## ҚОЗИ БИЛАН АФАНДИ

Қози билан Афанди  
Масжидга борар эди.  
Погоҳ бир ит ақиллаб  
Юракни ёрай деди.

Қози деди: эҳ, аттанг,  
Қарзидингиз итдан ҳам.  
Сизни таъқибга олиб  
Қиетамоқда ушбу дам.

— Бўлса бордир, почорман,  
Қўлмасангиз не қилар.  
Мен билмадим, ҳар қалай,  
Ит тилини ит билар.

Қози бармоқ тинглади,  
Ит эса ирғишлади.

1981

## 7 ДЕКАБРЬ, 1988 ЙИЛ

Аралат товидан қулади тошлар,  
Қутуриб ўқирди табиий офат.  
Дарёга қўшилиб оқди кўз ёшлар,  
Булутлар йиқилди қилолмай тоқат.

Ўрлар Арманистон бағридан тутун,  
Дуч келиб ногаҳон фалокат ила.  
Қора ердан чиққан қайғудай бу кун  
Барча эл дилига тушди zilzila.

Бошидан ўтгани табиб дейдилар,  
Дардинга шерикдир ҳамма кекса, ёш.  
Ўтли аламиндан вужудим титрар,  
Сенга тўзим берсин, армани қардон.

1988

## ТЎРТЛИК

Фикрим қанотида кезсам ярқираб,  
Сирли юлдузлар ҳам савол сўрайди.  
Коннот сочилган чўғдай паршираб,  
Хаёлим ям-яшил нурга ўрайди.

## КАПТАРЛАР

Хонаки каптарлар қўлга ўрганган,  
Дон сочсанг ёнингга келар шу замон.  
Кўк узра мажбуран парвоз қиларкан,  
Ошиқар томдаги катаги томон.

Ёввойи каптарлар ўзга бир олам,  
Иини ҳам жарларга,  
Ғорларга қулар.  
Олиё-олиеларга учаркан бардам,  
Тутқунлик нимадир билишмас узлар.

## ЯҚИНДА ҚАЙТАМАН

Онам пон тишлатиб қолар доимо  
Мен олис сафарга кетишдан олдин.  
Балою қазодан асрасин худо,  
Эҳтиёт бўл дебон ўт, сув, шамолдин.

Денгизу океан, неча шаҳардан  
Ўтаман, хаёлда онам сўзлари.  
Яқинда қайтаман олис сафардан,  
Бахтимга соғ бўлсин онам ўзлари.

*1982*

## БИР МУҲОЖИРГА

Печун қизиқтирди менинг ҳаётим,  
Айтсангиз, агарда келмаса малол,  
Дебон ёдирасиз кетма-кет савол,  
Шарифим сўрайсиз, сўрайсиз отим.  
Печун қизиқтирди менинг ҳаётим.

Боламини, уйимни, еримни сўраб,  
Билмоқчи бўласиз аниқлаб бир-бир.  
Ҳаммаси бор менда, тутмагайман сир,  
Беҳуда турибсиз саволга ўраб,  
Боламини, уйимни, еримни сўраб.

Гул диёр, бахтли эл фарзандиман мен,  
Севаман она юрт, элимни жондан.  
Бизда ҳеч нарсая йўқ ортиқ инсондан,  
Биласиз, афанди, асли кимман мен.  
Гул диёр, бахтли эл фарзандиман мен.

*1991*

## ЮЛДУЗЛАР

Мовий осмон саҳнида хумор юлдузлар,  
Бағрингизда не сиру асерор, юлдузлар.

Сеҳрингизнинг асири бўлмаган борму,  
Боқасиз минг жилада дилдор, юлдузлар.

Термуламаи сизларга ҳижронда ёниб,  
Тушим тонгта уланиб бедор, юлдузлар.

Чехрангизда гоҳи кам, гоҳида қувонч,  
Дилнингизни билсин кўн дувдор, юлдузлар.

Тикиласиз хаёлчаи менингдек ё банд  
Айладими сизни ҳам ул ёр, юлдузлар.

Ул позанин дардида Ориф ўртанди,  
Сизлар уни деб ёнманг зинҳор, юлдузлар.

## МЕҲНАТДА

Қишлоқда янаи бир нуруний чол,  
Ёши найгамбар ёнидан онган.  
Қор каби ошпоқ эрур соч-соқол,  
Ақлда камолот тоғидан онган.

Тонган поклик-ла элда эътибор,  
Ҳалолликда деб барака ва қут.  
Ўзи ишлагай ёзу қиш, баҳор,  
Меҳнатда бўлур кексалик унут!

Қишлоқда янаи  
Бир нуруний чол...



## ОЛАМ МОДДИЙЛИГИ

Олам моддийлиги, чексиз кoinот  
Фикримни бўлак-лаб тортар ўзига.  
Она ердай сахий ва гўзал ҳаёт  
Ўко бўлмиш самонинг қай юлдузига.

Қай юлдуз атрофи ҳаётга макон,  
Несиқми ё совуқ оби-ҳавоси.  
У ерда биз каби яшарми инсон,  
Бормикан гуллари, булбул навоси?..

## БИР УЙДА

Бир уйда ёнади чироқ тонг қадар,  
Нурлари атрофга тўкилиб майин.  
Иланиб нурларга қўшиқ, куй оқар,  
Куйлагини келади тинглаган сайин.

Оқади куй билан оруз ва армон,  
Эрийди тинглабон тоғларда ҳам тон.  
Қўшиқнинг сеҳридан сархундир жаҳон,  
Чироқни ҳар тонгда оқинилар қўён.

Бир уйда ёнади чироқ тонг қадар...

*1994*

## ЁЛҒИЗ ҚАЙТДИ ОТ

Товдан ёлғиз қайтди от,  
Қа.блар титраб, чўкди тун.  
Бўлса йигит гар ҳаёт,  
Кўринмайди не учун.

Не учун от-ла ўкюн,  
Келмади бирга қайтиб.  
Юрарди ул ҳар қачон  
Ов қилиб, қўшиқ айтиб.

Ким билар қайда қолган,  
Онаси фарёд чекар.  
Бўйнини от қуйи солган,  
Бўялган қонга эгар.

Товдан ёлғиз  
Қайтди от...

1994

## ОШҚОРА ЭТМОҚДА

Билолмаймиз, дўстим, ҳамма-ҳаммасини,  
Не ишлар ўтмаган кўҳна оламда.  
Олам чексиз, айтиб бериш ҳам қийин,  
Не ишлар бўлмоқда худди шу дамда.

Аmmo билсин учун интилар тинмай  
Ой устига қадам қўйган бу одам.  
Ноиллож бош эгиб кўниб, гоҳ кўнмай,  
Сирларини ошқора этмоқда олам.

## СОҒИНЧ

Кавказ бағри ажиб маскан,  
Чорлар бутун оламини.  
Бу ўлкада кезарканман,  
Мен соғиндим онамни.

Соғинтирди она юртим  
Онам билан баробар.  
Улар меҳри билан юрдим,  
Қайга бормай, биродар.

## АМУДАРЁМ

Келдим меҳринг тортиб, соғиниб,  
Қучоқ очиб, меҳрибон дарём.  
Ичдим яна сувингдан қониб,  
Қўҳна дарём, навқирон дарём.

Тўлқинингда барака оқар,  
Қуёш кўкдан жилмайиб боқар.  
Менга сенинг шўхлигинг ёқар,  
Азим дарём, бағри қон дарём.

Қўп йилларки, тонқин бўлдинг сен,  
Бўрон қаби шошқин бўлдинг сен.  
Чўлга оқдинг, олтин бўлдинг сен.  
Танги, сахий, нурафшон дарём.

Берунийни ўйлатган ўзинг,  
Огаҳийни куйлатган ўзинг.  
Элга эртас сўйлатган ўзинг,  
Азиз дарём, жонажон дарём.

Уфиқларга тутаниб кетган,  
Олам аҳли таърифин этган.  
Ораусига ниҳоят етган,  
Қўш соҳили гулистон дарём.

## ТИТРАБ ТУРАР

Титраб турар  
Нозик чечак-гул,  
Қолармикан ёмғир савалаб.  
Қочолмаса калтакласа дўл,  
Баррин ёқса қуёш ўт қалаб.

Титраб турар  
Нозик чечак-гул,  
Қўрқув ичра боқиб ҳавога.  
Майрўх бўлиб қолишса буткул,  
Қайга борар  
Улар давога...

## ЮРТИМГА ШОШДИМ

Дунё кездим таскин  
тонса деб кўнгил,  
Не-не ўлка, не-не  
тоғлардан ошдим.  
Аммо юрагимга  
сигдиrolмай қил,  
Азиз муҳаббатли  
юртимга шондим.

Тушунмайман, кимлар  
яшар хотирам,  
Овлоқда бемалол  
ичиб майи ноб.  
Бедард кўкармайди  
ҳатто гиёҳ ҳам,  
Тортаркан қорларнинг  
ортида азоб.

Тўкилмоқда умрим барглари  
ҳар куш,  
Мен янашай олмадим  
бетаншин, беғам.  
Ўз умрига бекфарқ  
қарани мумкин  
Ҳаёт нималигин  
билмаган одам.

1997

## ШОВУЛЛАБ ОҚАДИ СОЙ

Эшилди инанк мисол, шовуллаб оқади сой,  
Тош ноғидоз устидан — ҳовлимиздан сал нари.  
Кўйлаб неча асриги ўтказган бу, ҳойпахой,  
Унга боққан бобом ҳам завқланиб мен сингари.

Кўнлар ўтар карвондек умримизни орқалаб,  
Биз кетиб, ортда қолгай йиллар ва ўйлар бари.  
Сой оқади мавжланиб, қўшиққа қўшиқ улаб,  
Унга мафтун боқади неварам мен сингари.

## ҲАЛОВАТИНГДАН

Тошкентим, айланай фароғатингдан,  
Кўркам ва муҳташам салобатингдан.

Баҳордай яшнагай, қуёшдек нурли,  
Ой нур эмар туллар тароватингдан.

Кўзларга нур берар чаман-гулзоринг,  
Йўрайди кўнгишлар ҳаловатингдан.

Сени кўрмаганлар армонда, шаҳрим,  
Кўрганлар ҳайратда камолатингдан.

Меҳринга қонмагай Ориф сайр этиб,  
Борми завқ олмаган саёҳатингдан.

## ЕР КУРРАСИ

Ер курраси айланар экан,  
Кўнлар ўтар, ўтар аср ҳам.  
Ўзгаради борлиқ — биз кўрган  
Табиат ҳам, кўркам қаср ҳам.

Олам узра бўлур, албатта,  
Биз билмаган нарсалар бунёд.  
Ўшанда ҳам севи, нафратда  
Ўзгармайин яшар одамзод.

1965

## БАТАН ҲАҚИДА

Олисларда жонимдан тўйиб,  
Тор бўлса гар кўзимга олам.  
Овозимни баралла қўйиб,  
Ватан ҳақида куйлайман бардам.

Шан қўшиқни мен айтган сарим,  
Ҳаёлимни безар гул диёр.  
Кўз олдимдан ўтар тоғларим,  
Унда шириш роҳатбахш куч бор.

Ўзни енгил сезаман шу чоқ,  
Орта қолар ўкинч, армонлар.  
Билмам, қандай яшашар узоқ  
Ўзга юртда қолган инсонлар.

*1982. Лондон*

## ПЕШВОЗ ЧИҚАР

Юрдан олис кетсам ҳар қачон,  
Юраккинам сўкилиб қолар.  
Қайтсам, йўллар узра ногаҳон  
Ҳасратларим тўкилиб қолар.

Қишлоғимга йўл олмай ҳали,  
Етиб келмай дўст-ўртоқларим.  
Отам каби  
Қутиб олғали  
Пешвоз чиқар қорли тоғларим.

# ОҚАР СУВЛАР





## ТИЛ БЕРСА

Ўриклар, жийдалар хўрланди кўнроқ,  
Аламдан ғазабда титрашар ҳамон.  
Ёнгоқлар илдизи қирқилиб мутлоқ,  
Аноқлар эзилди бўлиб бағри қон.

Тил берса табиат дарахтларга гар,  
Қисматин ўйлашиб хаёл сурмасди.  
Чинқариб қилгудек қулоқларни қар,  
Сўзларди тинмасдан қараб турмасди.

Тил берса табиат дарахтларга гар...

1985

## ЎЗИМНИ

Бу дунё кимларга заҳар ичирди,  
Кимларни эркалаб этди авлиё. \*  
Батзилар тириклай туяроққа кирди,  
Батзилар таратди зулматда зиё.

Адамчи йилларга эмадим бўйин,  
Вақтга дарз сўтказмай, илғари чоғдим.  
Сидеат қўлида бўлмадим ўйин,  
Мен сени ахтариб ўзимни тоғдим.

1991



## ЁШЛИГИМ СЎРОҚЛАБ

Ёшлигим сўроқлаб боғларга кирдим,  
Эдилар қанчалар кўркем ва дилбар!  
Қўшиқчи қушлар йўқ, кўринмас ҳеч ким,  
Ҳусини бузибди шафқатсиз йиллар.

Ахтариб у нурли сўқмоқ йўлларни,  
Бағрида кезаман бутун дилим хуш.  
Эсмоқда совутиб кечки изғирин,  
Серрайиб турибди дарахтлар юнун...

1989

## УМИД ЮЛДУЗЛАРИ

Фазо каби кенгдир одам бағри ҳам,  
Биз унга чуқурроқ назар қилмаймиз.  
Сирлар оламидир ҳар битта одам,  
Юлдузлар сингари аниқ билмаймиз.

Юлдузлар термулар кўкдан мулоийим,  
Талпинар одамлар кўкка умидвор.  
Одамлар бағрини ёритган доим  
Умид юлдузлари сўнмасин зинҳор.

1978

## ОҚ ҚАЙИН

Узоқ ўрмонларни қўмсаб тўлганар,  
Оқ қайин оқсида, матюс ногаҳон.  
Гоҳ қуён бошида оқюз ёдидар,  
Гоҳ шамол шохларин келқар беомон.

Ўсмоқда сарғайиб ўзга тунроқда,  
Боқаман унга мен юракни вапилаб.  
Дарахт ҳам соғинар экан узоқда,  
Она тунровидан қолганда ажраб.

1978

\* \* \*

Булутларнинг баерини ёриб,  
Қўймоқ учун чўққига бориб,  
Еллар билан олишиб минг бор,  
Бургут учар, учар шиддаткор.

Талпиннаман мен бургутсимон,  
О, одамлар, қалбингиз томон,  
Қалбингиздан юксак, зиёда,  
Нурли чўққи борми дунёда?!

1973

### ҲАЙРАТ ИЧРА

Сочларига улаб толбаргак,  
Ўйнар икки жажжи қизалоқ.  
Талпинади осмонга варрак,  
Қўшини уйда йиғлар чақалоқ.

Қазо қилмиш унда аллаким,  
Овир ботар ўлим одамга.  
Тарновдаги қалдирғоч ҳам жим,  
Ҳайрат ичра боқар одамга.

1970

### МАЪЛУМ БЎЛИШАДИ

Сен уни мақтама кўтариб ҳар гал,  
Ажралар гуллар ҳам кулганда чаман.  
Бир мансаб бошини тутсени у аввал,<sup>2</sup>  
Қандай бошлиқлиги бўлади равшан.

Бошлиқни яхшими, ёмонми дебон,  
Сўрама, барибир айтми кўн қийин.  
Биласан, одамлар бизда ҳар қачон  
Маълум бўлишади ўлгандан кейин.

1982

## ВАЗИСИЗЛИК ҲОЛАТИДА

Овир бўлса дардинг поғаҳон,  
Гар санчилса жонга бу ҳаёт.  
Фазогирлар сингари шу он  
Ўзин чексиз осмон сари от.

Енгил тортмоқ учун мисли ўқ  
Учаверсанг фазода бардам.  
Овирлигинг йўқолиб, қуруқ  
Дардинг қолар, яна исминг ҳам.

Она ерга етаклаш учун...

1980

## ОРЗУ

Довудлаган ўт бўлиб ёнсам,  
Олис кўздан кўтармасдим юз.  
Ё яшиндек гулдираб бирдам,  
Сўнмас эдим бенаф ва биз!

Довудлаган ўт бўлсам, норлаб,  
Муз қалбларга кириб борардим.  
Ва эритиб, ҳаётга чорлаб,  
Балки шунда ўзим сўнардим.

1980

\* \* \*

Тов ортидан ҳар кун жилмаяр қуён,  
Ёвдуендан бутун олам нурафшон.  
Сочимга оқ тушди, кўнглим ҳамон ён,  
Йиллар ўтмагандай, бўламан хайрон.

Тов ортидан ҳар кун жилмаяр қуён,  
Дегандай вафлатдан элни уйғотдим.  
Кўзимга юракдан сизиб келар ён,  
Не-не одамларининг изин йўқотдим.

1975

## НА ЧОРА...

Дардинг бағрим ёндирди, санам,  
Шеърлар битдим мен сенга атаб,  
Кетокмадинг йиллар ўтса ҳам,  
Хайлимдан ҳардам узоқлаб.

Лек сўзларинг қўмсайман ҳамон,  
Совинч ҳисси ортар тобора.  
Ҳижрон фақат айтишга осон,  
Сен билмассан буни, на чора.

1968

## ИШҚИНГ БИЛАН

Сенинг учун жонимни барбод  
Этгум керак бўлса, севгилим.  
Ишқинг билан дил, ўйим обод,  
Куйлаб ўтай дардинг бетиним.

Ўзга бахт ҳам керакмас муллоқ,  
Эл аро бор шундай бир масал:  
Ишқи йўқлар бечора ҳар чоқ,  
Дарди йўқлар ўта камбағал.

1976

## ЛЕКИН

Ҳар кимнинг ўз ўрни бор дерлар,  
Бў фикрга қилурман қуллуқ.  
Инсон қадри эмас сийму зар,  
Унинг ўлчов баҳоси ҳам йўқ.

Саховатни кўрсатади чин,  
Сахийликда кўн яхши одам  
Ҳотамтойлик қилишни мумкин,  
Лекин ҳеч ким бўлолмас Ҳотам.

1990

\* \* \*

Бир бевафо дардида  
Куйдим гўё нарвона,  
Зор йиғлагиб ҳажрида,  
Бўлиб кетди бегона.

Ўтиб кетди зўр қарвон,  
Йиллар узоқ йўл олиб.  
Ишқимда зор йиғлабон  
Қолди кимдир ўртагиб.

1968

## ҲАЙРОНМАН

Бирор душманим йўқ курашай десам,  
Кўнглим бўшатишга дўсти меҳрибон.  
Тобора вужудим босмоқда бир ғам,  
Бормоқда торайиб кўзимга жаҳон.

Ёлғизлик ёмондир, яхши биламан,  
Ҳеч ким тортиб олмас ботсанг-да лойга.  
Дўст-душман орттириб нима қиламан,  
Сизмай турсам, ахир, ўзим ҳеч жойга.

1990

## СЎЗЛАРИНГА

Сўзларингга ишонгим келмас,  
Алдовларга учмайман, ишон.  
Хаёлимни аммо бир нафас  
Тарк этмайин қийнайсан ҳамон.

Васлинг излаб юрдим дарбадар,  
Ишқинг қўшиқ бўлди, дилбарим.  
Сен ҳақда мен ўйламасам гар,  
Етим бўлиб қолар ҳисларим.

1972

## ҚУЁШ ҲАМ

Майда қор учқунлаб қирлар ялтирар,  
Хаёлим узоқда — яна юрак вап.  
Ажойиб манзара, қуёш ярқирар,  
Йўқ, унинг юзида ҳарорат-оташ.

Баъзи бир одамлар боқиб баланддан,  
Бемехр тўтқандай қуруқ салобат,  
Қуёш ҳам ўзига ўхшамас экан,  
Ёғилиб турмаса нурли ҳарорат.

1986

## КЕЧ КУЗ

Бутун зумрад боқларда йўқ нур,  
Хазон ўйнар адашган еллар.  
Намхуш ҳаво, томчилар ёмғир,  
Қўринмайди намозном гуллар.

Бу манзара қанақа кимга,  
Менга, дўстлар, совуқроқ ботди.  
Хазон фасли сингиб руҳимга,  
Қалбда нотинч ҳислар уйғотди.

1977

## БЎРОН УХЛАР

Ўз бурчимдан адашиб қолсам, \*  
Мажлисларда йўлга солинар.  
Шўхлик қилсам, қариндошлар ҳам  
Қўлоғимдан бураб қоллар.

Хаёл тинмас, ҳали узун тун,  
Олам бағри сукунатда жим.  
Бўрон ухлар қалбимда бу кун,  
Унга ҳоким бўлолмас ҳеч ким.

1974

## ТАБАРРУЖ ҲАЁТ

Келади адоқсиз осмонга учгим  
Ғалвалар бағримни қийнаган чоқда.  
Дейдилар, сирли бир сукунат ҳоким  
Юлдузлар сомондек сочилган ёқда.

Она ер бағрида бир армон тутун,  
Қалқир қил устида табарруж ҳаёт.  
Кутар одамлардан одамлар бу кун  
Қандайдир ваҳмада шафқат ва нажот.

*1985*

## УМИД

Ҳамма вақт ҳам ширин ўтмайди ҳаёт,  
Бор унинг яхшию ёмон кунлари.  
Ахир, ким ноумид кўтарар фарёд,  
Кўз юмиб кетишдан бир кун илғари.

Юракда ишқ ўти борки, умидвор  
Яшайман қаршилаб эрта баҳорни.  
Қалбимни совутиб гарчи ёвар қор,  
Ётибман ҳар қалай кутиб баҳорни.

*1981*

## ГУЛ ЭМАС

Баҳорни энтикиб кутасан қишда,  
Қирлар ҳам кўқарар қорлари кетиб.  
Ёз ўтиб кетади ҳар нечук ишда,  
Боқларни оралаб куз келар етиб.

Дейман: ёз ҳам ўтиб кетибди мутлюқ,  
— Ҳа, — дейсан, чуқурроқ нафас оласан.  
Гул эмас ҳар қалай чаккандаги оқ,  
Умринг ўтганин ҳам билмай қолсан.

*1980*

## ОЙДИН КЕЧАЛАР

Ойдин кеча...

Ўтли муҳаббат

Ўртар ёнган дилимни ҳамон.

Висол онин кутдим бечоқат,

Қўшиқ бўлди аламли ҳижрон.

Ой ярқирар мисли олтин шар.

Титраб турар тоғлар оқариб.

Кечар сенсиз

Ойдин кечалар,

Юрагимдай бўм-бўш ва ғариб...

1976

## БИР КУНИМНИ

Эзу ҳислар кўйнида ҳар кун

Тоғ қуёшин кутаман қувноқ.

Нур ёвилган ёзига боқсам,

Тарқар дилим ваплиги мутлоқ.

Тўкиб ерга бор ҳароратин,

Ботса қуёш — ўйга ботаман.

Чунки азиз умримдан олтин —

Бир кунимни мен йўқотаман.

1970

## АРЧА

Арча ўсди, бургут қўнолмас,

Тик қояда кўркам, пурвиқор.

Булут чулвар уни басма-бас,

Нисанд эмас унга жала, қор.

Боқмайди у сўлгин ва ғариб,

Яшнаб мағрур, асло эгмай бош.

У ўсди, чўнг тошни тарс ёриб —

Олқини сенга, чидам ва бардош!

1963



## УНИНГ

Муҳаббатнинг мен бир шайдоси,  
Унга қарам вужудим бутун.  
Қалбдан чиқар ўтли нидоси  
Қалб мулкисини титратмоқ учун.

Тувёни бор бўрон сингари,  
Қаҳри келса совуқ қаҳрагон.  
Равон эмас унинг йўллари,  
У тикилса наст бўлур осмон.

Гоҳи нур у, гоҳи зимистон,  
Гоҳи булут, гоҳида чақмоқ.  
Менга насиб этмиш ногаҳон  
Унинг дилбар ўтида ёнмоқ.

1972

## ДЎСТЛАРИМГА ЎХШАЙДИ

*Дўстларим Абдулла Оштоқхўжаев,  
Алижон Юсуповларга*

Ботиб аста ойнинг ўроғи,  
Кўзга сурма тортганда осмон,  
Юлдузларнинг ёниб чироғи,  
Бирин-кетин бўлур намоён.

Термуламаи уларга йироқ,  
Зеҳним тортиб ярқираб турар.  
Бири олис, бири яқинроқ,  
Дўстларимга ўхшайди улар.

1992

## УЛҒАЙИБ СЕН

*Неварам Улугбекка*

Улғайиб сен қудратта тўлгин,  
Жўнқин дарё оқимиға туш.  
Чидамликда вазмин тош бўлгин,  
Майли, учил кўкка мисли қуш.

Аммо унган ерни унутма,  
Удир сенга ато этган жон.  
Эл-юртингдан олинслаб кетма,  
Ўз бағрига олча ҳам осмон.

Бир кун ташлан боққанда кўзга,  
Ёеду сочиб, бўлиб мисли нур.  
Сўнг айланиб самимий сўзга,  
Юракларга таскин бериб тур.

1992

## У ЭСА...

Бир йиғит куйлади қалбини ёндириб,  
Кўшини титратди еру самони.  
Фақат бемехр ёр ёнида туриб,  
Хис этмади жонбахш куй ва навони.

Юрагига чўккан муҳаббат, алам,  
Ногоҳ тошиб чиқди — ер бўлди кўз ёш.  
Унинг фарёдига титратди олам,  
Ёр эса билмади,  
Экан бағритон...

1970

## ШЕЪРИМ

Ҳасратимсан,  
Нафратимсан,  
Ҳамда эзгу армоним.  
Бахтимсану  
Қувончимсан,  
Ор-номусим, виждошим.

Баҳоримсан,  
Наҳоримсан,  
Ҳам қўёшим, кўзда нур.  
Овир кунда  
Юнанч берган,  
Шеърим, сенга ташаккур.

*1969*

## О, ОДАМЛАР

Қалбим узра қора булутдек  
Батъан ташвиш солганда соя.  
Юрак-бағрим тўкилиб тутдек,  
Излагайман сиздан ҳимоя.  
О, одамлар, азиз одамлар!..

Батъан узоқ кутганим бўлур,  
Севинчимдан кўзларимда нам.  
Сизлар билан бўлашим келур,  
Бахтиёр кун, шодлигимни ҳам,  
О, одамлар, азиз одамлар!..

*1960*

## КАСАЛХОНАДА

Ноҳуси ўйлар фикримни ўраб,  
Ғам бағримга санчганда бигиз,  
Оқ либосда ҳолимни сўраб,  
Кириб келар бир дилрабо қиз.

Жозиба бор, нур бор юзида,  
Сўзлаганда ҳатто эрир тон.  
Меҳр ёниб турар кўзида,  
Сақлар эмин бағрида қўғи.

Кўрсам енгил тортаман ногоҳ,  
Ёришади наздимда олам.  
Кини ўзин еб қўяр, э воҳ,  
Бўлмаса гар меҳрибон одам.

*1985*

## САҚЛАНГ МАНГУ

Сақладилар оталар ўлкам  
Мудҳини ёвлар қўлидан омон.  
Тер тўкишиб қилдилар кўркам,  
Боқсин дея ҳавас-ла жаҳон.

Ўйқ: бўлмади осон уларга,  
Қон тўқдилар, чекдилар жафо.  
Дуч келса ҳам овир кунларга,  
Эгмадилар бонларин асло.

Шу азиз ер, шу порлоқ ҳаёт  
Учун тиккан улар жонини. \*  
Сиз — фарзандлар, қилиб эҳтиёт,  
Сақланг мангу улар шонини.

*1980*

## ОТА ВА БОЛА

Ота-бола айтишиди тўлиб,  
Қўшолмади андиша ҳам боп.  
Умидлари чилпарчин бўлиб,  
Қўзларидан юмалади ёш.  
Қайда қолди  
Уят,  
Оқибат,  
Сабабини била олмади.  
Қилолмайин охири тоқат,  
Ота кетди,  
Уйда қолмади.

Сўнги йўлдан зўр армон билан.

1979

## ИСТАГИМ

Дерлар, ҳар кимнинг ўз ўлчовлари бор,  
Бирма-бир арбоблар келиб-кетдилар.  
Батзилар гўрларни титкилаб қатор,  
Тарихий шахсларни бадном этдилар.

Бириси эл дебон курашган бўлса,  
Бириси шуҳратга қул бўла қолди.  
Қай бири суюнди бировлар ўлса,  
Ва бири ватдага илиниб олди.

Истагим: арбоблар бамисол шунқор  
Элига ҳамиша мадақкор бўлса,  
Гулларга бурканиб хароба диёр,  
Адолат нуридан толе ёр бўлса.

1983

## ЧОЛ ХАЁЛИ

Тикиб у кўзларин узоқ-узоққа,  
Ўтмишин ўйлабми хаёлга толди.  
Намхуш хазон иси урар димоққа,  
Қалдирғочлар яна кўринмай қолди.

Учиб кетган олис элларга, демак,  
Фасли қиш уларда бўлишар қўноқ.  
Баҳорда қайтади,  
Безовта юрак,  
Насиб этармикан яна бир кўрмоқ.

Ҳорвин хувуллайди ғамгин далалар,  
Совуқ шамол эсар бағрида бу ош,  
Учар онда-сонда қора қарвалар.  
Юрагин сиқади  
Тўмсайган осмон.

*1990*

## РАҲМИМ КЕЛАДИ

Кўнларга хуш келмас  
Хушчақчақнигим,  
Олайиб боқинлар  
Бурчак-бурчакдан.

Гарчи ҳеч кимсага  
Тегмайди тилим,  
Ғаш бўлар ўлгудек  
Мени кўрмакдан.

Батъилар туллари  
Ухламай бедор,  
Нево тўқишади  
Шатъимга пинҳон.

Билмайман, уларнинг  
На алами бор,  
Ки айланар вараз  
Ўқига нишон.

Қайғу-ғам қалбимни  
Дарзага солса,  
Уларнинг оғзи ҳам  
Қўлоқда бўлар.

Гар бир оз ишларим  
Юришиб қолса,  
Ҳасаддан ловуллаб  
Ёнади улар.

Ўт билан сув каби  
Биргамас йўлим,  
Ғасвали дунёда  
Мен бошиқа одам.

Куч олгим узатиб  
Кўёнга қўлим,  
Кўзим қаросида  
Айланар олам.

Ғижиниб, бошимга  
Найдар-най отган,

Таъна тошларига  
Қилгум тоқат жим.

Дек қалбин ойнасин  
Не босиб ётган  
Ўша гумроҳларга  
Келади раҳмим.

Ўз сўқмоқ йўлимда  
Борар жанман...

*1988*

## ЧОПМОҚДА

Чопмоқда  
Вақтнинг югурик оти,  
Нойида асрлар ўтиб кетади.  
Кимдир оқ ёлига ёпишиб унинг,  
Шарафли лаҳзанинг бариш тутади.

Чопмоқда  
Вақтнинг югурик оти,  
Тинчликдан бу замон  
Элда диллар шод.  
Дейдилар, инсонга қуруқ шухратдан  
Қочмоқнинг ўзи ҳам бутук истезод.

*1979*



## ОЙГА ҰХШАЙСАН

Умуман айтганда,  
Сенга узоқдан  
Ҳавас-ла  
Суқланиб  
Тикилмоқ даркор.  
Негаки,  
Ярқироқ ойга ўхшайсан,  
Ёдуда билнимас  
Бағринда не бор.  
Минг афеусе...  
Совуқ бир тошсан.  
Ёшликда тувилган  
Туйғулар  
Жисминда қотган.  
Яхшилар қалбида  
Меҳр ўрнига  
Нафрат уйвотган.  
Совуқ бир тошсан,  
Ойга ўхшайсан.

1984

## ТУТМАГИЛ ОСОН

Киригинг остида ялтираб ёшинг  
Бағринга тўкилди мисоли шабнам.  
Лочин қанотидек қайрилиб қошинг,  
Ажин босди очиқ пешонангни ҳам.

Биламан, севимли ёринг йироқда,  
Яқинда висолга ён берар ҳижрон.  
Ва лекин умрбод куйган фироқда  
Ҳижронзадаларга тутмагил осон!

## ДАНГАСА

(ҲАЖВИЯ)

Элим дарё, баъзида учрар кўлмак дангаса,  
Низтахаси нинга йўқ, онга қариак дангаса.  
От хурқар савлатидан, қорин хумдак дангаса,  
Юрганда шин-шин эгар, бурни ҳунтақ дангаса.  
Ёзда ҳам ечмас, қинда кийса телшак дангаса.

Юради кўча-кўйда кераксиз ганин сотиб,  
Гоҳи посвой оғзида, гоҳ паширос тутатиб.  
Қолса борми бир акойда юз эдик грамм отиб,  
Муштлашади дуч келган киши яқосин тортиб,  
Ташлаб одамлик тўнин мисли кўшпак дангаса.

Обру, ҳиммат истаган, асло зиёни демас,  
Дуч келса гар қийин иш, қочиб осонни демас.  
Меҳнатдан юз ўтирган инсон, виждонни демас,  
Ўнглмасанг ўзинни, Ориф ёлғонни демас,  
Бошингда синар бир кун оғир қалтақ, дангаса.

## ҚЎРҚУВДА ЯШАДИМ

Қўрқувда яшадим баъзида фақат,  
Дерлар, ҳар жафога кўникар одам.  
Бўронлар гувуллаб соларкан даҳшат,  
Дўқ қилиб ўтади ёвуз шамол ҳам.

Туи бўйи деразам савалар ёмғир,  
Тинчларин кўрсатиб чақнайди чақмоқ.  
Ваҳима вужудим айлади асир,  
Ҳар ҳадик юракка солади титроқ.

Сўқмоқдан чўққилар сари интилсам,  
Иўлимга гов бўлиб қулайди тошлар.  
Тўқинли уммонга туширдим кемам,  
Билмайман, бахт мени қай томон бонлар.

## КЕТДИНГ

Не учун төргөдиг мөндөн қўлингни,  
Ўйласам, кетар юрак увушиб.  
Ўзга даргоҳга бурдиг йўлингни,  
Қўзатиб қолдим ҳайратга тушиб.

Орият-да йўл бермади зинҳор,  
Ўртага чўкди тоғ каби ҳижрон.  
Бўлиб оқибат васлингга мен зор,  
Қолдим аламда ўрганиб ишҳон.

Энди иккимиз узоқ бегона,  
Эмас-ку, ахир, муҳаббат сароб.  
Қалбим қаровсиз уйдек вайрона,  
Борму буидан ҳам ортиқроқ азоб...

## ЎТАР УМРИ ИВВО БИЛАН

Бир одам бор юртимизда,  
Ўтар умри ивво билан.  
Юрмайди у тўғри изда,  
Ўтар умри ивво билан.

Бир кулмайди кўнгли иеиб,  
Хаёл бузуқ, юрар иеиб,  
Бойқуш каби елка қисиб,  
Ўтар умри ивво билан.

Гоҳо бежой изғиб қолар,  
Деворга ҳам қулоқ солар,  
Ёлғон сўздан роҳат олар,  
Ўтар умри ивво билан.

Қуйи солиб юрар бошни,  
Ҳасад қилар кекса-ёшни,  
Орқалардан отиб тошни,  
Ўтар умри ивво билан.

Бир жойда тинч туролмайди,  
Яхшини ҳеч қўролмайди,  
Ширин суҳбат қўролмайди,  
Ўтар умри ивво билан.

Қол сўрамас агар ўлсанг,  
Унга нима гулдек сўлсанг,  
Севинади хафа бўлсанг,  
Ўтар умри ивво билан.

Турқи совуқ, думсиз чаён,  
Қилишлари элга зиён,  
Чуқур кўминг ўлган замон,  
Ўтар умри ивво билан.

## НЕЧА ЙИЛЛАР

Неча йиллар кўришмай юриб,  
Боз бақамти келдик ногаҳон.  
Ва сочларим оқни кўриб,  
Дедим: Умин оқ гуллар қачон?

Кетдинг... йўлинг узра термулиб,  
Юраккинам эзилиб қолди.  
Эски дардим ян-янги бўлиб,  
Ҳаловатим яна йўқолди.

Кипригимга қўнган бўлса нам,  
Эй париван, кечиргил мени.  
Бағрим ёқиб ўртайди алам,  
Балки бошқа кўрмасман сени.

Неча йиллар кўришмай юриб,  
Боз бақамти келдик ногаҳон...

## ИККИ ЧИНОР

Тоғ ораси, бир хилват жойда  
Ёлдош ўсмиш икки туп чинор.  
Бир-биридан кўрда — чиройда  
Қолтирмай яшнар асл, берубор.  
Бир-бирига шохлари пайваст,  
Туташ томир илдизлари ҳам.  
Ипу чинорлар сиғари бизнинг —  
Туташ эрур қалбимиз, эркам.

## ОЛАМ НУРГА

Олам нурга тўлиб,  
ханда урғанда,  
Юз очар  
хилма-хил гуллар чаманда.  
Шодлиғу кам билан маънос ҳисларим,  
Гул ҳайт гулхани  
ёнади танда.

## ҚИШЛОҒИНГГА

Қишлоғингга яна келдим мен,  
Хижолатдан тушибон терга.  
Шамол каби тошиб елдим мен,  
Дарди алам ёнинган ерга.

Келдим, бағрим эзган хотирот,  
Қишлоғингда қолса деб, зора.  
Биламанки, сендан йўқ пажот,  
Ва дардимга биронга чора.

## ҚЎШИҚ БЎЛИБ

Дегайсан борму сенда ҳам армон,  
Чехрангда доим кулгу-табассум.  
Бундай саволни бермасдинг, инон,  
Қалбимга назар ташласанг бир зум.

Дард ошиқларининг азал ҳамдами,  
Унга ҳар кимса беролмас бардон.  
Эди бағримни ҳижрон алами,  
Ва қўшиқ бўлиб тўкилар кўз ёш.

\* \* \*

Фалакда аке этмин ериинг ҳасрати,  
Гулихандай ёнмоқда булутлар лов-лов.  
Юрагим эзилар, дўстлик ҳурмати,  
Не бўлар сен келсанг уйимга бирров.

Нималар бўлмоқда \*  
Атрофда бу он,  
Тушиб етмадим, тоқ бўлди тоқат.  
Мен уйдан...  
Воз келдим, ўзим ҳам ҳайрон,  
Етим бўлиб қолди ўтди муҳаббат.

\* \* \*

Тов мудрайди булоқлар алласида,  
Борлиқ ухлар,  
Чечаклар бош чайқамас.  
Булбул ўқир тишмайин куй-қасида,  
Ухлаб қолиб, лек қизил гул пайқамас.

Тонг отаркан ёришиб тов бошида,  
Қутлаб чиқар оламни олтин қуёш,  
Булбул ухлар севгили гул қошида,  
Гул-чи, кутиб ўртанар кўзларда ёш.

Лек, ёндаги булбулни ул пайқамас...

## БИЗ ЎСГАН ДИЁР

*Сингилларим*

*Гулиса, Умринисо, Бахринисоларга*

Бу ёрув оламда ўзи бир олам,  
Барқ урар кўрганлар дилида баҳор.  
Минг жаннатнинг кўрки унда мужассам,  
Шунчалар фусункор биз ўсган диёр.

У доим жон каби бизга ҳамнафас,  
Меҳнат, бахт бағрида ёнма-ён, эгиз.  
Оталар сингари яшай олсак, бас,  
Шу азиз тупроққа тўкиб меҳримиз.

## СОЯ

Қанча уринмасин тоғ бўлмас у,  
Ё тубсиз осмонни кўзлаган дарахт.  
Судралар,  
Унда бор на ҳис,  
На туйғу,  
Ўз номи билан у  
Соядир фақат...

Қочади қачонки чўкса қора тун,  
Ҳаётда яшамас нурсиз бир нафас.  
Катталарга жилла ёқмоқлик учун  
Соядек юрганлар, дўстим, оз эмас.

\* \* \*

Вақт ҳеч қайрилмай кетаркан ўтиб,  
Ё шодлик, ё ҳасрат қолдирар ҳардам.  
Омадим келар деб ўлтирмай кутиб,  
Мақсадинг отига қамчи ур сен ҳам.

Қулларни йўқотин — дарддир бедаво,  
Ўрнига келтира олмайсан зинҳор.  
Ҳаётнинг аччиқроқ бўлса-да, аммо,  
Янашнинг беназир ажиб гапти бор.



## ҒАС ҚИЛ, ХОТИН!

(ҳажвия)

Меҳрихон эри-ла кўчага чиқиб, турарди.  
Эри ғоз қадини бугиб,  
Бир кишига салом берди-ю, шу дам  
Кўришиб сўради ҳол-аҳволи ҳам.  
Меҳрихон эрининг бу қилиғига  
Кудди-да, ган билан тегди жиғига:  
— Бошқалар олдида қилиб катталик,  
Ҳатто саломига олмайсиз алик.  
Бу кишига ногоҳ тушиб кўзингиз,  
Шу заҳоти асал бўлди сўзингиз!  
Кўллар кўкеингизда, эгилиб дарҳол,  
Сўрдингиз мулойим бўлиб ҳол-аҳвол.  
Қизиқ...  
Бу киши илгарлари ҳам,  
Шу кўйи бу ердан ўтмас эди кам.  
Ўшанда сиз ундан қилгандай ҳазар,  
Солмасдингиз кеккайиб ҳатто бир назар!  
Энди-чи?..  
Бу сўздан эри қизишиб,  
Қаламшир ютгандай юзи буриниб,  
Деди: — Бас қил, хотин, бўлма бетайин,  
У ҳозир директор, менга хўжайин!

## МУҲАББАТ ЎТИДА

Муҳаббат ўтида ёнамиз, эркам,  
Иккимизда доим икки хил фироқ.  
Яширмаймиз бироқ дардимизни ҳам,  
Висолдан умид йўқ, йўлимиз йироқ.

Муҳаббат ўтида ёнамиз, эркам,  
Кўришсак кўзлар ҳам чақнаб кетади.  
Ногаҳон юраклар яқин келган дам,  
Ўт бўлиб оҳимиз кўкка етади.

Муҳаббат ўтида ёнамиз, эркам,  
Бу қизиқ саводан қутулсак қани.  
Биз кечроқ учрашдик, сирасин айтсам,  
Мен сени бахтингман, сен ҳам ўзгани.

## АРМОН

Сен гўзалсан,  
Гўзал беқийсе,  
Илҳом берган қалбимга ўзинг.  
Сўзларинг ҳам чиройинга мос,  
Сўнмасин ҳеч ёниқ юлдузинг.

Сен борки, бу ҳаётим кўркам,  
Йўлларимда мангъл чироқсан.  
Ва ҳаётбахш қуёшдек, эркам,  
Не қилайзи, мендан йироқсан!

Сен гўзалсан,  
Гўзал беқийсе...

## ШИРИН БАҲС

Дедим: гўзалдир инсон, деди: тўғри бетумон,  
Дедим: мадҳи вазалдур, деди: доврўғи достон.  
Дедим: қудрати чексиз, деди: чўллар гулистон,  
Дедим: Ерниинг фарзанди, деди: бўйсунди осмон.

Дедим: қўллари гулдур, деди: бағри гулбаҳор,  
Дедим: фикри бир жаҳон, деди: коинотча бор.  
Дедим: Ойга солди из, деди: Зухро интизор,  
Дедим: учгай унга ҳам, деди: кутмоқда фармон.

## ЁМҒИРУ ҚОР

Кун бўйи тинмай бирдам  
Ёмоқда эзиб ёмғир.  
Хафасан, жоним, сен ҳам,  
На бўлди, айтгин ахир.

Туманли бу совуқдан  
Титрар ҳатто хаёлим.  
Не учун гапирмайсан,  
Не учун турибсан жим.

Кўзингда қотган алам  
Эримай бағрим тилар.  
Энтикиб кинригиндан  
Ёмғирми, ёш тўкилар.

Босиб келар басма-бас,  
Булутдай кўнглимни вапш.  
Бағримга ёва бошлар  
Ёмғирми, қор аралаш.

1987

## САРИҚ РАНГ

Ранги сариқ бўлса бас менга,  
Йивар эдим гулми ё қовоз.  
Ёшликдаги бу ҳавас менга  
Бўлиб қолди умрбод ҳамроз.

Не сир бордир, айт, сариқ рангда,  
Баъзан дерлар у рамзи ҳижрон.  
Боқ, шу рангга киради тонгда  
Кун чиқини олдидан осмон.

Кўрсам ҳардам ёритар дилим,  
Сариқ гуллар бўлиб шамчироқ.  
Сариқ кўйлак кийса севгимим,  
Кувончимнинг чеки йўқ мутлоқ.

Товланади рангларда гулшан,  
Сариқ рангни ёмонга йўйманг.  
Балки нурга ошиқлигимдан  
Ёқтирганим менинг сариқ ранг.

## БУ СЎЗДА ҲИКМАТ БОР

Дарахтлар шоҳида намол увуллар,  
Тун бўйи безовта оч бўри мисол.  
Булутлар ўкириб, булутни қувлар,  
Ниҳоллар титрашар билмайин не ҳол...  
Тонг отар, табиат  
Қолмас зулматда.

Одамлар напд берар бири-бирига,  
Денгиздай чайқатиб азим дунёни.  
От суриб йўлларнинг ўри-қирига,  
Бўланмоқ бўлишар ҳатто самони  
Юзсизлар йиғини  
Тузсиз суҳбатда.

Ракета, бомбалар  
Дағдаға эрур,  
Қўёшни беркитмас  
Ҳеч қачон тутун.  
Ўт билан ўйланган шарманда бўлур,  
Дейдилар кекса, ёш нафратда бутун.  
Бу сўзда ҳикмат бор,  
Ҳикмат, албатта...

1982

## БАЪЗАН

Юрагим тубидан келар бир вапслик,  
Вужудим титратиб, туманга ўраб.  
Қўлимдан келмайди  
Лоқайд қаранглик,  
Хайронман ўзим ҳам ўзгдан сўраб.

Унда кам-аламнинг рутубати бор,  
У келса хаёл ҳам қотиб қолади.  
Қўзимга кўринмас на гул, на баҳор,  
Қўёшим зулматга ботиб қолади.

Хорвицлик эгаллаб  
Рухимни шу он,  
Кўз олдим оҳиста босар қоронғу...  
Биламан, зулматни  
Ёриб ногаҳон,  
Янги тонг туғилар,  
Ёғилар ёвду.

1982

\* \* \*

Келажакни ўйлайсан ҳар он,  
Ўтмиш сари ташласанг назар.  
Улканлиги сабаб зўравоп  
Мамонтлардан қолмабди асар.

Мудҳини совуқ бўлибди бир кун,  
Дон беролмай кўпи қотибди.  
Қолганларин суяги учун  
Овчилар ҳам бир-бир отибди.

Кўрнанапалак зоти ўшал дам  
Ковакларга ўзни урибди.  
Мотам тутиб мамонтларга ҳам  
Улар ҳамон яшаб турибди.

1984

## ШИФОКОРЛАРГА

Улуф оиланинг суюк фарзанди,  
Элим эъзоклаган энг азиз инсон.  
Шифокор аҳдсиз, кўли гул, олим,  
Довруви азалдан кўшиқ, куй, достон.

Сиз ахир аллома Ибн Синонинг  
Дарёйи илмига шўнвиган баввос.  
Ва дониш қадимий Гипократнинг  
Сўзларин ёд олган, билган муқаддас.

Асримиз фахрисиз, давримиз фахри,  
Кўнглингиз ҳамиша халатдай ошпоқ.  
Чекинар зулматга қалтириб ажал,  
Ҳаётбахш чеҳрангиз кўрган чоғданоқ.

Не оғир дардларга топдингиз даво,  
Яна бир илтимос, келмаса малюл,  
Батъи юраклардан фиқу фасодни  
Олиб ташласангиз кўричак мисол.

Одамлар бағрида сиз умид, нажот,  
Сиз билан узаяр умримиз, албат.  
Кексалар ёшариб мўъжизангиздан,  
Йкўш урар қалбида ишқу муҳаббат.

Соғломдир сиз билан меҳнатқаш халқим,  
Ўсмоқда болалар қувноқ, беозор.  
Бахтимизга доим бўлингиз омон,  
Элим эъзоклаган, азиз шифокор.

## БИРГА БЎЛУР

Ўтиб борар кунларим — умрим,  
Гоҳи шодлик, гоҳи қайғуда.  
Унутгандир деб мени, балким,  
Совуққина ўйлаш беҳуда.

Қўшиқ бўлиб учган армоним  
Сенга етиб боргуси, албат.  
Бор экан бу танамда жоним,  
Бирга бўлур ёшлик, муҳаббат.

## ҲОЛАТ

Қандайдур рутубат дилим қиймалар,  
Тушунмай қоламан, дўстлар, ўзим ҳам.  
Ихтиёрим қўлда бўлганда агар,  
Шодликка юз тутиб яшардим хуррам.

Нимадир етишмас ўксик дилимга,  
Гулу чечаклар ҳам тортмас нигоҳим.  
Дил очиб шикоят қилайин кимга,  
Тубсиз самоларга ўрласа оҳим?

Босар кўз олдимни сирли қоронғу,  
Олиё юлдузларга ҳавас этаман.  
Ҳайронман, дўстларим, бу қандай туйғу,  
Аламсиз ўртаниб, титраб кетаман.

Қандайдур рутубат дилим қиймалар...

1982



## ИҒВОГАР

Жирканч ўтмишининг тор тўшини кийиб  
Иғвогар бир ишга киринди яна.  
Қўймоқ-чун бировни йўлини қийиб,  
Йинди фәсиқларни ифтор баҳона.

Худонинг каломин айтиб, эъвозлаб,  
«Амри маъруф»да ҳам бўлинди бир оз.  
Сўнг бўхтон устига бўхтонлар қалаб,  
Тўлатиб қўйдилар бир неча қовоз.

Оқни қора дедилар, қораларни оқ,  
Тин қайраб саҳардан ишга тундилар.  
Айбсиз кишилар боз қилинди сўроқ,  
Шодликдан улар хўб қайнаб-жўндилар.

Қанча одам ишдан қолди шу кунлар,  
Кимда асаб бўшаб, кимлар толиқди.  
Бонланди кимларда уйқусиз тунлар,  
Кўрдингми дегандай улар ҳокмиқди.

Ҳақиқат бор жойда тонгунча қарор,  
Қанча-қанча одам бўлди овора.  
Ҳеч гап бўлмагандай, аблаҳ иғвогар,  
Йна ниқоб кийди, дўстлар, на чора.

Улар ҳам одамга ўхшаш қоматдор,  
Одамлар, улардан қилингиз ҳазар.  
Баъзиси мусича каби беозор,  
Баъзиси художўй бўлиб кўринар.

## АСИР ЭТДИНГ, АММО...

Ҳасратингда янроқдек сўлдим,  
Бағрим ўртаг сен солган оташ.  
Қайданам мен ошнинг бўлдим,  
Сени ўйлаб юрак-бағрим гап.

Сендан сулув, сендан латофат  
Қиз йўқмиди қишлоғим аро?  
Ва ё танҳо эдингми фақат,  
Камолотда нафис, дилрабо.

Қай хислатинг айлади мафтун,  
Билолмайман ўзим ҳам, э воҳ.  
Асир эдинг борлигим бутун,  
Балки, ташлаб ноъли бир нигоҳ!

Ҳасратингда янроқдек сўлдим.

## АРМОН БЎЛИБ

Алвон рангга бўяб оламни  
Чўқди осмон тубига қуён.  
Ёшликдаги бир дарду ғамни  
Унутмоққа излайман бардош.

Жийда гулин ёқимли иси  
Боғ оралаб урар димоққа.  
Очилмайин кўнглим наргиси,  
Хаёл олиб қочар йироққа.

Изҳори дил этгани дилбар,  
Ойдек тўлиб баҳор кезлари.  
Армон бўлиб қолди у қушлар,  
Севги, ҳислар бўрони бари.

Алвон рангга бўяб оламни,  
Чўқди осмон тубига қуён...

## АЙТИШГА ОСОН

Теракзор шивирлар бир иш бўлгандай,  
Саргайган баргларида аламли фисон.  
Бир тўда қуш учиб ерга қўнгандай,  
Оҳиста узилиб тўкилар хазон.

Гўёки тўкилар олам баридап  
Ёшини яшаган табаррук инсон.  
Воз кечиб оламнинг йўғу боридан,  
Ҳаётни тарк этиш айтишга осон...

## НЕ ИСТАСАНГ

Сабо бўлиб сочларинг силай,  
Не истасанг мен бажо қилай.

Тутиб офтоб зар толасини,  
Ёдирай нур шалоласини.

Кезиб олис «само йўлларин»,  
Олиб келай сарин гулларин.

Аста келиб менга бир нафас,  
Севаман деб шивирласанг, бас.

\* \* \*

Учрашамиз неча-неча мартадаб,  
Бирор сўз айтмоқчи бўламан ҳар гал.  
Аммо қоламан лол ой юз, гунча лаб,  
Кўзларим кўзингга тик тушган маҳал.

Ўтасан ҳеч сирдан эмасдек огоҳ,  
Қалбим сен томонга талпинар, ёнар.  
Бу гал айтолмаган сўзни, ўт нигоҳ,  
Айтмоқчи бўламан келгуси сафар.

## АЖАБ ЭРМАС

Сенга бүлгин демайман чақмоқ,  
Шу осойин, бахтли замнида.  
Индан нолиб, тутамай бироқ,  
Оз бўлса-да, сен ҳам ёнгин-да.

Яхшилик деб ёнар эл бутун,  
Бағринг ундан қани ўт ола.  
Ажаб эрмас, йўқолиб тутун,  
Қалбинг уйи ёришиб қолса...

\* \* \*

Кўтарар қалбимда муҳаббат тувён,  
Насайган бўлса ҳам ёниқ эҳтирос.  
Печа йил ўртаниб ишқингда, жонон,  
Эзилиб юракдан куйлаганим рост.

Мен энди ёдингда йўқман, эҳтимол,  
Висолинг керакмас, ҳижронинг етар.  
Эрганмай орғимдан бир шарна мисол,  
Бу мазруҳ хаёлим тарк этсанг, негар?

## БУГУН, ДЎСТЛАР...

Бугун, дўстлар,  
Бахтга  
Йўл олдик...  
Ўтминимиз қуруқ ваҳима.  
Баъзан билиб-билилмай қолдик,  
Ҳақ нима-ю,  
Ҳақиқат нима.

Йигирманчи йиллар жаҳаннам,  
Олов бўлиб ёнди Туркистон.  
Бешикдаги гўдакларни ҳам  
Қўрқитдик биз боқинчи дебон.

Карвон мисол ўтаркан йиллар,  
Болаларга эртақлар айтдик.  
Кино, китоб керак бўлса гар,  
Ўша мудҳийи замонга қайтдик.

«Озодлик»да яшар эканмиз,  
«Халқ дунгани» кўнайиб борди.  
Балиқдек жим турар-да, ҳадсиз  
Ваҳималар юракни ёрди.

Қанча инсон отилиб кетди,  
Йўқ бўларди сўраган одам.  
Одамийлик сотилиб кетди,  
Юравердик бўлиб хотиржам.

Оқибат, у  
Қора булутлар  
Қулаб тушди,  
Жилмайди қуёш.  
Кўзимиз кўр,  
Қуловимиз қар  
Экан, ҳамон тўкмоқдамиз ёш.

Бугун, дўстлар,  
Бахтга йўл олдик...

1994

## ХАЁЛ СУДРАП

Хаёл судраб борар тутиб баримдан,  
Билмадим, қай томон етаклар мени.  
Сўрайман дардларим давосин кимдан,  
Кимлардан сўрайман, жонгинам, сени.

Эргашиб бораман ҳайратга тушиб,  
Олис-олисларга оҳиста, бесас.  
Сўқмоқлар тўлғониб куйлайди қўшиқ,  
Куйлашар дарахтлар тинмай бир нафас.

Бу уйқаш тош йўллар бўларми тамом,  
Борлиққа қўшилиб қўшиқ айтаман.  
Туташиб кетмишдир ер билан осмон,  
Энди ўз жойимга қандоқ қайтаман.

Хаёл судраб борар  
Тутиб баримдан...

1994

## ЙЎЛ БОШЛА...

Ноҳақлик ҳар ерда  
                                ҳаммага аён,  
Қул-қуруқ сўз билан ким қилур исбот.  
Исботсиз валдираб юришлик ёмон,  
Ҳаёт ҳам эмасдур  
Қурашсиз ҳаёт.

Томоғинг йиртмагил беҳуда мутлоқ,  
Сўзларни тинглашга  
                                мажол йўқ, ошна.  
Қурашга бел боғла,  
                                бўлмасанг қўрқоқ,  
Ҳақиқат томонга,  
                                қани, йўл бошла.

1994

## ҲЕЧ ҚАЧОН

Бургутлар учинса булутдан ошар,  
Гушанлар мадҳини куйлар булбуллар.  
Батъилар ҳовлиқиб денгиздай тошар,  
Ўзларин ким дебон ўйлашар улар.

Боболар шаънига санчибон тикан,  
Ёмонлаб юришни қилмагил ҳавас.  
Дарёлар ҳар қанча шошгани билан,  
Ҳеч қачон сертўлқин денгиз бўлолмас.

1994

## ОВЧИСАН

Қўлингда қурол бор, захрингни сочиб,  
Отасан аймай шеру китларни.  
Қуролсиз бўлсанг гар, овлоққа қочиб,  
Қувмоққа кучинг ҳам етмас итларни.

Овчисан, гар овга айлансанг бирдан,  
Сени ҳам отади бир қарға мисол.  
Наҳдим шу, сен, овга айланмасингдан,  
Ақлингни озгина йивинтириб ол.

Ҳаётда беминнат яшайин десанг...

1994

## ЭНГ ЁМОН...

Бу ҳаёт олишув, кураш,  
Бу ҳаёт,  
Ғовлар кўп енгилса яшайди инсон.  
Юлдузлар учади,  
Нотинч келиёт,  
Денгизлар тошади, қутуради бўрон.

Табиий офатлар эмас, ахир, кам,  
Қасд қилур ҳаммаси ҳар битта жонга.  
Дуёда энг ёмон ваҳшийлик,  
Айтсам,  
Бойлик деб ўқ отса  
Инсон инсонга.

1994

## ИНСОН

Не зилзила ва не вулқон даҳнати  
Эгмади инсонни чўнг бардошидан.  
Бўрону, тўфону, уруш офати,  
Нелар ўтмади, ҳа, инсон бошидан.

Печа бор ўзгариб замони билан  
Кўп қора кунларни кўрди бу жаҳон.  
Ғаму шодлик, яхши-ёмони билан  
Шу ҳаётни севди, севади инсон.

## БУГУН ЭМАС...

Баҳор чоғи боғлар ва гуллар  
Таратганда файзу тароват,  
Парвоз этар ошдиқ булбуллар,  
Қўшиғида меҳру садоқат.

Сен ҳам ўқи шеъру назмдан,  
Юраккинам тоисин ҳалюват.  
Бугун эмас, севги азалдан,  
Кимга бахту, кимга маломат.

1982



\* \* \*

Ўеди қамин  
Еру кўкин билмасдан,  
Бошқа гиёҳларга назар қилмасдан.  
Бирдан белни сиғиб  
Ер тишлаб қолди,  
Бир довулга бардош  
Бермай,  
Бехосдан!

\* \* \*

Қўрқмайман,  
Дўстим, ҳеч  
Ўлимдан, инон.  
Дунёда абадий янамас инсон.  
Аммо,  
Эл назаридан  
Тушиб қолнишдан  
Қўрқаман.  
Бу эса — ўлимдан ёмон.

## УКАМГА

Хўмрайган боғларга чўкмоқда туман,  
Танишни жупжитар кечки изғирин.  
Туну кун бетиним ўйлаган билан  
Туғуниб етмадим бу олам сирин.

Ҳақиқий ва ёлғон туйғулар мени  
Изтироби ўтида куйдиргани он,  
Юрагим эзилди эслайман сени,  
Қаторда кам бўлган, азиз укажон...

## ШУНДАЙ БОШЛАНУР

Беланчакдан боқар жажжи чақалоқ,  
Кўллари нимадир тутмоқ бўлади.  
Кулиги нарса ҳам ўтмайди, бироқ,  
У эса ўзича яншаб кулади.

Не ўй босур дейсиз шу кичик жонни,  
Гоҳ хаёл сургандек кўзга ташланур.  
Ҳа, олам устидан асли инсоннинг  
Ник бор фикри, баҳси шундай бошланур.

## ГЎЗАЛ ЮРТИМ

Баҳор.  
Тонда очилганда гул,  
Булбул куйлар тишмай бир нафас.  
Гул ҳақдамин қўшиғи буткул,  
Бунга менинг ишонгим келмас.

Ошноқ гулли боқлари кўркам,  
Кўрган киши жаннат деб ўйлар.  
Мафтул бўлиб бунда булбул ҳам  
Гўзал юртим ҳақида куйлар.

## ҚАБРИНГИЗ УСТИГА

Еш эдим, ўйлайман такрор ва такрор,  
Мендан кам яшаган акажонларим.  
Лаънати ул мудҳиш уруш сабабкор,  
Юрагим эзилар эслаган чоғим.

Эдингиз барингиз навқирон, порғул,  
Билмайман, қайларда қолдингиз, ажаб.  
Қабрингиз устига қўлмадим гул,  
Қўшиқлар тўқидим сизларга атаб.

## ЯХШИ

Туз кирмади асло сўзингга,  
Одамийлик нима билмадинг.  
Оро бериб фақат ўзингга,  
Ўзгаларни кўзга илмадинг.

Кези келса ўликларнинг ҳам  
Бошларига солдинг маломат.  
Шояд, сенга ўхшаганлар кам,  
Кўпайган кун бўлур қиёмат.

\* \* \* i

Тиними йўқ дема, сен, асло,  
Ҳаёт тиним билмас ҳеч қачон.  
Еру қуёш, ой ҳам мутлақо  
Тиним билмай айланур, инон.

Ҳаёт йўли эмасдур равон,  
Инсонга хос ташвиш, севинч, кам.  
Безфарқ, лоқайд яшаса инсон,  
Ғариб бўлиб қоларди олам.

## МЕН СЕНИНГ ЁДИНГДА...

Ёдга тушиб, яна кезгум у човлар  
Тотли тароватин қўмсаб, ахтариб.  
Майин ой шуъласин ёпинган бовлар  
Кўнглимни ёритмас, матюс ва вариб.

Урмаса ҳам дилда муҳаббат тугён,  
Ва сўнган бўлса ҳам ёниқ эҳтирож.  
Печа йил ўртаниб ишқингда пинҳон,  
Мен сени юракдан куйлаганим рост.

Мен эса ёдингда йўқман, эҳтимол...

## СҮЗЛАРИНГ ЗАҲРИДАН

Бағрингни қонлаган латынати ҳасад  
Мансабинг орқали яна ўт оқди.  
Кун сайин кучайиб, ловуллаб беҳад,  
Кўнгина дилларга қуфатлар солди.

Сўзларинг заҳридан бўлдим мен бемор,  
Юрагим ўйнаб, гоҳ қон босим ортиб.  
Ўтибман, оқибат, сен кўрсатган бор  
Алдоқ ва риёлар жабрини тортиб.

1986

## АРМОН ҚИЛМАСДИМ СИРА...

Ловуллаган ўт бўлиб ёнсам,  
Олиё кўкдан кўрсатмасдим юз.  
Ё шундек гулдўраб бир дам,  
Сўймас эдим бенаф ва беиз.

Ловуллаган ўт бўлсам, порлаб,  
Муз қалбларга кириб борардим.  
Ва эритиб, ҳаётга чорлаб,  
Балки шунда ўзим сўнардим.

Лекин, армон қилмасдим сира!

## ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Уй эгасиз қолгани ёмон,  
Бойқуш макон этар, албатта.  
Ҳаёт ширин, осойиш замон,  
Уй қурганман, ниятим қатта.

Бўлмаса ҳам баланд, серҳанам,  
Болаларим яйраб юришар.  
Айвонимиз шифтига шинам  
Қуришибди ин қалдирғочлар.

Айтиб ўтган боболар азал,  
Тотув бўлса эгалари гар,  
Ўша уйга тўқиб куй, разал,  
Қалдирғочлар келиб ин қўяр...

Уй эгасиз қолгани ёмон.

## ДЕРЛАР УНИ

Жимжимадор сўзлайди,  
Қомати ҳам келинган.  
Ўз ҳузурин кўзлайди,  
Айёрликда хўб пишган.

Тулки ҳам тенг келолмас,  
Макрига тиз чўқади.  
Келсанг гар бир оз наст,  
Обрўйингни тўқади.

Ўлган билан йўқ иши,  
Билинади суҳбатда.  
Ҳатто юриш-туриши,  
Табииймас, албатта.

Дерлар уни қовоз гул,  
На қилсин бўй-тароват.  
Лекин турар тўрда ул,  
Гулдай тўқиб салобат.

## ЮРТ КЕЗДИМ

Юрт кездим, орттирдим дўсту биродар,  
Кўнларин самимий бегубор ишон.  
Парвона бўлишиб ҳолим сўрарлар,  
Бошимга бирор иш тушса ногаҳон.

Баъзилар-чи айёр тулки сингари,  
Билмайман не учун дўст бўлиб турар,  
Ишларим юришмай қолган кезлари  
Ёрдирад маломат тошларин улар.

## УЛАР ҚАЛБИ

Не-не ишлар тушмади бошга,  
Ёлма-ёндур шодлик ва алам.  
Ўлтир бир оз мана бу тошга,  
Ҳамда сукут сақлагин бирдам.

Ўнгитлар бор эди паҳлавон,  
Отландилар урунга бари.  
Айладилар ёвларни яқсон,  
Ва қайтмади жангдан кўнлари.

Ўиллар ўтди, қўйдилар ёдгор,  
Тоғ бағрига тоғликлар мангу.  
Унда олов ёнар беозор,  
Улар қалби, дўстим, мана шу.

Ўлтир бир оз мана бу тошга,  
Ҳамда сукут сақлагин бирдам.

## ОҲУ

Ҳадик билан яшайди оҳу,  
Ўзидан ҳам ҳуркиб туради.  
Гўзал, сокин табиатдан у  
Раҳму шафқат кутиб юради.

Тик қояда ҳайкалдай қотиб,  
Кўзларини тикар узоққа.  
Кўймадими боласин отиб,  
Тушмадими серка тузоққа?

Гумбурлаган у нима экан,  
Бутунги кун тинч ўтармикан?..

## ОЛТИН ТОҒЛАР

Булувланиб осмон дам-бадам,  
Кузги салқин шамоллар елар.  
Далаларда ишлаган ўктам,  
Мардларни мен куйлагим келар.

Кўз-кўз этар ҳар куни улар  
Кучу қудрат, ғайрат, саботни.  
Қанотида юлдуз нарирар,  
Кўшиқ қилсанг бундай ҳаётни.

Марра яқин кўриниб турар,  
Бу йил бўлмиш яна ҳосил мўл.  
Олтин тоғлар яратиб улар,  
Соғлар буюк истиқболга йўл.

## СИНАМОҚ БЎЛАДИ

Синамоқ бўлади, балки, табиат  
Продам торлари бўшми ё маҳкам.  
Бўронлар гувуллаб, соларкан даҳшат,  
Дўқ қилиб ўтади ёвуз шамол ҳам.

Тунлари деразам савалар ёмғир,  
Илондай тўлғаниб чақнайди чақмоқ.  
Ҳаётда ўз йўлинг топмоғинг оғир,  
Қурандан иборат, ахир, яшамоқ.

Сўқмоқдан чўққилар сари интилсам,  
Йўлимга ров бўлиб қулайди тошлар.  
Тўлқинли уммонга туширдим кемам,  
Билмайман, бахт мени қай томон бошлар.

1985

## КУТАР

Ҳаёл қанотида олисга учдим,  
Оҳанглар рангларга айланган чоғда.  
Нималар бор экан, айтиб берар ким,  
У Сомон йўли деб аталган ёғда.

Юлдузлар одати юлдузларга сир,  
Ақлимиз ўғирлар боқсақ ногаҳон.  
Аввалнинг охири бўларкан, ахир,  
Сўнги дам келишин биларми, инсон.

Норози кўринар Она ер бутун,  
Қалқир қил устида табаррук ҳаёт. \*  
Кутар одамлардан одамлар бу кун  
Титрашиб қўрқувдан шифқат ва нажот.

Ҳайратда боқинлар кўндан юлдузлар,  
Бу сирга дарёлар, ўрмонлар ҳайрон.  
Дейдилар, ҳар кимса экканин ўрар,  
Ўт билан ўйинган ёнар бегумон.





## ОНА ЕР ТОМОН

Деразмдан боқар олис юлдузлар,  
Осмон сурма тортиб, чўкканда оқшом.  
Ёдга тунар умр ҳақдаги сўзлар,  
Ноғирон қалбимга бермайин ором.

Ўлганлар руҳимин ҳар битга юлдуз,  
Кўнайиб борармин улар ногаҳон.  
Дейдилар, шунинг-чун кўринмай кундуз,  
Туслари термулар Она ер томон.

Бу ажиб ривоят тузилган қадим,  
Нечундир ўғирлар ҳаёлим бу чоқ.  
Ва лекин кузатар ҳаммамизни жим  
Минг-минглаб юлдузлар тонггача уйбоқ.

Хавотир олгандай маънос, затыфарон...

## БУЮК ДАРГОҲИМ

Дил торин чертиб ўйнар шаббода  
Жийдалар қийвос гуллаган маҳал.  
Куйлар булбуллар жўшиқин навода,  
Бу нузли олам нақадар гўзал!

Им-яшил адир, жавдарин ўтлоқ,  
Кичик сўқмоқдан бораман маънос.  
Адир ортида феруза қинлоқ,  
Баврим қурнамини аллақандай ҳис.

Унда менинг шўх ёнлигим қолган,  
Қолган кўшиқдай муқаддас туйғу.  
Қалбимга отан ва илҳом солган  
Буюк даргоҳим худди мана шу!

## ГУЛ КЕТДИ

Гул узиб мен ёр учун,  
Келардим кўн авайлаб.  
Учраб бир юзи гулгун,  
Кулди-ю, шўхлик айлаб,  
Қўлимдан гулни шу он  
Ноз ила тортиб олди.  
Кафтимида қирмизи қон,  
Гул кетди, тикон қолди.

## ФИКРИМ

Фикрим қанотида кезсам, ярқираб  
Сирли юлдузлар ҳам савол сўрайди.  
Коишот сочилган чўлдай паршираб  
Хаёлим ям-яшил нурга ўрайди.

## ЯХШИМАС

Яхшимас, ҳаётдан нолиб юрмоқлик,  
Бахтимиз шу чалқан йўлимиздадур.  
Узоқдан боқамиз қояларга тик,  
Қоялар қисмати қўлимиздадур.

Кутаркан бизлардан доим Она ер  
Меҳр ила шафқату, ишонч ва ихлос,  
Ййраб сен бағрида эрк гулларин тер,  
Ва тоқат нинга маржон қилиб ос.

## ИҚРОР

Не одамлар кўксиди алам  
Бурқир экан бамисол тутун.  
Мен ҳам, наҳот, аданиб қолсам  
Чалканликлар бағрида бу кун.

Эл дардини куйлаганлар бор,  
Бўлса ҳамки, ғариб, потавон.  
Аро йўлда синмас янгроқ тор,  
Йўқ, узилмас чораҳада жон.

Поҳақликлар минбарда жўниб  
Тураб экан қўлларин тираб,  
Куйладим бахт ҳақида қўниқ  
Яраларим оғриб, зирқираб.

*1983*

## БИР СЎЗИМ БОР

Печа йиллар қийналди жон,  
Бир сўзим бор, сизга айтаман.  
Сақлаб келдим, бўлса гар имкон,  
Бир сўзим бор, сизга айтаман.

Ўйлаб-ўйлаб ҳайронман ўзим,  
Туғаб борар чидам ва тўзим.  
Айтмасликка етмайди кўзим,  
Бир сўзим бор, сизга айтаман.

Айтолмасам ўртайди алам,  
Айтсам ёниб кетгум ўзим ҳам.  
Хиялатда ўлиб кетмасам,  
Бир сўзим бор, сизга айтаман.

## ОНА ЙИҒЛАР

Она йиғлар...  
Тўзим бер, ҳаёт,  
Юнатишга борми бирор йўл.  
Хат ёзганди қайтгум деб, ҳайҳот,  
Тобут ичра қайтиб келди ул.

Она йиғлар бир телбасимон,  
Ортиб борар ҳасрати, дарди.  
Бўлмасайди ер ютгур душман,  
Ўғли билан уйи тўларди.

Она йиғлар...  
Тўзим бер, ҳаёт.

1981

\* \* \*

Елкамдан оғир тапвишлар қулаб,  
Қочиб ҳаммадан оҳиста, беиз,  
Қушларга ою йилларни улаб,  
Ётгум новлож дам олиб ёлғиз.  
Бу ерга келмас  
на хабар,  
на хат.  
Сўзлар муаллақ, вужудим қундай.  
Жимлик ўкириб йиғлайди фақат,  
Жарга йиқилиб тушган товундай...

## БАХТ

Бахт ҳақида ҳар хил гаплар бор,  
Кўн эртақлар тўқилган азал.  
Ким қандайин бўлар бахтиёр,  
Жумбоқ бўлиб қолади ҳар гал.

Ҳаракат қил сен унга ҳар чоқ,  
Юз хил талқин қилгандан кўра.  
Ўтда куйган парвонага боқ,  
Бахт нима деб, бахтездан сўра.

## ОКТАВАЛАР

### I

Чигитлар унишин эгилиб кутган  
Пахтакор меҳнатин куйлайман ёниб.  
Дўл ёвса булутдан, йиллаб қон ютган,  
Аянчли қисматин ўйлайман ёниб.  
Боболар руҳини ёдида тутган  
Тарихдан бўғилиб сўйлайман ёниб.  
Чекиб мен дардиндан изтироб-алам,  
Сен билан фахр этса арзийди олам.

### II

Саксон беш ёшда ҳам пахта термоқда,  
Иссиғу совуқда кампирлар, чоллар.  
Ҳаммамиз пахтакор, ахир, бу чоқда  
Ўйига келюлмас ҳатто аёллар.  
Раислар мақтаниб кўкрак кермоқда,  
Кесилиб кетган деб у эки толлар.  
Авдармоқ бўлишар розилик тахтин,  
Қўллашиб мажлисда болалар бахтин.

### III

Яхшимас, энди эл сирли сукутда,  
Йиртилган пардалар осилмас тақрор.  
Синашган қадимдан олтинни ўтда,  
Орада синовдан ўтмаганлар бор.  
Ҳақдингни қузғундай урганлар чўтда,  
Ушбу кун қуёшнинг нурларига зор.<sup>А</sup>  
Меҳнатинг аёндур шоҳу гадога,  
Заҳматинг қўшиқдур еру самога.

1983

## ТОШ ОТГУВЧИЛАР

Қувонасиз қанча дилни айлаб вайрон,  
Марҳумларнинг ортидан тош отгувчилар.  
Тузагмоққа сизни гўр ҳам ожиз, ҳайрон,  
Марҳумларнинг ортидан тош отгувчилар.

Кўп гашириб, ёлғонлардан уялмайсиз,  
Биров вафот этса борму, ҳеч қолмайсиз.  
Ифво тўқиб ёдирасиз, ҳеч тонмайсиз,  
Марҳумларнинг ортидан тош отгувчилар.

Сиз одаммас, балки шайтон одамсураг,  
Латынат, таъна бўйинигизда катта ҳурмат.  
Ёқангиздан олар охир ифво, тухмат,  
Марҳумларнинг ортидан тош отгувчилар.

Бу хил ишни қилмас сира ақли бутун,  
Сўзларингиз маънони йўқ мисли тутун.  
Сиз ҳам марҳум бўласиз-ку, ахир, бир кун,  
Марҳумларнинг ортидан тош отгувчилар.

## ТУН ЧЎКДИ

Тун чўкди қишлоқда, ёмғир ҳам тинмас,  
Ҳеч нарса кўринмас. Совуқ, зимистон.  
Нечундир бўғзимга тиқилиб нафас,  
Қалбимда ингранар қандайдир армон.

Турибман, атрофга қулоқ солиб жим,  
Дов-дарахт, тоғларни ювмоқда ёмғир.  
Сен ҳақда ўйлайман, ёнлик ва севгим,  
Биламан, қайтмайди ўтган кун, ахир.

## БИР ОЛМАНИНГ ИККИ ЮЗИ

(халқ йўлида)

Бир олманинг икки юзи —  
Фаридаю Саида,  
Отасининг эрка қизи —  
Фаридаю Саида.  
Таъзим қилур гуллар ёниб,  
боғлар аро гулдек қулиб,  
Юрса тўлиб баҳор кези  
Фаридаю Саида.  
Меҳнатсевар, қўллари гул,  
улар юрган йўллари гул,  
Гулзор бўлар бостан изи, —  
Фаридаю Саида.  
Элим дебон, юртим дебон  
қўйлар қўшиниқ, сойдек жўшиб,  
Шакарми ё асал сўзи, —  
Фаридаю Саида.  
Кўйлаб улар бахтини мен,  
ҳар доимо қилгум дуо,  
Билимам, кимнинг бахт юлдузи  
Фаридаю Саида.



# ДОНОЛАРГА ЭРГАШИБ





## АЙЛАГАЧ

*(Навойий газалига мухаммас)*

Ёзди гуллар баргини, гул юзли хандон айлагач,  
Тунди ўйинга товус, поз-ла хиромон айлагач.  
Бўлди асири дилим, бир вазза эҳсон айлагач,  
Қўйди юз доми ажал, зулфин паринон айлагач,  
Умр хуришди у ёқди, чеҳра ниҳон айлагач.

Солди бўйнимга тузиб ринган ишқидан каманд,  
Қўйди ҳажрида танам Фарҳоду Мажнун монанд.  
Қилди зolimлик, э воҳ, ҳасратим қилмай инсанд,  
Сурди, кўнглимни бузиб, хоки таним узра саманд,  
Елга берди туңғовин, бу ўйни вайрон айлагач.

Ёлди, кўйди бу жон, лек у парирў ёнмади,  
Меҳри ишқиди анинг бир лаҳза кўнглим қонмади.  
Нора қилсамки ёқам ҳам, бир боқиб тўлқонмади,  
Оҳким, бахтим овир уйқусидин уйғонмади,  
Гарчи юз минг фитна уйғонди мен афрон айлагач.

Аҳли ишқин ўйнатиб девонага йўймоқ недур,  
Шамга урса, жонидин парвонага тўймоқ недур,  
Қалбида бўлмаса дард, бу хил ёниб-суймоқ недур,  
Қилмайини сархуш хануз, эй мурбача, куймоқ недур,  
Олима зуннорни дайр ичра меҳмон айлагач.

Хуснига боқиб нечун моҳи тобонким ёнмасун,  
Қай одам дерлар ани, танида жонким ёнмасун.  
Лол эрур оқиди бу Ориф, ишқонким ёнмасун,  
Чекмади булбул Навоийдек фивонким ёнмасун,  
Сайр учун ул сарви гулрў азми бўстон айлагач.

## АЙЛАМИШ

*(Фузулий газалига мухаммас)*

Эсиб баҳор насими, ўлкам гулистон айламини,  
Қўмриларни куйлатиб гул, зору полон айламини.  
Отани ишқ гунчаларини баврини қон айламини,  
Гунчасин гул булбулининг қатлина найкон айламини,  
Булбул очилгон гули юзига қалқон айламини.

Бу гўзаллик таърифи кам мисли жаннат десалар,  
Қўён сулув қиз каби, боқ, сочларин ҳар тонг тарар.  
Қўз узолмай тун бўйи кўк узра ёнар ул қамар,  
Гул арусин сулҳ учун булбул ишқоқ этмин магар,  
Ўзини ёшил будоғ ичинда ишқон айламини.

Гулбаҳорда гул санамни юрган ҳамма роҳи гул,  
Дерлар ўртаб ошғини ёнар ўтда гоҳи гул.  
Йилва айлаб аста боқса гулзор аро моҳи гул.  
Гунча найконин тийр этмаклиги-чун шоҳи гул  
Йилемини бондин-оёғ мисли суҳон\* айламини.

Дунё кезиб сен хароб боғ, гулзор кўрсанг, ўйла бил,  
Қайси элда гулсиз ерни такрор кўрсанг, ўйла бил.  
Устида ё гул унмаган мазор кўрсанг, ўйла бил,  
Даҳр аро гар бир синиқ девор кўрсанг, ўйла бил.  
Ул Сулаймон мулкидирким, чарх вайрон айламини.

Орифо, ҳеч бўлмас унут яшилларини қилмини,  
Риёзатсиз етмас эрмин мақсудига ҳеч киши,  
На қилсанг ҳам бу одамни ҳаргиз сен-ла йўқ иши,  
Эй Фузулий, меҳрина алданма, чархини гардини  
Кўзка етурмин, вале хок ила яқсон айламини!

1992

---

\* Суҳон — арра; эгов. Бу ерда «салоқ» маъносинда келган. *Мухаррир.*

## БҰЛМАСА

*(Ҳазиний газалига муҳаммас)*

Ким стар мақсудига сабр ила тоқат бўлмаса,  
Одамни қадри ошмас, сўзида ҳикмат бўлмаса,  
Ёр ҳосил бермас қуруқ, одамда меҳнат бўлмаса,  
Сиз ани одам деманг, кўнглида ҳиммат бўлмаса,  
Балки иймони хатарлик, анда вайрат бўлмаса.

Яхшилар дўсти худо, билсанг, соҳибдийдордур,  
Саҳарлар зикрин айтиб илму урфонга ёрдур,  
Кимларнинг кўнгли тордир, анга дунё ҳам тордур,  
Кимки қоҳилдур, билинг, ҳамду санода хордур,  
Мўмини содиқ эмас ул танда журъат бўлмаса.

Гар тоат қилса киши чехраси нур бўлғуси,  
Покдомон икки дунё ичра бир ҳур бўлғуси,  
Эл аро яхшиликлар бирла машғул бўлғуси,  
Қоний бўлса қатра найсон гар, садаф, дур бўлғуси,  
Вадиходе қолғуси анда қаноат бўлмаса.

Донмо бир бўлсун ул, ёдга солай, тил бирла дил,  
Айлабон тилни ширин ҳам элинга яхшилик қил,  
Дўзахи эрмин — кимки бу оламда эрса бахил,  
Ҳотамитой кофир эрди, қўймади дўзахда, бил,  
Кўйдурур эрди Эгам, анда саховат бўлмаса.

Сен ўзинг қўрқмай туриб ўзгани ўтин ёрмагил,  
Сўзларинга ҳийла бирла шайтон сўзини қормагил,  
Ибодат бирла ҳар дам зикри худодан қолмагил,  
Фоний дунёдан лаҳадга бир даста холи бормагил,  
На қилур холиқ сани, тухфанг ибодат бўлмаса.

Худонинг шукри бирла ўтган ҳаёт — бахтли ҳаёт,  
Ёб-ичиб нафлат аро бўлмоқ асл инсонга ёт,  
Этиқод қилмас одам билмас эмин зарра уёт,  
Жон берар вақтида шайтондин ўзинг қил эҳтиёт,  
Бандалик поминг валай, иймон саломат бўлмаса.

Сузаркан баҳри муҳитда бу жаҳон — улкан кема,  
Ўтибон вақтинг билуркан ҳақ нима, дунё нима,  
Орифо, сен тавба айла, гуноҳингни кам дема,  
Халқ аро расво бўлибман деб, Ҳазиний, кам ема,  
Ётмагай ҳеч ким саломатга маломат бўлмаса.

1989

## АН-НАБИЙ

(*Ҳазиний ғазалига муҳаммас*)

Олий раҳнамо, ё ҳаёт ан-Набий,  
Ёруғ бу дунё, ё ҳаёт ан-Набий.  
Сўзи бебаҳо, ё ҳаёт ан-Набий,  
Сизга жон фидо, ё ҳаёт ан-Набий,  
Қилай мен гадо, ё ҳаёт ан-Набий.

Нуригиздан барпо бу арзу само,  
Қайғурарсиз уммат деб, айлаб вафо,  
Кам эрур ҳар қанча сўз, ҳамду сано,  
Отингиз Муҳаммад Расули худо,  
Ки сиз Мустафо, ё ҳаёт ан-Набий.

Ўртагурман ўт ёниб кун ўтган сайин,  
Кимки умматдур, у дунё жойи тайин.  
Ким инонмас, ўтар бахти кулмаини,  
Ки хайрул-башар, сайид-ал мурсални,  
Рисолатпано, ё ҳаёт ан-Набий.

На керак беҳуда бормоқ Катбага,  
Келмасанг гар ҳар куни минг товбага,  
Учар ивво бирла савоб ҳавога,  
Мани осийни еткурур раъзага  
Қачон ул худо, ё ҳаёт ан-Набий.

Ошмай гуноҳ таслим жон этсам қани,  
Кеча-кундуз ёд этиб Оллоҳ сани,  
Ё Муҳаммад, босган изинг кўргали,  
Тавоф айласам хона ул-Катбани,  
Будур муддао, ё ҳаёт ан-Набий.

Йўлда қолган мен ҳам басир бир дийдаман,  
На жавоб бергум Эгам олдида ман,  
Бўлибон кўн яхшилар ёдида ман,  
Қолай «жашнату боқия» хоқида ман,  
Ки етса қадо, ё ҳаёт ан-Набий.

Нуригиздан тушса менга қатра нур,  
Дебон кўздан тўкилур ён мисли дур,  
Қалбим узра меҳр дарёдек тошур,  
Ҳамма умматингиз умид айланшур,  
Ки рўзи жазо, ё ҳаёт ан-Набий.

Сиз юрган йўл ҳаммадан тўғри йўл,  
Эллимимда мен узатдим бирга қўл,  
Этди фарёд, Орифо, Оллоҳга қул,  
Ҳазиний дуоси бўлурми қабул,  
Бу тарки гуно, ё ҳаёт ан-Набий.

1990

## ҚАЛАНДАР ИШҚИ

*(Чўлпон газалига мухаммас)*

Бу оламнинг талху ширин неъматларидан тотдим-ку,  
Уйқудаги зехнимни ҳам наъра тортиб уйқотдим-ку,  
Витанда ишқ иморатин қайтадан мен қулотдим-ку,  
Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,  
Аерлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.

Нозу истиннога учдим, омон қолмоғим дунвордир,  
Дилим овлар киним йўқдир, ёниб ёзганим анъордир,  
Ушбу олам кимга кенгу ҳам азалдан кимга тордир,  
Қарашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,  
Ҳалокат бўлувсин билмай қулочини катта отдим-ку.

Қатлим учун қилнч торгар қонин ёси, аё дўстлар,  
Мунгли-мунгли учар бутун дил навоси, аё дўстлар,  
Билмас эрдим тушмасайди ёр савдоси, аё дўстлар,  
Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар.  
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз нўлга сотдим-ку.

Тонг елига думоғ туттум, деб кокилин бўйи балким,  
Ушбу қушлар телбадурман, ўз-ўзимга келур раҳим,  
Баҳор келди, этмадим бир сайри гулзор очиб баҳрим,  
Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,  
Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар ичра ботдим-ку.

Бовладим бел ахтаргани ичиб аччиқ майин ёрни,  
Қайга бормай нола қилдим чалиб мунгли пайин ёрни,  
Йондан ўтди йўлларига боқиним кун сайин ёрни,  
Қаланндардек юриб дунёни кездим тонмайин ёрни,  
Йна қулбамга қайнулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Бўлиб Ориф, гумроҳлардан дили вайрон эдим, дўстлар,  
Мард элимга хоние шият, яхши томон эдим, дўстлар,  
Давраларга файіз киритган хунзабон эдим, дўстлар,  
Муҳаббат оёмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Қуёшнинг нурига тоқат қилмамай ерга ботдим-ку.

1991

## БЕШАК БИЛИНГ

*(Ассаний газалига мухаммас)*

Манглайингга мартабанг Оллоҳ ўзи битаро,  
Бу оламга келса ким, кетар вақтин кутаро,  
Амр бирла қаро ер тутиб бир-бир ютаро,  
Бешак билинг, бу дунё барча элдан ўтаро,  
Ишонмагил молингга, бир кун қўлдан кетаро.

Ҳақ Мустафо ҳадисда баён этди, фикр қил,  
Қанча азиз-ақил китоб битди, фикр қил,  
Ўлим ҳақдир, ўлим ҳақ, умр битди, фикр қил,  
Ота-она, қариндон қаён кетди, фикр қил,  
Тўрт оёқлик чубин от бир кун сенга старо.

Тўхтамас, манзили йўқ бу олам мисли кема,  
Ёзган билан тугамас, шундай бир эртак тема.  
Билмайин ўтди кўнлар сир нима, ошкор нима,  
Дунё учун вам ема, ҳақдин ўзгани дема,  
Кини молини ема Сирот узро тутаро.

Бўлсанг ҳамки сен зоҳид, ё хотам, меҳри қуён,  
Фойдасиз, зикрин айтмай, кўзларингдан оқса ён,  
Ҳарна ин худодан деб айла сабр-ла бардон,  
Аҳли аёл, қариндон, ҳеч ким бўлмайди йўлдон,  
Мардона бўл, ғариб бош, умринг елдек ўтаро.

Меҳмон экан одабийзод, тани хоқдир, яхши бил,  
Ўзни қўлга олгин-у, ҳамиша бўл нирин тил,  
Саҳар туриб, Орифо, ҳақ зикрини одат қил,  
Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг, билмам, неча йил,  
Аслинг, билсанг, обу гил, гилга яна кетаро.

1989

## ЎЗБЕГИМ, ЎЗБЕКИСТОНИМ

*(қўшиқ)*

Ўзбегим, Ўзбекистоним,  
Жоним ичида жоним.  
Мадҳингни куйлагайман,  
Ўзинг шуҳрату шоним.

Жаннатмакон Ватансан,  
Боғу бўстон, чамансан.  
Иқболдан бахт қуёшин  
Бошга тож айлагансан.

Меҳнатсевар элинг бор,  
Истиқлолдан бахтиёр.  
Этар оламини мафтун  
Баврингда кулган баҳор.

Ўзбегим, Ўзбекистоним,  
Жоним ичида жоним.

*1996*



## ИШҚ САВДОСИ

Сани ииқинг билан ёгдим,  
На сабру на қарорим бор,  
Фироқингда ҳазон бўлдим,  
На ёзу на баҳорим бор,  
Бу ииқимнинг бағнига  
Қўлимда мунгли торим бор,  
Хаёлинг билан сарсонман,  
На ўзда ихтиёрим бор.

Оқар умрим, сен ҳам меҳмон,  
Мен ҳам меҳмон бу оламга,  
Не-не ошиқ келиб-кетмиш  
Чекиб афғон бу оламга,  
Гар ҳажрингда ўлиб кетсам,  
Бўлиб достон бу оламга,  
Сани мадҳинг билан ўлмас  
Печа-неча анъорим бор.

Фалак, зolim, ошиқларга  
Доим жабру ситам эгдинг,  
Мени Мажнунсифат айлаб,  
Ақду ҳушим адам эгдинг,  
Ориф эрдим, оқибатда  
Бу туироқдан ҳам кам эгдинг,  
Ёнадурман бу кун ёлғиз,  
На бирор вамгузорим бор.

*1996*

## СЕНИ КЎРИБ

Сени кўриб жабру ситамда қолдим,  
Ишқда куйиб-ёнувчи шамда қолдим.

Наҳори дил этолмайин қонингда,  
Армон ила уёлиб намда қолдим.

Дер эдилар, оғир ошиқ савдоси,  
Субҳи сабоҳ куйлибон камда қолдим.

Йўллариинга термулиб зор-интизор,  
Айтсам адо бўлмас аламда қолдим.

Сен Орифни Мажнун гумон этмагил,  
Аммо мажнун бўлиб оламда қолдим.

1996

## КЕТАРМАН БИР КҮН

Не балоюлар ёғди бошимга  
Дўстман деган душманларимдан.  
Ўтлар тунди ичи-тошимга  
Дўстман деган душманларимдан.

Билмам, на деб дўст бўлган улар,  
Оғир кунда устимдан кулар.  
Шайтонлар ҳам юзини бурар  
Дўстман деган душманларимдан.

Поймол бўлиб орзу ва армон,  
Пушаймонман, ўта пушаймон.  
Ўртаб борар умрбод ҳижрон  
Дўстман деган душманларимдан.

Қон бўлса ҳам жигари-бағрим,  
Тонса ҳамки юракда дардим,  
Наноҳ иктяб қайга борардим  
Дўстман деган душманларимдан.

Ўз-ўзимга дейман, бўлма хун,  
Ҳеч ким бўлмас дунёга устун.  
Келмас бўлиб кетарман бир кун  
Дўстман деган душманларимдан.

## ДУСТЛАРИМДАН

Дўстларимдан шод бўлиб қоят,  
Душманимга инсоф тилайман.  
Яхшиликка юз бурса, шояд,  
Душманимга инсоф тилайман.

Бағриш ҳасад қонлиб, тилинган,  
Омадимни кўриб куюнган,  
Хато қилиб қўйсам суйинган  
Душманимга инсоф тилайман.

Юрагини ис босиб қолган,  
Кўзин тикиб жонимни олган,  
Гўрдан олиб гўрларга солган  
Душманимга инсоф тилайман.

Умр тездир оқар дарёдан,  
Бошим қотар турфа саводан,  
Ёлвориб мен, ёлғиз худодан  
Душманимга инсоф тилайман.

Куйлаб Ориф айтар ҳар қачон,  
Торға тор-у, кенга кенг жаҳон.  
Икки дунё вайирли, ёмон  
Душманимга инсоф тилайман.

*1996*

## СИҒМАМ ЕРУ САМОГА

Сиғмам еру самога,  
Дўстлар, тухмат балоюдан.  
Қайга борай давога,  
Дўстлар, тухмат балоюдан.

Дил очайин мен кимга,  
Дард қўшилса дардимга.  
Ёрмоқда қор бағримга,  
Дўстлар, тухмат балоюдан.

Тун кечалар тўлғондим,  
Ёлғон сўзга инондим.  
Ўтсиз ўртаниб ёндим,  
Дўстлар, тухмат балоюдан.

Кулбамга курбат тўлди,  
Душманам бахти кулди.  
Алшвор қадим букилди,  
Дўстлар, тухмат балоюдан.

Ушаламай орзу-армон,  
Тор бўлди кўзга жаҳон.  
Чўкди ўртага ҳиярон,  
Дўстлар, тухмат балоюдан.

*1996*

## ИШҚ ЙЎЛИДА

*(Матрабга назира)*

Ишқ йўлида куйиб ўтган манам девонаман, дўстлар,  
Ўтга отган ўзини ул ёниқ парвонаман, дўстлар.

Фирону нодалар бирла бу оламни кезиб юрдим,  
Еголмай гулузоримга элда афсонаман, дўстлар.

Баҳор янглиғ очилмайин хазон фаслига меҳмонман,  
Умри ҳижрон, алам ичра қолган ғамхонаман, дўстлар.

Кам эрурми, азоб-андуҳ мисли ёмғир бу бонимга,  
Ёвилган таъна топлардан ажаб ҳайронаман, дўстлар.

Орифо, мен наво айлаб ёру Оллоҳнинг ишқида,  
Кечиб гоҳи ўзимдан ҳам тамом бегонаман, дўстлар.

1994

## ЎЙЛАМА

Ўйлама роҳатда деб, барча меҳнат мендадур,  
Дови ҳижрон дардидан минг жароҳат мендадур.

Ёнурман ғам-аламда кеча-кундуз тўлғониб,  
Ушбу олам кўрмаган сабру тоқат мендадур.

Ёр йўлига термузиб неча йиллар, оқибат,  
Эл аро Мажнун деган ҳам маломат мендадур.

Рақиб тивидан ўлмоқ оғир кулфат азалдан,  
Не ажаб, ўлсам агар, бу саховат мендадур.

Ишадим, Орифо, мен яхши кунларни кутиб,  
Занжирбанд ул шер каби зўр матонат мендадур.

1994

## КЎЗЛАРИМГА

Белни маҳкам боқлабон йиллаб,  
Боқларнию тоғларни кездим.  
Она ернинг дардини тицглаб,  
Буюк халқим кимлигин сездим.

Боболарим ўлмас шухрати  
Юрагимга қулғула солди.  
Ватанимнинг мунис суврати  
Кўзларимга жойлашиб қолди.

Олтинга тенг тулғурин ўйиб,  
Ёвларига тортаман камон.  
Булбул каби қўшиқлар тўқиб,  
Бергум унга керак бўлса жон.

1994

## УЧРАШУВ

Тоғдан овир қамларингни сен  
Ичга ютиб, мақтайсан шаҳринг.  
Фавворадай ёшларимни мен  
Артмай, қулиб очаман баҳринг.

Қувончларим ҳаддан зиёда,  
Аламларим сендан эмас кам.  
Десаиғ, тенгсиз шаҳринг дунёда,  
Таъзимдаман тоғларга мен ҳам.

1994

2

## ЯНА...

Яна сафарга чиқдим  
дардинг унутмоқ учун,  
Билурман, бўлмаг имкон  
бахтимни тутмоқ учун.

Армоним кўз ёшимда  
эриб оқади тинмай,  
Назайман бир баҳона  
ўзни овутмоқ учун.

Дилгишамнинг тубида  
ҳасрат дарёси оқар,  
Висол қуёни керак  
уни қуритмоқ учун.

Олам қоронғу тортса  
ҳижрон-азобларингдан,  
Ўзни гулхан қилурман  
ойдек ёритмоқ учун.

Орифо, ошиқ бўлиб,  
телбамен Мажнунсифат,  
Севган эдимми сени  
ишиқда қон ютмоқ учун.

1994

## ЖАМОЛИНГГА НЕГА БОҚДИМ

Нега боқдим сенинг гул жамолингга мен,  
Гулдай позик ул қади ниҳолингга мен.

Оху фиконим етди ўрлаб фалакка,  
Етолмадим ва лекин висолингга мен.

Кел, кўзларинг найзасин жонима сангил,  
Бошим тутай қиличдек ҳилолингга мен.

Бирдам холи бўлмадинг ёдимдан, жопо,  
Келурманми йилда бир хаёлингга мен.

Умрим бўйи, Орифо, умид айлабон,  
Ташналаб ўтдим лаби зилолингга мен.

## ЭГИЛМАДИМ

Эгилмадим новда мисол,  
Ойна каби синмадим.  
Меҳнатимнинг нони ҳалол,  
Чумолидай тинмадим.

Беномуслар ўтга отди,  
Қуймадим, кул бўлмадим.  
Сувда оқдим, лойга ботдим,  
Мен яшадим, ўлмадим.

Ойлар ўтар, йиллар ўтар  
Тунларни кунга улаб.  
Ҳасадўйлар пени кутар,  
Тунмаса осмон қулаб...

## УЗИЛМАЙ ҚОЛДИ КҮНГИМ

Узилмай қолди кўнгим санам кўз ила қошидан,  
Хайронман, нечун кўрқмас ул кўзларимнинг ёнидан.

Ҳажрида адо бўлдим, йўлига кўз нуриин санчиб,  
Баҳор янглиғ сочай гул, чечаклар келса бошидан.

Ўртабон ишқ ўтида, эзишни ҳожати йўқдир,  
Эзилган ўзи бағрим ганимлар бағри тошидан.

Тунлари бедор бўлиб чеккан оҳим эвазига  
Ёришса дилгинам, кошки, висол уни қўёшидан.

Орифо, армоним кам эди кўрсам тунимда ҳам,  
Узилмай қолди кўнгим санам кўз ила қошидан.



## ОЗОД ВАТАНИМ

Истиқлолдан армонига етган қаҳрамон,  
Кўкени чаман, олам узра танҳо ва суюк.  
Нур қўйида жилдиланган бағри нурафшон,  
Тарихларда шавкати бор, иқболи булук.  
Ўзбекистон — гулистоним, обод ватаним,  
Бахти кулган, нурга тўлган озод ватаним.

Ярқирайди тоғларингда поввот қоялар,  
Шарбат тўла боғларингинг таърифи жаннат.  
Кўтарилди пок сийпаңдан муҳҳин соялар,  
Осмонингда учсин тинчлик кантари фақат.  
Ўзбекистон — гулистоним, обод ватаним,  
Бахти кулган, нурга тўлган озод ватаним.

Меҳнатсвар элинг олим, қўли гул деҳқон,  
Дони кетган гул ўстириб тошларда азал.  
Сен азизсан, муқаддассан ҳамда меҳрибон,  
Дилим яйраб сенинг мадҳинг куйлаган маҳал.  
Ўзбекистон — гулистоним, обод ватаним,  
Бахти кулган, нурга тўлган озод ватаним.

Тузроқ ила тошларингинг борму баҳоси,  
Шаҳарларинг, қишлоқларинг дунёга достон.  
Ҳофизларинг, шоирларинг ширин навоси,  
Сенга олқин, сенга жоним, сенга шараф-шон.  
Ўзбекистон — гулистоним, обод ватаним,  
Бахти кулган, нурга тўлган озод ватаним.

## МУҲАББАТ ЎТИДА

Муҳаббат ўтида, паҳот, бу замон  
Афсона бўлсамо, афсона бўлсам.  
Ўртабон жамолнинг нури ногаҳон,  
Нарвона бўлсамо, нарвона бўлсам.

Асло ёринмайин туним, эй сапам,  
Тинмайин бағримда ёнмоқда алам.  
Ёндириб оқибат юрагимни ҳам,  
Ғамхона бўлсамо, ғамхона бўлсам.

Боқмадинг қайрилиб ўнгу сўлингга,  
Тошпириб қўйгандим жоним қўлингга.  
Эрта-кеч кўз тикиб сенинг йўлингга,  
Бегона бўлсамо, бегона бўлсам.

Орифо, ҳолимдан Мажнун айлар ор,  
Умрбод ишқингда тонмадим қарор.  
У дунёга охир зору интизор  
Равона бўлсамо, равона бўлсам.

1997

## ИҒВОГАРЛАР ДАСТИДАН

Ўртаниб куйдим ниҳон  
                                  иғвогарлар дастидан,  
Ихшилар бўлди ёмон  
                                  иғвогарлар дастидан,

Авниёву анбиё  
                                  домларига тунса, бас,  
Тонмагай ҳеч ким омон  
                                  иғвогарлар дастидан,

Айланиб бир-бирига  
                                  ногаҳон шоҳлар вазаб,<sup>2</sup>  
Тўкилур беҳуда қон  
                                  иғвогарлар дастидан,

Тоҳиру Зухро мисол,  
                                  Фарҳоду Ширинга боқ,  
Ўтилар қон йиқлабон  
                                  иғвогарлар дастидан.

Аяралур ота-бола,  
                                  эру хотинлар беҳисоб,  
Бўлсалар ҳам меҳрибон,  
                                  иғвогарлар дастидан.

## КЕКСАЛАР СЎЗИ

Оқ салла ўраган ҳайбатли тоқлар  
Қўласа осмонни тута олмасмин.  
Йўлидан бўрилиб кетса ер агар,  
Ки уни ҳеч бир куч йўлга солмасмин.

Ўтказар бу олам, сир эмас, ахир,  
Бағрида янаган ҳар бир инсонни.  
Авайлаб қафтида инсоф ва меҳр,  
Қўтариб турарминн еру осмонни.

1994

## МУНЧА КЎП

Ҳар қадамда бир ошиқ,  
шайдоларинг мунча кўп,  
Ошиқларга аталган  
жафоларинг мунча кўп.

Ҳусн тахтида шоҳсан,  
мен эса бир гадоман,  
Десам пойингда лапшкар —  
гадоларинг мунча кўп.

Сўзларингдан тилим дол,  
қошларинг қилич мисол,  
Бағрим тилар ханжаринг,  
балюларинг мунча кўп.

Орифо, дарди ҳижрон  
эримас қон ёшимда,  
Ошиқлигим гуноҳми,  
жазоларинг мунча кўп.

## ДУНЁНИНГ БЕЗАГИ БЎЛИБ

Токларим яшнатган ранг-баранг гуллар,  
Бокларинг куйлаган сайроқ булбуллар,  
Юксакка чорлаган ул сўқмоқ йўллар,  
Қолар бу дунёнинг безаги бўлиб.

Биз кетсак, шарқираб оққан сойлар ҳам,  
Кўзлари жовдираб қуёш, ойлар ҳам,  
Муаттар ўтлоқда кишнаб тойлар ҳам,  
Қолар бу дунёнинг безаги бўлиб.

Кўкда муҳаббатим, қўлим етмайин,  
Ўлеам суягимдан дарди кетмайин,  
Ўткинчи йилларни писанд этмайин,  
Қолар бу дунёнинг безаги бўлиб.

Хаёлим ўраган юксак юлдузлар,  
Меҳрибон одамлар, нурафшон юзлар,  
Яхшилик, оқибат ҳам ширин сўзлар  
Қолар бу дунёнинг безаги бўлиб.

1996

## ЁД АЙЛАДИМ

Неча йиллар дарди ишқинг ила фарёд айладим,  
Висолнинг деб азиз умрим ўтди, барбод айладим.

Кўзларимдан оқизиб қон, узун тунлар бўладим,  
Кезиб олам, бу фалакнинг зулмидан дод айладим.

Чидан бермас эди Мажнун, ғамларимни сўзласам,  
Ўтга ташлаб бир ўзимни, ўзгани шод айладим.

Донишмандлар бу дунёнинг вафоси йўқ деминлар,  
Вафо излаб, охир ҳижрон уйин бунёд айладим.

Орифо, мен минг азобда тақдирга ҳам тап бериб,  
Куйиб ўтган ошиқларни бирма-бир ёд айладим.

1993

## ҚАЙЛАРДА ҚОЛДИНГ

Бўзимга тиқилиб таңда жон ёнар,  
Қалбимнинг қувончи, қайларда қолдинг,  
Дарз кетиб ловуллаб ер-осмон ёнар,  
Қалбимнинг қувончи, қайларда қолдинг.

Авёрлар оламни кўзга тор қилди,  
Борлигим кул бўлиб кўкка соврилди,  
Не эди гуноҳим, бағрим қоврилди,  
Қалбимнинг қувончи, қайларда қолдинг.

Қўл чўзиб интилдим, асло етмадим,  
Куйдим-у севгимни ошкор этмадим,  
Ҳижронда яшадим, ўлиб кетмадим,  
Қалбимнинг қувончи, қайларда қолдинг.

Ўйлабон мен сени толиб кетурман,  
Гар кетсам, меҳрингни олиб кетурман.  
Ишқингни куйларга солиб кетурман,  
Қалбимнинг қувончи, қайларда қолдинг.

1993

## ҚАЙДАНАМ БУ

Қайданам бу кўзим тушди ўшал гул-пори қоматга,  
Нунаймонлар бўлиб, охир қолдим минг хил наҳоматга.

Менинг тортган азобимдин муҳаббат аҳли ҳайрондур,  
Ҳам ҳалойиқ ҳаётимни қўшиб айтмин ривоятга.

Бошим уриб ҳар томонга аданган бир кимсадек,  
Ахтарурман изларини қолиб таъна, маломатга.

Дерларки, ишқ ўти тегса омон қолмоғинг дунвордир,  
Ўлиб кетсам, етарманму висолига қиёматда.

Ориф, жунун саҳросида кезиб йиллар Мажнунисифат,  
Ўзим ёниб, ўзим куйдим, майлим бўлмай ҳаловатга.

1993

## ҲОЖАТИ ЙЎҚ

Меҳру шафқатни эиди, э санам, ҳожати йўқ.  
Ҳаёлимда куну тун, жонимнинг тоқати йўқ.

Дунё кезиб тонмадим, излайин қай ўлкадан,  
Ҳижронингда куярман, висолнинг фурсати йўқ.

Кўзни юмиб очгунча азиз умрим ҳам ўтди,  
Қолган кунимни айтсам, бир лаҳза роҳати йўқ.

Бўлди, дўстлар, мен учун икки олам бир қадам,  
Ошиқларнинг ўлимдан қочмоқлиғ одати йўқ.

Орифо, армон билан ичсам ажал шаробин,  
Қалбим қолар қўшиқда, унинг ҳеч офати йўқ.

1993

## ҚАЙДАНАМ ОШИҚ БЎЛДИМ

*(халқ йўлида)*

Қайданам ошиқ бўлдим,  
Кўйишда гулдек сўлдим.  
Ўрганиб ишқ ўтида,  
Рашиқингда куйиб ўлдим.

Минг ноз, қарашма қилдинг,  
Юрак-бағримни тилдинг.  
Севгимизни қўл етмас  
Ошн юлдузга илдинг.

Тонмас севгимиз барҳам,  
Ёнасан ниҳон сен ҳам.  
Боғлаб умид висолга,  
Наҳот, ҳижронда қолсам.

Дил боғлаган ўзингсан,  
Ҳам доғлаган ўзингсан...

## МАСТОНА ЭМАС

Елмаган ошиқ мастона эмас,  
Ўтга урмаган парвона эмас.

Ўлимдан, жоним, қолдим аданиб,  
Аданган одам девона эмас.

Бошимни эгди татна тоғлари,  
Уларни отган бетона эмас.

Остонанг ҳатлаб ўтмам энди,  
Тиллодан бўлсин, остона эмас.

Ориф кўйингда ўртаниб ўтди,  
Ошкора қуйлаб, пинҳона эмас.

*1993*

## ТИНЧ ҚЎЙМАС СЕНИ

Тин бермадинг менга бир нафас,  
Ўлсам руҳим тинч қўймас сени.  
Энди меҳри ишқинг керакмас,  
Ўлсам руҳим тинч қўймас сени.

Жонга тегди аламли ҳижрон,  
Дерлар, хўрлик ўлимдан ёмон.  
Майли, қонга бўялсин алвон,  
Ўлсам руҳим тинч қўймас сени.

Меҳрим ўрнин қонлади қаҳр,  
Чақмоқ бўлиб чақнадим охир.  
Қуйлар билан айлабон асир,  
Ўлсам руҳим тинч қўймас сени.

Қувиб юргум сорга айланиб,  
Қўларингда торга айланиб.  
Ўўқ бўлсам-да, борга айланиб,  
Ўлсам руҳим тинч қўймас сени.

*1993*

## ИШҚ ҰТИДА

Ишқ ўтида тўлғониб бу жон ўртанур,  
Жоним аро орзую армон ўртанур.

Минг азобимдан бири тегса ногаҳон,  
Товлар чўкиб, дарёю уммон ўртанур.

Ёлган танам оташига ҳеч дон беролмай,  
Воҳки, қаранг шамъи шабистон ўртанур.

Юлдузлар ҳам кўз ёшини тия олмай,  
Бири ошкор, қай бири пинҳон ўртанур.

Орифо, мен осмонга дардларим айтсам,  
Вағрини қон айлабон осмон ўртанур.

*1993*

## БУ ҲАЁТ СЎҚМОҒИДА

Сен агар бўлсанг яқин ақли наст нодон билан,  
Ошносан ҳар ерда, бил, ёлғону бўҳтон билан.

Бу ҳаёт сўқмоғида аданиб қолмай десанг,  
Дўст тутун Маҳшаргача покиза инсон билан.

Фойда деб чўзсанг қўлинг лаънати шайтонга ҳам,  
Бўлурсан боқибат, айрилиб иймон билан.

Қўлингдан келса ҳар он яхшилик қил, яхши бўл,  
Ўтмагай яхши одам афеусу армон билан.

Орифо, азиз бошим шодликдан кўкка етар,  
Донмо раҳмат олсанг яратган боғбон билан.

*1993*



## СЕНИ КЎРАЙ ДЕБ

Жоним бегоқат сени кўрай деб,  
Қилум ибодат сени кўрай деб.

Йўллариңг узра кўз нурым қотмиш,  
Кўзлари офат, сени кўрай деб.

Хижрон тиклари қиймалаб, бошга  
Ёлар маълумат сени кўрай деб.

Ўртаниб, охир хастаман, ҳолим  
Оғир ниҳоят сени кўрай деб.

Ўлеам руҳим ҳам тинмай излар то  
Рўзи қиёмат сени кўрай деб.

Орифо, умрим ўтди азобда,  
Билмай ҳаловат сени кўрай деб.

1993

## БАХШИЁНА

Дўстга отган тош яхшимас,  
Мишнатли пон, он яхшимас.  
Дерлар, йигит, эр кишига  
Ҳасратли кўз ёш яхшимас.

Эрга қуруқ шон на керак,  
Қайнамаса қон на керак,  
Гар фидомас эл-юртига,  
Танда ширин жон на керак.

Ёмонга сўз кор этмагай,  
Яхши эли зор этмагай,  
Қолса қуниң номардларга,  
Ё йўғу ё бор этмагай.

Дўстга отган тош яхшимас,  
Мишнатли пон, он яхшимас.

1993

## КУЙДУРУР

*(Чустийга назир)*

Ўт эмас аслида, бил, инсонни инсон куйдурур,  
Ҳам қисиб ғаним инин, дўстлар каби жон куйдурур.

Минг тузоқ қўйиб йўлинг пойлар эмишлар куну тун,  
Душманинг ўлдиргани ҳар лаҳза, ҳар он куйдурур.

Бормикан беғам одам, дунё кезибон кўрмадим,  
Куймасанг гар ватда сен, орауло армон куйдурур.

Сингдиrolмай дардларим бир лаҳча чўтга айланиб,  
Дилимдан олов олиб, кўксини осмон куйдурур.

Орифо, ёндим, нетай, мен иншқ-муҳаббат ўтида,  
Доимо қийнаб, асл ошиқни ҳижрон куйдурур.

1993

## БАҲСЛАШАМАН

Бузудимда овриқ сезаман,  
Қадалгандай бағримга тикан,  
Зериккандан боғлар кезаман,  
Баҳслашаман дарахтлар билан.

Қунлар эмас, боғлар бағрида  
Хаёлимдур ҳайқиріқ солган.  
Шу боғларнинг сўқмоқларида  
Болалигим йўқолиб қолган.

1993

## УЧИБ КЕТДИМ

Мен осмонга учиб кетдим  
Ой, қуёндан ҳам нари,  
Йўлим олис, қайтмагайман  
Бамисол нур сингарин.

Иларимда қўнғироқдай  
Янроқ қўшніқ ялттирар,  
Ҳайрон бўлиб юлдузчалар,  
Қаналакдай қалттирар.

Ҳам тубанда қолиб кетар  
Қанча ташвини, ғалвалар.  
Кўролмасан бундай бахтин,  
Учолмасанг сен агар...

1993

## ЮРАГИМНИ СИҚАР БИР АЛАМ

Юрагимни сиқар бир алам,  
Норзиаб кетай дейман шу замон.  
Таранг бўлган асабларим ҳам  
Ғанимларга тортади камон.

Қулоқларим жаранглар экан,  
Эшитилар акс-садолар.  
Нечун хабар олмайсиз мендан,  
Руҳи олий азиз боболар?

Вужудимда жанг қилган армон  
Хаёлимни даҳшатга солар.  
Каналакдай учган ҳаяжон  
Қўнар жойин тополмай қолар.

Ўзин босдим яна бу сафар,  
Йиллар шамол каби слажак.  
Дерлар, ҳардам қоронғуликлар  
Ёруеликка олиб келажак.

1993

## ЎХНАМАС

Мен ўзим бир дунёдур, ки жаҳонга ўхшамас,  
Бағрим осмони бошқа осмонга ўхшамас.

Ҳеч ким билмас, мен учун икки олам бир қадам,  
Айтсам, яшар маконим бир маконга ўхшамас.

Сўзласам гар сўзларим янграгай дилга қўниб,  
Дилрабо, хуш куй мисол, лек забонга ўхшамас.

Дерлар, ўтган ошиқлар эл аро зўр дostonдир,  
Мен ошиқман, dostonим ул dostonга ўхшамас.

Орифо, ҳайратдаман ул ёр висолин ўйлаб,  
Ўргагай дарди инқим, лек армонга ўхшамас.

## БИР КЕЛСАНГ НЕТАР

Ойдин кеча... нурафшон олам,  
Биз томонга бир келсанг нетар?  
Ғаниматдир одамга одам,  
Биз томонга бир келсанг нетар?

Дарди ишқинг ўртабон минг бор,  
Ишқарингни қўмсайман бедор.  
Раҳминг келиб ҳолимга, дилдор,  
Биз томонга бир келсанг нетар?

Қилмасанг ҳам аҳдинга вафо,  
Сенсиз дилим яйрамас асю.  
Ёшликдаги кўнгил бир бало,  
Биз томонга бир келсанг нетар?

Кетмасимдан ой каби ботиб,  
Товдай оғир ҳижронни отиб.  
Дилда эзгу ҳислар уйғотиб,  
Биз томонга бир келсанг нетар?

1993

## АҲИЛ БЎЛИБ

Аҳил бўлиб тиш янайлик — хотиржам,  
Ҳеч бир она йиғламасин болам деб.  
Осмондан қуламасин булут ҳам,  
Ҳеч бир она йиғламасин болам деб.

Умид билан яшар экан ҳар инсон,  
Изғимасин бевақт ўлим ҳеч қачон.  
Кўзларига тор бўлиб бу кенг жаҳон,  
Ҳеч бир она йиғламасин болам деб.

Ойлар тўлиб, юлдуз кулиб осмонда, \*  
Ёмон кунлар қолсин эртақ, дostonда.  
Сочин ёйиб, оҳлар чекиб армонда,  
Ҳеч бир она йиғламасин болам деб.

Йигит-қизлар куйлаб гулишан боғларда,  
Очин кўнгул кезиб бахмал тоғларда.  
Шундай азиз замон, яхши чоғларда,  
Ҳеч бир она йиғламасин болам деб.

1993

## ДИЛГИНАМ ЁРИШМАС

Тош отар тинмайин шум бағритонлар,  
Бу дилим қандайин ёришсин, дўстлар.  
Раҳмонга чап бериб шайтон йўл бошлар,  
Бу дилим қандайин ёришсин, дўстлар!

Сифмай ўз юртимга, бўлсам мен вариб,  
Юрсам гумроҳларга ҳардам ёлвориб.  
Жайрондек янасам нажот ахтариб,  
Бу дилим қандайин ёришсин, дўстлар!

Доимо янчилаб тоғлар бошимда,  
Ғанимларим кулиб турса қошимда.  
Оқса армонларим қонли ёшимда,  
Бу дилим қандайин ёришсин, дўстлар!

Одамларнинг яхши, ёмонлари бор,  
Ёмонлар яхшига кун бермас зинҳор.  
Кенг дунё кўзимга бўлиб турса тор,  
Бу дилим қандайин ёришсин дўстлар!

## ЮРАГИМГА ҚИЛ СИҒМАЙ ҚОЛДИ

Юрагимга қил сиғмай қолди,  
Қайга урай бу азиз бошим?  
Шум рақиблар қуршовга олди,  
Қайга урай бу азиз бошим?

Ҳолим кўриб йиғлайди онам,  
Бегоналар парво қилмас ҳам.  
Мендай хўрлик кўрган вариб кам,  
Қайга урай бу азиз бошим?

Қутулмай ёмондан дунё,  
Ёлиб неча замондан дунё,  
Қутса шафқат камондан дунё,  
Қайга урай бу азиз бошим?

Янаш десам, қаюватим йўқ,  
Тушимда ҳам ҳаловатим йўқ.  
Ҳеч қаерда фароватим йўқ,  
Қайга урай бу азиз бошим?

1993

## ЛАГАНБАРДОР, БАХИЛ ОДАМЛАР

Ўртаб доим дилим қон қилар  
Лаганбардор, бахил одамлар.  
Топса имкон тез бежон қилар  
Лаганбардор, бахил одамлар.

Дўсту ёрдан айириб улар,  
Қанотларинг қайириб улар,  
Ҳам эрмаклар устиндан кулар  
Лаганбардор, бахил одамлар.

Элга равфо солганлар ўша,  
Сотиб олқин олганлар ўша,  
Обвиндан чалганлар ўша,  
Лаганбардор, бахил одамлар.

Чалғитинга шайтондай моҳир,  
Филдай белинг букмакка қодир,  
Йўқ қилади бир куни охир  
Лаганбардор, бахил одамлар.

Қўзлагани лавозим, шухрат,  
Йқинлашсанг, ёнишар кулфат,  
Қўшига ҳам айлагай тухмат  
Лаганбардор, бахил одамлар.

1993

## НЕЧА ЙИЛЛАР

Неча йиллар ўртагай бир бевафо, қандоқ қилай?  
Айлабон жабру ситамлар беибо, қандоқ қилай?

Тоғу саҳролар кезурман ўз ҳолимга йиғлабон,  
Этмаса гамдин озод ул дилрабо, қандоқ қилай?

Ўтмайин умрим баҳори, куз келиб қолса, ажаб,  
Бўлса оқ гулдай юзим ҳам қаҳрабо, қандоқ қилай?

Доимо васлини истаб ахтариб юрдим, яна  
Ёди бошим узра ҳам дам минг бало, қандоқ қилай?

Орифо, доғи аламлар тиф каби жондан ўтиб,  
Қуйладим ҳижрон домиди мен наво, қандоқ қилай?

1994

## ДИЛРАБО ЁРНИ ИСТАБ

Ақду ҳушимни олган дилрабо ёрни истаб,  
Ўрташиб ишқ ўтида қоврилар жоним менинг.  
Қайларда экан дебон, ошиқи зорин истаб,  
Ўрташиб ишқ ўтида қоврилар жоним менинг.

Менки бир гавҳар эдим, қалби кўрлар кўрмади,  
Не учун ёнасан деб ул гулим бир сўрмади,  
На қилай, ватда айлаб ватдасида турмади,  
Ўрташиб ишқ ўтида қоврилар жоним менинг.

Неча бор ўзни ўтга урдим, Оллоҳим гувоҳ,  
Икки олам оралаб юрдим, Оллоҳим гувоҳ,  
Дунё ишдан юзни бурдим, Оллоҳим гувоҳ,  
Ўрташиб ишқ ўтида қоврилар жоним менинг.

Поёнсиз кўкка учдим нарираган нур бўлиб,  
Денгиз, уммонга тушдим садафдаги дур бўлиб,  
Сен кўриндинг кўзимга жаннатдаги ҳур бўлиб,  
Ўрташиб ишқ ўтида қоврилар жоним менинг.

Куйласам кўшигимга кўшилди Хизр бобом,  
Бу ёруғ дунёни ҳам айлашиб чиқдим тамом,  
Орифо, қайда бўлмай номин айтиб субҳу шом,  
Ўрташиб ишқ ўтида қоврилар жоним менинг.

1994

## БИЛОЛМАСМАН

На ҳолатдур, ориятни, диёнатни билолмасман,  
Боболарим ҳади этган ҳидоятни билолмасман.  
Туғаб сабру қарорим ҳам қаноатни билолмасман,  
Қайда қолди оқибат, бу саноатни билолмасман.  
Кўмдиларми, ўтиб йиллар саховатни билолмасман.

Батзи бирлар кетиб ўздан, бурининг остини кўзлар,  
Батзилар бой бўлай дебон сотиб виждон, алас сўзлар,  
Батзилар ўлдириб дўстин, тобутин устида бўзлар,  
Ҳаддан охиб ёлғончилик, одамлар бир-бирин тузлар,  
Ёқа ушлаб ҳайратимдан, ҳаловатни билолмасман.

Ўзим билан ўзимни ҳам хушим йўқдур, аё дўстлар,  
Лек умид бор топилгай деб дардларимга даво, дўстлар,  
Келиб турар қуловимга ул мозийдан садо, дўстлар,  
Ориф бўлиб олиб юрдим икки олам аро, дўстлар,  
Наво сошлаб турар бўлсам, мен офатни билолмасман.

1994

## ХОТИРАЛАР

Садоқатли дўстлардай хотираларим  
Мени йўқлаб ҳамиша қоқинар эшик.  
Батзан йиллаб оҳиста тутаркан барим,  
Алла айтар гоҳида тебратиб бешик.

Йиллар учар мангулик кемаларида,  
Асрлар бир қадамлик йўл каби яқин.  
Бир нур борки, ёритар осмон нурида  
Одамийзод бағрини мисоли чақин.

Оқшом чўқар, қуёшнинг нуқлари хира,  
Булутлар ҳам уфқда оловли тутун...  
Бу дунёда хотиралар ўлмайди сира,  
Қўшиқ бўлиб қалбларда жаранглар бир кун.

1994



## СҰҚМОҚ ЙҰЛДА

Сұқмоқ йўлда толиқди шоир,  
Уфқ сари хайлчан боқар.  
Юксакларга чиқмоқлик оғир,  
Физрлари сой каби оқар.

Кўзларида изтироб-қайғу,  
Билмам, нечун кииригида нам.  
Нени тоғди дунё кезиб у,  
Кимлар билан кўрмоқчи баҳам?

Тоғлар сари яна йўл олди,  
Ҳадемай у чўққидан ошар.  
Ғалвалар ҳам тубанда қолди,  
Қалбида нур илҳомдай тошар.

Сўқмоқ йўлда толиқди шоир...

*1996*

## МАНЗАРА

Қуёшнинг энг сўнгги нуллари  
Оқ савлалик чўққига қўтди.  
Кул қонлаган ўчоқ сингари  
Ёлган уфқ оҳиста сўтди.

Булбул куйлар сўлу соғларда,  
Боғ орасаб мўралайди ой.  
Ёз оқшоми бизнинг тоғларда  
Оромбахш ва латофатга бой.

*1996*

## БИР УЙ БОР

Қир бағрида кичик бир уй бор,  
Кўрнади юрсанг тоғ томон.  
Юрак ўйнаб, вужудим титрар,  
Мен шу уйга боққанам ҳамон.

Шунда қўнган муқаддас туйғу,  
Шу уй мени ўтга отган ҳам.  
Шунда қўлим етмаган орау  
Ва қалбимни кемирган алам.

Қир бағрида кичик бир уй бор...

*1996*

## ХИЛМА-ХИЛ ЧЕЧАК

Ўўлар атрофида хилма-хил чечак,  
Товларим бағрини безар гулбаҳор.  
Какликлар хонини ўзи бир эртак,  
Булоқлар куйида ҳаёт завқи бор.

Оҳиста муаттар шаббода слар,  
Кўзимга ўзгача кўринар олам.  
Не ажаб, сўқмоқлар етаклаб келар  
Болалик чоғларим, шўхлигимни ҳам.

Ўўлар атрофида хилма-хил чечак.

*1996*

## ДИЛГА ЧЎКАР

Бирин-кетин юлдуз юз очар,  
Ёда салқин оқшом чўккан дам.  
Ой ўроғи хира нур сочар,  
Наст кўринар гўё осмон ҳам.

Уларда ҳам ҳаёт бор, балким,  
Сир бермайди юлдузли олам.  
Термуламан чувалаб фикрим,  
Дилга чўкар аллақандай ғам.

*1997*

## ОЙ ЧАРАҚЛАР

Ой чарақлар мовий осмонда,  
Нурга тўлар баҳорги осмон.  
Келмаса ёр, кутган ёмон-да,  
Ва кутмаган уйдан ҳам ёмон.

Ой чарақлаб турар осмонда,  
Чўққилардан баландда кўркем.  
Кўзларим боғ, кўча томонда,  
Уйдан чиқмоқ овир унга ҳам.

Ой чарақлаб турар осмонда,  
Гулни ўртаб булбул хониши.  
Яшамасин қайси замонда,  
Кутини экан ошиқлар иши.

Ой чарақлар мовий осмонда...

*1997*

## ШУНИ БИЛСАНГ...

Тулкиларга дўстсан, иноқсан,  
Бўриларни дейсан беозор.  
Юрагида кири йўқ, поксан,  
Лек уларнинг ўйинлари бор.

Аслам дўстмас кўшиқ, куйинга  
Ва бўлмас бир умр улфат.  
Улар агар тушса ўйинга,  
Ёвилади бошинга кулфат.

Шуни билсанг бўлди сен, ўклим...

*1997*

## АЖАБО!

Мени адаштирар  
қадим сўқмоқлар,  
Ҳали ҳам адашиб  
юраман ҳайрон.  
Мен ўзим адашиб  
қолмасам агар,  
Адаштирар яна  
кимдир ногаҳон.

Ўйлимни йўқотиб  
қўйганим маҳал  
Жон чиқиб кетгудек  
караҳт танамдан...  
Адашиб қолдимми —  
сўрайман ҳар гал,  
Ўзини ахтариб  
юрган одамдан.

1997

## БАЛКИ...

Рухим оғирлашиб бормоқда бу кун  
Номатлум вам-алам гирдобларида.  
Балки ёлғиз ўғил бўлганим учун  
Беозор отамдек тоғлар бағрида.

Потинчман... руҳимда бўрон қўзғалар,  
Чақмоқ булутларни қажир беомон.  
Бир кун қўз юмсам, балки тинчланар,  
Юлдузлар оралаб учсам ногаҳон. \*

1997

## ТАБИАТГА ОЗОР

Табиатга озор берманг, одамлар,  
Товларим кўксидан қулатманг бир тон.  
Додалар ҳар баҳор ёйсин гиламлар,  
Арчалар эзилиб тўкмасин кўз ён.

Тинмасин каклигу саъвалар куйи,  
Оҳулар беҳадик сакрашиб юрсин.  
Ялпизу райҳоннинг муаттар бўйи  
Димовларни доим чов этиб турсин.

Табиатга озор берманг, одамлар.

1997

## КЕЛАРДИНГ...

Келардинг сўқмоқдан ой мисол тўлиб,  
Сочларинг дарёдай тўлқин урарди.  
Чор атроф чехрангдан нурафшон бўлиб,  
Гўё чўнг қоялар тилга кирарди.

Келардинг занжирбанд зулфингни ечиб,  
Паришон ақлимни қилолмасдим якам.  
Сочларинг тўлқини қалбимга кўчиб,  
Дарзага соларди вужудимни ҳам.

Келардинг сўқмоқдан  
Ой мисол тўлиб...

1997

## ОҲ УРАР БЎЛСАМ

Оҳ урар бўлсам ёниб,  
Рубеиз осмон ҳам тор келур.  
Телбамен Мажиун мисол,  
Дант-биёбон ҳам тор келур.

Ахтариб тонолмадим,  
Йқоно, ўзимни ушбу кун.  
Шу сабаб бу кўзимга  
Икки жаҳон ҳам тор келур.

Неча йиллар сен дебон  
Бир лаҳза роҳат кўрмадим,  
Не қилай, қалбим тошиб,  
Вақту замон ҳам тор келур.

Оқибат қолмай тоқат,  
Ўлсам куйиб армон билан,  
Ул дўзах мендан қочиб,  
Олий макон ҳам тор келур.

Орифо, умрим ўтар  
Ишқу муҳаббат домида.  
Гар ёзар бўлсам дардим,  
Минглаб дoston ҳам тор келур.

*1997*



## РУҲИМ УХЛАРДИ

Мансабга даъвоим  
йўқ эди мутлоқ,  
Кўп билсам, ўлимга  
айларди ҳукм.  
Истиқлол ва меҳр-  
шафқатга муштоқ,  
Чарчоқдан алаҳлаб  
ухларди руҳим.

Гўё мен беватан  
эдим Ватанда,  
Таъналар тошлари  
бағрим эзарди.  
Ноҳақлик захридан  
бўшаган танда  
Бўрошга бўш келмас  
руҳим ухларди...

1994

## ОРТИҚЧА

Дўсти йўқ варибдир азалдан-азал,  
Дўст орттир камбағал бўлиб қолсанг ҳам.  
Дўст шодлик, рамингга шерик ҳар маҳал,  
У билан етасан ниятга бардам.

Ўзингни ўйласанг ўзгага боқмай,  
Қўлингни бермасанг битга одамга,  
Яшасанг овлюқда ҳеч кимга ёқмай,  
Ортиқча эурсан, демак, дунёда.

1994



## ТОҒЛАРИМГА БОҶАМАН

Ғайратим охиб кетса,  
Тоғларимга боқаман.  
Шодлигим тохиб кетса,  
Тоғларимга боқаман.

Қабихлик ўраб олса,  
Ғанимлар вавғо солса,  
Умидим сўниб қолса,  
Тоғларимга боқаман.

Қийнаса дил армони,  
Эса ёрнинг ҳижрони,  
Бағри юпанч мақони,  
Тоғларимга боқаман.

Баҳорми, куз — ҳар қачон,  
Дардларимни айтибон  
Отам каби меҳрибон  
Тоғларимга боқаман.

1994

\* \* \*

Ўзгаларнинг ҳурматини олган одам  
Бўлади эл аро иззат-ҳурматда.  
Ўзининг қадрини билмаган одам  
Бегона қадрини билмас, албатта.

Дарахту тошларни тоқликлар воғт  
Одамлар феълига яқин дейдилар:  
Дарахтлар улашса ҳар йили неъмат,  
Чўнг тошлар бир умр хўмрайиб турар.

1994

## ТОҒЛАРДАН

Бодомларининг ошноқ биллур гўллари  
Товланади қўёш нурида ёниб.  
Тоғларининг айлана сўқмоқ йўллари  
Чўққига бош қўйиб ётар тўғониб.

Дилларни яйратар булбул хониши,  
Рухингда қолмайди ванлиқдан асар.  
Унутилар мутлюқ дунё ташвиши,  
Тоғлардан баҳорни кузатсанг агар.

1996

## ЎЗИМГА-ЎЗИМ

Мен сени тушунмай ражаитдим, дилдор,  
Кўзларинг ёнланиб, кетдинг матбос, жим.  
Йўлларга боқаман, дийдорингга зор,  
Дилимга рўшнолик беролмас ҳеч ким.

Неча йил муҳаббат ўтида куйдим,  
Емирилар оҳиста чидам ва тўзим.  
Ҳижрон азобида жонимдан тўйдим,  
Шафрат-ла қарайман ўзимга-ўзим.

1996

## МЕНГА АЗИЗ

Менга азиз шу тупроқ, шу тош,  
Чўкиб ётган ўрқачли тоғлар.  
Сўқмоқлари отамга сирдош,  
Ва бағрида гуллаган боғлар.

Мушфиқ онам шунда туғилган,  
Шу ерга кўмилган боболарим ҳам.  
Менинг киндик қоним тўкилган  
Қинлоғимнинг ўзи бир олам.

Узоқларга кетсам ногаҳон,  
Меҳри тортар қуёндай порлаб.  
Тоғларимни кўмсайман шу он,  
Хотиралар қўймайди чорлаб.

Менга азиз шу тупроқ, шу тош.

*1996*

## ТУШЛАРИМДА

Тушларимда кўраман сени,  
Богларда гул териб юрасан.  
Ёки анҳор бўйида мени  
Маъюстина кутиб турасан.

Гоҳо бўлиб тенгсиз бир чаман,  
Лолалардан гулхан ёқасан.  
Хира кўнглим ёритиб бирдан  
Тўлиш ойдек кулиб боқасан.

Қундай учиб тубсиз самога,  
Зухро бўлиб порлайсан, эркам.  
Ва айланиб сирли оламга  
Қайларгадир чорлайсан, эркам.

Хаёлимдан кетмайсан нари,  
Кўринасан гўзал ва маъсум.  
Гўё чўкиб ҳижрон тоғлари,  
Куйлаб олам айлар табассум.

Тушларимда кўраман сени.

*1996*

## ТОҒЛАРИМ МЕНИНГ

Тоғларим бағрида муаттар еллар  
Эсаркан булбуллар хонишин олиб,  
Раиғлар жилосидан қувнайди диллар,  
Ловулар узоқдан лолалар ёниб.

Нистаю бодомлар гулини кўринг,  
Уларда қўшнинг нурлари норлар.  
Бошида оқ салла тоғларим менинг,  
Меҳмондўст отадек бағрига чорлар.

Жилвалар қўшиғи айлайди асир,  
Тинглайман сеҳридан кўшларимда нам.  
Ё подон тошпорок, ёки тошбағир,  
Ундан завқ олмайин яшаган одам...

*1996*

## ЯШНАСИН...

Қўшиқ куйлаб доим шовулласин сой,  
Қирларга сочилиб кетсин бойчечак.  
Чашмада чўмилиб тунда тўлин ой,  
Юлдузлар қавмига сўйласин эртақ.

Гулласин бодомлар, олчалар қийғос,  
Димоққа урилсин яшнаб ялпизлар.  
Баҳорин олқинлаб тоғликларга хос,  
Толбаргақ тақинсин хунчақчақ қизлар.

Ялмоғиз ғам, алам, иғво, қайғулар  
Йўқолиб кетсин тез кириб тупроққа.  
Хавотир олмайин сергақ оҳулар  
Бемалол келсин бу қайнар булоққа.

Сатъаю булбуллар шўх наво тузиб,  
Сайрасин, яйрасин тоғлар бағрида.  
Тош ҳам қуламасин тинчликни бузиб,  
Бўлмасин бирор дов осмон қаърида.

Меҳр қўйсин ҳаминша одамга одам,  
Дард чекиб ҳеч кимса кўрмасин завол.  
Нурлару гулларга тўлиб бу олам,  
Яшнасин ҳаминша тоғларим мисол.

1996

## ГАР ҚЎМСАСА...

Гар қўмсаса ёшликни кўнгил,  
Хаёл тоғлар томон қўзғолар.  
Болаликдан қолган сўқмоқ йўл  
Чўққи сари югуриб қолар.

Учиб кетар қайгадир бир қуш,  
Сой шовуллаб оқади настеда.  
Қоялар ҳам кўринар хомун,  
Гулламоқда буталар аста.

Ҳамма нарса жойида гўё,  
Жилва қилур қирларда баҳор.  
Бу кун менга гўзал бу дунё  
Совуққина ҳайрат-ла боқар.

1996

## ДИЁРИМДАН АЙИРМА

Ҳаёт, илтимос сандин,  
Диёримдан айирма.  
Айир-у жону тандин,  
Диёримдан айирма.

Боболарим тошинган,  
Не-не ёвларни енгган,  
Меҳнати, қони синган  
Диёримдан айирма.

Синони олим этган,  
Улутбекни танитган,  
Навоий таъриф этган  
Диёримдан айирма.

Шоҳ Бобурдек паришон,  
Фурқатдек зор йиқлабон,  
Ҳажрида бўлмаё ҳайрон,  
Диёримдан айирма.

Бўлса ҳам мисли жаннат,  
Ўзга юртга йўқ журъат,  
Тотганим завқи меҳнат,  
Диёримдан айирма.

## ҚУВОНЧДАН

Куйладим Тоҳирдек мен ошиқ бўлиб,  
Дардимни сизлардан яшириб кетгум.  
Ишқида ўрганиб,  
Ҳажрида ўлиб,  
Васелидан жон кириб тирилиб кетгум.

Меҳридан зарра нур тушса дилимга,  
Ҳайқириб дунёга довруқ соламан.  
Айтгани бирор сўз келмай тилимга,  
Ҳовлиқиб қувончдан ўлиб қоламан.

1994

## АММО МЕНИНГ

Сочларингиз тўлқин отаркан,  
Кимлар оқиб кетмиш умрбод.  
Қошингизга сурма бериб тап,  
Бўйингиздан хижалат шамшод.

Билмам, ёқар хуснингиз кимга,  
Қалбингиздан кимлар жой олган,  
Аммо менинг юрак-бағримга  
Кўзларингиз санчилиб қолган.

## ЯРИМ ЙЎЛДА

Илондай буралган сўқмоқдан дадил  
Интилиб бораман чўққилар томон.  
Қистайман отимни,  
Кўринмас манзил,  
Дерлар: ярим йўлда қолмоқлик ёмон.

Бўронли,  
Туманли бўлса ҳам мутлоқ,  
Орқага қайтиш йўқ,  
Асло, бир нафас.  
Мени юксакликка  
Етаклаб, бироқ,  
Заҳматкан йўлларим  
Чарчамаса, бас.

1987

## ҚОЛДИМ

Сенга ишқим тушибон  
Қуфатда қолдим.  
Қўнглинг ўзгада экан,  
Ғафлатда қолдим.

Уйқу қочиб туллари,  
Оҳлар урарман.  
Не қиларим билалмай,  
Ҳасратда қолдим.

Бахтим кўзинг тубига  
Чўқди-ю, жоно,  
Бў ёрув дунё узра  
Зулматда қолдим.

Ўтар умрим ҳам сенинг  
Хаёлинг билан,  
Фарҳоду Мажнун каби  
Қисматда қолдим.

Орифо, йўлларимдан  
Адашиб минг бор,  
Охири ҳижрон деган  
Гурбатда қолдим.

*1994*



## ДУСТДЕК ЯҚИН

Дўстдек яқин юрдинг ёнимда,  
Билдирмайин душманлигингни.  
Қилмишларинг бари ёдимда,  
Ҳасад ерди бағри-дилингни.

Манманлигинг, айт-чи, билмас ким,  
Сендайларда на қилсин виждон.  
Агар биров атаса помим,  
Келар эмин ҳалқумингга жон.

Сен ёмонлик барин тутганда,  
Эзгуликка ошно бўлдим мен.  
Сен қаргадек қишини қутганда,  
Баҳор бўлиб нурга тўлдим мен.

Йиллар ўтиб, йиртилди чимнат,  
Аблаҳлигинг биллиниб қолмиш.  
Тулкиларга айлабон хизмат,  
Бора-бора обрў йўқолмиш.

Жон дўстларинг хароб этибди,  
Хам қилибди суянган тоғинг.  
Юзингга ҳам сачраб кетибди  
Қалбингдаги ул қора доғинг.

Саяда қилиб мен Она ерга,  
Ноҳақликка тортаман камон.  
Эл назидан қолмоқлик эрса,  
Дейдиларки, ўлимдан ёмон.

Режа тузиб қўйдинг баногоҳ,  
Қабиҳ ишлар йўлида фақат.  
Ўзга учун қазса ким чоҳ,  
Ўзи бадном бўлгуси албат.

Гуллаган бу гулшан ҳаётда...

1994

## ҲАЙРАТГА ТУШАР

Қомга тортиб муҳаббат,  
Севганман, севилганман,  
Ҳижрон даштида қолиб  
Ўз бағримни тилганман.  
Бевафо бу дунёни  
Ўтда ёниб билганман,  
Айтсам, эртак мисоли,  
Ҳамма ҳайратга тушар.

Ҳаёт билан ўлим ҳам  
Доим икки тарафдир,  
Минг ўлиб тирилганман,  
Ўлим ҳам бир шарафдир,  
Ҳаёт завқи ўзгача,  
Билмаганга саробдир,  
Туя бўлса чумоли,  
Ҳамма ҳайратга тушар.

Илим аҳли илмидан  
Воз кечинга шайланса,  
Бир бурда нон устида  
Меҳр кўзи бойланса,  
Ўз ҳузурин ўйлабон  
Дўст дushmanга айланса,  
Балиқ бўлса зиёли,  
Ҳамма ҳайратга тушар.

## БУГУН БАЙРАМ

Куйлагайман истиқлолим,  
Бугун байрам, бугун байрам.  
Қулсин абад бу иқболим,  
Бугун байрам, бугун байрам.

Бўлмайин ҳеч диллар вайрон,  
Келди элга дорилзамон.  
Мусаффордир еру осмон,  
Бугун байрам, бугун байрам.

Қўкка нажот деб боққанлар,  
Қўзларидан сел оққанлар,  
Ўтиб кетди ўт ёққанлар,  
Бугун байрам, бугун байрам.

Муҳаббатдан нурли тахтим,  
Элим бахти — менинг бахтим.  
Юртим обод этмак аҳдим,  
Бугун байрам, бугун байрам.

## МЕН ТАСОДИФ ЭМАСМАН

Мен шунчаки бир тасодиф  
эмасман, дўстим,  
Қўзларим ҳам,  
Сўзларим ҳам ҳайратга тўлиқ.  
Ҳаяжонда жоним ёнар,  
туролмайман жим,  
Изтиробдан  
Йўлларимда тўкилар қўшиқ.

Гоҳ баврига олиб чопар  
серповқин дарё,  
Қўл чўзиб ҳеч ким менга  
беролмас нажот.  
Омонатдай кўринади  
бу кун бу дунё,  
Омонатдай вужудимда  
титрайди ҳаёт...

Бошим қотиб  
Икки олам ўртасидаман,  
Ҳолим сўраб,  
Гулузорим, келсанг негади?

1997

## БИР БҰРИ ҲАҚИДА

1 (масал)

Ҳоким экан бир кичкина  
Ўрмонда бўри.  
У ўйларкан ўрмонда йўқ,  
Доб меҳдан зўри.

Давдава, дўқ қиларкан хўб  
Йиғиб ҳаммани.  
«Мен билмайман сизлар тутул,  
Тоға-аммани».

Баъзан эса тулкиларнинг  
Ғанига кириб,  
Қўйдек ювонш ҳайвонларни  
Кетаркан қириб.

Йиллар ўтиб тулкини ҳам  
Суриб қўйибди.  
Кези келса шоқол дўстин  
Кўзин ўйибди.

Бора-бора ёв босиб дег  
Қонли кўзлари,  
Фақат эса қотирибди  
Унинг сўзлари...

Қонлон, сиртлон юз ўтириб,  
Оқибат ёлғиз,  
Ёрдам бер деб ёлборибди  
Чўкиб итга тиз...

Қилминшига яраша ул  
Жазо олибди.  
Ибрат бўлиб биз тўқиган  
Масал қолибди.

1987

## УЗОҚ БҰЛ...

Әхтиёт қил ўзинг,  
кўрқмагил ammo,  
Кўча-кўйда санғиб  
юрган итлардан  
Ва лекин узоқ бўл,  
дўстим, доимо,  
Итлигин билмайин  
турган итлардан.  
Дафъатан таңланиб  
қолмоғи мумкин,  
Бошинга кулфатлар  
солмоғи мумкин.

1987

\* \* \*

Овга чиқсанг, сен кўзлаган ов  
Учиб келмас олдинга мутлоқ.  
Йўлиқмайди йўлингда дарров,  
Қидирасан, излайсан узоқ.

Иқбол кулиб турмайди, инон,  
Ортингда ҳам, рўпарангда ҳам.  
У ов мисол қайдадир пинҳон,  
Излаш керак уни, дўстгинам.

1965

## САРҒАЙҒАН БАРГЛАРДА

Боғларнинг файзи йўқ бир иш бўлгандай,  
Сарғайган баргларда аламли фивон.  
Бир тўда зарғилдоқ ерга қўнгандай,  
Оҳиста узилиб тўкилар хазон.

Танимини жулжитар совуқ бир шамол,  
Боғларга боқаман хаёл париншон.  
Юракни вап этар ҳар қалай бу ҳол,  
Баҳорни қўмсайман, дўстлар, поғаҳон.

Мунча тез ўтмаса фаслар, йиллар...

1982

## ТУШГА ҰХШАР

Оғир йўлни танладим ўзим,  
Қайтмоқлик йўқ энди ҳеч қачон.  
Қандай мезда сабот ва тўзим,  
Ҳар қадамда синалар, ишон.

Мангулик бор йўлим сўнггида,  
Йиқилмасдан боролсам агар.  
Тонлар куйлар кўзим ўнгиди,  
Тушга ўхшар бу қалтис сафар.

Ўлимга ҳам келиб юзма-юз,  
Жарликлардан ўтаман бутун.  
Машқ қиламан кечаю кундуз  
Даҳшатларни енгмоқлик учун.

Оғир йўлни танладим ўзим...

1979

## ҲАҚ СЎЗНИ

Минг йиллаб яшадим  
бамисол чинор,  
Шу тупроқ бағрида  
илдишларим бор.  
Мен ундан ажралиб  
кетмам ҳеч қачон,  
Этса-да қабоҳат  
минг бора бежон.  
Мен яна тирилгум,  
бўлсам ҳам кукун,  
Ҳақ сўзни қайтадан  
айтмоқлик учун.

1986

## ХАЁЛИМ СЕНДА

Сурма осмонда юлдузлар чаман,  
Ой кезар унда кокил париншон.  
Сирли товланиб чорлайди гулшан,  
Ғайлардасан, эй дилбари жонон!

Сурма осмонда юлдузлар чаман,  
Боғларда ўрик гуллаган маҳал.  
Ҳижрондан эмас, висол, вафодан,  
Кел, бу оқшомда куйлайлик газал.

Сурма осмонда юлдузлар чаман,  
Хаёлим сенда, кўзлари хумор.  
Булбулдек ёниб қўшиқ айтаман,  
Васлингга мен зор,  
Тинглар гулбаҳор...

## АВЛОДИМ УЧУН

Ҳазо кутаётган маҳбуслар мисол  
Не-не китобларнинг фивони чиқиб,  
Архивлар ичида чанг босиб беҳол,  
Тахланиб ётибди беун димиқиб.

Занжирбанд этилган умр маъноси,  
Боболар даҳоси,  
Кечмишлари ҳам.  
Юртимиз шавкати,  
Жанглар садоси,  
Не бўлса, сир эрур менга ушбу дам.

Шамъ дебон қўлимга косовни тутган,  
Бешиё қолган бир кўзлари кўрман.  
Дардини кўп йиллар ичига ютган,  
Китоблар, сиз каби манглайи шўрман.

— Илмомиз ўзга деб эзилиб бу кун,  
Воз кечиб дунёдан, кутганмиз ўлим.  
— Сизларни келажак ақлодим учун  
Озод этгусидир билимдон ўғлим.

1984

## ЗАҲАР

Мен инсонман,  
Тишим билмаган,  
Этмоқ бўлган тоғларни талқон.  
Табиатни писанд қилмаган,  
Ҳам қоншида бўлган нушаймон.

Қилмас эдим бутун оху дод,  
Табиатга тегмасам агар.  
Мен қайсарга энди бу ҳаёт  
Ичирмоқда кетма-кет заҳар.

Ўзим бунёд этган заҳардан.

1986

## ЎЛМАЙДИ

Аравани тортаркан от,  
Бир куп йўлда қоқилди.  
Оқсоқланди, вақт ўтмайин,  
Тез сўйилиб сотилди.

От ўрнига келди эшак,  
Аравакан қистамас.  
Барибир у урган билан  
Тез юришни истамас.

Пэтиробда аравакан,  
Ошиб борар хуноби.  
Эшак гоҳо ханграб қолар,  
Қочиб өзин таноби.

Суяй деса бу ҳаромни,  
Гўштин сотиб бўлмайди.  
Шу сабабдан от каби у  
Бир қоқилиб ўлмайди.

1979



## ПУШАЙМОНСАН

Сен амалга минган кутданоқ  
Менсимадинг одамларни, бас.  
Пушаймонсан, энди-чи мутлоқ,  
Эшик қоқиб биров йўқламас.

Ким бўлмасин урдинг нуқул дўқ,  
Қайга борсанг даедава солдинг.  
Сен амалдан айрилганинг йўқ,  
Дўстларингдан айрилиб қолдинг.

Дўстсиз янаш нақадар оғир...

1992

\* \* \*

Табарруқ дунёни бевафо дебон,  
Қўринсанг — вашимга тегади доим.  
Такрорлаб шу совуқ фикрингни ҳар он,  
Уқдирмоқ бўласан боқиб мулозим.

Сўзларинг маантиқсиз, билиб турибман,  
Эмасман эс-ҳушидан айрилган вағиб.  
Мақсадим йўқ эмас, мен ҳам юрибман,  
Бевафо дунёдан вафо ахтариб...

## ОЛАМ ҲАРАКАТДА

Олам ҳаракатда,  
Тўхтамайди ҳеч!  
Тонг отади,  
Тонг...  
Кириб келар кеч.  
Чуқурроқ назар қил,  
Ўтмоқда умринг,  
Бефойда ўтса у,  
Бефойда ўкинч.  
Олам ҳаракатда,  
Тўхтамайди ҳеч!

## ЁНДИРИБ

Ёнимга келганда  
Чимчириб қошинг,  
Бу ташна қалбимга  
Солмагин соя.  
Ҳеч дария тутмагин  
Нозли қарашинг,  
Ёнгани ёндириб,  
Айла ҳимоя.

## ТОШ

Найза санчар иссиқ ва совуқ,  
Ингради тоғ бағрида тош.  
Эвилмоқдан бошқа илож йўқ,  
Тугаб борар метидай бардош.

Азоб чекар, эмас умидвор —  
Яхши-ёмон кундан ҳеч қачон.  
Ўтса ҳамки асрлар минг бор,  
Ўзгарса ҳам замину замон.

Ўртади бечора бесае,  
Овир дарддан кўтаролмас бош.  
Нима қилсин, кураша олмас,  
Одамлардек...  
Ҳар қалай у тош...

## БАРГ ОСТИДА...

*(эртас)*

Барг остида қора ханжари —  
Тикан ўсмиш гул-ла ёлма-ён.  
Юз очибди гул гулчалари  
Тонгни қарни олгани хандон.

Ўтган-кетган тиканга эмас,  
Хандон гулга қарабди нуқул.  
Шу сабабдан оқномгача, бас,  
Ҳаётидан ажралибди гул.

Умри қисқа бўлса ҳам гулни,  
Дилларни шод этиб кетибди.  
Овлай олмай битта кўнгулни,  
Тикан умри давом этибди...

## ЙЎЛИМ

Аждодлар урфини  
муқаддас тутган  
Шеърнараст инсонман,  
қайтмоқлик — ўлим.  
Жаннатга дўзахнинг  
устидан ўтган  
Кўнриқдан минг бора  
торроқдир йўлим.

## ДАВОМ ЭТАР

Дўст дўшманга айланганини  
сезсам ногаҳон,  
Ё ванимлар айласалар  
дўстликни ниқоб,  
Шу зумдаёқ пайдо бўлиб  
қалбимда бўрроқ,  
Бор вужудим ўраб олар  
ўтли изтироб.

Янграгандай қулоқларим  
остида гўё,  
Бағрим эзар темирларнинг  
нохуш жаранги.  
Тонг нурлари олам арё  
ёйилгунча то  
Давом этар фикрларнинг  
бенафқат жанги.

Бу хил кечган тун нақадар  
узун ва оғир...

*1982*

## НЕ ҚИЛМОҚ ИСТАСАНГ

Не қилмоқ истасанг имкон бор бутун,  
Йиғитлик қуввати — дармон бор бутун.  
Эртага бўлар деб юрганларин қўр,  
Қалбида ўкинч бор, армон бор бутун.

*1981*

## БУГУН

Осмонга устундай тиралган тоғлар,  
Пойида гул очиб гуркирар боғлар.

Юлдузлар чарақлар, ойдан ёғар нур,  
Космос тобора сирли кўринур.

Асрлар шамолдай учади, ҳайҳот,  
Табиат ўзгарар, ўзгарар ҳаёт.

Ва лекин давримиз мураккаб мутлюқ,  
Эзилиб ингранар табаррук тунроқ,

Оғриғи сирқираб ялинар гўё,  
Сийнаси қалвирак, ярадор само.

Тишмаган одамлар йиғиб бор кучин,  
Жанг қилар ўзларин енгмоқлик учун.

## МЕҲРИНГИ

Ҳаётдан чор-пачор  
Кўлини силтаб,  
Кетганга тўккандай  
Кўзларингдан ёш,  
Не бўлар ҳолим деб,  
Дунёга йиғлаб  
Келганга айлагин  
Меҳрингни қуёш.

\* \* \*

Тоғда кўрдим,  
Харсангда  
Майса кўкарминш,  
Жилоланиб  
Позик қаддин кўтарминш.  
Шу гиёҳда бўлган ҳаётгий бир ишқ,  
Не ажаб,  
Метиндек  
Тошни тарс ёрминш.

## ИШОН

Бу дунё қолади сени мендан ҳам,  
Хеч ким абадиятга босмаган муҳр.  
Мен сени мабодо ранжитган бўлсам,  
Кечир, эй маликам, сўрайман узр.

Хаёлим ўраган шубҳа-гумонлар  
Булутдай тарқалиб, олам нурафшон.  
Кутмоқда бизларни энг бахтли онлар  
Ва ёрқин истиқбол тонглари, ишон.

## УЧРАШАР

Хаёлим етаклар шум ўтмиш сари,  
Кўзимдан ёш қалқир,  
Кўнглим ҳам ярим.  
Бу оқшом ярадор қушлар сингари  
Титрар изтиробда хотираларим.

Атрофга боқаман  
Ўзимдан кечиб,  
Бу дунё дегани мана шу экан.  
Ғам-алам ва шодлик бир йўлга чиқиб,  
Учрашар мангулик манзили билан.

1996

## ДОҒЛАРНИ

Доғларни беркитмоқ  
бўлган ҳар одам  
Ақл нурин кўёшга  
айласин ҳамдам.  
Кўёшнинг доғи бор,  
лек, нур чанмаси  
Кўришга йўл қўймас  
уни сира ҳам.

## НЕ АЖАБ

Йўлларим босмишдир қон-қора туман,  
Имиллаб бораман бағри-дилим хун.  
Дунёнинг ишлари кўп чалқан экан,  
Кўрганам кимларга айтай ушбу кун.

Изтироб ўтида ёнганлар билар,  
Ғам нима,  
Дард нима,  
Нимадир ҳаёт.  
Не учун кўёш ҳам юзини бурар,  
Қайга бош урайин ахтариб нажот?

Баданим сесканар,  
Боғаман терга,  
Ёлбошда жарликлар юракни ёрар.  
Не ажаб, улфатдай мен билан бирга  
Ҳаёт ҳам,  
Ўлим ҳам  
Ёлма-ён борар...

Йўлларим босмишдир қон-қора туман.

1994

## КЎРГАНЛАР ҲАЙРОН

Ажаб, бир иввогар зўр мулла бўлиб,  
Ҳам тасбеҳ ўтирар, кўрганлар ҳайрон.  
Унинг бу мақридан шайтонлар кулиб,  
Тулкилар ҳайратга тушмиш поғаҳон.

Зоҳиран мулла-ю, дил қора эди,  
Иввоени тўхтатмай эттирди давом.  
Бир донин қиливин кўрибон деди:  
У ўлса юз бурар дўзах ҳам тамом...

1994

## ДЕРЛАРКИ...

Дерларки,  
бу ҳаёт улкан бир кема,  
Сузади  
чексизлик уммони аро.  
Сен унинг йўлини  
бехатар дема,  
Қўзғалар зўр бўрон  
ўзгарса ҳаво.

Ҳалюкат юз берса...  
қўйғилки биллиб,  
Шундай иш бўлгуси  
ҳамиша, ҳардам.  
Ким энчил  
қирғоқда чиқар талиниб,  
Чўқади сузишни  
билмаган одам.

1993



## БУ ДУНЁ

Юзлари баҳор-у  
юрагида қиш,  
Яхшига кулфату  
ёмонга оқиш,  
Бир-бирига зимдан  
қайрашаркан тиш,  
Бу дунё баркамол  
бўлмаган ҳали.  
Анвойи гулларни  
сўлдирганлар бор,  
Ўзни деб ўзгани  
ўлдирганлар бор,  
Дўстнимас, душмани  
кулдирганлар бор,  
Бу дунё баркамол  
бўлмаган ҳали.

Армони ушалмай  
ўтганлар ҳаққи,  
Қабриз бедарак  
кетганлар ҳаққи,  
Юрт дебон жон фидо  
этганлар ҳаққи,  
Бу дунё баркамол  
бўлмаган ҳали.

Донолар сўзи бу —  
мураккаб ҳаёт.  
Ўйлаб жаҳондан ҳам  
кечасан, ҳайҳот.  
Бермасанг на бўлур  
покасларга от,  
Бу дунё баркамол  
бўлмаган ҳали.

## ХАТОГА ЮЗ ТУТДИМ

Қайдашам севгимни мен сенга оғдим,  
Тов каби ров соғди йўлимга ҳижрон.  
Ўзимни ахтариб ақлим йўқотдим,  
Хатога юз тутдим, бўлдим нушаймон.

Ҳижронга дош бермай хато қилдим мен,  
Қўйнимни пуч ёнғоқ билан тўлдирдинг.  
Хатомни юзимга солавериб сен,  
Қиймалаб жонимни қийнаб ўлдирдинг.

Гуноҳ ҳам,  
Хато ҳам қилмайман энди.

*1994*

## ИНСОМАН

*(халқ йўлида)*

Қўён каби порлаган,  
Мен инсонман, инсонман.  
Одисларга чорлаган,  
Мен инсонман, инсонман.

Булутларни қўзғотган,  
Йўқлик сари ўқ отган,  
Ер юзини уйғотган,  
Мен инсонман, инсонман.

Сириш айтиб шамолга,  
Ботган сўнгсиз хаёлга,  
Шаҳар берган бир холга,  
Мен инсонман, инсонман.

Йўқни бунёд айлаган,  
Борни барбод айлаган,  
Ерни обод айлаган  
Мен инсонман, инсонман.

Гоҳи ноҳу, гоҳ гадо,  
Гоҳи туяроқ, гоҳ зиё,  
Гоҳи телба, гоҳ расо,  
Мен инсонман, инсонман.

Душман бўлса тивлаган,  
Тушларида йиқлаган,  
Умри бўйи тинмаган,  
Мен инсонман, инсонман.

Келажакдан сўзлаган,  
Олов ёқиб музлаган,  
Нурли йўлни кўзлаган,  
Мен инсонман, инсонман.

Табиатни кўндирган,  
Тошда ҳам гул ундирган,  
Бахт юлдузини кўндирган,  
Мен инсонман, инсонман.

## БУНГА ҲАМ

Қадим чўллар бўлса гулистон,  
Бу табиат ишимас ҳаргиз.  
Бовлар қуриб қолса ногаҳон,  
Сабабкори сизнинг ўзингиз.

Ширин ўтса бебаҳо дамлар,  
Ўртангизда бахт, аҳиллик бор.  
Бевақт ўлса агар одамлар,  
Бунга ҳам сиз бешак айбдор.

## ҚОР ЁҒСА

Ювар ёмғир, чаманларга  
Фалакдан чапғ, ғубор ёғса.  
Мисли ёмғир илиқ сўзлар,  
Майли, лайлу наҳор ёғса.

Совутма ҳеч сўзларингни.  
Баланд тоғлар муз-қоридай.  
Эриб кетмас экан, дўстлар,  
Агар кўнгилга қор ёғса...

## БИР СИҶИМ ТУПРОҚ

Юлдузларни севар бўлсангиз,  
Ер меҳрини тарк этманг ҳаргиз.

Ёдингиздан чиқмасин бироқ,  
Олиб кетмиш бир сиқим тупроқ.

Майли, учинг сўнгра самога,  
Қўнинг ўзга манзил-маъвога.

Дилга чўкса қайғу ва алам,  
Кўзга суртинг ундан ўшал дам.

Чунки кўкнинг олтин-заридан,  
Юлдузларнинг гавҳарларидан

Она юртинг губори азиз,  
Жондан ортиқ беқиёс лазиз.

Мўътабар ҳам бебаҳо эрур,  
Бахш этгуси кўзингизга нур.

Усиз бўлиб олам қоронғу,  
Қулаб тушар муқаддас туйғу.

## ТЎХТАМАСДАН

Тўхтамасдан эсади физ-физ,  
Шафқати йўқ вақт шамоли.  
Яхшиликнинг ҳикмати чексиз,  
Бегаразлик инсон камоли.

Қисматимни айта олар ким,  
Ишонмайман фолнинг барига.  
Аммо учар ўксик хаёлим  
Ноёни йўқ бўшлиқ қатърига.

Бу дунёга келмак ўзи бахт...

## ЯНА ЮРАК...

Яна юрак безовталанди,  
Кўз олдимни босди қоронғу.  
Гўё бирдан тубсиз ўрага  
Чўкиб кетди муқаддас туйғу.

Аста-аста жонланди хаёл,  
Оқ булоқда ювдим юзимни.  
Атрофлари жавдарли ўтлоқ,  
Сўқмоқ йўлда кўрдим ўзимни.

Адир тўла лолақизғалдоқ,  
Бедав отлар ўтлаб юрипти.  
Кўзим очсам ўғлим ва онам  
Рўпарамда йиғлаб турипти.

Эҳ, нақадар донодир ҳаёт...

## ҚЎЛГА ОЛАР ОЛАМНИ

Мўъжиза эрур ҳаёт терапроқ соҳсанг назар,  
Айланган Ер қуррамиз ва булутли осмон,  
Ўткинчи вақт карвони, ақлин олиб ҳар сафар,  
Ҳайратга солиб турар донишманд бу инсонни.

Кишини сеҳрловчи кечалар, оқ кечалар,  
Шабнамлар гиёҳларнинг бўйнида дур ўзгача.  
Ўтганда ёмғир ювиб, тоғларга боқсанг агар,  
Камалак рангларида ўйнаган нур ўзгача.

Сомон йўли аталмиш, қумнакардай тўкилган,  
Беҳисоб юлдузларнинг сирлари кимга аён.  
Кун бўйи булбулларни куйлатиб қўйган чаман,  
Гулларнинг тилларини ким берар айлаб баён.

Ҳайратга солар ҳали сир бермайин кoinот,  
Чексизлик, вақту замон тинмаган бу одамни.  
Очилур инсон ақли олдида кўн тилсимот,  
Йўлга солмоқчи бўлар ақл бирла оламни.

Илиқлик ҳикмати эрур беқиёс,  
Илиқликдан сахий ер гуллай бошлайди.  
Илиқлик қалби пок одамларга хос,  
Илиқ гап ўлиққа жон бавишлайди.

Совуқ гап худбиндан одамлик йироқ,  
Совуқ гапдан дилда тугайди бардош.  
Метиндек бўлса-да, чидолмай мутлоқ,  
Совуқдан ёрилар ҳатто тоғу тош.

### КОШКИ ЭДИ...

Тўп отишиб салют беришар  
Байрамларни шарафлаш учун.  
Мард бошидан сочингандай зар,  
Нур ёғилар шаҳримга бутун.

Мағрур янграр, янграр басма-бас,  
Садолардан кўнгил ўсар хўб.  
Кошки эди, урушлардамас,  
Байрамларда гумбурласа тўп.

### КУНЛАРИМ

Кунларим ўтмоқда гўёки бир туш,  
Кўл етмас фалакда мен истаган бахт.  
Амаллар бераркан айлабон сархуш,  
Эркалаб ўлдирмоқ қасдида бу вақт.

Учмоқда Ер шари, сен фикр этгил,  
Заррасан шу замин чўнг қанотида.  
Кеч бўлса ҳам миниб ўзингга етгил  
Вақтнинг нурафшон чошқир отида.

## ОШКОРАТИК

Овзига келганин  
айтди одамлар,  
Ховлиқиб, ҳовридан  
қайтди одамлар.  
Валдираб чарчаган  
одамлар учун  
Балиқлар гапирса  
ажабмас бутун...

1988

## ХУДБИН

У ўзини ўйлади фақат,  
Юраги ҳам тош бўлиб қотди.  
Кўкка боқиб юриб, оқибат,  
Бир умрга балчиққа ботди.

\* \* \*

Қалбим эркалайди бу гулшан ҳаёт,  
Баҳор нафасидай нафис ва гўзал.  
Ажиб напъасидан тугилар вазал,  
Қалбим эркалайди бу гулшан ҳаёт.

Фикрим узоқларга қоқмоқда қанот —  
Янги шеър дардида, бермангиз халал.  
Қалбим эркалайди бу гулшан ҳаёт,  
Мен унга ошиқман, ошиқ ҳар маҳал.



## БЕВАФОДИР БУ ДУНЁ

Ўлим ҳақ деб не одамлар ўтдилар,  
Вафоси йўқ бевафодур бу дунё.  
Бир-бирига йиеланиб қон ютдилар,  
Вафоси йўқ бевафодур бу дунё.

Авлиёлар, анбиёлар ўтдилар,  
Юртни тутган раҳнамолар ўтдилар,  
Қаламдарлар ҳам гадолар ўтдилар,  
Вафоси йўқ бевафодур бу дунё.

Қабристонга бориб ўйла, ибрат қил,  
То тириксан, бир-бировни иззат қил.  
Мишпат понин тотмай десанг меҳнат қил,  
Вафоси йўқ бевафодур бу дунё.

Мўмин бўлсанг, беозор бўл бир умр,  
Ҳақ Мустафо сўзлари бу гавҳардур.  
Ширин тил бўл, тўғри сўзла, тўғри юр,  
Вафоси йўқ бевафодур бу дунё.

Тириклик деб ўзини ҳарён отмагил,  
Ёлгон сўзлаб гуноҳларга ботмагил,  
Фойда кўзлаб гафлат ичра ётмагил,  
Вафоси йўқ бевафодур бу дунё.

Ориф эрсанг, камликнинг йўқ зиёни,  
Дерлар, олим билмас кибру ҳавони.  
Чин ошиқлар тонмас дардга давоми,  
Вафоси йўқ бевафодур бу дунё.

## РУБОЙЛАР

Алла айтиб она ўглин ухлатар,  
Кўзин — юлдуз, юзин ойга ўхшатар.  
Она билмас ўглин улгайиб бир кун,  
Ою юлдузларга кўниб сайр этар.

\* \* \*

Донолардан ситам, жафо кутмагин,  
Камтариндан кибру ҳаво кутмагин.  
Мағрурланиб кечгай ҳатто дўстидан,  
Кимки ман-ман эрса вафо кутмагин.

\* \* \*

Оқар сувлар қайтмас сира, ўтиб кетар,  
Ўз йўлини бўстон ё жар эгиб кетар.  
Эл-юртига хизмат қилиб кўн яхшилар,  
Ўз номини мангуликка битиб кетар.

\* \* \*

Гул очиб, ҳид сочиб яшнади кўклам,  
Ялтирар майсалар бўйнида шабнам.  
Билсанг, гул-ла қутлар сахий қуёшни,  
Ясаниб йилда бир бу кўҳна олам.

\* \* \*

Тошилар сен каби латофатда кам,  
Юзи гул, қомати шамшоддай кўркем.  
Севгида беқарор бўлмасдинг бунча,  
Сиртингдай гўзал, пок бўлса дилинг ҳам.

\* \* \*

Севдим деса, деса: йўқ сенсиз ҳаёт,  
Ўшал қиз-йигитга севи мутлюқ ёт.  
Муҳаббат тилдамас, дилда яширин,  
Дилдан севишганлар топар саодат.

\* \* \*

Доимо ўзни доно сезади подон,  
Доно донолигин қилмас намоён.  
Кўкка ҳаволанар мевасиз дарахт,  
Мевалиги ерга эгик ҳар қачон.

\* \* \*

Ел ўйнар, додалар тебранар аста,  
Қўшлар сайраб, куйлар шалола настда.  
Эл байрамин Сўқоқ кутмоқда қизгин,  
Анвойи гуллардан ясаб гулдаста.

## ҚАТРАЛАР

### 1

Йиғлаётган булутлар  
Тўхтаганда кўз ёшдан,  
Қоп сачради фалакка  
Ботаётган кўёндан.

### 2

Сукунатнинг оҳанги,  
Қўшиқлари бор.  
Нафас ютиб, оҳиста  
Тингламоқ даркор.

### 3

Сен ширип, ачиқни  
Ажратолмадинг,  
Лек ўзни ўйлашдан  
Асло толмадинг.

### 4

Кўринмас кўёда ҳам  
Мен севган юлдуз,  
Фикрлар жангидан  
Кўз очар кундуз.

### 5

Ўзни ўтда ёқмоқдаман,  
Кимга шодлик, кимга ғам.  
Кўз ёшимда оқмоқдаман,  
Раҳминг келмас шунда ҳам.

### 6

Сендан бошқа ким қолди,  
Жавоб беролмас ҳеч ким.  
Ой бўлиб бағримга кир,  
Бир оз ёришин кўнглим.

## ТҮҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Боқ: кўкда тўлин ой, табиат гўзал,  
Ел нивирлар, бодом гуллаган маҳал.  
Баҳор, бахт ҳақида куйлайлик қўшиқ,  
Дўстгинам, қани кел, рубобингни чал.

\* \* \*

Хас кўринса ерда агар, куздан нишон, дейдилар,  
Соч оқи ҳам қариликни кутмас пинҳон, дейдилар.  
Ёшлик, қарилик, келишу кетиш бордир азалдан,  
Ўлим билмас элга хизмат қилган инсон, дейдилар.

\* \* \*

Эсади оромбахш, ўйноқи шамол,  
Атрофга суқланиб боқаман хушҳол.  
Хушёр бўл, гул фасли ўтиб кетади  
Дегандай, бош силкиб кекса мажнунтол.

\* \* \*

Зарурат ҳаётдан яхшими, ёмон,  
Озми-кўнми яшаб ўтар ҳар инсон,  
Келажак эларга эдалик бўлиб,  
Уят, қолса ундан қуруқ қабристон!

\* \* \*

Бир иш қилмай туриб, аҳдим бор, дема,  
Қўл урмай керилиб, нақдим бор, дема.  
Ҳар ишни вақтида қилгил-у, аммо,  
Вақт кутмас сени, вақтим бор, дема.

\* \* \*

Гулгунча очилмай сўлгани ёмон,  
Шодон дил қайғуга тўлгани ёмон.  
Қўл қисқа бўлганда душманинг эмас,  
Дўстларинг устингдан кулгани ёмон.

\* \* \*

Денгизда кемасиз сузиб бўлмайди,  
Юлдуздан маржон-дур тизиб бўлмайди.

Ҳавойи хаёлга берилма сира,  
Осмондан олгин ой узиб бўлмайди.

\* \* \*

Боқдим-у лол қилиб қўйдинг тилимни,  
Ўт бўлиб ўртадинг бағри-дилимни.  
Тунда бедор, кундуз беҳуш юрурмен,  
Осон эт, сен ўзинг бу мушкуллимни.

\* \* \*

Қарибсан десалар дўстларим агар,  
Ҳазилми ёки чин, кўнглимни эзар.  
Аммо гул ёшликни ортда қолдириб,  
Сездирмай қариллик ўзин кўрғазар.

\* \* \*

Ёшини яшаган бир она ўлди,  
Фарзандлар йиғлашиб, уй додга тўлди.  
Марҳума онанинг ўлим олдида  
Энг сўнгги сўзи ҳам «Вой, она!» бўлди.

\* \* \*

Гулшан ичра бир гул камолга етди,  
Ноз-ла булбулларни хўб шайдо этди.  
Мағрур — ҳеч бирига қилмайин вафо,  
Қуз келди, сарғайди, хок бўлди — кетди.

\* \* \*

Ўтса ҳам кўп замон, итни эл ҳамон  
Инсоннинг дўсти деб мақтайди, инон.  
Ит сенга содиқ дўст бўлса яхши-ку,  
Ва лекин дўстинг ит бўлгани ёмон. х

\* \* \*

Баҳор пайти боғбон тонг саҳар,  
Иш устида кўрдим, кўчат ўтқазар.  
Ўзи билмас — ўтқазган бу кўчатлар  
Номини келажак элга етказар.

\* \* \*

Тун бўйи дард билан сайради булбул,  
Ўз очиб жамолин кўрсатмади гул.

Кетганида булбул тонгда ноилож,  
Гул ёниб, ёқасин чок этади буткул.

\* \* \*

Хурсанд бўлсам, хурсанд боқадим онам,  
Ғам-изтироб чексам, кўради баҳам.  
Айт-чи, бўласанми ўз фарзандинга,  
Севгим, онамдек меҳрибон сен ҳам?..

\* \* \*

Дилимни юртимдек баҳор, ёз этдим,  
Куйлаб хур элимни мен эъзаоз этдим.  
Она Ватан меҳрини куйлагали мен  
Юрак томиримдан эшиб, саз этдим.

\* \* \*

Тур десам, укам дер: — Ухлайин бирпас...  
Тонг кунга уланди, у ҳали билмас.  
Майли, ухла, лекин гафлатда қолиб,  
Умринг тонгин ухлаб ўтказмасанг, бас!

\* \* \*

Ўз иззатинг ўзинг  
Билганинг яхши.  
Ёмонга ҳам яхшилик  
Қилганинг яхши.  
Ғанимларинг қалбини  
Тиф билан эмас,  
Одамийлик билан  
Тилганинг яхши.

\* \* \*

Тоғ бағрида кўп сўлим қишлоқ,  
Иморатлар метиндек тошдан.  
Ҳар бир тоғлик беради сабоқ  
Тошларга ҳам чидам-бардондан.

\* \* \*

Дейдилар, ҳаммага баробар олам,  
Яшайди бағрида яхши, ёмон ҳам.  
Бахтиёр бўлолмас ўзи ҳеч қачон,  
Ўзгалар бахтига гов бўлган одам.

\* \* \*

Мен ҳаёлга толсам агар, сени ўйлайман,  
Изтиробда қолсам агар, сени ўйлайман.  
Юрагимни тўкмоқ бўлиб қовоз бетига,  
Қўлга қалам олсам агар, сени ўйлайман.

\* \* \*

Биров бировларни ёмон деса ишондик,  
Юрт гулистон, эл фаровон деса ишондик.  
Ёмон экан у сўзларнинг ҳаммаси, ёмон,  
Замонамиз хуррам замон деса ишондик.

\* \* \*

Яхшилар меҳрингни ошириб борар,  
Ёмонлар нафратинг тошириб борар.  
Умрингни тақсимлаб вақт чавандози  
Отини қамчилаб шошириб борар.

\* \* \*

Дунёга келиб сен биров-ла бир кун  
Кўрмаган бўлсанг гар шодликни баҳам,  
Кўзингдан қон оқса, бўлиб жигар хун,  
Бўлашмас ҳеч кимса кулфатингни ҳам.

\* \* \*

Огоҳ қилай, дўстлар, бир сирдан сизни,  
Дўстлардан аяманг ҳеч вақтингизни.  
Ўзига ром айлаб, шошириб, қистаб,  
Сунуриб борар вақт хазондай бизни.



# ОНА ЕР МЕХРИ





Нурли чаман самовот аро  
Минг-минг зарра кезар овора.  
Ҳар бир зарра, балки, бир дунё,  
Эҳтимол, бир ўзга сайёра.

*Эркин Воҳидов*

Эрта баҳор. Қуёни аста исиб, замин ҳовурини кўтармоқда. Эндигина нини уриб чиқаётган майсалар позик жилдолашиб, кишини беихтиёр ўзига тортади. Бодом ва ўрикларининг подалари қиш-қизил маржондек бўртиб турибди. Тўрғайлар осмону фалакда чулдирашиб, навбаҳорни оқшиплайди.

Фазогирлар олие юлдузлар оламига учини олдидан шаҳардан унча узоқ бўлмаган «Ойнабулюк» дарасига келишиб, тانتанали равишда етти туп чинор кўчатини ўтқазинди.

— Чинорлар умридек умрингиз узун бўлсин, — деди бир барваста чол фазогирларга қараб: — Вақти-вақти билан ўзим сувориб тураман. Ҳадемай соя танилаб қолади.

Фазогирлар отага ва кўичиликка миннатдорчилик билдиришиб хайрландилар.

Фазогирлар «Нур кема»ни кўришга келишганда қуёни анча оғиб қолганди. Кема фан-техниканинг энг охириги мукамал маҳсули бўлиб, унда барча қулайликлар мавжуд эди. Кема бир неча хоналардан ташкил топган. Ҳар бир хона ўз вазифасига қараб жиҳозланганди: бир хонасида катта-кичик телекузатув камераси, иккинчисида юлдузларининг физикавий, кимёвий хоссаларини ўрганадиган асбобу телескоплар, ётоқхона, ошхона ва, ниҳоят, гўзал боғи ҳам бор эди. Боғ хонадан — айлана расмдан иборат бўлиб, уч километргача масофани кўрайтиб, ёиларида гуллар очилиб турарди.

Кемада яна тўртта самолёт-ракета бўлиб, улар сайёра ёки астрондларга бориб-қайтиш учун мўъжалланган эди.

Фазогирлар кемаининг бошқарув маркази, иллюз камера-лари, алоқа аппаратлари билан янада яхшироқ танишиб чиқ-дилар.

— Кема билан танишдинглар, эртадан бошлаб фазогир-лар шаҳарчасида машқ қилиб, вазифаларингизни пухта ўрга-ниб оласизлар, — деди космонавтика бошқармаси раҳбарининг муовини Наби Файзий.

Фазогирлар шаҳарининг кўркам хиёболаридан бирида сайр қилишиб юришар экан, радио орқали берилган қўшиқ гўё сўлим оқшом бағридан сизиб келаётгандай туюларди:

Мовий осмон саҳнида хумор юлдузлар,  
Бағринида не сиру асрор, юлдузлар.  
Сеҳрингизнинг асири бўлмаган борму,  
Боқасиз минг жилавада дилдор, юлдузлар.  
Термуламан сизларга ҳижронда ёниб,  
Туним тонгга улашиб бедор, юлдузлар.  
Чехрангизда гоҳи вам, гоҳида қувонч,  
Дилингнизи билиш кўн дунвор, юлдузлар.  
Тикиласиз хаёлчан мениндек ё банд  
Айладими сизни ҳам ул ёр, юлдузлар.  
Ул позанин дардида менки ўртандим,  
Сизлар уни деб ёнманг зинҳор, юлдузлар.

.....

Аста эриб ошноқ қор,  
Бўлди қирлар берубор.  
Майсага қўниб шабнам,  
Кўркам бўлмин яна ҳам.  
Эсиб оромбахш шамол,  
Гулбахор тонди камол.  
Бодомлар гуллаб қолди,  
Ерда губор йўқолди.  
Жилвалар куйлаб оқди,  
Додалар дилни ёқди.  
Чечаклар гунча очиб,  
Райҳонлар хушбўй сочиб,  
Юз очиб гул — чиройлар,  
Куйлаб оқади сойлар.  
Бўлиб ҳарён гулистон,  
Булбуллар тўқир достон.  
Завқ ила сайроқи қушлар  
Гулбахорни оқинлар.

Барқ уриб барча гуллар  
Баҳор мадҳини тинглар.  
Наъматаклар очилди,  
Ҳиди ҳарён сочилди.  
Қизлар толбаргак тақди,  
Қуён ҳам кулиб боқди.  
Бир гўзал, нурли кўклам,  
Гул-гул ёниб яна ҳам,  
Очилиб бойиб келди.  
Сенини ёйиб келди.  
Кўркам бўлиб бу олам,  
Барқ урган чоғда кўклам,  
Туришиб эрта саҳар  
Юлдузлар томон сафар  
Қилиш учун отланиб,  
Отланиб, қанотланиб,  
Она юрт лочинлари  
Келдилар майдон сари.

.....

Кўкнинг учар отида,  
Шуълалар қиётида  
Она ер фарзандлари  
Юзланмин фазо сари.  
Қалбларида ҳаяжон,  
Беноён сирли осмон  
Сукунат қўйнида жим,  
«Нур кема» ҳам бетиним  
Олга учиб боради,  
Гўё қучиб боради.  
Учарди гўё чақин,  
Тезлиги нурга яқин.  
Олидан ул Она ер,  
Қуёнга парвона ер  
Кузатарди уларни,  
Баҳодир шоввозларни,  
Доб гўё фарзандларим,  
Дилбару дилбандларим,  
Омон бориб қайтингиз,  
Элга дoston айтингиз  
Юлдузлар сирларидан,  
Баланд-паст ерларидан.

.....

Шоввозлар учиб борар,  
Булутдек кўчиб борар.  
Қалбларида ҳаяжон,  
Бепоеён сирли осмон.  
Узоқдан еру ой ҳам  
Ҳандалак каби кўркем,  
Хўб товланиб кўринар,  
Оловланиб кўринар.  
«Нур кема» ҳам бетиним  
Учиб борар нур бўлиб.  
Ҳарён сочилиб ётар  
Юлдузлар ҳам дур бўлиб.  
Юлдуз мисол қуёш ҳам  
Милтиллаб қолиб кетди.  
Фазогирлар осмонда  
Учишдан толиб кетди.  
Дуч келса бир сайёра,  
Меҳмон бўлмоқчи улар.  
Оёқ чигилин ёзиб,  
Ўйнаб, кулмоқчи улар.  
Дейдилар, яхши ният —  
Ёрти мол, билсангиз гар:  
Юлдузлар олаmidан  
Улар маскан ахтарар.  
Шу алфозда неча йил  
Учар бизнинг ботирлар.  
Тиним билмай бирор дам  
Фазогир баҳодирлар.  
Араруд шошиб бир оз,  
Кўнгли ёришиб бир оз:  
Дўстлар, ажаб сайёра,  
Яхши бўлса деб, зора.  
Кўзгуга таклиф этди,  
Боши осмонга етди.  
Қанақа жой эканин,  
Камбағал, бой эканин  
Билиб қайтамиз дерлар,  
Сўнгра айтамиз дерлар  
У олис Она ерга,  
Гўзал дурдона ерга.  
Сайёранинг ҳар қалай  
Олис эди қуёши,  
Ер сингари яккамас,  
Икки эди йўлдоши.

Хирароқ эди шундан,  
Ёрувроқ эди тундан.  
Бахтиёр иккиланиб,  
Узоқ ўйланиб турди.  
«Нур кема»ни оҳиста  
Сайёра томон бурди.

.....

Боқиб яқин-йироққа,  
Тундилар настқам тоққа.  
Шоввозлар ҳайрон эди:  
Бағри беноён эди,  
На суви бор, на боғи,  
Ва кимсасиз ҳарёғи.  
Кўринарди қорайиб,  
Эди сокин, гаройиб.  
Сарғин тўзон учарди,  
Жойдан-жойга кўчарди.  
Совуқ эди ҳавоси,  
Йўқмикан бир балоси,  
Дёб ўйланиб турдилар,  
Кейин аста юрдилар.  
Оёқ ости ҳам майин,  
Сирғалар юрган сайин.  
Қум каби кўринарди,  
Тунроқдан фарқ қиларди.  
Узоқдан ранглар қуён  
Сарғайиб кўтарди бош.  
Заиф нурина сочди,  
Олам юзини очди.  
Шоввозлар кўп юрдилар,  
Бир жилғани кўрдилар.  
Озроқ суви бор эди,  
Бағри майсазор эди.  
Яширинган қандай сир,  
Барглари оқиш-кўнғир.  
Бир оз ялтироқ эди,  
Ҳамда майинроқ эди.  
— Дўстлар, — деди Бахтиёр, —  
Ичкари кирманг зинҳор.  
Бирор жондор бўлмасин,  
Заҳари бор бўлмасин.  
Атрофда не бор билинг,

Ўзи эҳтиёт қилинг.  
Хўп, дея икки лочин  
Ўридан қўзволдилар.  
Майсазор томон секин,  
Шошилмай йўл олдилар.  
Чор атроф кўз илғамас,  
Суқунатда борлиқ ҳам.  
Эшитилмас бирор сас,  
Даҳшат эди чинакам.  
Бахтиёр ўйлаб қолди,  
Узоқ хаёлга толди.  
Эгасиз бўлса, наҳот,  
Шундай катта сайёра.  
Ундан ахтариб нажот,  
Баҳодирлар овора.  
Атроф кўримсиз бирам,  
Ўшнайган товлари ҳам.  
Боқсанг юрак сиқилар,  
Бу ерларни ким билар?  
Ҳеч китобда номи йўқ,  
Яхшилик инъоми йўқ.  
Қандай сайёра, не ҳол,  
Араруд ҳайрону лол.  
Хаёл бағрида оқар,  
Бир туш кўраётгандай.  
Кўёш ҳам заиф боқар,  
Гўё сўнаётгандай.  
Кеч кириб қолганини,  
Ул кўёш толганини  
Улар билмай қолдилар,  
Ҳарён назар солдилар.  
Энди жуда ғаройиб,  
Оқшом чўқар қорайиб.  
Осмондаги юлдузлар,  
Мишглаб у Ҳумо кўзлар  
Хира, совуқ боқарди,  
Атроф бир оз оқарди.  
Кўкда ойдан кичикроқ,  
Пайдо бўлди бир чироқ.  
Ойдек кўлиб қарарди,  
Зар кокилини тарарди.  
Ҳали у ой ботмасдан,  
Ва ошноқ тонг отмасдан,  
Яна бошқа бир ой ҳам,

Бош кўтарди хотиржам.  
 Шоввозлар ҳайрон қолди,  
 Атрофга назар солди.  
 Совиб сайёра туни,  
 Гоҳида қор учқуни  
 Бўралаб қолар эди,  
 На ёз эди ва на қиш.  
 Бу манзара-кўриниш  
 Ҳайратга солар эди.  
 Совуқ эди ҳавоси,  
 Йўқдир қушлар навоси.  
 Бирор сасу, бирор ун  
 Эшитилмай неча кун.  
 Ҳам саёҳат қилдилар,  
 Зўрға тоқат қилдилар.  
 Оқ тепа томонида,  
 Сувсиз канал ёнида  
 Бир наржани кўрдилар,  
 Тикилишиб турдилар.  
 У улкан ҳайкал эди,  
 Атрофга сайқал эди.  
 Фарқ этмасди одамдан,  
 Кўкка боқиб турарди.  
 Сирли, тубсиз оламдан  
 Гўё нажот сўрарди.  
 Тубсиз ва кўҳна олам,  
 Наҳот, яшаган одам?!  
 Кўкеида қўш айлана,  
 Эмасди бўш айлана.  
 Дид билан ўйилганди,  
 Белгилар қўйилганди.  
 Не ҳодиса яширин,  
 Билиб бўлмасди сирин.  
 У ажойиб бир шар-ди,  
 Ҳам жадвалга ўхшарди.  
 Гўё ою кунларнинг  
 Ҳисоби қилинганди.

Улар сайр қилишиб, бу сайёрада қачонлардир ақлли мавжудот — одамлар яшаган деган қатъий хулосага келдилар. Йиллар тўфонида кўмилиб кетган қалъаларга ўхшаш тепаликлар ва сувсиз каналларни кўришди. Баъзи бир микроорганизмлардан бошқа бирорга йирик жонли мавжудот бўлмай, кимсасиз совуқ дашт ястаниб ётарди. Аҳён-аҳёнда сарғиш тўзон кўтарилар, натижада уфқ қорайиб кўришарди. Усим-



ликлари паст бўйли, барглари игнасимон, оқни-қўнғир ранг-  
да эди.

Фазогирлар бу сайёрага «Қуёш йўлдошли сайёра» деб ном  
қўйишди. Сўнгра кемадан Она ерга сайёра тўғрисидаги таас-  
суротларини батафсил гапириб беринди-да, яна парвозга от-  
ландилар.

.....

Шоввозлар учиб борар,  
Булутдек кўчиб борар.  
Дилларида ҳаяжон,  
Қон-қора сирли осмон  
Чаман бўлиб очилган,  
Ҳарён юлдуз сочилган.  
Батъан телба метеор  
Яқин ўтиб қоларди.  
Астроидлар неча бор  
Дилга кўрқув соларди.  
Миллард йил ёнган юлдуз,  
Ёнибон сўнган юлдуз.  
Кучли магнит эгаси,  
Косинотнинг телбаси  
Кўринмас «қора говоқ»  
Эди кўпроқ хатарнок.  
Сайёралар, сир эмас,  
Майдонига тушса, бас,  
Юлдузни ҳам тутади,  
Аждаҳодек ютади.  
Гўзал ул осмон йўли,  
Сутдек оқ Сомон йўли  
Сир сақлаб олам-олам,  
Ёғду сочар хотиржам.  
Излаб келинчак ойни,  
Кезар Етти оғайни.  
Ёзиб қанотларин хун,  
Чорлар узоқдан Оққуш.  
Шоввозлар учиб борар,  
Булутдай кўчиб борар.  
Кенг осмонга ярашиб,  
Чор атрофга қараниб;  
Олиё йўлни кўзланиб,  
Баҳсланиб, сўзланиб  
Севги ҳақида гоҳи,

Гоҳо юлдуз нигоҳи;  
Гоҳо узоқ ўтминдан,  
Гоҳо кўрилган тушдан;  
Юлдузларнинг сеҳридан,  
Она ерининг меҳридан.  
Ширин-ширин ҳисларга  
Ва узун баҳсларга  
Батаъан сабабчи бўлар  
Олиёда қолган дилбар.  
Улар сўзланиб борар,  
Йўлни кўзланиб борар  
Ахборот бериб ерга,  
Ерни ҳам тинглаб бирга.  
Асло қилмайини қанда,  
Кўрар телеэкранда  
Она ер жамолини,  
Қундалик камоллини.  
Ҳам равон йўлларини,  
Гулзору гулларини.  
Денгиз, уммонини ҳам,  
Яшил ўрмонини ҳам.  
Яна бўлур намоён,  
Юзи гул, қоши камон,  
Дилрабо мулоийм қиз,  
Ширин сўзли ойимқиз.  
Шоввозлар боқар хушҳол,  
Ойимқиз айлар савол:  
— Салом, тенгсиз ботирлар,  
Фазогир баҳодирлар.  
Тинчмисизлар саломат,  
Фазода не аломат?  
Не қизиқ бор, айтингиз,  
Омон-эсон қайтингиз.  
Сақланиб ҳурмат, одоб,  
Айлар оҳиста жавоб.  
Бизнинг тенгсиз ботирлар,  
Фазогир баҳодирлар.  
— Осмоннинг бағри чексиз,  
Биз учиб бормоқдамиз.  
Биз соғу саломатмиз,  
Хайр энди, ойимқиз.  
Соқонлик ҳукм сураб  
Юлдузлар оғушида.  
Она ер чоғлаб турар

Ўнгидаю тушида.  
 Шу хилда ржаа ўн йил  
 Учди улар муттасил.  
 Йўл ҳам тамом бўлмади,  
 Орау-умид ўлмади.  
 Ўша олис юлдузни  
 Бориб кўрамиз дерлар.  
 Бир жойга қўйиб сўзни  
 Учади фазогирлар.  
 Қани ўша оқ юлдуз,  
 Ерга яқинроқ юлдуз.  
 Қандай ул сайёраси,  
 Кўринмайди қораси?  
 Унда одамлар борми,  
 Ғарибми, бахтиёрми?  
 Ердан кичикми, катта,  
 Билиб бўлмас, албатта.  
 Олам моддий ва чексиз,  
 Юлдуз сочилган ҳарён.  
 Сир бермас, наҳот, ҳаргиз  
 Қоп-қора сирли осмон?  
 Гўё юлдузлар бари  
 Қочиб бораётгандай.  
 Қалбига ўт тутаниб,  
 Олдинга бардам қарар.  
 Лаҳзада минг йўл босиб  
 Кемаси учиб борар.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Баҳром ҳаяжонланиб:

— Кеманинг тезлиги ошиб кетаяпти, — деди-да, яна аппаратга тикилди. Телекамерани кузатаётган Камол: — Туманлик, — деб хитоб қилди. Фазогирлар телеэкранда қуноқдек айланаётган туманликни кўришди. Бахтиёр бирдан — Ер билан алоқани ўрнатинг, сарҳисмага тушманлар, — деди-ю, ўзича ўйлаб кетди. «Ажабо, бу қандай сир. Кемани ўз комига туманлик тортмоқдами, ёки самовот аждаҳоси «қора вовок» исканжасига тушдикмикан?»...

— Ер билан алоқа узилиб қолди!

— Ер билан алоқа узилиб қолди?

— Нима?!

— Кеманинг тезлиги нур тезлигидан ошиб кетаяпти.

— Мумкин эмас!

— Шуниси қизиқки, аппаратлар ҳам ногўфри ишляпти.

Биз коннотининг қайси томонига кетаётганимиз номаълум.

— Наҳотки, ҳалок бўласак?!

Фазогирларнинг кўнгилларига ғанилик чўкиб, баҳсланимай, экинчи астрономи ва физиги Арарудга тикилишди. Араруд зудлик билан компютернинг хотира тугмачасини босиб кўра бошлади. Компютер хотирасида илгариги фазогирларнинг саёҳат таассуротлари, фикрлари бўлиб, юлдузлар туркумлари ва уларнинг жойланишлари ҳақида маълумотлар ёзилган эди.

Араруд компютерда Центавр туркумидаги проксима юлдузлари қисмини синчиклаб кўриб чиқди. Туманлик ва тезликка оид ҳеч гап тополмади.

Бир лаҳзада кўзгудаги туманлик қалинлашиб, бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди.

— Нима бўляпти, ўзи? — деди Бахтиёр. Араруд ҳам унга «билмасам» дегандек елка қисди. Ўртадаги нохуш жимликни яна капитан бузди:

— Саросимага тунманглар! Барча аппаратларни синчиклаб кузатинг! Энг муҳими, иккиланмаслик...

У ўзини тетикликка солгани билан юраги увушиб, тушуниб бўлмайдиган изтиробли ваҳима исқанижасига тушганини сездди. Наҳотки, аданган бўласак... Хаёлига бирдан: бундан тўрт йил олдин чексиз осмон тубига чўкиб бедарак йўқолган «Юлдуз» кемаси келди. Йўқ-йўқ. Капитан зудлик билан бошқарув хонасига кириб, тезликни камайтиришга яна уриниб кўрди. У тугмаларни босаётганда кўллари қалтираётгани сезилди. Кемани бошқа томонга буриб юборай деди-ю, икки куч ўртасида кема парчаланиб кетишидан қўрқди. Тезлик тобора ошиб бораяпти. Капитан бир нима деб ничирлаб, манглайдаги терни сидириб танлар экан, кўзлари бирдан унга совуқ тикилишиб турган фазогирларга тушди. Улар сувратдек қотиб, нима қилишларини билмай қолинганди.

— Ёрдамга чақирини сигнали ҳам ишламайди, — деди фазогирлардан бири.

— Бу тубсиз зулматда кимни ҳам ёрдамга чақирсан?!

Улар ўлимга маҳкум этилган одамлардек умидсиз, даҳшатли ваҳима остида қолдилар. Кемада ўзгарини йўқ, у аслақандай сирли куч таъсирида учиб бормоқда. Бу қандай сир, улар қаёққа кетаяптилар? Ажабо?!

.....

Қон-қора тубсиз осмон,  
Учмоқдалар қай томон?  
Фазогирлар билолмас,  
Бирор илож қилолмас.

Фақат ваҳима ортар,  
Билмаслар нима тортар.  
Яшиндай учар кема,  
Ул тенгсиз қудрат нима?  
«Тунди нима домига,  
Нима тортар комига.  
Дўстлар, энди нетамиз,  
Наҳот, ўлиб кетамиз».  
Шоввозлар шундай ўйлар,  
Бири-бирига сўйлар.  
— Эҳ, бу қандай фалокат!  
— Рўй берарми ҳалокат?  
«Нур кема» шошиб борар,  
Тезлиги ошиб борар.  
Мисоли отилган ўқ,  
Тўхташига илож йўқ.  
Нима таъсир этмоқда,  
Ва қаёққа кетмоқда.  
Не ҳодиса яширин,  
Билиб бўлмасди сирин.  
Не учун тезлик ошар,  
Шоввозлар ақли шошар.  
Улар билмасди зицҳор,  
Нима бўлар, нима бор.  
Қўрқув тушиб дилига,  
Сўз келмасди тилига.  
Чор атроф жимжит эди,  
Охир Бахтиёр деди:  
— Тўғри, бу қисмат оғир,  
Не ҳодиса, қандай сир  
Озирди бизни йўлдан?  
Фурсатни бермай қўлдан,  
Барин унутмоқ керак,  
Ўйлаб ин тутмоқ керак.  
Бу даҳшат юрак ёрар,  
Арауд ўйлаб борар.  
Кўз олдида шу замон  
Юрти бўлди намоян.  
Тенги йўқ сўлим жойлар,  
Шарқираб оққан сойлар.  
Бағри гул тоғлари ҳам,  
Болалик чоғлари ҳам.  
Ошпоқ ялтироқ қорлар,  
Гуллаган бодомзорлар.

Қўрқинчли айиқвор ҳам,  
Қучоқ етмас чинор ҳам.  
Тов баврида бозор  
Лолалар тергани ҳам.  
Ва дастлаб у дилдор,  
Гулсумга бергани ҳам.  
Хумор боқиб гўзал қиз,  
Ишқ ўтида ёққани,  
Тунлари бедор ёлғиз  
Юлдузларга боққани,  
Қирларда чоғани ҳам,  
Бахтини тоғани ҳам.  
Ва муштинар онаси,  
Меҳрибон парвонаси,  
Ҳаммаси ҳам бирма-бир  
Ҳаёлидан ўтади.  
Йўлларига мунтазир,  
Ерда ёри кутади.  
Баҳром ёстиқни қучган,  
Чўлининг ранги ўчган.  
Наҳот, бўлсак деб увол,  
Бош ушлаб қолмиш Камол.  
Очимай осмон сири,  
Неча режа туздилар.  
Бу ҳаётдан охири  
Умидини уздилар.

.....

Ердаги алоқа маркази «Нур кема»ни йўқотиб қўйди. Уз-  
луксиз берилган сигналлар бекорга кетди. Орадан икки йил  
ўтгач, обрўли газеталарнинг бирида «Нур кема» экипажлари  
космик сабабларга кўра ҳалокатга учради, деб хабар берилди.  
Уларнинг оила аъзолари, ёру биродарларига таъзия ҳам бил-  
диришди.

Марказ бу эълонлар билан чекланиб қолмай, кемани қи-  
диришни давом эттиради. Йиллар ўтиши билан бу иш ўз-  
ўзидан қолиб кетади.

«Нур кема» экипажлари ашаратлар ишламаганлиги ту-  
файли ҳалокатни кута-кута қанчадан-қанча вақтларини ўт-  
каздилар. Улар ўзларини тубсиз жаҳаннамга чўкаётгандай  
ҳис қилардилар. Энди тамом! — дейишганда туманлик бир-  
дан тарқаб, ярқ этиб олдинда бир қуён пайдо бўлди. Тубсиз  
самода яна юлдузлар чамани барқ уриб очилди.

Араруд беихтиёр: «Ашпаратлар ишлайпти!» — деб қичқириб юборди. Ҳамманинг юзида илиқ табассум пайдо бўлди.

— Тезлик камаймоқда, дўстлар! Фазоғирлар ҳар қалай дордан қутулган маҳбусдай ўзларини енгил ҳис қила бошладилар. Бу шундай ҳаяжонланарли хуржандлик эдики, сўз билан ифода қилиб бўлмасди.

— Кемани ичкари-танқари томонларини яхшилаб кузатишлар, — деди Бахтиёр Эркин билан Баҳромга, ўзи Камол билан телекузатув камераси ховасига ўтар экан, Араруд: — Экранга қаранглар, — деб хитоб қилди. Улар экранда гардиши қизғин-қўнғир ёрув сайёрани кўришди.

— Ажабо! Она еримизга нақадар ўхшаш! — деди Камол.

— Ҳудда ҳам ўхшаш, — унинг сўзини давом эттирди Араруд. — Сайёрада яхши шароит бўлса, қўнамиз-да, бирон йил дам олиб қайтамиз. Қаранг, «Нур кема»миз ақлли чиқиб қолди. Космотининг сўлим жойларини ўзи қидириб тошиб олаверади. — У мийғида кулиб деди: — Фақат жиювини қўйсанг, бас!

— Жиювини қўйсанг ўргатилмаган отдай дуч келган томонга олиб қочади. Эҳ, асов кема... — деб кулди-да, Бахтиёр ҳаммани яна ҳушёрликка чақирди:

— Ҳамма ўз вазифасини аввалгидай давом эттиринг. Кема ашпаратларини қайтадан сиңчиклаб текшириш керак. Ер билан алоқа боқланг зудлик билан, Баҳром, — деди-ю, ўзи Араруд билан сайёрани кузатишни давом эттирди:

— Биз қандайдир осмон жисмларидан бирининг гравитация майдонини ҳам, юлдузлараро катта туманликни ҳам кесиб ўтдик, шекилли. Энди ундан озод бўлдик, ҳар қалай омадимиз бор экан.

Сайёра аста-секин катталаниб, телеэкранини бутунлай қоплаб олди.

— Шлюз камераларни яхшилаб текширинглар, — деди Бахтиёр унга тикилиб турган Чўлпонга. — Бошқа томонлар яхшими?

— Яхши.

— Кема сайёра атрофини йўлдош ҳисобида айланиб туради. Араруд эса сайёранинг шароитлари билан танишиб, ўрганиб қайтади. Сўнгра қайси координатга қўнишимиз маълум бўлади.

Араруд хиёл ўтмай сирли сайёра томон учиб кетди. Бир оз вақт ўтгач, кемада Араруднинг овози жаранглаб кетди. — Кўллар, ўрмонлар, тоғлар кўринаяпти, — унинг ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. — Она еримизга нақадар ўхшаш!

У сайёранинг гўзал ва нурафшонлигини тинмай тақрорларди. Самолёт-ракетани бир очиқ майдонга қўндириб, «Нур кема»ни ҳам тақлиф этди.

Фазогирлар кемадан чиқиб, атрофни қузатишаркан, сайёранинг тенгсиз гўзал баҳордек кўркемлигига лолу ҳайрон қолдилар ва маҳсуе машинага ўтиришиб саёҳатга чиқинди.

.....

Қани бунда нима сир,  
Дебон етти баҳодир.  
Атрофга кўз солдилар,  
Ҳайрону лол қолдилар.  
Атроф бир баҳор эди,  
Ҳаво бегубор эрди.  
Араруд деди кулиб:  
— Дўстлар, тушманг ҳайратга.  
Балки тўфонда ўлиб,  
Кириб қолдик жаннатга,  
Ана ҳовузи Кавсар.

.....

Жаннат гуллари ана.  
Бизлар ўлган одамлар,  
Ўлган ўлмайди яна.  
Баҳодирлар кулишар.  
Очилган ҳар хил гуллар,  
Оқ, сариқ, қизил гуллар.  
Ранглари кўз олади,  
Ҳам нурли товланади.  
Гуллари катта-катта,  
Кўрган киши ҳайратда.  
Ёқасин тутиб қолур,  
Ғаму андуҳ йўқолур.  
Дарахтзор-боғлари бор,  
Чашма-булоқлари бор.  
Баҳодирлар қувонар,  
Турли-туман мевалар  
Дарахтларда пишгандай,  
Ва пишиб етишгандай.  
Биттасида ҳандалак,  
Олмага ўхшар андак.  
Тарам-тарам бўлибти,



Гүё болга тўнбти.  
Бари мўъжиза, қаранг,  
Бир дарахтда тилла ранг  
Бодринлар осилган,  
Худди атайлаб илган.  
Тарвил қовун сингари  
Бир дарахт мевалари.  
Мисли чўёдай ёнади,  
Оқ-қизил товланади.  
Муаттар, яшил, кўркам  
Дарахт янроқлари ҳам.  
Сувлари куйлаб оқар,  
Куйлаши дилга ёқар.  
Тенгеиз чамап бўйлари,  
Тўймайсан боққан сари.  
Дарахтлар ўсар тўн-тўн,  
Уларнинг хиллари кўн.  
Бири гулга ўралган,  
Бири хўб пишиб қолган.  
Барглари хурмоёсимон,  
Арчасимонлари бор.  
Баҳорми, кузми бу он,  
Билиб бўлмайди зинҳор.  
Бир томон яшил ўрмон,  
Ва қушлари ғазалхон.  
Ёқимли куйланади,  
Ҳам учиб ўйнашади.  
Куйлари дилни тортар,  
Кўрганда ҳавас ортар.  
Кини ақлини олар,  
Товус каби товланар.  
Машинада шоввозлар,  
Бирма-бир кўриб борар  
Не-не мўъжизаларини.  
Бундай қизиқ сафарини  
Ҳеч кимса қилган эмас,  
Бу ерни билган эмас.

.....

Кенг ўрмон орқасида,  
Ойнақўл ёқасида.  
Балаид уйлар кўринди,  
Ярақларди офтобда.

Фазонома китобда  
Ёзилмаган бу сирлар.  
Бу каби гўзал ерлар  
Қонютда борлигин,  
Унга ҳаёт ёрлигин  
Ҳеч кини билмас эди,  
Бу ерга келмас эди.  
Баланд-баланд иморат,  
Беэга бўлмас, албат.  
Бунда жонзот бўлади,  
Одамийзот бўлади.  
Айлаб сайру саёҳат,  
Ҳар дамда бир аломат,  
Ҳодисага дуч келур,  
Ҳаёт отида елур.  
Не ҳодиса: ўнгини, туш,  
Ҳайратидан учар қуш.  
Атроф гўзал нақадар,  
Мисли жаннатга ўхшар.  
Боқиб боғларга шу ои  
Шоввозлар яна ҳайрон,  
Дол бўлишиб қолинди,  
Қўрқиб назар солинди.  
Гулзор оралаб хушёр  
Одамлар юрар эрди.  
Елкада қаноти бор,  
Ҳам учиб-қўнар эрди.  
Одамлар билан қувиноқ,  
Нахта мисоли ошноқ  
Нималардир юрарди,  
Эркаланиб турарди.  
Во ажаб, қушлари ҳам,  
Бўлиб уларга ҳамдам,  
Айланиб ўйнаб қолар,  
Ва қувиноқ кўйлаб қолар.  
Сайёра одамлари  
Юриб машина сари,  
Яқинроқ келиб шу ои,  
Мулоийим ва меҳрибон  
Боқиб имо қилдилар,  
Ҳам илтижо қилдилар.  
Дегандай хуш келинлар,  
Ва марҳамат қилинлар  
Бизнинг гўзал маконга,

Бўлсини шараф ишонга!  
Ёқимли илтифоти,  
Елкасида қаноти,  
Бирам ярашар эди,  
Қулиб қарашар эди.  
Кўринишдан оққўнги,  
Қомаглари тик эрди.  
Юзлари оқниб-қизил,  
Ҳаммаси тетик эрди.  
Хушбичим, гўзал бари,  
Ким ёшу ва ким қари,  
Билиб бўлмасди зинҳор,  
Ҳаммаси бирдек хушёр.  
Гўё терилаган бари,  
Чиройли кийимлари.  
Илиқ таклифдан кейин,  
Шоввозлар аста-секин  
Машинадан тундилар,  
Бош силкиб кўриндилар.  
Улар ортидан шу он  
Юрдилар ўрмон томон.  
Етиб бориб бирнасада,  
Бир гўмбазни кўрдилар.  
Ишора билан аста  
Ичкарига кирдилар.  
Бир хонада, ҳа, шамол,  
Қўюндек айланарди.  
Бошқасида ўзга ҳол,  
Қизил чироқ ёнарди.  
Яна бирда улар  
Ечиниб чўмилидилар.  
Гўё ер микробидан  
Энди халос бўлдилар.  
У хонадан чиқибоқ  
Бошқасига кирдилар.  
Уларни бондан-оёқ  
Ихчам кийинтирдилар.  
Сўнгра қилиниб имо  
Бирга олиб кетинди.  
Охири эртақнамо  
Қошонага етинди.  
Атрофи жаннатминос,  
Ҳар хил гуллар очилган.  
Фавворалардан зилол

Сувлар ҳарён сочилган.  
 Хайвонлар қўрқмай асло,  
 Уйнаб эркин юрарди.  
 Айлаб қушлар маҳлиё,  
 Қўшиқ куйлаб турарди.  
 Бу муқаддас котиона,  
 Эди тенгсиз ягона.  
 Булутдан ҳам ошарди,  
 Осмонга туташарди.  
 Нурли, бегубор эди,  
 Айвонлари бор эди.  
 Ҳар уйнинг ҳар айвони  
 Эди учин майдони.  
 Учиб қолшар шу он  
 Улар несагаи томон.  
 Ҳаммаси эди тундай,  
 Одамлар худди қундай  
 Учарди енгил, осон,  
 Уларнинг йўли осмон.  
 Губор йўқдир ҳавода,  
 Дзар илиқ шаббода.  
 Ерлари гулзор бари,  
 Қўркам баҳор сингари.  
 Порлаб сахий қўшни,  
 Қўринмас девор тоши,  
 Панжарадан йўқ иншон,  
 Очиқ, гўзал ҳар томон.  
 Қўзларинг боқиб толмас,  
 Жаннат ҳам тенглашолмас  
 Бу гулзор гулистонга,  
 Шону шараф инсонга.

Сайёра одамлари фазогирларни яққираган бир хонага таклиф қилишди. Уларин гапиртиришиб, ҳарфларини қандай товушларда ифода этишларини бир печа бор такрорлаб кўришди-да, не ажаб, бир оз вақт ўтмай фазогирларнинг тилида бемаълум гаплашадиган бўлишди.

— Ақлигизга минг тасанно! — деди Араруд кулиб.

Улар ҳам меҳрибонлик билан поэтик табассум қилишди. Бошқа хонада турли-туман нозу неъмат, ширин-шарбатлар билан меҳмон қилишди. Гўзал сайёра одамларидан бири фазогирларнинг қасрдан келганликларини суриштирди:

— Биз Ер деган сайёрадан, — деди Бахтиёр.

— Бир печа йиллардан бери тубеиз само бағрида учиб юриб сизга меҳмон бўлдик. Ер қуёни номли юлдуз сайёрасидур. У жуда оқсизда. Унда яна саккиз сайёра ва минглаб астероидлар мавжуд.

Ҳўзал сайёра одами ҳадиқни тушунгандай: — Қўрқманглар, ҳаммаси жойида бўлади, сизнинг сайёрангизга ҳам меҳмон бўлиб борамиз. Билишимизча, сизларда техника тараққиёти анча орқада. Кемангизнинг оддийлиги бизнинг қадимий тарихимизни эслатади. Одамлар қайси сайёрада бўлмагани, оддий нарсалардан аста-секин мураккаб тараққиётга эга бўлинадилар. Одам ҳам меҳнат боласидур. Меҳнат эа камолот бечинги:

Аввало, бу одами  
Ақлу меҳнат яратган.  
Меҳнат-ла у олами  
Сўнг измига қаратган.  
Мукамал бўлиш учун  
Минглаб йил керак бўлган.  
Баркамольлик туну кун  
Энг эзгу тилак бўлган.  
Ишлаган ул бетиним  
Хатарда қолганда ҳам,  
Бу олам бўлиб золим,  
Минг кулфат солганда ҳам.  
Ортга қайтмаган асло,  
Келса ҳам бошга бало.  
Доймо ола юрган,  
Ташвиш тортган, югурган.  
Бу кушларга етгунча,  
Ериш жаннат этгунча,  
Не-не ишлар бўлмади,  
Лекин тилак ўлмади.  
Биргаланиб ишладик,  
Меҳнатни оқиниладик.  
Наму урфонга ёлғиз  
Сажада қилдик чўкиб тиз.  
Минглаб китоб ўқидик,  
Афеоналар тўқидик.  
Биз ҳам минг йиллар аввал  
Эмас эдик мукамал.

.....

Қани, тарихимизни  
Кўрсатайлик сизларга.  
Сўнгра сўйлаб берасиз  
Ўтмишингиз бизларга.  
Аста киришлар, деди,  
Ҳаммангиз бу хонага.  
Хона ҳам ўхшар эди  
Қадимий афсонага.  
У қорайиб бирпасда,  
Яна ёришиб кетди.  
Шоввозлар ўзин аста  
Тун кўргандай ҳис этди.  
Гўё бир улкан шаҳар  
Кўчасида юрганмин.  
Ғала-ғовур одамлар  
Тўиланишиб турганмин.  
Бир-бирига тутанган,  
Балаюду наст уйлармин.  
Кимдир хуноби ошган,  
Қаттиқ-қаттиқ сўйлармин.  
Уйлардан кўкка ўрлаб  
Тутун чиқиб турганмин,  
Кўчаларда визиллаб  
Нималардир юрганмин.  
Шоввозлар кўз олдидан  
Воқсалар ўтаркан,  
Сайёра одамлари  
Кўп йиллар ўтган сари  
Нималарни билгани,  
Не ишларни қилгани,  
Намоён бўлмиш бари,  
Худди кино сингари.  
Тоқларнинг бағрин ёриб,  
Даштларга сув чиқариб,  
Боғу бўстон этгани,  
Ҳам гулистон этгани.  
Осмон билан баробар  
Қурилган зўр бинолар.  
Намоён бўлмиш бари,  
Худди кино сингари.  
Кема ясаб улар ҳам  
Юлдузларга учгани,  
Қанот боқлаб хотиржам  
Булутларни қучгани,

Бошқа сайёраларга  
 Цурдай учиб етгани,  
 Ва ўз сайёрасини  
 Жаннатмақон этгани,  
 Сайёра табиатини  
 Қўлларига олгани,  
 Булутларни ҳам ескин  
 Ўз измига солгани,  
 Намоён бўлиши бари,  
 Худди кино сингари.  
 Сайёра одамлари  
 Табиати сингари  
 Чиройли бўлганлари,  
 Иқболи кулганлари  
 Ақлу заковатда ҳам,  
 Меҳру муҳаббатда ҳам.  
 Намоён бўлар бари,  
 Худди кино сингари.

.....

Фаройиб сайёра одамлари фазогирларнинг номларини бир-ма-бир билиб олдингандан сўнг ўзларини таништиришни лозим кўрдилар, шекилли, четроқдаги қиз яқинроқ келиб: — Менинг исмим Дилиана, — деди. У нақадар хушқомат ва гўзал эди. — Математика билан шуғулланаман. Танишинг, бу одам — тарихчи олим дилкаш Клифати. У шўхчан кўзларини ўйнатиб, имоиншора билан таништиришни давом эттирарди.

Бу одам эса астроном олим Нигнансе, ўзлари юлдузларнинг сир-асроридан воқифдорлар.

— Бушисен сеҳрли шифокоримиз Русалима, мана бу қизимиз табиятшўнос Ниру, бу одам фазогир ва астроном олимларимиздан бири Каминансе. Дилиана жарангдор ёқимли овози билан бошқаларни ҳам номма-ном таништириб чиқди-да, чеҳраси яна ёришиб ганида давом этди.

— Сайёрамининг исми гўзал Арукас, у Назианро юлдузлар туркумидаги меҳрибон Анри атрофида айланади, — деди юзидан ошпоқ нур ёғилиб турган қўшини кўрсатиб.

Ҳа... Арукада ҳамма нарса ажойиб ва фаройиб, ақл бовар қилмайдиган мўъжизалар, ҳодисалар эртақдагидай сирли, ҳам дилбар эди.

Кунчиқар томонда — осмону фалакда бир нарса ярқираб турибди.

Дилиананинг айтинича, у ойна тош бўлиб, қўён нурини тўнлаб, сайёрани керакли жойларга узатар экан. Булутларни ҳам ўша ойна тош орқали идора қилишаркан. Во ажабо?!

Аста-аста кун ўтиб,  
Кун кетидан тун ўтиб,  
Ниру билан ҳаммага,  
Ўзал Дилианага  
Улар ёқиб қолдилар,  
Ва кўникиб қолдилар.  
Саёҳатга шайланиб,  
Арукаси айланиб  
Ўйнаб-кулиб юрдилар,  
Кўп ерларни кўрдилар.  
Улар ҳам қанот боғлаб,  
Шод бўлиб, думоғ чоғлаб,  
Не ни бўлса кўндилар,  
Ҳам учиб, ҳам қўндилар.  
Кўркам, яшил ўрмонлар,  
Тенги йўқ гулистонлар,  
Кўм-кўк майса ўтлоқлар,  
Қанча зилол булоқлар  
Ҳайратга солиб борар,  
Фикри чувалаб борар.  
Боғларга кирсанг агар,  
Медалар ширин-шакар,  
Тарам-тарам пишибди,  
Бол каби етишибди.  
Раиғлари кўз олади,  
Ҳам нурли товланади.  
Ҳар нарса ўзал бунда,  
Кўшиқ, куй-ғазал бунда.  
Турли сайроқи қушлар  
Сайрашиб кўнгул хушлар.  
Аҳён-аҳёнда бир-бир  
Шивалаб қолар ёмғир.  
Ва гуллар баргин ювар,  
Кўкда қуён ҳам кулар.  
Офтоб нуридан шу он  
Олам бўлур чароғон.  
Оқ кўллар ёқасида  
Кўринар кошоналар,  
Ҳам кўркам фавворалар.  
Атрофида олиб дам  
Юришар қанча одам.  
Қизиқ урфу одатлар,  
Ме-не ажойиботлар.  
Кўриб, кулиб учаркан,



Завққа тўлиб учаркан.  
— Не учун қушдек сингил  
Учиб борамиз, сингил, —  
Доб Араруд шу замон,  
Ул гўзал, қони камон  
Дилбар қиздан сўрайди,  
Фикрини нурга ўрайди.  
У дер: — Олим учинини,  
Юлдузларини қучинини,  
Қадимдан орау қилган,  
Орау сари нигилган.  
Бундан уч юз йил аввал  
Бу муаммо бўлди ҳал.  
Арукас олимлари,  
Бош қўшиб ёшу қари,  
Ақл нурин таратди,  
Ҳам қулайлик яратди.  
Шундан сўнг одамийзод  
Қушдек учиб бўлди шод.  
Меҳр тўла кўзида,  
Дилванга куларди.  
Араруд йўқ ўзида,  
Ғаши ғашга уларди.  
Ўти бор юрагида,  
Одамлари шўх экан.  
Аммо чинор тагида  
Чойхонаси йўқ экан.  
— Чойхона бу нимадур?  
Қулар етти баҳодир.  
Араруд тушунтирар,  
Ва яна савол берар.  
— Тўтуенез ва муҳтанам  
Завод-фабрикалар ҳам?!  
— Барча корхона фақат  
Қуёндан олтур қувват.  
Ишлар роботлар унда,  
Тинименз ҳатто тунда.  
Элга кўн дастёр улар,  
Ақлли, ҳушёр улар.  
Тунларнинг равшанлиги,  
Нурли-нуралфонлиги  
Кўкдаги ойна тондан,  
Ўша сунъий қуёндан.  
Арукас олимлари

Икки юз йил илгари,  
 Уни фазода қурган,  
 Қўён акени туширган,  
 Шундан бир хил ҳарорат,  
 Шундан ҳузур-ҳаловат,  
 Гулзор-гулистон шундан,  
 Ва боғу бўстон шундан, —  
 Деди чиройли қулиб,  
 Завқ ила шавққа тўлиб  
 Дилназа гўзал қиз,  
 Сўзи ширин асал қиз.

Фазогирлар қисқа муддат ичида «Гўзал Арукас» шаронтига мосланиб олинди. Улар Дилназа раҳбарлигида сайёранинг энг сўлим ва тарихий жойларига қизиқарли саёҳатлар уюштиришар, Арукас одамларининг янаш шаронтлари билан янада чуқурроқ танишар, музика тингланар, қўшиқлар айтишар ва уларнинг ёқимли сўзларини ўрганшида ўзларининг бетақрор вақтларини ўтказардилар.

Қуллар бир-биридан мазмули ҳамда қизиқарли эди. Фазогирлар баъзан ўзларининг гўзал Арукас одамларидек енгил ва чаққон ҳаракат қилолмастлигидан хижолат бўлардилар. Улар ҳар томонлама мукамал ва ақлли эдилар.

Саёҳатда тарихий обидалар тўғрисида дилкан Клифати дона-дона қилиб сўзлаб, тушуштириб беради, унинг сўзлари ҳаминча майин ҳам ёқимли эди.

Қуллардан бир қул «Қуллар боғи»да «осмон одамлари»дан ўз сайёралари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилинди.

— Мана, тилингизни бўлса яхши ўзлангитириб олдик. Энди ўз Она ерингиз, яъни сайёрангиз ҳақида бафуржа сўйлаб берсангиз бўлади. Хоҳласангиз бизнинг тилда, — деди Бахтиёрга қараб дилкан Клифати.

Ҳамма «қани, эшитайлик-чи» дегандай Бахтиёрга қаради. Бахтиёр енгил хўрсиниб, майин дегандай бон сизди. Сўнг-ра аста-секин ҳикоя қила кетди.

— Бизнинг сайёрамиз ҳам сизнинг «Гўзал Арукас»дай сўлим. Менимча, катталиги ҳам бир-бирига яқин. Лекин, бизда қуруқликдан сув кўп. Океанлар, денгизлар, қўллар ва шўхоят дарёлар ҳам. Бунинг сабаби еримиз ўз тараққиёт даврида Центавр ва Чаён юлдузлар туркуми оралиғидаги жуда катта туманлиқни кўп мароғалаб кесиб ўтгани ҳамда Зухро билан Ер орасидаги Ой сайёраси айрим астрономик сабабларга кўра ерга яқинланиб, еримизнинг абадий ажралмас йўлдошига айланиб қолгани, ундаги газ ва сувларнинг газ ҳолатида ерга кўчинидан иборат бўлса керак.

Бахтиёрнинг сермулоҳаза сўзлари ҳамманинг диққат-эътиборини тортганди. У ёниб сўзларди:

Бизнинг гўзал Она ер,  
Қуёнга парвона ер  
Айланади тинмайин,  
Асло тиним билмайин.  
Қуёш нури таралган,  
Борлиқ ундан яралган.  
Яралган наррандалар,  
Ҳам ваҳший даррандалар,  
Сирли сокин ўрмонлар,  
Ўрмонда турли жонлар.  
Қуранлар аро бардам  
Яралган азиз одам.  
Гоҳо тўқу, оч юрган,  
Гоҳо ялағоч юрган.  
Бир-бирини қул қилган,  
Жафолар бағрин тилган.  
Неча кўтариб исён,  
Оқизган бағридан қон.  
Бири бировин отган,  
Шу таҳлит минглаб йиллар  
Таскин тонмай кўнгиллар,  
Тўнолон бўлиб ётган.  
Неча юз йиллар бурун  
Янги замона учун  
Бутун эл исён қилди,  
Байровин алвон қилди.  
Улар қайнаб-тошдилар,  
Мардона курандилар.  
Бир байроққа бирлашиб,  
Сирдон бўлиб сирлашиб,  
Яшадик қолоқ бўлиб,  
Баъзан қора, оқ бўлиб.  
Бахту иқбол кулмади,  
Лекин умид ўлмади.  
Бизнинг Она еримиз,  
Ва дурдона еримиз  
Сўлим жойларга бойдир,  
Унинг кўзгуен ойдир.  
Мевазор, гул, боғлари,  
Осмоиўнар тоғлари,  
Чанма-булоқлари бор,

Чапан, ўтлоқлари бор.  
 Қирин безар доқалар.  
 Қуйлаган шалоқалар.  
 Ранг-барангдир гуллари,  
 Сайроқчи булбуллари  
 Дилга ором бағишлар,  
 Ўзалликни оқинлар.  
 Саҳролари ловуллар,  
 Деңгизлари шовуллар.  
 Айтгандай, бизлар ҳали  
 Ерни жаннат этгали  
 Қўй ишлар қилолмадик,  
 Қўй нарса билмадик.  
 Бўлмаган гулзор ҳали  
 Чўлу даштлар бор ҳали.  
 Қўл тегмаган жойлар бор,  
 Бенаф оққан сойлар бор.  
 Деңгиз суви ва ҳаво  
 Эмас ҳали мусаффо.  
 Арукасга етгали,  
 Ерни жаннат этгали  
 Қўй нарса билмоқ керак,  
 Билиб иттилоқ керак.

→ Ҳа, айтгандай сизлар бу ерда қўй нарса ўрганиб, ўз сайёрангизда жорий қиласиз. Шунда у ҳам ривожланган буюк ҳаёт масканига айланади, — деди Бахтиёрни юнатгандай дилкан Клифати ва Эври ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Қуллар ўтди, «меҳмонлар» дам олинганларидан сўнг сайёранинг яқин-йироқ жойларига саёҳат қила боладилар. Улар бош марказ бошқарув нуқталарини, ақли баркамол роботлар, бошқа ажойиб ва гаройиб нарсалар билан танинар, Арукас одамлари, самимиятда бетакрор бўлиб, сўраган нарсаларни ениқидидан тушунтириб берадилар. Айниқса, Эври ҳақидаги ҳикоя шоввоҳлар диққатини ўзига тортарди.

Эври буюк олим бўлиб, оламда биринчи бор ўз сайёрасини — «БАХТ» лойиҳасини яратди. У томондан тузилган сайёранинг экологик ҳолатини яхшилаш тадбирлари қўл келди. Ҳаво ҳар хил газлардан тозаланди. Эври умрининг охиригача Арукасдаги олий илмий марказга бошчилик қилди. Қисқаси, халқи учун жуда катта хизмат қилиб, ҳамманинг меҳрига сазовор бўлади. Эврининг таваллудига яқинда 400 йил тўлади.

Арукасининг иқлими бир хил бўлиб туриши, об-ҳавони бошқарини маркази борлиги, марказдан керакли иссиқлик бе-

риб турилиши ва хоҳлаган вақтда ёмбир ёдирилиши мумкин эканлиги фазогирларни жуда-жуذا қизиқтирди. Арукасниклар яқин сайёралар билан ҳам алоқада бўлишиб, бориб-келиб туришар, бир-бировга қўздан келганча ёрдам беришарди. Учин майдонларидаги барча қўлайликлар ақл бовар қилмас даражада бўлиб, қандайдир вайритабий нарсалар билан қориниб кетганди.

Чақмоқдай нурли ракеталар ва баъзи бир машиналар, ҳатто Арукасининг дилкан одамлари ҳам бекинмачоқ ўйнагандай кўзга бир кўришиб ва яна бирдан кўринмай қолардилар.

Улар катта илмга эга бўлишлари билан бирга ўзларини идора қилишдек ноёб ва мураккаб вазифани уйдalasган. Айтишларига қараганда, жиемларнинг радиуси уларнинг гравитацион радиусига тенг бўлганда таниқи муҳитдан келаётган тўлиқларни ютиб, қайтармаслиги натижасида одам ва нарса-лар кўзга кўринмай қоларкан. Бунга эришини учун одам жуда-жуذا ривожланган бўлмоғи керак:

Бу шаҳару, бу қишлоқ,  
Демас эканлар мутлоқ.  
Ҳаммаёқ боғу бўстон,  
Йрқираб турар осмон.  
Ҳар кошона, иморат  
Гўё нурдан иборат.  
Товланади ярақлаб,  
Ёғду сочиб чарақлаб.  
Таърифига тил оқиз,  
Бахмал шаббода физ-физ  
Зер дилларни хушлаб,  
Кўрганлар ёқа ушлаб  
Ҳайратдан лол қолади,  
Ўйлай-ўйлай толади.  
Бунда йўқ алам, қайғу,  
Инсоний қаромат бу.

Агаруд бир вақтлар ўқиган бир илмий китобни эслади. Унда шундай сўзлар бор эди.

«Ер даҳшатли ҳалокатга учрамасдан олдин ўта ривожланган одамлар инсон онгига эквивалент бўлган микроқурилмалар ясанган. Ернинг ҳалокати биообъектларни, шу жумладан, олий одамларни ҳам йўқ қилган, ammo микроқурилмаларга ҳалокат ўз таъсирини кўрсата олмаган. Микроқурилмалар ахборотларни йилишида давом этаверган. Биз ерликлар истиқомат қилаётган даврда полтергейст ҳодисаси мавжуд экан. Демак, кoinотда ҳам, бизнинг сайёрамызда ҳам фақат

тараққийети ўта ривожланган одамларгина бўлмай, балки программаантирилган микромашинавий қуввати ҳам мавжуддир. Микромашинавий механизм ўта катта тезлик билан ҳаракат қилади. Шу боис улар юлдузлараро алоқаларни ҳам ўриятган бўлиши мумкин».

Фазогирлар Арукас сайёрасида анча йил туриб қолинди. Атроф-муҳит ва ҳамма нарса қизиқарли бўлганлиги учун вақт ўтиши аввалига унчалик сезилмади, сўнгги кезларда эса Она ер тез-тез ёдга тушиб, соғинч ҳисси тобора юракларни ўртади.

Индлар ўтиб, Араруд ва Дилиананинг ўртасида пайдо бўлган муҳаббат кучая борди. Улар бир-бировига қаттиқ суяниб қолдилар. Фазогирлар уларни «самовий ошиқлар» деб аташар, гап орасида гоҳо-гоҳо ҳазиллашиб қўйишарди. Муҳаббат бир муқаддас туйғу бўлиб, унинг нималарга қодир эканлигини домига тушган одамгина билади ва у ҳақда тўлиб-тўлиб қуйлайди:

Оҳ, муҳаббат, муҳаббат,  
Сен кирмаган дил борму.  
Изтиробинг шеър қилиб,  
Қуйламаган тил борму.  
Одамийзод бор экан,  
Муҳаббатга ёр экан.  
У билан ҳар бир одам  
Танларкан дадил қадам.  
Тоғу тошдан ошаркан,  
Ҳам қуёшдан ошаркан.  
Нурга ўраб хаёлин,  
Нокиза туйғу билан.  
Ҳаттоки коншотни  
Айланаркан у билан.  
Ҳаётнинг гул-юласи,  
Қувонч, қайғу, ноласи  
Муҳаббат эрур ёлғиз,  
Уни билмас йигит-қиз  
Бу оламда тошылмас.  
Кимни-ки севгани бор,  
Ўна севинч билан маст,  
Бўлмиш элда бахтиёр.  
Муҳаббатнинг ўрни бор  
Одамийзод қониди.  
Ва камол тонар такрор  
Юраги тугёнида.

Ваган таъламас экан  
Ҳақиқатда муҳаббат,  
Ундан бир учқун теккан  
Одамлар бахтли фақат.  
Араруд севиб қолди,  
Овир хаёлга толди.  
Диллиана гўзал қиз,  
Юрагига ўт солди.  
Қўрмай қолган кунлари  
Йўлларига кўз тикди.  
Ишқин изҳор қилолмай,  
Тўшларида эгитиди.

.....

Саҳар, Бинафина ҳаво,  
Юлдузлар тўла осмон.  
Осмонга кўчган гўё  
Арукадан гулистон.  
Ойдек ярқираб турар  
Яқин-йироқ юлдузлар.  
Нур ёдириб тоқланар  
Минглаб у уйғоқ кўзлар.  
Арукае туни кўркем  
Ҳар хил юлдузлар билан.  
Унча узоқ эмасдек  
Юлдузлар бир-биридан.  
Катта-кичик юлдузлар  
Таърифига тил ожиз.  
Сеҳрлаб олғайдир улар  
Бир оз қараб турсангиз.  
Араруд сирли минглаб  
Юлдузларга боқадн.  
Роҳатбахш бир изтироби  
Юрагини ёқади.  
Юрагига ўт солган  
Диллиана гўзал қиз  
Хаёлида жонланар,  
Вужуди оловланар.  
Сўзлашганда у билан,  
У барно оҳу билан  
Бирга бўламизми дер,  
Бирдан қуйиб келар тер.  
Ва ўйлар бу қандай сир.

Мажнунни қилган асир.  
Ишққа мен ҳам дучорман,  
Ҳардам васлига зорман.  
Оҳ, энди нима қилсам,  
Араруд кўкрак керар,  
Дўстларга буйруқ берар:  
Сигналар беринг тез-тез.  
Сутдай бўлиб тонг отди.  
Баҳри дилини очибон  
Тонг шамоли елади.  
Юринг деб ҳали-замон  
Дилиана келади.  
Уни севиб қолганини  
Айтсаммикан ўзига.  
Нима бўлади кейин  
Ишонмаса сўзига.  
Чувалар хаёл яна,  
Айтиб нима қилади.  
Дово у Дилана,  
Бир боқинда билади.  
Йўқ демаса у оҳу,  
Ер сари олиб кетса.  
Нима деган одам у,  
Бу ерда қолиб кетса.

.....

Араруд севгисини  
Дилиана биларди.  
Ўзи ҳам ёниб уни  
Жон-дилидан севарди.  
Ўзидан сўз очар деб,  
Индамай юрар эди.  
Бир кун дилини сочар деб, \*  
Юз хаёл сурар эди.  
Кўринмай қолган кунни  
Ниру бориб қайтади.  
Нима ишда юрганни  
Унга бир-бир айтади.  
Не қилсин у бечора,  
Ўз ёнига қовриллар,  
Кўлга олиб у зимдан  
Сувратига термулар.  
Кўлар икки дутона,



Инграб кетади осмон.  
Бир кулги аро яна  
Жаранглар подлиги ҳам.  
Икки сайёранинг бу  
Икки эрка фарзанди  
Қизиқ бўлиб қолишса  
Севги асири, банди.  
Арукада севгани  
Яшанга қолмасмикан.  
Кетиб қолса, бу жони  
Фироқда ёнамасмикан.  
У шундай ўйлаб қолар,  
Минг бир хаёлга борар.

.....

Араруд севгисини  
Фазогирлар биларди.  
Аччиқ ҳазиллар билан  
Юрагини тиларди.  
Бизлар кетсак, хотиржам,  
Бирга турмуш қурасиз.  
Меҳмон бўлиб ерга ҳам,  
Бориб-келиб турасиз.  
Араруд дейди бирдан:  
— Дўстлар, ҳазил етади,  
Дилиана мен билан  
Она ерга кетади.

.....

Қасрга етти шовиоз  
Бораркан айлаб эъзоз,  
Қутиб олинлар доим  
Меҳрибон ва мулоийим.  
Номларини билинлар,  
Илтифотлар қилинлар.  
Бўлиб уларга ҳамдам  
Гўзал Дилиана ҳам,  
Ниру, ён Руссалима,  
Нигиунсе ва Лима,  
Дилкан Клифати ҳам,  
Яна бир неча одам.  
Бахт тоғига келинди,

Уларни шодибна  
Ҳамма кутиб олишди.  
Бахт тоғининг бошида,  
Тик қоя ёнбошида,  
Оқ мрамардан иборат,  
Қурилмиш бир иморат.  
Юзлаб одамлар унда,  
Ишларкан куну тун-да.  
Яқин юлдузлар аро  
Алюқада бўларкан,  
Шур орқали доимо  
Сухбатланиб тураркан  
У ердаги ҳаётдан,  
Ҳам қизиқ кашфиётдан.  
Самимийдур сўзлари,  
Самовий дўстлар бари  
Бир-бирин қўллар экан,  
Саломлар йўллар экан.  
Керак бўлса шу замон,  
Учаркан улар томон,  
Самовий қўшнилари ҳам  
Ҳурмат эгинар экан.  
Ҳар хил иш билан ҳардам  
Келиб-кетишар экан.

.....

Айлланиб бахт тоғини  
Ҳамда ижод боғини,  
Гулларидан тердилар,  
Улар айтиб бердилар  
Борлигини қандай сир,  
Ҳаммасини бирма-бир.  
— Дўстлар, бир илтимос бор, —  
Деди ўйчан Бахтиёр. —  
Ерга ахборот бериб,  
Кўржак уни ахтариб.  
Қаерда у Она ер,  
Қўёшга парвона ер.  
Тубеиз осмонга боқиб,  
Ҳаёл наҳрида оқиб,  
Йўлимизга мунтазир  
Биродарлар бор, ахир.  
Қутади онамиз ҳам,

Гўзал жононамиз ҳам.  
Шундай илтимос қилди,  
Қадди бир оз эгилди.  
Улар ҳам хўн дедилар,  
Юлдузлар кўн дедилар.  
— Биз ахтариб кўрамиз,  
Хабар бериб турамиз.  
Дўстлар, хотиржам бўлинг,  
Олманг хавотир ҳаргиз.  
Сиз қаерга бормангиз,  
Тез фурсатда тонамиз,  
Суюлчи деб чопамиз.  
Қилолсак сизларни шод,  
Бахтиёрмиз умрбод.  
Шоввозлар енгил тортиди,  
Уларга меҳри ортди.  
Беҳад хурсанд эдилар,  
Ва минг раҳмат дедилар.  
Хайр, бўлинглар омон,  
Деб ботирлар шу замон.  
Тушишиб ер тагига,  
Ҳаво машинасига.  
Ўлтиришиб кетдилар,  
Бир манзилга етдилар.  
Кўраки оқ саройлар,  
Болалар учун жойлар  
Жиҳозланиб қурилган,  
Жужуқлар бахти кулган.  
Ундан сал нарироқда,  
Ажойиб ўрмон ёқда  
Олимлар яшар экан,  
Ҳам қайнаб-тошар экан.  
Шу ерда дорилфунун  
Бор экан, ёшлар бутун  
Ўқиб, илм оларкан,  
Ҳам ҳунар ўрганаркан.  
Дорилфунун олдида  
Кўркем бир ҳайкал бор-ди.  
Юзидан нур ёвилиб,  
У тирикдек турарди.  
Дилиана деди: — Бу  
Эври деган бир одам.  
Арукаста бахт берди  
Ақлу ҳикмати билан.

Эллар фаровон бўлди,  
Ҳаёт чаровон бўлди.  
Эл бахтини ўйлади.  
Камолотин сўйлади.  
Шундан элим дилида,  
Қўшиғида, тилида.  
Бор экан олий башар,  
Доимо бирга яшар.  
Гўзал бу Арукада  
Куллар ўтди сезилмай.  
Она ер ёдга тушса,  
Бўларми ҳеч эзилмай.  
Бирининг боши қотди,  
Барида ташвиш ортди.  
Қилишарди нима ҳам,  
Сўнгги дамда хотиржам  
Бўлмай режа туздилар,  
Печа бора буздилар.  
Тубсиз кўкка боқдилар,  
Ва ҳаёлда оқдилар.  
Она ер томонига,  
Ватанига-жонига.  
Тўғри, Арукас гўзал,  
Тенги йўқдир ҳеч маҳал.  
Тонг каби туллари бор,  
Нурафшон куллари бор.  
Беғубор ҳаво, осмон,  
Одамлари меҳрибон.  
На илиғу на совуқ,  
Ҳарён гулшан, гулистон.  
Гулзору қошоқлар,  
Ҳам биллур фавворалар.  
Арукас чиройига,  
Қўёшига, ойига  
Арзигай қилсанг ҳавас,  
Жаннат ҳам тенглашолмас.  
Аммо биздан кўн йироқ,  
Зарра мисоли бироқ,  
Тубсиз қоинот аро  
Бир нуқта порлаб турар.  
У нуқта оҳанрабо  
Мисоли чорлаб турар.  
Уни олишиб бўлмас,  
Минг жаннат бўлганда ҳам.

Унинг меҳри билан маст  
Кетинлар ўлганда ҳам.  
Чунки унда тувилган  
Бизнинг ботир шоввозлар.  
То ҳаёт экан улар,  
Ўша ерни эъвозлар.  
У Ватани — онаси,  
Тенги йўқ кошонаси.  
Дилрабо, дилбар диёр,  
Меҳрибон дурдона ер,  
Кўёнга парвона ер.  
Оқ бўлсин деб йўллари,  
Кузатиб қолган ўша.  
Чексиз қошот сари  
Ўзатиб қолган ўша,  
Ўша қувончу бахти.  
Ўша давлату тахти,  
Бўларми ҳеч унутиб.  
Меҳрин побидоз этиб,  
Йўлларига кўз тутар,  
Кечаю кундуз кутар.  
Деб азиз фарзандларим,  
Наҳлавон дилбандларим,  
Омон бориб қайтингиз,  
Элга дoston айтингиз  
Юлдузлар сирларидан,  
Баланд-паст ерларидан.  
Асл фарзанд онасин,  
Меҳрибон парвонасин  
Унутарму ҳеч қачон?!  
Бўлса агар чин инсон,  
Ёдида сақлар уни,  
Она деб оқлар уни.  
Керак бўлса жонин ҳам,  
Берур унга ўшал дам.  
Уни ҳеч тенги бўлмас,  
У буюк ва муқаддас.  
У шундай азиз диёр,  
Усиз қалбларда баҳор  
Чирой очиб гулламас,  
Кўзга дунё ҳар нафас,  
Зиндондек бўлиб қолар,  
Шаҳду ором йўқолар.  
У ҳаминша танда жон,

Таърифи битмас дoston.  
Унинг губори учун  
Оламни берсанг бутун,  
Тенг эмас, камлик қилар.  
Қадрини билган билар,  
Кўзнинг оқи-ораси,  
Лек яқинмас ораси,  
Бориб бўлмайди енгил.  
Эрга тонгда кетгаймиз,  
Ва учиб бир неча йил  
Она ерга етгаймиз,  
Сўйлар экан Бахтиёр,  
Дарё мисоли тошиб,  
Ўсгандир етти чинор,  
Етмиш метрдан ошиб,  
Деди-ю, кулиб боқди,  
Сўзи ҳаммага ёқди.

.....

Арукада эрталаб  
Майин куй оқар эди.  
Майин оҳанг эркалаб,  
Дилларга ёқар эди.  
Эл ишга отланарди,  
Ҳамда қанотланарди.  
Чехралари ҳар доим  
Меҳрибон ва мулойим.  
Мамнун юрар ҳаммаси,  
Мусофодир ҳавоси.  
Ҳеч қасрда губор йўқ,  
Ғала-ғовур бозор йўқ.  
Мазмули ҳаёт бунда,  
Қайву-алам ёт бунда.  
Одамлар зеҳни ўткир,  
Очилмаган бирор сир  
Қолмагани улардан,  
Узоқроқ эди зардан.  
Ўзим деб яшамасди,  
Кўрганин онамасди.  
Ҳаёт завқини, айтсам,  
Ҳамма бирга суларди.  
Мингга кириб қолса ҳам,  
Тетик-бардам юрарди.

Чехрасидан табассум,  
Асло аримас эрди  
Бу бегубор ўлкада  
Одам қаримас эрди.  
Меҳнат шараф уларга,  
Меҳнатга тоинарди.  
Қўшни сайёраларга  
Бориб-келиб турарди.  
Сўзлари ўткир эди,  
Кўзлари ўткир эди.  
Киши дилидагин ҳам  
Бир боқинда биларди.  
Бир-бировин авайлаб,  
Жуда ҳурмат қиларди.  
Узоқ умр кўришин  
Сабаби бисёр эди.  
Ўқлар ҳам узилмасди,  
Асаблар бузилмасди.  
Парилардан гўзалроқ  
Қизу жувоилар қувноқ.  
Дилларни овлашарди,  
Шоду хуррам яшарди.  
Севгию садоқатда,  
Ҳам инжа назокатда  
Улар тенгсиз эдилар,  
Порлоқ юлдуз эдилар.  
Друкада жуда ҳам  
Кўп эди тўю байрам.  
Эври тувилган куни,  
Йилнинг қутлуғ якуни,  
Янги йил ва янги ой,  
Гулбаҳору, гул чирой,  
Ботирларни хотирлаб,  
«Напсе» гулига атаб,  
«Осмон неъматин» учун  
Друкас эли бутун  
Наъмаларин созлашиб,  
Бир-бирин эъзозлашиб.  
Ҳардам шодлик қилишар,  
Тўю байрам қилишар.  
Ясатилган ҳамма ёқ,  
Ҳамма тетик ва қувноқ.  
Ҳар хил ўйин ўйнашар,  
Дилбар қўшиқ қуйлашар.

Турнадек тизилишиб,  
Осмон узра учинар.  
Ёшлар пойга қилишиб,  
Сувга шўнғиб тушинар.  
Муаллақ турар шарлар  
Осилгандек осмонга.  
Камалакдай товланар  
Ранг узатиб бўстонга.  
Бу ерда тўю байрам  
Қизиқ ўтар чинакам.  
Арукаса кун ўтиб,  
Қанча куну тун ўтиб,  
Юрдилар бир неча йил,  
Лекин кўнгул муттасил  
Қўмсарди Она ерни.  
Ўшал дурдона ерни  
Тулларида кўрарди,  
Бир-биридан сўрарди.  
Бу ерлардан биз қачон,  
Қайтамиз уйга дебон.  
Ўтиб беш ой камиди  
Ва улар ёрдамида  
Бўддилар охир эга  
Мукамал зўр кемага.  
Тайёрланиб учмоққа,  
Кенг фазони қучмоққа,  
Озиқ-овқатлар таниб,  
Кўн билан хайрлашиб  
Кемага келардилар,  
Гўёки елардилар.  
Дили шодликка тўлиб,  
Очилган гулдай бўлиб  
Қайтгумиз деб биз яна,  
Гўзал қиз Дилиана  
Енгил нафас олади,  
Бирга кетиб боради.  
Унинг қариндошлари,  
Дўсту ёронлар бари,  
Узатишга чиқдилар,  
Кузатишга чиқдилар.

.....



Кўкнинг учар отида,  
Шуълалар қанотида  
Она ер фарзандлари  
Юзламинн фазо сари.  
Қалбларида ҳаяжон,  
Беноён сирли осмон  
Сукунат қўйнида жим.  
Янги кема бетиним  
Олга учиб борарди,  
Гўё кўчиб борарди.  
Чиқариб майин ёлқин,  
Учарди гўё чақин.  
Арукас ҳам бу чоқда,  
Қолминн анча узоқда.  
Атрофида юлдузлар,  
Кўздек ярқираб турар.  
Йўлда минг фалокат бор,  
Асрасин ўзи зинҳор.  
Ҳеч рўпара бўлмасин,  
Ҳеч ким бевақт ўлмасин.  
Завол кўрмай бари ҳам,  
Ерига борсин бардам.  
Ғаниматдир ҳар нафас,  
Ҳар қалай осон эмас  
Кониотда учмоқлик,  
Юлдузларни қучмоқлик.  
«Қора говок», метеор,  
Кометаларга дучор  
Бўлмайин ўтмоқ керак,  
Тўғри йўл тутмоқ керак.  
Олдинда мисли тутун,  
Гирдобли туманлик бор.  
Ораси мисоли тун,  
Атрофлари шуъладор.  
Унга ўзин урмасдан,  
Яъни қараб турмасдан,  
Айланиб ўтмоқ лозим,  
Бу қанчаллик қийин иш,  
Керак кўн нарсга билиш.  
Шунинг учун Бахтиёр,  
Қараб харита такрор,  
Бўлмасин деб бирор ҳол,  
Безовтадир, эҳтимол.  
Араруд, Дилиана,

Кемада бирга яна.  
Шодлиги кўкка сиемас,  
Муҳаббат майин-ла маст.  
Чақ-чақ уриб сўйлашар,  
Гоҳо кўшиқ куйлашар.  
Кема-чи қанча йўлли  
Бир зумда босиб ўтар.  
Баҳодирлар ориқиб,  
Она ерини кутар.  
Дилиана доно қиз,  
Араруддан у ҳаргиз  
Кўзин олмай термулар,  
Ширин-ширин ўй сураб.  
Осмон йўли қаттич йўл,  
Дейди доим сергак бўл.  
Ўзингни қўлга олгин,  
Ҳар томонга жар солгин,  
Ва ахтар Она ерин,  
Ўшал дурдона ерин.  
Тезроқ бир жавоб бўлса,  
Бағринг шодликка тўлса.  
Араруд кўкрак кесар,  
Дўстларга буйруқ берар.  
— Сигналар беринг тез-тез,  
Қаёқда экан бу кез  
Ул гўзал нурхонамиз,  
Туғилган ер — онамиз.  
Бизни ёдга оларми,  
Алоқа боғланарми?  
Ишга тушиб шоввозлар  
Қурилмаларни созлар.  
Хабар бериб ҳар томон,  
Жавобин кутиб борар,  
Бўлиб жимлик ҳукмрон,  
Кўнлар ҳам ўтиб борар.  
Шу афозда неча йил,  
Учди улар мутғасил,  
Не ерларда юрмади,  
Не мўъжиза кўрмади.  
Ота-оналарини,  
Қариндошлар барини,  
Билмаслар надур ҳоли.  
Оқарди соч-соқоли.  
Она ердан ахборот

Олоймай тугар тоқат.  
Соғинчи ўртаб борар,  
Бўлмаган бундай сафар  
Бу олам тарихида.  
Йил ҳисобин билюлмас,  
Ўйлаб идрок қилюлмас  
Бизнинг тенгсиз ботирлар,  
Довюррак баҳодирлар.  
Фазо ҳам жонга тегди,  
Аста асаблар толди,  
Ёшлик осмонда қолди.  
Арукас узоқлардан  
Заиф нурини тўкар.  
Гўзал қиз бетобланиб,  
Кемага кашлик чўкар.  
Араруд-да ўртанар  
Оламга дод солгудай.  
Баҳодирлар парвона  
Гўё дардин олгудай.  
Дори татъир этмасди,  
Сира ақл етмасди,  
Нима унинг касали?  
Китобларни ўқишар,  
Билмаскан ҳали баниар  
Қанча-қанча сирларни,  
Қуржа-да қасрларни.  
Бечора фазогирлар  
Нима қиларин билмас.  
Дилиана тузалиб,  
Нечук ўзига келмас.  
Ҳаммасин боши қотди,  
Ва ё бекор қўзғотди  
Элу юртидан уни,  
Балки битгандир кунни.  
Балки шундай ёзилган  
Унинг пешонасига.  
Яна элтиб қўйсани  
Гўзал кошонасига.

.....

Вақт кетидан вақт ўтар,  
Бахтиёр ерни тутар.  
Ёш тирқираб кўзида,

Йўқ эди у ўзида.  
Она ер хабар берар,  
Она тилда гапирар.  
Фазогирлар шодликдан,  
Қутулиб бедодликдан,  
Кўзларига ёш олар,  
Отан меҳр уйғонар,  
Она ер — онасига,  
Ёлғиз дурдонасига.  
Гаплашар такрор-такрор,  
Бўлиб дийдорига зор.  
Яқинда етгумиз деб,  
Эртақдай етгумиз деб.  
Юлдузлар сирларини,  
Кўрганамиз, барини.  
Дейдилар шодлигу вам,  
Доим бир-бирга ҳамдам.  
Шодликнинг баҳоси йўқ,  
Дуённинг вафоси йўқ.  
Минг йил яшаб турсанг ҳам,  
Минг хил олам кўрсанг ҳам,  
Бир бошда бир ўлим бор,  
Қутулмас ҳеч ким зинҳор.  
Аммо олим, қаҳрамон  
Яшайди эл дилида.  
Унутилмас ҳеч қачон,  
Кўшиқ бўлар тилида.  
Абад янграб туради,  
Даври-даврон суради.  
Гўзал қиз Дилиана  
Дарди ортиб ва яна  
Оғирланиб қолади,  
Қатта таъвину солади  
Фазогирлар дилига.  
Дом-мим келмай тилига,  
Не қиларин билолмай,  
Иложини қилолмай  
Арағуд ўртанади,  
Тани ўтдек ёнади.  
Унга таскин беринлар,  
Тузалиб қолар дебон.  
Соғайиндан дарак йўқ,  
Оғирлашар у ҳамон.

.....

Шунчаки эрмак эмас,  
Ўтмишдан эртак эмас,  
Келажак ҳақда ўйлар,  
Дилбар қўшиқ ва куйлар.  
Ҳаммаси ҳам бунда жам,  
Орзу-умидлар барҳам.  
Тонмай яшайди бунда,  
Фикринг қолмас тутунда.  
Инсон меҳрин кўргайсан,  
Илму сеҳрин кўргайсан.  
Кўргайсан нур жилосин,  
Қизларнинг қоши ёсин.  
Ўзгарган табиатни,  
Минг хил нозу-неъматни.

.....

Кечмиш ер узра не ҳол,  
Сўйлаб берай, қулоқ сол.  
Бизнинг шоввоз ботирлар,  
Фазогир баҳодирлар  
Кўкка учгандан буён  
Ўзгариб замон-замон,  
Қанча дарёлар оқди,  
Қуёш жилмайиб боқди.  
Одамлар тенг бўлишиб,  
Куч-райратга тўлишиб,  
Ҳаммаси тотув яшар,  
Бир-бирини қўллашар.  
Инсон қонидан тугал  
Ҳайдалмиш ёмонликлар.  
Арзигаё кўриб бу гал  
Ҳавас қилсангиз агар.  
Қурилмиш биллур уйлар,  
Озода кўча-қўйлар.  
Гулу гулзор этилмиш,  
Ҳар хил мева экилмиш.  
Бўзулиб девор тошлар,  
Бахтиёр қари-ёшлар.  
Яшашар шоду хуррам,  
Боғлари бирам кўркам.  
Жаннат қушлари сайрар,

Кўрганнинг дили айрар.  
Зилосдек сувлар оқар,  
Тунда юлдузлар боқар.  
Кўз узмай қилиб ҳавас,  
Жаннат тенглана олмас.

.....

Аниқдир, фазо йили  
Ер йилидан фарқ қилар.  
Зеҳни ўткир одамлар  
Ҳисобин яхши билар.  
Коинотда ҳар бир йил  
Тенгдир икки асрга.  
Ўйла, яна ҳайрат қил,  
Вақтлараро бу сирга.  
Фазогирлар ҳаётин  
Ҳеч қачон осон дема.  
Минг йил ошиқ ўтибди  
Учганига «Нур кема».  
Шунча йил орасида,  
Кўён сайёрасида,  
Яъни ерда, албатта,  
Ўзгарин бўлган катта.  
Ўзгарган мевалар ҳам,  
Одамлар тетик, бардам.  
Ҳаммаси ҳам билимдон,  
Қучишиб зўр шараф-шон.  
Тинмай ижод қилинган,  
Олам сирин билинган.  
Учарлар кўкка қушдай,  
Ҳаёт гўёки тушдай.  
Қизиқарли эди хўб,  
Ажойибот шунча кўп.  
Айланиб кўргинг келур,  
Сайр этиб юргинг келур.  
Ҳавосида губор йўқ,  
Бундай гўзал баҳор йўқ.  
Ҳар томон гўзал, кўркам,  
Ҳатто коинотда ҳам  
Бу жозоба, бу чирой,  
Тошилмагай, ҳойнаҳой.

.....

Сўз кетидан сўз келар,  
Кема ҳам нурдай елар  
Қора осмон бағрида,  
Ва сукунат наҳрида.  
Фазогирлар безовта,  
Бу сирли коинотда  
Ер томон йўл олганда,  
Яқинлашиб қолганда  
Дилиана гўзал қиз,  
Сўзи ширин асал қиз  
Йон талваса қиларди.  
Ботирлар не биларди:  
Балки Она еридан,  
Ул кошона еридан  
Кўн узоқ кетганидан  
Мадор қочар танидан?  
Араруд ва ҳаммаси  
Ичга тушиб нафаси,  
Турардилар эғиб бош,  
Кўзларидан оқиб ёш.  
У бирдан кетиб ҳундан,  
Тўхтар юрак уриндан.  
Қаранг, қандай қиёмат,  
Қилиб бўлмайди тоқат  
Бу мотам, бу аламга,  
Нега келди оламга.  
Араруд тўлиб йнелар,  
Дод солиб бағрин тиклар.  
Усиз дунё тор унга,  
Қолдим дер қандай кунга.  
Уни юпатмоқ учун  
Ҳамма сарф айлар кучин.

.....

Экранда ер кўринар,  
Шу заҳоти билинар.  
Ерга асло ўхшамас,  
У мисоли Арукас  
Юзидек тиниқ эрди.  
— Айланиб келдик, — дерди. —  
Наҳот, — яна Бахтиёр. —  
Арукасга биз такрор...  
— Балки Она еримиз,

Ул дурдона еримиз  
Неча-неча йил ўтиб,  
Қутиб бизларни муштоқ  
Ўзгариб кетган мутлюк.  
Яшнаб гўзал бўлгандир,  
Бағри нурга тўлгандир.  
Ким билади, аҳтимол, —  
Деди хотирижам Камол.

.....

Араруддан бошқа ҳамма фазогирлар телекузатув камераси олдида сайёрани синчковлик билан текширишиб, орзиқиб кутилган Она ер эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Араруд ҳам ўзини сал тетик тутгандай бўлди.

Кема борган сари Она ерга яқинлашиб бораркан, унинг нузли чехрасига қурур билан суқланиб қарашарди. Кема бир очиқ майдонга қўнди. Майдон атрофи одамлар билан лиқ тўла эди. Улар бундан минг йил илгари Центаврга учиб қайтиб келаётган қаҳрамон фарзандларини таптанавор кутиб олишга чиқинганди.

Фазогирларни катта ҳурмат-аҳтиром ила олқинилаб кутиб олишди. Орадан минг йилдан ортиқроқ вақт ўтганини айтишганида фазогирлар бир-бирларига ҳайратомуз боқиб қўйинишди...

Араруд шифохонадан чиққанида тонг отган эди. «Ажабо, Она еримиз камолотда Арукае сайёрасига етибди-да», деб кўнглидан ўтказди. Бетутун юрадиган бир чиройли машинада фазогир дўстлари келишди. Улар билан Диланага ўхшаш бир қиз бўлиб, ёнида икки йигит ҳам бор эди. Ҳаммаси илқ кўришганидан кейин Бахтиёр, — Бизга Она еримиз гўзаллигини кўрсатмоқ учун дўстлар саёҳатга таклиф қилиништи, — деди-да, машинага ишора қилди.

Улар айланиб шодон,  
Боқди атрофга ҳайрон:  
Озода кўча-кўйлар,  
Қурилмиш ажиб уйлар.  
Осмоўнар тоғлари,  
Раиғ-баранг гулбоғлари.  
Қанчалар жозибадор  
Бўлибди она диёр.  
Зилол сувлари тиниқ,  
Ҳаво тоза ва илқ,  
Девор, қўра кўринмас,



Арукасликлар ҳавас  
Қилгулик жой бўлибди,  
Кўзгуси ой бўлибди.  
Ўтибди қанча замон,  
Ақлга сирмас ҳамон.  
Йўқ бўлиб чангу губор,  
Чор атроф гулу гулзор.  
Бўлишиб мисоли пар,  
Одамлар қундай учар.  
Бахтли яшар ҳар одам,  
Ишларкан роботлар ҳам.  
Одамлар иш бошқариб,  
Қолмаскан тезда қариб.  
Ўзгариб кетмиш бари,  
Ҳам учин маркаслари.  
Кўнаймиш дорилфунун  
Ҳар ерда ёшлар учун.  
Ҳаммага зўр эътибор,  
Кексалар ҳурмати бор.  
Болалар шоду қувноқ,  
Ҳавас қилгулик ҳарёқ.  
Йўқолиб бутун иллат,  
Дўст, иноқ барча миллат.  
Бир она боласидай,  
Чамаи гул-доласидай.  
Ширин-ширин сўйлагай,  
Қувноқ кўшиқ куйлагай.  
Эшитиб маст бўласан,  
Қувончаларга тўласан.  
Булбулигўё қушлар,  
Жўр бўлиб кўнгил хушлар.  
Қўёшининг меҳри шунда,  
Ой ҳам нур олар тунда.  
Бунда ҳар бир иморат,  
Гўё нурдан иборат.  
Ёдду сочиб туради,  
Товланиб кўринади.

Гўзал Арукас магар,  
Эмас эди шунчалар.  
Минг афеус, Дилиана  
Буни кўролмаё қолди.  
Эслаб Араруд яна  
Бошини қуйи солди.  
Овир хаёлга толди.

.....

Бир музейга кирдилар,  
Не ҳодиса кўрдилар.  
«Нур кема» сурати бор,  
Етти шоввоз сервиқор  
Турадилар сувратда,  
Бир қаранда албатта  
Ҳаммасин билиб олар,  
Ёзувга разм солар.  
Минг йил олдин учганин,  
Она ердап кўчганин  
Ўқинлар ҳайрону лол,  
Сўз-ла таърифлан маҳол.  
Ишонмай ўзларига,  
Ёш келар кўзларига.

Фазогирлар саёҳат қилишиб, «Етти чинор» деб аталган боғ томонга йўл олишди. Беш туп чинор бошларини осмонга тирағудай бўлиб яшнаб турибди. Икки туп чинор қандайдир сабабларга кўра қуриб йўқ бўлиб кетибди. Бу чинорлар тарихини фазогирлар яхши билишади. Бахтиёр дўстларига қарата вазмин бу сўзларни айтди: — Қанча-қанча йиллар, қанча-қанча авлодлар ўтибди, ер юзида етти ухлаб тушида кўрмаган нарсалар бунёд бўлибди. Не бахтким, аждодларимиз ўтган муқаддас Она еримизни қайта баркамол кўрмак бахтига мушарраф бўлдик. Эҳ, Она ер не-не ишларини бондан кечирмади. Урушлар, тўфонлар, офатлар... Одамлар баркамол бўлгунча бу табаррук сийгани неча-неча бор мажруҳ қилдилар. Мана, ниҳоят жаннатни ҳам ҳайратга соладиган энг гўзал масканга айланди.

Она ер қанчалар меҳрибон, қанчалар илтиқ. Буни фақат узоқ сафарда юрганингда ҳис этасан, киши... Она ер... Она ер мадҳини қанча куйласанг шунча оз...

2

1980–1983

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ ЁРНИДА

Мен Тошкент вилоятининг Наркент туманига қарашли қишлоқлардан бири Сўқоқда 1938 йилнинг 10 январида таваллуд топганман.

Сўқоқ Чотқол тоғ тизмаларининг ёнбағрига жойланган бўлиб, ўзининг мусоффо ҳавоси, ўйноқ чанма-буёқлари, кўкаламзор дондараклари, эртақнамо ёрлари, сирли новвог қоялари ҳамда турли-туман ҳайвонот дунёси ва сайроқ қишлоқлари билан кишини беихтиёр ўзига тортиб турадиган гўзал масканлардан биридир.

Тон поёндозлар устидан наасдай эшилиб оқаётган Сўқоқ соён қандайдир соҳрли оҳангда куйлаб дилларга ҳузур бағишлайди. Бу дунёларни йиритиб чиққан чўққилар устида бургутларининг парвозлари кўзларини қувонтиради...

Менинг отам Одиҳон Нодирхон ўғли 1903 йили 9 июлда, онам Шаҳодат Мирзахон қизи 1913 йили 8 сентябрда Сўқоқда туғилиб, нафақага чиққуларинча колхозда колхозчи бўлиб ишлаб келганлар. Отам 91 ёшда, онам 81 ёшда оламдан ўтдилар.

Отаниннг отаси Нодирхон эшон илми одам бўлиб, «қулоқлар»ни тутатин арафасида ўзининг бутун мол-мулкни камбағал бечораларга ва колхозга бўланиб бериб, «омон бўлсак, бир кунимизни кўрармиз» қабилида иш тутганлар.

Одатимиз бўйича саккиз отаниннг номларини билсаман. Бобомнинг боболарини энг каттаси Чоғирхон эшон бўлиб, улар олим ва баһоратчи одам эканлар. Маҳаллий аҳолни табаррук қабрларини ҳозиргача зиёрат қилиб туришади.

Иккинчи жаҳон уруши ғира-шира жимда, 1943—1944 йиллари бўлса керак, отам хасталиги сабабли урушга эмас, балки меҳнат баталиёнига юборилганди. Онам билан мен, укам уйда қолдик, укам чақалоқ эди.

Онам бечора очдан ўлмаслигимиз учун уйдаги нарсаларни арзон-таров озиқ-овқат маҳсулотларига: арпа, маккажўҳори, тарик, қуноқда алмаштириб, ўлмасак бир гап бўлар, деб кўз ёшларини бизга билдирмай енгига артиб кўярдилар... Тушлари эртақ, асли айтиб танишлардан бир оз енгил тортгандай бўларди.

*«...Қолдим мен гулдай сўлиб,  
Қайрилмади қариндошим, аяла,  
Қайғу-ғамда сел бўлиб  
Оқди тинмай кўз ёшим, аяла...»*

Ўша даврларни эласам, юрагим увушиб кетади. Лаънати уруш қишлоғимиздан қанчадан-қанча одамларининг ёстиғини қурипти.

*Бола эдим суронли йиллар,  
Дис этардим урушини мен ҳам,  
Юрак ўйнаб, вужудим титрар,  
Бевақт йиғи тошини эшитсам...*

Отам ишчи баталибидан касалга касал қўшилиб қайтиб келдилар. Вазият ўзгармади...

Мен онамга эрганиб колхоз даласига борардим, укамга бузимиз Хосият ойим қараб турардилар.

1945 йили қишлоғимиздаги ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишга бордим. Ўша йилнинг охирида Гулнса деган синглим дунёга келди.

Биз баҳор кеклари даладан немалоқ, шўра ўт, яшилз, мадор ўт, думбул териб еб, ёз ойлари жа арпа, буёдой ўрилгандан сўнг қолган бошоқларни териб тирикчилик ўтказардик.

1949 йили қишда бўёма касаллиги туфайли укам Адандан айрилиб, бошимизга мушбат тушди. Адан бўларли, ақли бола эди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас иккинчи укам Утбосар ҳам чечакдан кетди. Ўша йили илтиробдан бечора онамнинг сочи оқарди... Отам дардини ичига ютиб бировга билдирмасликка ҳаракат қиларди.

Ўша йили баҳорда томдан йиқилиб чап оёғим синди. Қузгача юролмадим.

1952 йили эрта кўкламда меҳрибон бузимиздан айрилиб қолдик. Шу йили ёзда Умринисо деган синглим, 1955 йили, мен ўрта мактабни битирганимда Баҳринисо деган синглим туғилди.

Сингилларим Тошкент тиббиёт олийгоҳини битиришиб, ҳозирги кунда Паркент тумани касалхонасида шифокор бўлишиб ишланмоқда.

Бобомиз Подирхон эшон менни бағри очиб, сахий, меҳмондўст ва олим одам бўлишимни орзу қиларканлар. Билмадим, шуни назарда тутибми, немимни олти ойгача Нарзудлоҳ, бир ёшгача Обидхон, бир ёшдан кейин Орифхон деб уч марта ўзгартирган эканлар, бунда бир ҳикмат бўлса ажаб эмас...

Ўша даҳшатли уруш йиллари ва урушдан кейин ҳам «Ҳақ дўст» дегучи девоналар кўп бўларди. Улар эшикма-эшик юришиб, Аҳмад Несавий, Машраб, Суфий Одиёёр ғазалларидан ўқишиб хайру аҳсон сўрардилар. Мен беш-олти ёшларимда баъзан бир девоналарга эрганиб ғазал ва ҳикматлардан айримларини ёд олардим. Ҳали-ҳали жимда, бир девона қайга бормасин:

*Дунё, дунё, кимга вафо қилгансан,*

*Кимки вафо деса, жафо қилгансан...*

«Ҳақ дўст» дерди.

Орадан бир йилча ўтди, ўша девонани маҳалламизда яна учратиб қолдик. У ҳамон ўша билганини ўқирди... Мендан бир-икки ёш катта бир бола, «Мудда ака, кўпроқ ўқисангиз бўлмайдими», — деди. Девона сал жилмайиб, «Шунга ҳам бериб турибти-ю», — деб жавоб қилди.

Ким билди дейсиз, кейинчалик ўша девоналарнинг ўқиган ғазаллари, балки озроқ бўлса ҳам, шеъринг гулшанига киришимга сабаб бўлгандир.

Менинг болалигим, ёшлигим асосан Сўқоқ қишлоғида ўтди. Табиат манзараларини жуда яхши кўргандим босе тоғларим бағрида кўрмаган ва кезмаган жойларим қолмаган десам лоф бўлмас. Ойдин туллар... Қўнларининг хузурбахш хонишлари, жылгалардан оқайтган оҳанглар, гулу чочаклардаги ранг-баранг ранглар жилоси, суйганим ва куйганим кўшимга қалам тутқазиб яхшимни, ёмонни шеър ёзишга илҳомлантириб турди...

Мен 1955 йили Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг агрономия-иқтисодий факультетига ўқинишга кириб, уни 1960 йили битирдим ва агроном-иқтисодчи муттаҳассислигига эга бўлдим.

Институтда ўқиб юрган давримда Хайриддин Салож, Эркин Воҳидов ва бошқа тенгдон шоирлар билан танишиб, Мақсуд Шайхюда, Фафур Гулом, Миртемир домла каби забардаст шоирларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлдим.

Институтдан сўнг Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги бир колхозда бухгалтер, Чотқол тоғ тажриба станциясида илмий ходим, Юқори Чирчиқ туманида маданият бўлими мудури, айни вақтда «Сўқоқ пансионати»нинг раҳбари вазифасида (1970 йилдан) ишлаб келмоқдаман. Ўнга яқин шеърини тўнлашим чош этилган.

Мустақиллик тўғриси элга танилдим. Юздан ортиқ шеър уфзалларим машҳур ва таниқли хонадалар томонидан кўнлик бўлиб айтылмоқда.

Камтарона хизматим ҳукуратимиз томонидан юксак баҳолашиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган унвонга сазовор бўлдим. «Тоғлар таронаси» китобим учун Халқаро «Чўпон» мукофоти берилди.

Одлоқнинг марҳамати билан менга озми-кўнми, олам кезин ҳам nasib этган. Ҳозирги Ҳамдўстлик давлатларидан таниқари Италия, Туркия, Ҳиндистон, Греция, Англия, Португалия, Франция, Испания, Шри-Ланка каби кўнгина мамлакатларга саёҳат қилдим.

Меҳрибон умр йўлдошим Тўлаҳўжаева Муяссар билан турмуш қурганимизга 35 йилдан ошиб кетди. 6 нафар фарзандимиз бор. Содиқжон, Собиражон, Наргиза, Шаҳноза, Ҳилола, Шоира ҳамда икки келини Зиёдахон, Наргизахонлар ҳаммаси ҳам олий маълумотли, ўз зиммаларидаги вазифаларини етдиқидилдан бажариб келмоқдалар.

Бир-биридан ширин 5 набира — Уллубек, Отабек, Подира, Позима, Камолаларнинг бобосиман.

Хулоса қилиб айтганда, ёзган шеърларим меҳнаткани она халқимизга манзур бўлиб, хушид қилолса, мен ўзимни бахтиёр деб ҳисоблайман.

## МУНДАРИЖА

Матёқуб Қўшжонов. Тоғлар куйчиси . . . . .	5
--	---

### БИР ҚЎШНИҚ БЎЛИБ

Булбуллар . . . . .	8	Ҳеч кимга . . . . .	24
Кўйлайверар . . . . .	8	Армон . . . . .	24
Мен қайта ушиб чиққум . . . . .	9	Харита . . . . .	25
Атрофда . . . . .	9	Қайтмади . . . . .	25
Қайтми . . . . .	10	Қиш . . . . .	26
Оромни сийламас ҳаёт . . . . .	10	Писон қалби . . . . .	26
Бола эдим . . . . .	11	Пейкор ғазал . . . . .	27
«Эшикни қоққандай...» . . . . .	11	Атлас кўйлагинг . . . . .	27
Агар . . . . .	12	У йилларга қайтқум . . . . .	28
Баҳор ёмири . . . . .	12	Коски . . . . .	28
Олтин дилёр . . . . .	13	Юксакка . . . . .	29
Ватаним Ўзбекистон . . . . .	15	Манзара . . . . .	29
Мухаббатга илтижо . . . . .	15	Эртақнамо . . . . .	30
Унутганим йўқ . . . . .	16	Зулматни ёриб . . . . .	30
У . . . . .	16	Сиз ўзга одамсиз . . . . .	31
«Учрашиб турардик...» . . . . .	17	Мен юрсам . . . . .	31
Юзи гўлдек ёшиб турган қиз . . . . .	18	«Сукунат кўйинга...» . . . . .	32
У кунлар . . . . .	18	Мен сени эсладим . . . . .	32
Суронли йиллар . . . . .	19	Тўғри йўлга . . . . .	33
Ниқ мотами . . . . .	19	«Оқшом нурсиз...» . . . . .	33
«Салом бермас...» . . . . .	20	Далада оқшом . . . . .	34
Вақт шамоли . . . . .	20	«Хамир қориб...» . . . . .	34
Ўзингни кўрасан . . . . .	21	Тош одам . . . . .	35
Афросиёб . . . . .	21	Йўлжит . . . . .	35
Юртимсан . . . . .	22	Ёз ойлари . . . . .	36
Кайфият . . . . .	23	Аждодлар урфи . . . . .	36
Осмон устунни . . . . .	23	Бир дарахт . . . . .	37

Қутамиз . . . . .	37	Кўнглимга яқиндир . . . . .	59
Қайда қолди . . . . .	38	Узма қадамини . . . . .	59
Сурнай . . . . .	38	Сирли сукунат . . . . .	60
Юрагимга . . . . .	39	Тонларга синган . . . . .	60
Ёнганим отар . . . . .	39	Арчалар афеонаси . . . . .	60
Маънос боқар . . . . .	40	Чўққиларга боқ . . . . .	61
Билотмадим . . . . .	40	Абадият остонасида . . . . .	61
Кўйламаста қўймайди . . . . .	41	«Шошмайсан...» . . . . .	62
Рўнарамда . . . . .	41	Тонг отар . . . . .	62
Ой осмонда . . . . .	42	Кам этма . . . . .	63
Ҳайрон бўлма . . . . .	42	Бағрим нурга . . . . .	63
Бахтим борки . . . . .	43	Ундадир . . . . .	64
Азабо . . . . .	43	Қизил гул мисоли . . . . .	64
Ухла, болам . . . . .	44	Тоғлиқлар одати . . . . .	65
Камбағал . . . . .	45	Она қишлоқ . . . . .	65
Баҳорни севардинг . . . . .	45	Чирой очиб . . . . .	66
Она бўлсанг . . . . .	46	Кўёш уфқларга . . . . .	66
Ўзгача . . . . .	46	Васлинг . . . . .	67
Биласизми . . . . .	47	Тоғларга келинг . . . . .	68
Майли . . . . .	47	Сен ўзинга . . . . .	69
Сен унга . . . . .	48	Кел, шоир дўстим . . . . .	69
Ҳасратларим . . . . .	48	Нетагим . . . . .	70
Кўиларинг ўтмоқда . . . . .	49	«Юзларим сийшалаб...» . . . . .	70
Қайтиб келаман . . . . .	49	Чақмоқ мисоли . . . . .	71
«Йиллар ўтар...» . . . . .	50	Увол . . . . .	72
Умидворлик . . . . .	50	Бир ҳис бор . . . . .	72
Нитихо . . . . .	51	Ёмғир ёғиб . . . . .	73
Бемаврид ўлим . . . . .	51	Тамом бўлди . . . . .	73
Кўнгабоқар . . . . .	52	Хотира . . . . .	74
Хали . . . . .	52	У ер . . . . .	74
Сиз ҳақда . . . . .	53	Гарчи . . . . .	75
Ёшлигим сўроқлаб . . . . .	53	Оталар удумин . . . . .	75
Эътиқод . . . . .	54	Бирга бўлур . . . . .	75
Сен менга . . . . .	54	Баҳор . . . . .	76
Тошини қулатма . . . . .	55	Адашиб қолдим . . . . .	76
«Найдо бўлди...» . . . . .	55	Не қилай . . . . .	76
Боғқўчангдан . . . . .	56		
Тоғ ва одамлар . . . . .	56		
Хотирот . . . . .	57		
Бир нур . . . . .	57		
Ҳавар . . . . .	57		
У сўймайди . . . . .	58		
Сарин слар . . . . .	58		
		<b>КИШИЛИКНИНГ СОЯСИДА</b>	
		Қайга борасан . . . . .	78
		Ўйқотмайман . . . . .	79
		Сенга ишқимни, санам . . . . .	79
		Ўтмас ҳеч қачон . . . . .	80

Эста олурган . . . . .	81	Гүлшан аро . . . . .	107
Ҳижрон деган азобларинг . . . . .	82	Сени кутгайман . . . . .	107
Бир ошиқ бўлиб . . . . .	82	Созингни сөз қила қолгин . . . . .	108
Мухаббат . . . . .	83	Ниқинг эди . . . . .	108
Ушбу кунлар . . . . .	84	Ҳижрон . . . . .	109
Ёшлик томон етаклар . . . . .	84	Зебо бўлибсиз . . . . .	109
Агарда сен . . . . .	85	Гул ҳаёт . . . . .	110
Қайга йўл . . . . .	85	Хаёлимда . . . . .	111
Юрагимга олов солиб . . . . .	86	Янгидан . . . . .	111
Ўртагимда меҳр қолди . . . . .	87	Ёр ўтар . . . . .	112
Қандоқ қилай . . . . .	87	Беғубор яшиар чаман . . . . .	112
Соғинганман . . . . .	88	Ҳижрон бутунча . . . . .	113
Қанотингни кимлар қайирди . . . . .	88	Туриб эрта саҳарларда . . . . .	113
Қарамадинг қайрилиб . . . . .	89	Васлинг қўмсаб . . . . .	114
Қайлардасан . . . . .	89	Орзу-армон ёнмасин . . . . .	114
Баъзилар . . . . .	90	Ниқ кўйида . . . . .	115
Мен ошиқ . . . . .	90	Бўлмас экан . . . . .	115
Айладингиз . . . . .	91	Айлагай гуллар ҳавас . . . . .	116
Сени топмадим . . . . .	91	Қоши ё келди . . . . .	116
Сайри гулзор . . . . .	92	«Кўйлагай гулшан аро...» . . . . .	117
Неъмат эрур . . . . .	92	Келди Наврўз . . . . .	117
Кўнгил . . . . .	93	Жоним элим-эй . . . . .	118
Мухаббатим, сени назарман . . . . .	94	Орол монологи . . . . .	119
Бўлмас . . . . .	95	Қачон боғингда . . . . .	120
Қайтадан гулёр келиб . . . . .	96	Оламнинг зийнати . . . . .	120
«Не бўлур, ёр келса-ю...» . . . . .	96	Баҳор чоғи . . . . .	121
Ниқ юки . . . . .	97	Келдим . . . . .	121
Ёдга тушиб . . . . .	97	Эй санам . . . . .	122
Ўйнагай . . . . .	98	Висолингда етолмадим . . . . .	123
«Келмадинг...» . . . . .	98	Қайда қолдинг, адолат . . . . .	123
Она меҳри . . . . .	99	Қувсанг-да, етолмасан . . . . .	124
Кўрсатур . . . . .	99	Ул ёр кўринмас . . . . .	124
Висолинг аҳтиёжимдир . . . . .	100	Ой юзингни соғиниб . . . . .	125
Сени ширин табассумингдан . . . . .	101	Тингласам мен «Чўли Проқани . . . . .	126
Бу оқшом . . . . .	102	Баҳор кезлари . . . . .	127
«Ота-онадан...» . . . . .	102	Достон қилинг . . . . .	128
Эслатур . . . . .	103	Ёшлик чоғим ёдимга тушса . . . . .	129
Сен билмадинг . . . . .	103	Ой юзлинг . . . . .	129
Одам гўзал олам учун . . . . .	104	Нурафшон кун . . . . .	130
Бодом гуллари . . . . .	104	Наззора айлаб . . . . .	130
Кўринмайсан . . . . .	105	Бир гўзал . . . . .	131
Ота-онанг . . . . .	106	Этгаймикан . . . . .	131
Сен бахтим-баҳоримсан . . . . .	106	Соғиниб . . . . .	132



Шармисор айлар сени . . . . .	132
Она халқим . . . . .	133
Этмиш . . . . .	133
Бўла қолдинг . . . . .	134
Замонга боқ . . . . .	134
Сендан бўлак . . . . .	135
Булбул фиғони . . . . .	135
Куйладим . . . . .	136
Даво керакмас . . . . .	136
Шикри йўқ . . . . .	137
Бағримни дола қилма . . . . .	137
Афсона бўлмиш . . . . .	136
Сайр этганда . . . . .	138
Ўлкам таронаси . . . . .	139
Сен учун . . . . .	140
Бир қиз . . . . .	141
Кўнглини беғубор айла . . . . .	141
Кўзларим қаросинга . . . . .	142
Садоқат . . . . .	142
Борурман . . . . .	143
Мунча гўзал . . . . .	143
Севги нэхор қиламан . . . . .	144
Ойлар ўтди, йиллар ўтди . . . . .	145
Ой фалак . . . . .	145
Сўндириб қўйдинг . . . . .	146
Раънонинг гули . . . . .	146
Мен ҳам . . . . .	147
Бахтим десам . . . . .	147
Тоғларни сайр айлагил . . . . .	148
Таъзим қилур . . . . .	148
Бахти кулган Ташкентим . . . . .	149
Неча йиллар . . . . .	149
Кўринур . . . . .	150
Раиғ олмиш . . . . .	150
Шиким тушиб . . . . .	151
Сўқоқ сойлари . . . . .	151
Ошнқ дилини . . . . .	152
Қувноқ ёшлигини . . . . .	152
Азим тоғларим . . . . .	153
Кутганим ўзини . . . . .	153
Додалар . . . . .	154
Мен куйладим . . . . .	154
Эл гўзал . . . . .	155

Ой ўроғи . . . . .	155
Айлама . . . . .	156
Шалюла сой . . . . .	156
Севдим, нетай . . . . .	157
Қиз хаёли . . . . .	157
Шикрингизда . . . . .	158
Эл севар . . . . .	158
Сен ифтихорим . . . . .	159
Дийрим маҳли . . . . .	160

## ДУНИЁ КЕЗИБ

Ўўлларда . . . . .	162
Махатма Ганди . . . . .	163
Маҳабалинурам . . . . .	170
Соҳилда . . . . .	170
Тоғмаҳал . . . . .	171
Ники буюк қалб . . . . .	172
Сув париси ҳақида афсона . . . . .	173
Саҳройи араб эътиқоди . . . . .	174
Ўрмон . . . . .	175
Қалбимда тўқниш . . . . .	175
Продам . . . . .	176
Коллизей . . . . .	177
Ёнимда турасан . . . . .	178
Денгиз нотинч . . . . .	178
Кўшиқ . . . . .	179
Ялга . . . . .	179
Ё уни ҳам . . . . .	180
Булдуллар . . . . .	180
Кавказ . . . . .	181
Сопун гора . . . . .	181
«Бир бекатга...» . . . . .	182
Донгстон . . . . .	182
Нимадир . . . . .	183
Самю чамани . . . . .	183
Ҳар маҳал . . . . .	184
Қайлардасан . . . . .	185
Ҳайратга тушиб . . . . .	186
Учиб кетсам . . . . .	186
Ўўлларимга шигвор . . . . .	187
Саёҳатда . . . . .	188
Регистондан . . . . .	189

Қозни билан Африда . . . . .	189
7 декабрь, 1988 йил . . . . .	190
Тўрлик . . . . .	190
Кантарлар . . . . .	190
Яқинда қайтаман . . . . .	191
Бир муҳожирга . . . . .	191
Юлдузлар . . . . .	192
Меҳнатда . . . . .	192
Олам моддийлиги . . . . .	193
Бир уйда . . . . .	193
Ёлғиз қайғу от . . . . .	194
Ошқора этмоқда . . . . .	194
Соғинч . . . . .	195
Амударём . . . . .	195
Титраб турар . . . . .	196
Юртимга шондим . . . . .	196
Шовуллаб оқди сой . . . . .	197
Ҳаловатингдан . . . . .	197
Ер қурраеп . . . . .	197
Ватан ҳақида . . . . .	198
Нешвоз чиқар . . . . .	198

#### ОҚАР СМВЛАР

Тил берса . . . . .	200
Ўзини . . . . .	200
Ёзилгим сўроқлаб . . . . .	201
Умид юлдузлари . . . . .	201
Оқ қайин . . . . .	201
«Будушларнинг бағрини ёриб...» . . . . .	202
Ҳайрат ичра . . . . .	202
Маъдум бўлинад . . . . .	202
Вазирлик ҳолатида . . . . .	203
Орзу . . . . .	203
«Тоғ ортидан ҳар қун...» . . . . .	203
На чори . . . . .	204
Ниқинг билан . . . . .	204
Лекин . . . . .	204
«Бир бевафо дардида...» . . . . .	205
Ҳайронман . . . . .	205
Сўзларингга . . . . .	205
Қўён ҳам . . . . .	206

Кеч куз . . . . .	206
Бўрон ухлар . . . . .	206
Табаррук ҳаёт . . . . .	207
Умид . . . . .	207
Гул эмас . . . . .	207
Ойдин кечалар . . . . .	208
Бир кунимни . . . . .	208
Арча . . . . .	208
Унинг . . . . .	209
Дўстларимга ўхшайди . . . . .	209
Улғайиб сен . . . . .	210
У эса . . . . .	210
Неърим . . . . .	211
О, одамлар . . . . .	211
Касалхонада . . . . .	212
Сақланг мангу . . . . .	212
Ота ва бола . . . . .	213
Истагим . . . . .	213
Чол ҳаёли . . . . .	214
Раҳим кезади . . . . .	215
Чопмоқда . . . . .	216
Обга ўхшайсан . . . . .	217
Тутмағил осон . . . . .	217
Дангаса . . . . .	218
Кўрқувда яшадим . . . . .	218
Кетдинг . . . . .	219
Ўтар умри ниво билан . . . . .	220
Меча йиллар . . . . .	221
Икки чинор . . . . .	221
Олам нурга . . . . .	221
Қишлоқнингга . . . . .	222
Қўшиқ бўлиб . . . . .	222
«Фалакда аке этмин!» . . . . .	222
«Тоғ мудрайди...» . . . . .	223
Биз ўтган днёр . . . . .	223
Соя . . . . .	224
«Вақт ҳеч қайрилмай...» . . . . .	224
Бас қил хотин . . . . .	225
Мухаббат ўтида . . . . .	226
Армон . . . . .	226
Ширин баҳс . . . . .	227
Ёмғир қор . . . . .	227
Сариқ ранг . . . . .	228



Ёд айладим . . . . .	276	Тоғлардан . . . . .	298
Қайларда қолдинг . . . . .	277	Ўзимга-ўзим . . . . .	298
Қайданам бу . . . . .	277	Менга азия . . . . .	299
Хожати йўқ . . . . .	278	Тушларимда . . . . .	300
Қайданам ошиқ бўлдим . . . . .	278	Тоғларим менинг . . . . .	300
Мастона эмас . . . . .	279	Яшнаси . . . . .	301
Тинч қўймас сени . . . . .	279	Ғар қўмаса . . . . .	301
Шик ўтида . . . . .	280	Дийримдан айирма . . . . .	302
Бу ҳаёт сўқмоғида . . . . .	280	Қувончдан . . . . .	302
Сени кўрай деб . . . . .	281	Аммо менинг . . . . .	303
Бахшиёна . . . . .	281	Ярим йўлда . . . . .	303
Кўйдурар . . . . .	282	Қолдим . . . . .	304
Баҳслашман . . . . .	282	Дўстдек яқин . . . . .	305
Учиб кетдим . . . . .	282	Ҳайратга тушар . . . . .	306
Юрагимни сиқар бир алам . . . . .	283	Бугун байрам . . . . .	307
Ўхшамас . . . . .	283	Мен тасодиф эмасман . . . . .	307
Бир келсанг нетар . . . . .	284	Бир бўри ҳақида . . . . .	308
Аҳил бўлиб . . . . .	284	Узоқ бўл . . . . .	309
Дилгинам ёришмас . . . . .	285	«Овга чиқсанг...» . . . . .	309
Юрагимга қил сизмай қолди . . . . .	285	Сарғайган баргларида . . . . .	309
Лаганбардор, бахил одамлар . . . . .	286	Тушга ўшар . . . . .	310
Неча йиллар . . . . .	286	Ҳақ сўзни . . . . .	310
Дилрабо ёрни устаб . . . . .	287	Хаёлим сенда . . . . .	311
Билмавман . . . . .	288	Авлодим учун . . . . .	311
Хотиралар . . . . .	288	Заҳар . . . . .	312
Сўқмоқ йўлда . . . . .	289	Ўлмайди . . . . .	312
Манзара . . . . .	289	Нушаймонсан . . . . .	313
Бир уй бор . . . . .	290	«Табаррук дунёни...» . . . . .	313
Хилма-хил чечак . . . . .	290	Олам ҳаракатда . . . . .	313
Дилга чўкар . . . . .	290	Ёндириб . . . . .	314
Ой чарақлар . . . . .	291	Тош . . . . .	314
Шун билсанг . . . . .	291	Барг остида . . . . .	315
Ажабо . . . . .	292	Йўлим . . . . .	315
Балки . . . . .	292	Давом этар . . . . .	316
Табиятга озар . . . . .	293	Не қилмоқ истасанг . . . . .	316
Келардинг . . . . .	293	Бугун . . . . .	317
Оҳ урар бўласам . . . . .	294	Меҳрингни . . . . .	317
Ноз-ла боқиб . . . . .	295	«Тоғда кўрдим...» . . . . .	317
Ҳаётининг мазмуни . . . . .	295	Шон . . . . .	318
Рухим ухларди . . . . .	296	Учрашар . . . . .	318
Ортқча . . . . .	296	Доғларин . . . . .	318
Тоғларимга боқаман . . . . .	297	Не ажаб . . . . .	319
«Ўзгаларнинг ҳурматини...» . . . . .	297	Кўрганлар ҳайрон . . . . .	319



**О—29 Одилонов О.**

Сайланма: Шеърлар, дoston// Сўз боши:  
М.Қўшжонов/. — Т.: «Шарқ», 1999. — 400 б.+16 б.  
зарв.

Ўз2

**ОРИФ ОДИЛХОНОВ**

**САЙЛАНМА**

**Адабий-маърифий нашр**

**Тошкент**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни**

**Бош таҳририяти**

**1999**

*Муҳаррир: Барнобек Эшпўлатов*

*Мусаввир: Виталий Куликов*

*Бадний муҳаррир: Михаил Самойлов*

*Техникавий муҳаррир: Галина Ломиворогова*

*Мусахҳиҳлар: Юлдуз Бизаатова, Жамила Тоирова*

Теришга 14.12.98 да туширилди. Чоп этишга 28.01.98 руҳсат берилди.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Бодони» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 21.0+1,0 зарв. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,9+1,46 зарв. Адади 10.000  
нусаха. Буюртма № 3265. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,  
700083, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.**